

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛЯТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Б. ОЧИЛОВА, А. САИТҚОСИМОВ,
С. НАЗАРҚОСИМОВ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
СОЦИАЛ МЕХАНИЗМИ
ВА АСОСЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Билим соҳаси – 100000 Гуманитар
Таълим соҳаси – 110000 Педагогика
Таълим йўналиши – Бакалавриат

**“ТАФАККУР” НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2021**

КБК: 60.5

УЎҚ: 316:347.471(075.8)

О 95

Очилова Б.М., Саитқосимов А.И., Назарқосимов С.И.

Фуқаролик жамияти социал механизми ва асослари [Матн]: Ўқув қўлланма / Очилова Б. М., Сайдқосимов А. Й., Назарқосимов С.И. – Тошкент, “Tafakkur” нашриёти, 2021 йил. – 360 бет.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Абдуғани ХОЛБЕКОВ, социология фанлари доктори, профессор

ТАҚРИЗИЛАР:

Нарзулла ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор
Бекдавлат АЛИЕВ, фалсафа фанлари доктори, профессор
Комил СИНДОРОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 18 августда № Б. Д. – 1. 06 рақами билан рўйхатдан ўтган ҳамда 2017 йил 24 августа тасдиқланган “Фуқаролик жамияти” фан дастури асосида тайёрланган.

Мазкур жамоавий ўқув қўлланмада фуқаролик жамияти социал механизми ва асослари тизимли баён этилган бўлиб, унинг мазмуни дунёда кўпчилик томонидан тан олинган фалсафий билим структурасига мос келади.

Қўлланмадан таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндангаг 359-сонли буйруғига асосан нашр этишига руҳсат берилди.

ISBN: 978-9943-24-423-8

© **Б. М.Очилова, А.И.Саитқосимов,
С.И. Назарқосимов, 2021**

© **“Tafakkur” нашриёти, 2021**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришнинг сиёсий шаклини демократик давлат, ижтимоий муҳитини – фуқаролик жамияти ва иқтисодий мазмунини бозор муносабатлари ташкил қилишини таъминлашга даъват этилган демократияни унда яшайдиган фуқароларнинг ўзларигина яратишлари мумкин.

КИРИШ

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида фуқаролик жамиятининг назарий-методологик асослари, шунингдек, уни ривожлантиришнинг фалсафий концепциялари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади. Бу, биринчидан, фуқаролик жамиятини ўрганиш тамоиллари, ижтимоий-иктисодий воқеликка ёндашув хусусиятлари ва парадигмалари доимий равища ўзгариб, такомиллашиб бориши билан характерланса, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаёт ва миллий тараққиёт, унинг тарихий ўзгарувчан характеристи, динамик мураккаблиги, ижтимоий субъект ривожланиш даражаси, унинг имкониятлари, ҳаётий эҳтиёжлар нисбати ва уларни қаноатлаштириш, иқтисодий ва сиёсий турмушни ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинлик, хусусий мулкка асосланган манфаатлар (эҳтиёжлар) устуворлиги, инсоний бирликлар, гурухларнинг социал алоқалари ва муносабатлари, социал сифат ва ижтимоий инфраструктура, демократик қадриятлар ва ўзини-ўзи бошқариш каби ҳодисаларни ижтимоий фалсафий таҳдил қилиш, жамиятнинг соҳалари трансформациясини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ва илмий холосаларни шакллантириш зарурияти билан ифодаланади.

Ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устувлорлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиши, институционал салоҳиятни кучайтириши, кучли демократик институтларни шакллантиришига боғлиқ.

Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий манфаатларни ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Бу қуйидаги тамойилларда ўз аксини топади:

– фикрлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мавжуд концепциялар орқали таҳлил этилади ва замонавий шароитларга хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб берилади;

– ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ўзаро уйғун тарзда ўрганади;

– жамиятда этносиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатади;

– ижтимоий муносабатларнинг жамият соҳалари ва тизимидағи воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этади;

– жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ижтимоий манфаатларига таъсирини ўрганади.

Бугунги босқичда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кўламини кенгайтириш, аҳолининг

сиёсий маданиятини ошириш, жамиятда манфатлар, турли хил қарашлар, сиёсий ва эътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, жамоат бирлашмаларининг ҳозирги босқичдаги ижтимоий мавқенини ошириш, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий ҳаётни, давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш, ҳокимият бўлиниши принципининг инсоният томонидан умумэътироф этилган тамойилларини амалда қўллаш, давлат ҳокимияти органларининг ваколатини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш масалалари стратегик вазифа сифатида ҳал этилмоқда.

Модернизация жамиятнинг барча соҳаларида ўзига хос кўринишга ва миқёсга эгадир. Жамиятда модернизациялаш ва инновационлаштириш шундай жараёнки, унда анъанавий ижтимоий турмуш тарзидан замонавий босқичга ўтилади ва унинг заминида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга эришилади. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, модернизация жараёнлари фуқаролик жамияти барпо этилишида ўзига хос ҳаракатлантирувчи восита бўлиб хизмат қиласи, демократик институтларнинг вужудга келиши, фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирокига реал имкониятлар яратади.

Ҳар қандай мамлакатда фуқаролик жамияти тақдири унинг сиёсий механизми, меъёрий ҳуқуқий асослари ва иқтисодий кафолатлари, маънавий омиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шу билан бирга ижтимоий ривожланиш объектив қонуниятларининг кечиши суръатига субъектив талаб ва интилишларнинг акс эттирилиши даражаси мос бўлиши лозим. Агар фуқаролик жамияти

асосларининг қарор топиши шахснинг ижтимоий-лашуви, яъни инсонларнинг демократик тамойил ва қадриятларни ўзлаштириши учун қулай мухит бўлса, ўз навбатида, шахснинг бундай жараёнда онгли тарзда иштироки фуқаролик жамияти амал қилишининг бош омилига айланади.

Шунингдек, кишилар онгида маданий, маънавий жиҳатдан янгиланиш, боқимандалик иллатидан тамомила ҳоли бўлиш, озодлик ва мустақиллик каби неъматлардан тўла баҳраманд бўла олиш имкониятларини шакллантириш каби вазифалар борки, буларнинг ҳаммаси ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган хусусиятлардир.

Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятини ўрганиш ва ундаги жараёнларни тадқиқ этиш орқали қуидаги мақсадларга эришиш кўзда тутилади:

- турли инсонлар, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларни умуммуштарак мақсад сари йўналтириш, ижтимоий муносабатларни ривожлантириш;
- иқтисодий ҳаётнинг устувор мақсадларини аниқлаш, уларни амалга оширишга инсонларни йўналтириш, инсонларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланиб боришига эришиш;

- мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ижтимоий муносабатларни узлуксиз такомиллаштириб бориш, янги усуслар, технологиялар, услублар, тамойилларни татбиқ этиш;

- салбий омиллар ва муаммоли ҳолатларнинг бартараф этиш йўлларини қидириш, ўзаро келишув, муросага эришув;

- миллий-маданий мерос, урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантириш, унинг янгилиниб боришини амалда таъминлаш;

— мамлакатнинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини амалга оширишга, эркин, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишига хизмат қилишдан иборат.

Ушбу фикрлар аналитик таҳлил асосидаги мазкур ўқув қўлланма муаллифлар жамоаси томонидан нашрга тайёрланди.

Муаллифлар: фалсафа фанлари доктори, профессор Бахти Очилова, фалсафа фанлари доктори, доцент Акбар Сайтқосимов, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Сарвар Назарқосимов.

I-БЎЛИМ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ДЕМОКРАТИК, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

1-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ ФЕНОМЕНИ

1. Фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт асосида юз берувчи социал ҳодиса.
2. Фуқаролик жамияти ва уни ўрганишнинг назарий - методологик масалалари.
3. Инсон, давлат ва жамиятнинг барқарор социал алоқаси фуқаролик жамиятининг муҳим омили.

1. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДА ЮЗ БЕРУВЧИ СОЦИАЛ ҲОДИСА

Фуқаролик жамияти жамиятнинг муайян бир кўриниши бўлиб, жамиятнинг тузилиши ва ўзини-ўзи бошқариш нуқтаи назардан, сифат жиҳатдан янги ҳолатини ифодалайди. Унинг бош тамойили ўзини-ўзи бошқариш, жамоат назорати, ижтимоий ҳамкорлик, фуқароларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятдир. Шу ўринда “жамият” тушунчаси, унинг моҳияти, ривожланиб бориш қонуниятлари ва “фуқаролик жамияти” ҳодисаси билан боғлиқлик ҳамда фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Жамият” тушунчаси таърифланганда бир қанча назарий, методологик ва этимологик мураккаб-ликларга дуч келинади. Биринчидан, бу тушунча

ҳажми ва мазмуни жиҳатдан жуда кенг. *Иккинчидан*, бу тушунча мавҳум, яъни фалсафий категориядир. *Учинчидан*, бу тушунча динамик, яъни ривожланувчандир. *Тўртинчидан*, жамият фақат фалсафа фанининг предмети бўлмасдан ҳамма ижтимоий фанлар мажмуининг предметидир. *Бешинчидан*, “жамият” атамаси турли маъноларда ишлатилиши мумкин.

Француз файласуфи ва социологи Эмиль Дюркгейм (1858-1917)нинг фикрича, “Жамият – бу индивидларнинг оддий йифиндисидан иборат бўлмай, маҳсус хусусиятларга эга бўлган, уларнинг бирлашмасидан ташкил топган тизим бўлиб, реалликнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган “сүи генерис” акс эттиради”. Немис файласуфи Макс Вебернинг (1864-1920) фикрича, жамият инсонларнинг ўзаро таъсиридан, яъни ижтимоий хатти-ҳаракатлардан ташкил топган тизим бўлиб, бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатига қарши жавоб тариқасида йўналтирилгандир. М. Вебер жамият ривожининг асосини ижтимоий фаолиятда, деб ҳисоблади. Америка социологи ва ижтимоий фалсафа бўйича мутахассис – файласуф Толкотт Парсонс (1902-1979) фикрича, жамият қадриятлар ва меъёrlар билан боғланган одамларнинг муносабатига асланган тизимдир¹.

Француз социологи Э. Дюркгеймнинг жамият ҳақидаги қарашларининг асосини “социал бирдамлик” (*solidarite*) концепцияси ташкил этади².

Инглиз олим Г. Спенсер вақт интервалида жамият структуравий тузилиши жиҳатидан ривожланиб борар экан, ундаги социал ўзгаришлар функ-

¹ Фалсафа. (М. Аҳмедова умумий мухаррирлиги остида). -Т. , 2005. -Б. 556.

² Дюркгейм Э. Социология. Её предмет, метод, предназначение. Серия: Социо-Логос. М. Терра. 2008. - 400с.

циялардаги ўзгаришлар билан боғлиқликда амалга ошади, деб ҳисоблайди¹.

Италиялик жамиятшунос В. Парето социумни доимо издан чиқиб турувчи ва ўзида барқарорликни тиклаб турувчи тизим сифатида олиб қарап экан, жамиятнинг бир – бирига ўзаро таъсир этиб турувчи таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлигини муҳим омил сифатида баҳолаган.

Таниқли россиялик тадқиқотчи Э. В. Тадевосян ўзининг жамиятга берилган таърифида унинг барқарорлик, бир бутунлик, ўзини-ўзи бошқариш, ўзига тўқлик, ўзини-ўзи ривожлантириш, одамларнинг маълум алоқадорлиги ва ўзаро таъсирда бўлиши, муайян ижтимоий меъёрлар ва қадриятларнинг мавжудлиги каби хусусиятларни ажратиб кўрсатди².

Жамиятнинг динамик ривожланиб бориши ҳолатини ва жамиятда юз берувчи мураккаб социал ҳодисаларни тушунтирувчи янги концепциялар, улар асосида эса фундаментал назариялар вужудга келди. Бу назарияларни беш авлодга ажратиш мумкин бўлиб, бу назарияларга беш турдаги парадигмалар мос келади: *Биринчиси* – эволюцион – чизиқли назария ва унга мос келувчи позитивистик парадигма; *иккинчиси* – социал ҳодисаларнинг эҳтимоллигига асосланган назария ва унга мос келувчи интерпретатив парадигма; *учинчиси* – жамият ривожланишини ноаниқ флюктуациялар (П. А. Сорокин), кучайган дифференциация (Т. Парсонс) ва социал амбивалентлик каби жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган назариялар ва уларга мувофиқ

¹ Спенсер Г. Основания социологии: Данные социологии. Индукция социологии. Пер. с англ. Серия: Из наследия мировой социологии Изд. стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ 2016. - 440с.

² Қаралсин: Э. В. Тадевосян. Социология. М., 1999. 120-130-б.

келувчи – интеграл парадигма; *тўртинчиси* – ўзида индивидуал рефлексивлик ва институционаллик каби жиҳатларни мужассамлаштирган замонавий жамиятни таҳлил этувчи назария ва унга мувофиқ келувчи рефлексив парадигма¹.

Жамият ҳақидаги умумий методологик концепциянинг яратилишига катта ҳисса қўшган олим Т. Парсонс ўз тадқиқотларида тўрт функционал тизими: а) мақсадга эришиш; в) мослашиш (адаптив); с) интегратив; д) тартибни сақлашни социал институтларнинг мавжудлик шарти деб ҳисоблайди. Биринчи функция социумнинг мақсадли кўрсатмаларга эришиши билан боғлиқ бўлиб, унга жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизими мувофиқ келади. Иккинчи функция эса социумни атроф-муҳитга мослаштириш ҳисобланиб, бу иқтисодий тизимга мувофиқ келади. Учинчи функция ички тартиб ва бир бутунликни таъминлашга қаратилган бўлиб, маданий тизимга мос келади. Тўртинчи функция эса социумдаги нормаларни унинг аъзолари томонидан ўзлаштирилишини ифодалаб, у жамиятнинг маънавий тизими орқали амалга оширилади². Т. Парсонс жамиятни социумнинг барча қатламларидаги муносабатларнинг социаллик тўқимаси сифатида талқин этади.

Ҳозирги кунда жамиятнинг структураси ва унинг тараққиёти масаласини ёритишга қаратилган назарияларнинг бешинчи авлоди шаклланган бўлиб,

¹ Кравченко С. А. Развитие социологической теории в начале третьего тысячелетия: по материалам международных конгрессов и конференций / С. А. Кравченко // Гуманитарный ежегодник. №7 / Отв. ред. Ю. Г. Волков. – Ростов н/Д: Социально-гуманитарные знания, 2008. - С. 110-128

² Система координат действия и общая теория систем действия. Функциональная теория изменения. Понятие общества// Американская социологическая мысль. — М. : Изд. Международного ун-та бизнеса и управления, 1996. — с. 462-525.

уларнинг қуидаги классификациясини келтириш мумкин:

- 1) конфликтологик ёндашув;
- 2) социал дифференциация ёндашуви;
- 3) тармоқ назарияси (Р. Берт);
- 4) жамиятнинг атомистик назарияси;
- 5) символик интеракционизм;
- 6) диалектик парадигма;
- 7) индивидуализм ва холизм.

Шунингдек, жамиятнинг тузилиши, унинг тараққиёти ва ривожланиши ҳақидаги ғоялар, назариялар ва концепциялар *формацион* ва *цивилизацион* ёндашувлар асосида ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Формацион ёндашув асосий эътиборни жамиятнинг тарихий тараққиёти жараёнини бир қатор босқичлар билан белгилаган ҳолда уни маълум бир кетма – кетлик асосида ибтидоий, қулдордик, феодализм, капитализм каби босқичларга қаратади.

Цивилизацион ёндашув тарафдорлари эса жамият тараққиётини маълум бир метафора асосида изоҳлашга интилишган. Цивилизацион ёндашувга кўра, жамият тараққиёти вужудга келиш, ривожланиш ва таназзул каби босқичлардан иборат бўлади.

XXI асрнинг бошларида шиддат билан ривожланаётган жараёнлар жамият ҳақидаги классик ҳисобланган назарияларга ҳам муҳим ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритишни зарурятга айлантирди.

Ҳозирги кўринишда жамият такрор ишлаб чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи ташкил ташкил қилиш ички механизmlарига эга бўлган тарихан муайян, яхлит ва барқарор тизим сифатида таҳлил этилди. Жамиятнинг тизимлилиги, конкрет

бир бутунлик сифатидаги мавжудлиги ва ривожи социум ҳисобланар экан ва бу асос реаллик сифатида ўз ички қонунлари асосида ўзгариб борар экан, жамият социал муносабатлар тизимини англатади.

Ижтимоий муносабатлар кишилар, ижтимоий гурухлар, миллатлар, ташқи табақалар ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ички иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мағкуравий ва маданий соҳалардаги фаолиятини ташкил қиласди. Алоҳида олинган инсон - жамиятнинг, ижтимоий муносабатларнинг бошланғич унсури ҳисобланади. Шу маънода инсоният умумий тараққиётининг универсал қонуниятлари кишиларнинг социал ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу социал организм барча таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги асосида мукаммаллашуви қўйи босқичдан бир мунча юқори ва мураккаб босқичларга кўтарилишини белгиловчи омилдир.

Жамият ўз мавжудлигини таъминлаши ва ривожланиш жараёни алоҳида муҳим вазифаларни бажарадиган ҳамда аниқ ташкилий тузилмага эга бўлган ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар – институтларнинг тармоқланган тизими яратилиши билан тавсифланди. Маълумки, “институт” атамаси лотинча “институтум” сўзидан пайдо бўлиб, у “ўрнатиш” ёки “ташкилот” деган маъноларни билдиради.

Институт – инсон фаолиятининг маълум соҳасида, яъни амалиётда ўзини намоён қилишда юз берадиган ижтимоий алоқалар тизими ва ижтимоий меъёрлар йиғиндисидир. Институтлар жамият нормал фаолиятининг зарурый омили саналган ижтимоий муҳим фаолиятни амалга ошира-

ди. Бундай институтлар қаторига давлат ва унинг институтлари, партиялар ва ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, диний муассасалар, таълим ва маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш ва санитария хизмати тизимлари, бозор, банклар ва ҳоказолар киради. Ижтимоий институтлар фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари: оила ва ишлаб чиқариш, товарлар ва пуллар ҳаракати, ишлаб чиқариш, истеъмол ва ҳоказоларга нисбатан татбиқ этилади. Институтлар турли бирликлар ва гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштириши амалга оширади, уларнинг самарали ўзаро алоқасини таъминлайди, вужудга келган ижтимоий қадриятларни мустаҳкамлайди ва янгиларини яратади.

Ижтимоий муносабатлар соҳаларига қараб ижтимоий институтлар қуйидаги турларга бўлинади:

- иқтисодий институтлар;
- сиёсий институтлар;
- никоҳ, оила ва қон-қариндошлик;
- тарбия институтлари;
- маданият соҳаси институтлари.

Жамият тўғрисидаги назариялардан келиб чиқадиган бўлсак, жамият ижтимоий тизим сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

- ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқаришни тизимлаштириш;
- такрор ишлаб чиқариш ва инсонни ижтимоийлаштириш;
- меҳнат натижаларини тақсимлаш;
- давлатнинг бошқарув фаолиятининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш;
- сиёсий тизимларни структуралаш;
- мафкураларни шакллантириш;
- маданиятлар ва маънавий қадриятларнинг тарихий давомийлигини таъминлаш.

Бу функциялар жамият ва фуқаролик жамияти ўртасидаги бевосита алоқадорлик ва боғлиқликни ифодалайди.

Фалсафа қомусий луғатида фуқаролик жамиятига қўйидагича таъриф келтирилган: “Мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушни ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатлайдиган маълум ижтимоий тизим. Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти устидан фуқароларнинг тўла назорати ўрнатилади. Фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари жамиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунларга таянган ҳолда амалга оширилади”¹.

Ҳозирги кунда “фуқаролик жамияти” тушунчасини кенг ва тор маъноларда ишлатиш русумга кирган. Кенг маънодаги “фуқаролик жамияти” – давлат ва унинг тузилмалари томонидан жамиятни эгаллаб олинмаган қисми, бошқача айтганда, давлатнинг қўли етмаган қисмидир. Бу каби жамият давлатга нисбатан автоном, бевосита унга қарам бўлмаган қатlam сифатида ривожланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти кенг маънода фақат демократик қадриятлари муҳитидагина эмас, балки авторитаризм режимида ҳам яшай олади. Лекин тоталитаризмнинг пайдо бўлиши билан фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимият томонидан бутунлай “ютиб” юборилади.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси тор маънода талқин этилганда, у ҳуқуқий давлатнинг иккинчи томони бўлиб, улар бир-бирисиз яшай олмайди. Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида давлат тасарруфида бўлмаган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг

¹ Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 438.

Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқча топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқарии органларини янада ривожлантириш демакдир.

И. А. Каримов

ўзаро муносабатларидаги плюрализмдан ташкил топади. Бундай шароитда жамият соҳаларига хусусий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин муносабатлари қамраб олинади. Бу каби жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши индивидларнинг эркинликка интилиши, уларнинг давлатга тобе бўлган фуқароликдан эркин мулкдор фуқароларга айланиши, ўз шахсий ҳурмат-обрўсини ҳис қила бориши, хўжалик ва сиёсий масъулликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиши билан боғлиқдир.

Демак, фуқаролик жамияти сиёсий плюрализм асосида фикрлар, қарашлар, ижтимоий институтлар хилма-хиллиги, сўз, матбуот эркинлиги ва ошкораликка асосланган, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг кенг қамровли ва фаол иштироки юз берадиган, қонун устиворлигига асосланган, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган, ижтимоий жараёнларда жамоатчилик назорати, давлатнинг устидан фуқаролик назорати таъминланадиган, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилларига қатъий амал қилинадиган, кўп партиявийлик, давлат ва жамият институтлари ўртасида ижтимоий шериклик, барча социал тоифалар ўртасида тенглик, ўзаро мулоқот, барқарор мувозанат ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари таъминланадиган, ўзини-ўзи бошқаришнинг кенг қамровли тамойиллари юзага чиқадиган ижтимоий макон ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти шароитида барча муаммолар ўз мақсади ва суверен ҳуқуқига эга давлат билан ранг – баранг мақсадларга эга ижтимоий институтлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партия ва нодавлат ташкилотлар ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишга, уларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга бориб тақалади. Шу маънода фуқаролик жамиятининг энг муҳим жиҳати – бу инсонга, унинг эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги, бу жараёнда эса давлатнинг асосий масъул сиёсий институт эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятида давлат одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмайди, уларни якка мафкура ва қадриятлар ягона бирлиги тизимини қабул қилишга мажбурламайди. Бу жамиятнинг асосий тушунчалари – ҳуқуқий давлат, демократия, ҳокимиятнинг бўлиниши, хусусий мулк, бозор, шахс эркинлигидир. Россияда чоп этилган адабиётларда ёзилишича, фуқаролик жамияти давлатга қарши туро оладиган, унинг фаолиятини назорат қила оладиган, жамиятдаги ўрнини белгилаб бера оладиган, бошқача айтганда, ўзининг давлатини ҳуқуқий давлат сифатида сақлай оладиган жамиятдир¹.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бағрикенглик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, эзгулик каби қадриятларга асосланади. Жамиятнинг маданияти ва маълумот даражаси ўз-ўзини ташкил этиш синергетик жараёнлари, ҳамкорлик, бирдамлик ва ўз-ўзини билишни қабул қилишга қанчалик тайёр бўлса, у шунчалик фуқаровий жамият бўлади. Шу маънода ҳам фуқаролик жамияти – комил фуқаролардан,

¹ Общая теория государства и права: Учебник / А. Ф. Вишневский, Н. А. Горбаток, В. А. Кучинский. – М., 2004. – С. 534.

яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятига таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият¹дир.

Фуқаролик жамияти давлатнинг фуқаролари, уларнинг ихтиёрий равишда бирлашган гурӯҳ, жамоа ва ташкилотлари, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ, юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг бевосита ўзлари, уларнинг жамоалари орқали онгли равишда бошқариб туриладиган ва қатъий тартиб-интизом қарор топган жамиятдир. Бундай жамият бошқа жамиятлардан ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши ва бошқариб туриши билан ажralиб туради².

Бинобарин, фуқаролик жамияти қуриш жараёни нинг асосий вазифаси – одамларни ажратувчи чегара ва тўсиқларни бартараф этиб, ҳамкорликда иш юритишни ўрганишдан иборат. Чунки фуқаролик жамияти инсоний фаолиятнинг барча соҳаларида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам беради. Россиялик олим Л. А. Морозова фуқаролик жамиятияга инсонларнинг турли-туман манфаатларини ифодаловчи, маданий, миллий, диний, ҳудудий ва бошқа хусусиятларга эга бўлган ижтимоий гурӯҳлар, бирлашмалар ҳаракат қиласидиган, давлатга қарам бўлмаган, нисбатан мустақил жамият деб таъриф беради³.

Албатта, фуқаролик жамиятининг ривожлан-

¹ Сайдов А. Х, Таджиханов У. Т, Одилқориев Ҳ. Т. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 2002. – Б. 8.

² Fozilov U. E. O'zbekistonda fuqarolik jamiyatini rivojlantirishning nazariy va huquqiy asoslari. – Toshkent, 2016. -Б. 7

³ Морозова Л. А. Основы государства и права. – М. , 2004. – С. 65.

ганлик даражаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нечоғлиқ намоён бўлиши ва уларни ҳар томонлама ҳимояланганлиги билан ўлчанишига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим унсурларидан бирини такомилига етказишдан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг таъкидлашича, “Фуқаролик жамиятини барпо этиш, албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, унинг сиёсий соҳасида демократик ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этади. Шубҳасиз бу йўлда демократия ва эркинликнинг умум эътироф этилган асосий принциплари га таянилади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ҳамда халқимизнинг дунёқарашига асосланилади”¹.

Шунингдек, У.Фозиловнинг қайд этишича, фуқаролик жамиятининг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гурух, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир².

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу – биринчидан, жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида

¹ Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т., 2006. – Б. 70.

² Фозилов У. Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - Б. 7.

Эркин фуқаролик жамиятига дүнёдаги күп-күп давлатлар асрлар давомида түпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантириш асносида етиб келган.

И. А. Каримов

ўз ихтиёри билан шаклланган, нодавлат тизимларни ўз ичига қамраб олган инсоний бирлиқдир;

– иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, хукуқий, оиласвий, миллий, маънавий, маданий, ахлоқий, таълим-тарбиявий, спортта оид, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

– учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий асосда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлари босими ёки тазийкларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

2. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Фуқаролик жамияти инсонлар фаровонлиги таъминланадиган, қадр-қиммати улуғланадиган, инсонни ҳар томонлама юксалтирадиган муҳим социал макон ҳисобланади. Мазкур ижтимоий маконни илмий, назарий ва методологик жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Чунки жамият ҳақидаги таълимотларга кўра, инсонлар жамияти ҳаётий амалиётнинг энг юқори поғонаси бўлиб ҳисобланадиган, инсоният тарихи ва цивилизациясининг маҳсули бўлган фуқаролик жамияти тушунчалари, тенденциялари ва тамойиллари ҳақида ил-

мий қарашлар доимий мукаммал кўринишга эга бўлиб бориши лозим.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини ўрганиш таомиллари, ижтимоий-иқтисодий воқеликка ёндашув хусусиятлари доимий равишда ўзгариб, тақомиллашиб боради. У. Фозиловнинг фикрича, “Фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-хуқуқий таълимотлар шартли равишда икки йўналишга тақсимланади. Биринчиси, Фарб мутафаккирларининг фуқаролик жамияти ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотлари, иккинчиси, Шарқ мутафаккирларининг “адолатли жамият” ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотларидир”¹.

Фуқаролик жамиятининг баъзи унсурлари, адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги қарашлар дастлаб юонон файласуфлари Суқрот, Платон, Аристотель ва қадимги Рим мутафаккири Цицерон тадқиқотларида акс этган эди. Суқрот фаровон дунёга, энг аввало, оқил ва донишманд кишилар эришади, чунки айнан улар адолатли ва қонунга итоаткор бўлиб, ҳаёти эзгуликка йўғрилган, деб хисоблади.

Суқрот жамиятни ўзгартириш учун “ўз-ўзингни англаб ет” муаммосини кун тартибига қўяди ва уни уч маънода изоҳлади:

- а) донишманд бўлиш;
- б) адолатни касб этиш;
- в) умумий қоидаларга риоя қилиш.

Суқрот қарашларига кўра, инсоннинг адолатли жамиятда яшashi ўз-ўзини билиш билан боғлиқ. Ўз-ўзини билиш ўз маънавий-руҳий оламини ўзгартириш билан кечади, шундан кейинги-

¹ Фозилов У. Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва хуқуқий асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - Б. 16.

на ҳаётни, ўзи яшаб турган дунёни ўзгартириши мумкин. Маънавий-руҳий оламини ўзгартириши Суқротга кўра билимга боғлиқ, билим кишини эзгу ниятли қилиб, яхши ишларга етаклайди. Билимли киши онгли тарзда гуноҳ қилмайди, айб, гуноҳ ишлар ёмонлик, билимсизликдан келиб чиқади. Билим чексиз, шунинг учун киши ўз билимидан қониқмай, мудом изланишда бўлиши, яъни “билмаслигини билиш” орқали етукликка эришиши мумкин. Инсоннинг билиш хусусияти шунчаки субъектив фаолият натижасигина эмас, балки ақлу идрокнинг объектив ҳолати, кучи натижаси, яъни билиш объектив зарурият, объектив эҳтиёждир.

Платоннинг қарашлари Суқрот ғояларининг мантиқий давоми деса бўлади. “Бизга хуш келадиган ва ҳар бир одам учун қонун сифатида ихтиёрий қабул қилса бўладиган ҳамда шу қатори ёқимли, дилхуш, энг яхши ва зебо, одамлар эриша оладиган, саодатманд яшаса бўладиган қанча ҳаёт турлари бор? Ушбу ҳаёт турлари – мулоҳазали (онгли), оқил, мардона, соғлом ҳаёт. Бу тўрт турга тўрттаси қарама-қаршидир: мулоҳазасиз(онгсиз), бебош, қўрқоқ, носоғлом. Кимки мулоҳазали ҳаёт билан таниш бўлса, у ҳар жиҳатдан осойишта кечади: унинг дардлари осойишта; ҳузурлари ҳам осойишта; унда бўшаштирувчи эҳтирослар ҳам, жунбушга келувчи хоҳишлар ҳам йўқ. Аксинча, бебош ҳаёт қўполликларга тўла...”¹.

Аристотелнинг “Сиёsat” асарида инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи кишилик жамиятининг адолат ва қонун устуворлиги асосида ташкил этилиши орқали таъминланишини таъкидлайди. Жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлишига алоҳида эътибор беради. Мазкур асарда

¹ Афлотун. Қонунлар. Т.: Янги аср авлоди. 2008. -С. Б. 143.

фуқаролик маданияти хусусида тўхталиб, уч омил, яъни табиат, одат ва ақл уйғунлиги одамларни яҳши ва эзгу хислатли қилишини таъкидлайди. Инсон тирик мавжудод сифатида табиатдан ташқарида яшай олмайди ва шу сабабли табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиши керак. Инсон ўзи мансуб бўлган халқнинг одатларини ўзлаштирмасдан жамият аъзоси бўла олмайди. Арасту талқинига кўра ақлни инсон белгиламайди, балки ақл инсонни белгилайди, фақат ақл ҳузур-ҳаловат ва азоб-уқубатни бир-биридан ажратади, эҳтиросларни тияди, ёмон одатларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Буюк файласуф, аввало, “фуқаро” тушунчасини изоҳлаб ўтади. Унинг назарида давлат фуқаролар мажмуи, уларнинг жамоасидир¹.

Аристотель “Никомахова этикаси”, “Давлат”, “Афина сиёсати” асарларида фуқаролик жамияти мезонларини кўрсатиб ўтган. Хусусан, комил инсон мукаммал фуқаро бўлиши керак, мукаммал фуқаро бўлиши учун давлат ҳам мукаммал бўлиши зарур. Ижтимоий тарбия учун қонунлар зарур, давлатнинг энг олий баҳтлилиги унинг фуқаролари ўртасида мулкка эга бўлишдир. Мулкка эга бўлган кишилар оқилона фикр юритадилар, энг яхши давлатга йўл мавжуд воқеликни билиш орқалидир, деган фикрлари ниҳоятда муҳимдир.

Шарқ, хусусан, Турон заминида фуқаролик жамиятига оид ғоялар, қарашлар кўп асрлик тадрижий такомилга эга. Бу идора усулига хос бўлган кўплаб унсурлар аллақачон миллий давлатчилигимиз тажрибасида синовдан ўтган. Буни исботловчи тарихий далиллар бисёр.

Шарқда фуқаролик жамиятининг ўзига хос

¹ Аристотель. Политика. Ч. Ш. – М., 1965. – С. 5

талқини бевосита ахлоқ, маданият ва маънави-ятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган, феъл-атвор, хатти-ҳаракатлар ва қоида-меъёрларнинг уз-вий уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимги Хитой файласуви Конфуций (Кун-фу-цзы, мил. авв. 551 - 479 йй. яшаган) адолатли жамият ва тарбияли инсонлар ғоясини илгари суради ҳамда унинг амалга ошишининг асосий тамойилларини қўйидагича белгилайди:

- жамиятда ва жамият учун яшаш;
- бир-бирига ён бермоқ;
- мансаби ва ёши катта бўлган кимсаларга қулоқ солиш;
- императорга бўйсуниш;
- ўзини тийиш, ҳар нарсада меъёрга риоя қилиш;
- инсонпарвар бўлиш;
- давлатга содик хизмат қилиш, ватанпарвар бўлиш;
- юксак мақсадларни олдига қўйиш;
- олийжаноб бўлиш;
- давлат ва атрофдагиларга фақат яхшилик қилиш;
- мажбуриятдан шахсий малака ва маслакни устун қўйиш;
- давлат ва инсонларнинг шахсий фаровонлиги тўғрисида қайғуриш.

Хитой донишманларидан Мо-ди асос соглан Монизм таълимотидаги катта давлат кичик давлатга ҳужум қилмаслиги, қудратли оила ожиз, кичик оиласлага зуғум ўтказмаслиги, кучли кучсизни таламаслиги, таниқли танилмаганнинг устидан кулмаслиги, инсон нафақат ўз яқинларини, балки бегоналарни ҳам севиши, ҳар қандай низоларни келишув, музокара йўли билан ҳал қилиш, жамиятда адолат

хукм суриши, кишилар бир-бирига дўстона муносабатда бўлиши кераклиги ғоялари фуқаролик жамиятининг тамойилларини ўзида ифодалайди.

Энг қадимги маданий тарихий-хуқуқий ёдгорлик – Авестода кишиларнинг уюшиб яшashi, ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ахлоқ ҳамда меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилган. Бунда ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни шахс томонидан эмас, қонун бошқариши каби фуқаролик жамиятининг ilk белгилари намоён бўлган.

“Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шоншавкат бахш этаман”, – дейилади Авестонинг Ясна (14) китобида. “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О Спитама, аҳдингни бузма...” (“Яшт”, X боб.) Ахурамзда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро адолат, самимийлик, хурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга чақиради. Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнмаён яшашидан иборат, оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш, адолатсиз бўлиш катта гуноҳ деган ҳикматнинг моҳиятини англашга ундейди.

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири - бу хуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуқقا асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани

*Давлатни бошқарыш ва адолатли жамият қуриш ғоялари
Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос
Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Навоий ва бошқа буюк зот-
ларнинг ижтимоий-сиёсий қараашларида чуқур баён этилган.*

асраб-авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва баҳт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қиласиди.

Хуқуқшунос Н. Сафо-Исфихонийнинг таъкидлашича, “қонун тушунчаси зардустийликнинг илк босқичлариданоқ унинг муҳим таркибий қисми бўлган. Зардустийликка хос муқаддас китобнинг учдан бир қисми турли босқич ва соҳадаги қонунга тааллуқли эди”, зардустларнинг “амалий қонунлар”ни ўзида мужассам этган муқаддас китоби “Авесто”нинг мақсади эса “ҳар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган уюшган, гуллаб-яшнаётган жамият барпо этиш”¹дан иборат бўлган.

Зардустийлик хуқуқининг диний хусусиятига қарамай, этник мансублиги, дини, ёши, жинси ва қайси табақадагилигидан қатъи назар шахс ҳуқуқлари унда Рим ҳуқуқидан кам бўлмаган даражада шаклланган ва қарор топган. Шу боис тадқиқотчилар зардустийлик қонунлари “одамларнинг хоҳиш-иродаси эркинлигига эътибор беради”² деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Ижтимоий муносабатлар, ижтимоий адолат, жамиятда инсон фаровонлиги ва одил шоҳ борасидаги

¹ Қаранг: Safa-Isfehani N. Rivayat-i Hemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). Cambridge, 1980. Vol. 2. P. I

² Қаранг: Idid. P. X.

фикрлар ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари ва сиёсат арбобларининг қарашларида акс этган. Буюк қомусий аллома, улкан назариётчи бобо-колонимиз Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам фуқаролик жамиятининг баъзи элементлари ва хусусиятлари мавжуд эди. Мутафаккир ўз даврида жамият аъзоларининг ягона маслак атрофига жипслashiши, уларнинг ижтиомий ҳаётнинг умумий иши ва тегишли чора-тадбирларини амалга оширишда бир ёқадан бош чиқарив ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида айтган эди.

Беруний кишиларнинг жамиятда мавжуд эҳтиёjlари боис жамоа бўлиб, бир-бирига ўзаро ёрдам асосида яшashi лозимлиги тўғрисида шундай ёзади: “Инсон унда кўплаб эҳтиёjlар мавжудлиги, ўзини ҳимоя қилиш усусларининг камлиги ва душманларининг кўплиги боис ўзига ўхшаш кишилар билан ўзаро кўмаклашиш ҳамда бошқаларни таъминлашга қодир ишларни амалга ошириш учун жамиятда бирлашишга мажбур бўлади”.¹

“Жамиятни ўрганиш ҳақида китоб”, “Бахт саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги ҳақида китоб”, “Шаҳарлар ҳақида сиёсат юритиш”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб”, “Фозил, жоҳил, фосик, ўзгартирилган ва адашганлар шаҳари ҳақида китоб”, “Иҳсол-ул-улум” асарлари билан машҳур Абу Наср Форобий фозил шаҳар вужудга келишининг асосларини кўрсатади, жамият типларининг таснифини ишлаб чиқади, жамиятни (давлатни) бошқариш усуслари принципларини ишлаб чиқади, жамият маънавий ҳаёти концепциясини ишлаб чиқади. Ва бу асарлардаги фуқаролик тамойиллари, мезонлари ва асосла-

¹ Беруний. Танланган асарлар. Т. 3. -Т.: Фан, 1996. -Б. 83.

рига оид фикр, мушоҳадалари унинг қарашларида шарқона демократия, жамоавийлик тенденцияси кўзга яққол ташланади.

Абу Наср Форобий (873-950) ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” деган асарида қуйидаги фикрларни айтган, яъни фозил шаҳар хукмдори “шаҳар учун дастлабки имомлар томонидан жорий этилган қонунлар, қоидалар ва расм-русумларни биладиган, ёдда тутадиган ва ўз ишлари, ҳаракатларида уларга риоя этадиган” бўлмоғи лозим¹. Бошқача қилиб айтганда, фозил шаҳарда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг асосий омили бўлган қонун устунлигига риоя этилмоғи лозим. Ер юзида баҳт-саодатга эришувнинг шартларидан бири ҳам шу.

Форобий инсонлар бир-бири билан аҳил жамоа бўлиб, бирикиб, ягона маслак асосида яшаганларидагина кўзланган мақсадларига етишиши мумкинлигини таъкидлайди: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирiga яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради”.²

¹ Қаранг: Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города/Пер. А. В. Сагадеева//Григорян С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. М. , 1960. С. 165.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А. Қодирий, 1993. -Б. 183.

Аллома давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳарларда илм, фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарashi, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак, деб айтади. Форобий инсоннинг камолоти учун хизмат қилган, хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик, деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-ҳунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик деб, кишиларни ундан огоҳлантиради. Форобий ҳётнинг олий мақсади баҳт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-ҳунар ва илmlарни ўзлаштириш – маърифатли бўлиш орқали эришади, деб қарайди.

Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирdir. Унинг “Ишорат ва Танbihot”, “Рисолату тадбири манзил”, “Қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади. Аллома инсон ижтимоий мавжудот эканлигини асослаган, жамиятнинг барқарорлиги асослари ва омилларини таҳлил қилган, ахлоқий равнақ афзаллиги ва инсоний комиллик тамойилларини ишлаб чиқсан.

XI аср туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлмиш “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи би-

лим") нинг муаллифи Юсуф хос Хожиб демократияга асосланган шарқона давлатчилик концепциясини баён қиласди. "Кутадғу билиг"да адолат, инсонпарварлык ҳақидаги таълимот асосий ўринда туради. Асар қаҳрамонлари Қунтуғди, Ойтуғди, Ўгдулмиш, Ўзғурмишлар элиг (давлат бошлиғи) вазир, вазирнинг ўғли ва унинг қариндоши сифатида намоён бўлсалар ҳам, аслида, уларнинг бош вазифалари Адолат, Давлат, Ақл ва Офият (саломатлик)ни, қаноатни рамзий тарзда акс эттиришга бўйсундирилган.¹

Салжуқий шоҳларга 30 йил ҳалол вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шуҳратга чўлғаган Низомул-мулкнинг "Сиёсаннома" асарида ҳам шарқона демократик тамойиллар асосида давлатни бошқариш, сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни идора қилиш масалалари ўша давр руҳиятидан келиб чиқиб баён этилган бўлса-да, ундаги ғоялар бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, унинг подшоҳ ва ёки ҳукмдорларнинг мамлакатни адолатли бошқариш ҳақидаги ўгитлари фикримизга далилдир.

"Аллоҳ, - деб ёзади мутаффакир бир кишига құдратини қўрсатиб, давлат ва иқбол беради. Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига teng билади, ҳар бирига мартабасига мос қадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларни халқ ўртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир маротаба ва манзала беради, дин ва дунё зарурияти-ю муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофазат қиласди, то-

¹ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Хожибининг "Кутадғу билиг" асари. – Т.: "Ўзбекистон", 1991, 5-бет.

ки, унинг ақли савиясида халойиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин. Агар хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолойиқ иш тутса-ю янглишганини тушиниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда ҳушёр бўлмаса-ю (йўлдан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир кишига алмаштириш лозим”.¹ Аммо унинг бу қарашларидан яхши фазилатлар фақат подшоҳ ва унинг амалдорларига хос бўлиши зарур экан, деган хулоса чиқмайди.

Чунки барча Шарқ мутафаккирлари каби Низомулмулк ҳам подшоҳдаги эзгу хислатлар унинг фуқароларида ҳам намоён бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Алломаларимиз ҳукмдорга, унинг маънавий-ахлоқий даражасига юксак талаб қўяр экан, подшоҳ орқали жамиятда эзгуликни, маънавий баркамолликни кенг ёйишни кўзлаган. Шунинг учун улар адолат, эзгу амаллар ва маънавий-ахлоқий фазилатларни барча подшоҳ, фуқаролар ҳам ўзида шакллантиришни, уларга интилиб ва амал қилиб яшаши даркор, деган фикрни ижтимоий-ахлоқий мезон даражасига кўтарган. Бу мезон Шарқ халқларининг тарихий-маданий парадигмаси, менталитети, турмуш тарзи ва эътиқодига айланиб кетганки, уларсиз бугунги демократик тараққиётни тасаввур қилиш қийин”.²

Ўтмиш аждодларимизнинг демократик қадриятларимиз ривожидаги ўрни яна шундаки, улар бағрикенглиқ, инсонларга адолатли муносабатда бўлишни илм-маърифат кишиларнинг ахлоқи, маънавияти билан боғлиқ эканлигини асос-

¹ Низомулмулк. Сиёсанома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: “Адолат” 1997, 17-бет.

² Мусаев. Ф. Шарқона демократия тажриба ва анъаналар тажассуми. Тафаккур. №4 / 2006, 14-15 бетлар.

лашга ҳаракат қилғанлар. Жумладан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк” асарида билим энг бебаҳо бойлик бўлиб, унинг негизида инсоннинг маънавий-маърифий дунёқарashi, одобахлоқи, гўзал инсоний фазилатлари шаклланади, билим инсоннинг бутун хатти-ҳаракатларини белгилаб беради, деб таълим беради. Асардаги “Халқа яхшилик қил, уни сув тагига ташласанг-да, уни сув устида кўрасан”, “Одам боласи ўлиб кетади, агар яхшилик қилган бўлса, ундан яхши ном қолади”¹ деган йўриқларида демократиянинг инсонпарварлик тамоийлари ўз аксини топган.

Ана шундай мутафаккирлардан яна бири Аҳмад Югнакий ўзининг “Ҳиббатул-ҳақойик” (Ҳикматлар тұхфасы) асарида ҳалоллик, ҳақгўйлик, поклик, саҳийлик, муруват, диёнат ва бошқа хислат ҳамда фазилатларни инсон маънавий-ахлоқий етуклиги белгилари сифатида тилга олар экан, ана шу фазилатларга эга бўлган фуқаролари бор жамиятда эркинлик, фаровонлик таъминланиши мумкинлигини асослашга уринади.²

Демократия ва маънавият уйғунлигини Шарқ мутафаккирлари қарашлари асосида талқин этар эканмиз, яна бир муҳим масалани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ҳуқуқий меросида давлат ва жамият, шахс ҳамда жамият ёки фуқаролар билан подшоҳ ўзаро қарама-қарши кучлар сифатида қаралмаган. Ушбу тизимда уйғунликнинг бош субъекти подшоҳ (давлат) ҳисобланса-да, у функционал хусусиятларига кўра, иерархия муносабатларида адолат принципини

¹ Қаранг, Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995, 190-бет.

² Ўша жойда: Б. 190

Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим... Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму-ситам йўлини тўйсдим.

Амир Темур

қарор топтириш шарт эмас. Адолатнинг бузилиши, бошқариш ишларини барбод этади. Фуқароларда норозилик уйғотади. Адолатни қарор топтириш Шарқона демократияга хос жамоа фикри ва манфатлари устунлигини таъминлайди. Халқимиз мен-талитетидаги ана шу хислатлар, бизнинг улуғ бобокалонларимиз асарларида, ҳукмдорларнинг давлатчилик сиёсатида ҳам ўз аксини топган.

Бу борада Амир Темурнинг инсонпарварлик фаолиятини мисол қилиб олсанк бўлади. Соҳибқирон ўзи барпо этган улкан мамлакатнинг ижтимоий адолат ва қонунчилик асосида бошқарилишини йўлга кўйган буюк давлат арбоби ҳисобланади. Улкан салтанат соҳиби “Куч – адолатдадир” деган шиорига қатъий амал қилиб, тарихда камдан-кам учрайдиган лавозим – “Адолат Амири” лавозимини таъсис этган. Амир Темур давлат ишларида тўртта тамоийилга амал қилганини таъкидлайди. Булар:

1. Дунёвий ва диний қоидаларни уйғун тутиш.
2. Муросаю мадора (компромисс).
3. Ўч олишга интилмаслик.
4. Адолатлилик¹.

Бу қоидаларни Темурбек шарҳлаб кўрсатган. Биринчи тамойил ҳақида у қуйидагича айтади: “Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар би-

¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т. :Faфур Ғулом, 1996. – Б. 80–81.

лан шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсаннинг қурби етмасди". Иккинчи тамойил ҳақида: "Дўсту душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди", деб таъкидлайди. Учинчи тамойил ҳақида: "Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим", дейди. Тўртинчи тамойил ҳақида: "Очиқ юзлиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим ва жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим", деб уқтиради.

Соҳибқирон мамлакатда тартиб-интизом ўрнатишни, жамиятда салбий иллатлар, ўзбошимчалик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришни шариат қозиласиз тасаввур қилмаган, унинг салтанати даврида ҳар бир шаҳар, вилоят ва туманларга қозилар тайинланган. Ўша даврдаги тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур мусулмон мамлакатларини забт қилиш асносида қозилар билан тез-тез учрашиб турган, улар билан сұхбат қурган, диний билимлар, шариат қонунлари бўйича баҳслар олиб борган.

Хусусан, Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур Ҳалаб шаҳрини забт этгандан сўнг шаҳар олимлари, фақиҳ ва қозиларни хузурига чақириради ва уларга турли саволлар билан мурожаат қиласди. Савол-жавоб қилганлар орасида қози ва олимлардан Мавлоно Абдулжаббор, Шарафиддин Мусо ал-Ансорий аш-Шофъий, қози Аламуддин ал-Қафасий ал-Моликий ва бошқалар бор эди. Темур Мавлоно Абдулжаббор ва ал-Шофъийнинг жавобларидан беҳад хурсанд

бўлади ва биринчисини “бу жуда ажойиб олим”, иккинчисини эса “бу фасиҳ киши” деб мақтайди, амirlарни чақириб: “Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хизматкорлари, дўстлари ва уларга қўшилган кишиларга яхши муомала қилинг. Ҳеч бирор кишининг уларга азият беришига йўл қўйманг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг ва уларни қалъада қолдира кўрманг, балки уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония (мадрасаси)ни белгиланг”¹, – деб буйруқ беради.

Темур, агар биронта қози саволга қониқарли жавоб бера олмаса, ғазабга келса-да, ҳеч нима демасди. Мабодо қози кутилганидан ҳам ортиқ даражада билимга эга бўлиб, яхши жавоб берса, ўзининг қойил қолганини яширмас эди. Масалан, қози Шамсуддиннинг жавобларидан таъсирланган Соҳибқирон “Во ажабо, у қандай фасоҳатли (киши), сўзда қанчалик шижаотли ва довюрак”, – деб хитоб қиласди.

“Темур тузуклари”да давлат тузилиши ва ундағи турли лавозимларнинг вазифалари, уларга муносабат, давлат арбоблари билан раият ўртасидаги муносабат, қўшин тузилиши ва моддий таъминоти сингари ўта муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. “Салтанатим ишларини, – дейди бу ҳақда Амир Темурнинг “Темур Тузуклари”да, – қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргаздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим”.

¹ Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. – Б. 207-211

Салтанат төмөнкүсүнде бүлгөн саодатманда киши, ўз хүкмининг мақсади сиғатыда ёмонлик ва зарарни йўқ қилишни, ситам илдизини қўйдиришни билсин.

Амир Темур

Ана шу ўн икки тоифа қўйидагилардан иборат:

- сайидлар, уламо, шайхлар, фозиллар;
- ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишилар;
- дуогўй кишилар;
- амирлар, сарҳанглар, сипоҳлар;
- сипоҳ ва раиятдан чиққан баҳодирлар, довюраклар;
- яширин ишларни, махфий сирларни очиб кенгаш қилишга лойиқ бўлган ақлли, тажрибали, энг ишонарли кишилар;
- вазирлар, бош котиблар, девон муншийлар;
- ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар;
- муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар, тарихчилар, қиссанхонлар;
- машойихлар, сўфилар, Худони таниган орифлар;
- касбу ҳунар эгалари;
- ҳар мамлакат ва диёрдан келган саёҳатчилар-у мусофиirlар, савдогарлар ва карvonбошилар.

Соҳибқирон бу табақа ва тоифадаги кишилар билан доимий кенгashiб, маслаҳатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, кераклисини қабул қилиб, салтанат ишларини олиб борган, давлатнинг энг муҳим ишларини ижро этган. “Салтанатим ишларини муросаю мадора, муруувват ва сабртоқат билан юргаздим. Давлат ишларини салтанат

қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият – ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади”, – дейди Соҳибқирон “Темур тузуклари”да.

Умуман олганда, Амир Темур билимдон, ақлли, доно ва адолатли қозиларни юксак қадрлаган ва хурматини жойига қўйган. Соҳибқирон давлат ишида тўрт нарсага амал қиласкан: 1) кенгаш; 2) маслаҳат; 3) ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Албатта, кенгаш (йигин) воситасида турли фикрларни эшитиш имконияти пайдо бўлади, чунки берилган маслаҳатлар ҳар хил (яхши ва ёмон) бўлади. Демак, бу ўринда ҳушёрлик билан энг мақбул фикрни танлаш ва ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим бўлади. Амир Темур дейди: “Кенгаш аҳли йигилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирар эдим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор-назар билан қарадим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, ундан воз кечар эдим ва бир хатарли ишни ихтиёр этардим”¹. Демак, Соҳибқирон муомала ва муросада мўътадил йўл – муносабатнинг учдан бир қисми фойда келтирадиган йўлни туттган. Бошқача айтганда, кўпчилик тавсия қиласкан йўл мулоҳаза воситасида таҳлил қилиб кўрилган ва кўпроқ фойда (яхшилик) келтирадиган иш танлаб олинган.

Диққат қилинса, бу ўринда давлат хизматчиси ўз тафаккур кучига таяниб, муомала ва муроса-

¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т. :Faafur Fулом, 1996. – Б. 26

да мақбул йўлни топади. Зеро, давлат хизматчиси етарли даражада билим, ақл ва фикрга эга бўлиши керак. Акс ҳолда муомала ва муросада мўътадил йўлни топиб бўлмайди.

Амир Темурнинг айтишича, давлат ишларида юқоридаги тўрт усулга амал қилиш лозимлигиги унга устозларидан бири, тасаввуф шайхи Зайниддин Абубакр Тоёбодий маслаҳат тарзида ёзиб юборган ва Темурбек уни лутфан қабул қиласди. Темурбек Шайх Тоёбодий мактубидаги қатъийлик ва шижаот кўрсатиш ишорасини яхши англаган, мулоҳаза воситасида муомала ва муросада мақбул усулни ўзи топиши лозимлигини тўғри тушуниб етган. Демак, ҳар қандай маслаҳат, ёрдам ва қўмак давлат хизматчисига муайян йўлларни тавсия қиласди, холос. Улардан энг мақбули ва тўғрисини танлаш охир-оқибатда шахснинг ўзида қолади. Амир Темурнинг бу ўриндаги муваффақияти шундаки, фойда ва зиённи аниқ фарқлай олган. Танлаш ва фарқлашда хатога йўл қўймаслик учун тафаккур кучига ишонган. Акс ҳолда у муваффақиятга эриша олмасди. Ахлоқий муносабатда муомала ва муроса йўли қанчалик жозибали кўринмасин, унга амал қилиш – ниҳоятда қийин иш. Айниқса, давлат хизматчисининг унга амал қилиши икки карпра мураккаб кечади. Чунки бунда шахс фаолиятининг табиати таъсир кучини сақлаб қолиш ва муаммони мақбул даражада ҳал қилишни тақозо этади. Шу сабабли Амир Темур мақбул ва мўтадил йўлни танлашда мулоҳаза кучи етмаганда таваккал қилганлар. Масалан, баъзан Қуръони Каримдан фол очтириб, ундаги ҳукмларга асосан йўл туттган. “Бирон ишни қилмоқчи бўлиб кенгаш ўтказгач ҳам йўл мураккаб бўлиб қолса, – дейди у, – кейин

*Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидан
ғами*

Алишер Навоий

Куръондан фол очардим ва Куръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлук Темурхон олдига боришдан аввал (1360 йили Мўғилистон хони Туғлук Темурхон бостириб келганида, Темурбек уни музокара йўли билан қайтарган) Куръонни очсам, “Юсуф” сураси чиқди ва ундаги ҳукмга амал қилдим”¹. Чунки Қуръоннинг “Юсуф” сурасида Пайғамбар Юсуфнинг ўз туғишганлари берган азоб-уқубатларга сабр-тоқат қилиб, охир-оқибатда пайғамбар ва подшолик даражасига етганлиги нозил қилинган. Ва бу воқеа Куръонда “қиссаларнинг энг гўзали” (12-сурра, 3 оят)², деб аталган. Амир Темур бу ўринда ана шу маънога дикқат қиласди ва иши ўнгидан келишига сидқидилдан ишониб, Туғлук Темурхон ҳузурига музокара учун йўл олади. Йигирма тўрт ёшли Амир Темур муомала ва муроса билан юртни навбатдаги ғоратдан сақлаб қолади. Туғлук Темурхон жангу жадалсиз Мўғилистонга қайтади³.

Амир Темурнинг муомала ва муроса принципида оқилона тадбир қўллаши ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада Темурбек шундай дейди: “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин”⁴. Демак, муаммолар ечимини оқилона тарзда тинчлик-тотувлик билан ҳал қилиш лозим.

¹ Амир Темур. Темур Тузуклари. – Т.: Faafur Fulom, 1996. – 27-28-бетлар.

² Куръони Карим. / Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли тажримаси. – Т.: Чўлпон, 1992. –Б. 157

³ Қаранг. Кароматов Ҳ. Куръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – 16-30-бетлар).

⁴ Қаранг. Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўгитлари. – Т.: Наврўз, 1992. – Б. 13

Яъни энг мақбул усул ақл ва ахлоқ кучига таяниш, етти ўлчаб бир кесишидир. Жумладан, душманни авф этиш, яъни дўстга айлантиришда ҳам ёрдамлашиш, хато ва камчиликларини кечириш шарқона маънавият ва маърифат ҳақидағи таълимотлар ривожланишига қўшилган буюк ҳиссадир. Темур шундай деган эди: “Ҳозирги дамгача ўтган сultonларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим”. Ҳар қайсиларининг адолатли бўлиши – яхшилик қилиш демакдир. Амир Темурнинг таъкидлашича, давлат хизматидаги шахс ўн икки сифат-фазилатга эга бўлиши керак. Булар: эътиқод; хушмуомалалик; хушёрлик; қонунга итоаткорлик; меҳрибонлик; адолатлилик; мурувватлилик; шижаотлилик; раиятпарварлик (халқпарварлик); қадр-қимматлилик; дўстлик; муросалилик.

Унинг “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”, “Адоват эмас, адолат енгади”, “Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади”, “Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди”, “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, “Ҳар неки деган бўлсан, унга амал қилдим”, “Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим”, “Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни ўз ёмонликларига топширдим”, “Ўз салтанатими ни шариат билан безадим”, “Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим”, “Иш кўрган, синалган, шижаотли эр-йигитларни қошимда тутдим”, “Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқ бўлишга интилдим” деган доно сўзлари, йўл-йўриқлари, туриштурмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши алоқалари, маъкул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим” деган

ган доно сўзлари шарқона маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотлар ривожланишига қўшилган буюк ҳиссадир.

Ҳазрат **Алишер Навоийнинг** бундан қарийб 500 йил илгари ислом дини ва қонуншунослари – муфтиларга қаратса айтган сўзлари ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятини тўлалигича сақлаб келмоқда. “Унинг қўнгли ҳеч нарсага оғмаслиги, қўнглида ҳийлагарлик бўлмаслиги, ёзганлари устозларнинг сўзларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Муфти – ахлоқсиз, жоҳил одамлардек бадкирдор ва шафқатсиз бўлмаслиги, бир танга учун юз ҳақни ноҳақ ва озгина марҳамат учун кўп “йўқни” “бор” деб битувчи бўлмаслиги керак”¹.

Алишер Навоийнинг шоҳ асари “Хамса” ва бошқа ноёб асарлари мазмунида инсон ва жамият, жамият ва давлат тизими, ахлоқ ва камолот, сўз ва амал, маърифат ва эътиқодга оид ғоялари мужассамлашган. Навоий фикрича, жамиятдаги барча ижтимоий қатламларга, барча қавмларга бир хил муносабатда бўладиган, ҳеч қайси бирини камситмайдиган, ҳамманинг манфаатига баробар хизмат қиласидиган жамият биноларини қуриш учун давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатилиши, илғор, ижтимоий адолатли ислоҳотлар ўtkазиб бориш ва буни адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор амалга ошириши керак.

Шу каби ғоялар Ғарб ижтимоий-сиёсий, фалсафий тафаккур тарихида ҳам ўзига хос тарзда ифодасини топган.

Ғарб Ренесанснинг инсонпарварлиги инсоннинг ички оламига, инсонни ҳаётий фаолликка чақирганликда, инсонни ўзига ишонишни таъкид-

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул – қулуб. Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1993. -Б. 24.

лаганда ўз ифодасини топди. Бу ўрта асрлар маърифатпарварлари Данте Алигьери, Франческо Петрарка, Томас Мор ва Уйғониш даври мутафаккирлари Г. Гроций, Т. Гобсс, Ж. Локк, Ш. Монтескье, Ж. Ж. Руссо асарларида ўз ифодасини топди.

Данте Алигьери “Комедия”, “Монархия”, “Пул” асарларида инсон ўз ҳаётининг яхшилиги ёки ёмонлиги учун ўзи масъулдир, бунда инсоннинг шахсий хусусиятлари белгиловчи аҳамиятга эга, унинг меросий аҳволи ва бойлиги ҳеч қандай рол ўйнамайди. Черков “абадийлик” масалалари билан шуғулланмоғи, амалий ҳаёт, ердаги ишлар кишиларнинг вазифаси, кишилар интилишлари баҳтсаодат, тенгликка ва умумий тинчликка асосланган жамият қуришга сарфланмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Франческо Петрарка (гуманизм отаси) “Менинг сирим”, “Авлодларга мактуб”, “Азоб ва қувончларга қарши воситалар”, “Республика ҳақида”, “Ўз билимсизлигим ва ўзгалар билимсизлиги ҳақида” асарларида гуманизм ғояларини илгари сурган. Петрарка ўз қарашларида инсоннинг “нариги дунё”да бу дунёда баҳтли бўлиши, ҳузур-ҳаловат олишга ҳақ-хуқуқи борлигини асослайди. У ҳар қандай обрўэътиборга сажда қилишга қарши чиқади.

Пико делла Мирандола “Инсоннинг қадрқиммати тўғрисидаги нутқ”, “Астрологияга қарши мулоҳазалар”, “Гептапл” асарларида гуманистик ғояларни илгари суради. Унинг ғояларининг мағзизда инсон ўз тақдирини ўзи яратади, ўз табиатини истаганича ўзгартириш имкониятига эга, уни эркинлигининг ҳолатини фаоллигининг даражаси белгилайди. Худо томонидан ато қилинган неъмат-

ларни ҳазм қилиш инсонга боғлиқ, деган фикрлар ётади.

Макиавели “Давлатпаноҳ”, “Тит Ливийнинг биринчи декадасига доир мулоҳазалар”, “Флоренция тарихи” асарларида ижтимоий тараққиёт қонунларини тарихий маълумотларга, реал фактларга асосланиб тушунтирган. У ўз халқининг тараққий топган мамлакатда яшашини орзу қиласди. “Давлатпаноҳ” асарида донишманд давлат паноҳи бўлмиш ҳукмдор(монарх) принциплари, қонунлари, ҳукмдор - халққа таяниши зарурлиги хусусида тўхталади, республикани давлатчиликнинг энг мақбул шакли деб ҳисоблаган, чунки у бошқарувнинг энг мақбул шакли бўлиб, ҳар бир фуқарони давлатнинг тақдири учун масъул қилиб қўяди. Шунингдек, инсонни фаолият кўрсатишга мажбур этадиган манба манфаатdir. Мулқда манфаатдорлик энг муҳимиdir. Мазкур фикрлари ҳозирги кунда белгиланган фуқаролик жамияти мезонларидан бирини ўзида ифодалаган.

Томас Мор ўз асарларида Платон ва Абу Наср Форобийнинг адолатли шоҳ ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттириди. Максимал тенглик жорий этилган оролда фақат ҳар томонлама илмли, маърифатли, турли иллатлардан ҳоли зотгина ҳукмдорлик қилиши мумкин. Ҳукмдор шундай бир манбаки, ундан бутун халққа ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик ёғилиб туриши мумкин, – деб ёзади мутафаккир.

Томас Мор фикрига кўра, ҳукмдор ва барча кишилар ўз ахлоқий қиёфасига эга бўлиши шарт, чунки фақат юксак ахлоқий қиёфали кишилар мавжуд оролда ҳамма баҳтли ва адолатли ҳаёт ке-чиради.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар XVIII аср-га келиб кенг ривожланди. Жумладан, **Томас Гоббс** “Левиафан ёки материя, черков ва фуқаро давлати шакли ва ҳокимият”, “Эркинлик ва зарурят”, “Фуқаро ҳақидаги таълимот элементлари” каби күплаб асарларида давлат ва жамият қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлар такомиллаштирилди. Гоббснинг фикрига кўра, давлатда - тенглиқ, қонун, жамиятда - ахлоқ нормаларнинг устуворлиги таъминланиши шарт. Индивидуализмни Гоббс инсон фаоллиги, айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг универсал ўлчови сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, ҳатто яхшилик қилиш замирида ҳам ўз манфаатларини тӯғри англаш ёки “оқилона худбинлик” деб баҳолайди.

“Фуқаролик бошқаруви ҳақидаги иккинчи рисола” деб номланган асарида **Ж. Локк** (1632–1704 й.) ҳар қандай одам учун табиий (яъни содда, жоҳил, ибтидоий – муаллиф изоҳи) ҳолатни инкор этган ҳолда фуқаролик жамияти талаблари даражасига етиш учун ягона йўл бошқалар билан келишган ҳолда ижтимоий бирликка қўшилиш ёки бирлашишдан иборат эканлигини таъкидлайди¹.

Монтескье “Форс хатлари”, “Римликлар шон-шуҳрати ва таназзули сабаблари ҳақида мулоҳазалар”, “Қонунлар руҳи тӯғрисида” асарларида жамият қурдатининг манбай мамлакат фуқароларининг ватан, эл-юрт манфатларини ҳамма нарсадан устун қўйишига ва уларнинг эл-юрти ривожланиши учун қилган фидокорлигида эканлигини асослайди.

¹ Қаранг: Гоббс Т. Избранные произведения. В 2-х томах. Т. 2. М. 1956. Б. 136

Зўравонлик фуқароларда ватанпарварлик туйғуларининг заифлашувига олиб келишини таҳлил қиласи ва бунинг олдини олиш учун ҳокимият тармоқланиши (қонунчилик, ижро этиш, суд ҳокимиияти) кераклигини таъкидлайди.

Жан Жак Руссо “Одамлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва унинг сабаблари ҳақидаги мулоҳазалар” асарида мулкий тенгсизлик, жамиятнинг бой ва қашшоқларга бўлиниши ижтимоий тенгсизликнинг биринчи босқичидир, деб ҳисоблайди. Иккинчи босқич давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ деб билади. Учинчи босқичда ҳокимият зулм ва адолатсизлик ҳокимиятига айланади, деб таҳлил этиш асосида идеал жамият ғоясини илгари суради ва фуқаролик жамиятига ҳамма шаклдаги эмас, фақат муайян ҳокимият шакллари мос келиши ҳақида фикр билдиради. “Ижтимоий шартнома” асарида қўйидаги ажойиб фикрни баён қиласи: “Уруш – бу одамлар орасидаги эмас, балки давлатлар орасидаги муносабатdir ва бунда одамлар тасодифан, онгли мавжудот ёки ҳатто фуқаро сифатида эмас, балки аскарлар сифатида бир-бирига душман бўлиб қоладилар. Агар урушнинг мақсади – душман давлатини йўқотиш бўлса, унда бошқа томон унинг ҳимоячиларини – тики улар қўлларида қурол тутиб турар эканлар – қириш ҳуқуқига эга, аммо улар қуролларини ташлаган ва асирга тушган заҳоти – улар душман ёки душманлар қўлидаги жиҳоз бўлмай қоладилар ва оддий одамларга айланадилар, уларни ҳаётдан жудо қилишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ” дейди.

XVIII аср буюк француз инқилоби даврида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси эълон қилиниши билан фуқаролик жамияти тушунчалик кенг тарқала бошланди. Чунки жамиятнинг тенг

хукуқли аъзолари – фуқаролар тушунчаси пайдо бўлди, улар жамият ва давлат манфаатлари билан боғланган шахсий манфаатни англай бошладилар.

Огюст Конт, Иммануэл Кант, Руссо, Гегель, Спенсер, Попперларнинг илгари сурган фикрлари фуқаролик жамиятининг янгидан-янги қирраларини, умуминсоний қадрият сифатидаги мөҳиятини очиб берди.

Огюст Контнинг фикрича, жамият индивидларнинг оддий мажмуидан иборат эмас, “ижтимоий атомлар” ҳам эмас, балки ривожланган индивидлар уюшмасидир. Ижтимоий субъектларнинг ўзаро алоқадорлигидир. Контнинг таъкидлашича, жамият вужудга келиши ва ривожланишига кўра яхлит ижтимоий организм бўлиб, у субъектлар (индивиду, табақа, синф)нинг ривожланишига боғлиқдир. Контнинг позитив ижтимоий фалсафасида идеал жамият ривожланишининг бош негизи ва унинг қонуний характерга эга эканлиги муаммоси муҳим ўрин тутади.

Конт ўз таълимотида жамият ривожланишида гармония (уйғунлик) муаммосини ҳал этишга, жамият барқарорлигига эришиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилди. У жамият гармонияси деганда ижтимоий системанинг қисмлари ва бўлаклари ичидаги маънавий, сиёсий, иқтисодий биологик томонларнинг уйғунлашувини назарда тутди. Жамият гармонияси ҳар хил шахслар ва ижтимоий қатламларнинг манфаатларини уйғунлаштириш ва мослаштиришдан иборатdir. Сиёсий ҳокимият сиёсатчilar ва ижтимоий субъектларнинг манфаатларини адолатли равища мослаштириши лозим. Конт фикрича, жамият гармонияси ва барқарорликнинг муҳим шарти жамиятда табақалар, халқ ва шахснинг нормал яшаш имкониятидир.

И. Кант “Софақлни танқид”, “Мұхокама этишнинг танқиди”, “Амалий ақлнинг танқиди” асарларида ижтимоий билиш муаммоларига ҳам түхталган. Кантнинг фикрича, сиёсий эркинликнинг асосий шарти бу жамият аъзоларининг қонун олдидә тенглигидир.

Фуқаролик жамиятининг назарий асосларини мукаммал илмий таълимот сифатида илк бор Гегель ўзининг “Хуқуқ фалсафаси” номли машхур асарида яратди ва ўз назариясини одамларнинг эҳтиёжлари келишуви, меҳнаттақсимоти, ўзаро тартибни сақлашда бир-бирини қўллаб-қувватлашни аниқлаган ҳолда ишлаб чиқди. У жамият тарихининг, унданги тарихий жараёнларнинг моҳияти, умуман жамият, унинг таркибий тузилиши, фуқаролик жамияти, давлатни бошқариш усули, ахлоқ, оила ҳақидаги чуқур таҳлилга асосланган фалсафий фикрларни илгари сурди.

Гегелнинг таълимотига кўра, ижтимоий структуранинг туб асосини фуқаролик маданияти ташкил этади. Фуқаровийлик маданияти ўз моҳиятига кўра объектив характерга эга бўлиб, унинг мавжудлиги ёки амал қилиши айрим индивидларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмасдир. Аксинча, ҳар бир индивид жамиятга хос бўлган фуқаролик маданияти қадриятларини ўзлаштиради, маданият талабларига бўйсунади. Агар айрим кишилар ижтимоий шартланган маданий қадриятларни тушунмаса ва англамаса, маданий қадриятлар унга нисбатан ташқи мажбур қилувчи куч сифатида намоён бўлади. Гегель фақат фуқаролик маданиятигина жамиятнинг бир бутун тизим сифатида ривожланиши учун имкон беради, деб ҳисоблади. Гегелнинг фикрича, “фуқаролик жамияти – энг аввало, хусусий

мулкка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, оила, табақа, давлат тузуми, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим-тарбия, қонунлар ва улардан келиб чиқадиган инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалардан иборат". Унинг таъбири билан айтганда, табиий, "маданиятсиз" ҳолатдан одамлар фуқаролик жамиятига кириб келишлари керак, зоро, ана шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқатга айланади¹.

Герберт Спенсер бу борадаги социал ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омилини айрим шахслар ихтиёри ва фаолиятидан эмас, балки мамлакатнинг барча одамлари ҳаракатидан қидириш керак, деган фикрларининг қимматлилиги билан характерланади. Спенсер жамиятга мувозанат зарурлигини таъкидлайди. Ижтимоий мувозанат деганда кишилар хатти-ҳаракатининг мослашувини, улар манфаатларининг уйғунлашувини, ижтимоий гуруҳ ва институтлар ҳаракатида муросасозлик, ўзаро келишувлар бўлишини назарда тутди. Ижтимоий мувозанат кишилар ва ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқаларининг тенглиги шароитида амал қиласди. Бу омил ижтимоий барқарорликни вужудга келтиради деб уқтиради. Спенсернинг фикрича, жамиятнинг инқирозга юз тутиши ижтимоий мувозанат, гармония ва ижтимоий барқарорликни истисно этади. Жамиятнинг инқирози (таназзули) Спенсернинг фикрича, давлат институтлари фаолиятининг самарасизлиги туфайли вужудга келади. Ҳокимият, армия, ташкилот институтларнинг яроқсизлиги ҳам инқирозни янада кучайтиради. Омма ҳаракатига айрим шахслар, сиёсатчилар халақит берадилар, ҳаракатларнинг бирлашиши бузилади, марказдан қочиш тенденцияси кучаяди.

¹ Гегель. Работы разных лет. – М., 1973. – С. 50

Тартибсизлик саноат ва савдо ташкилотларининг фаолиятини издан чиқаради.

Фуқаролик жамиятига оид қарашлар, ғоялар XIX-XX асрлар фалсафасида янги мазмун ва аҳамият касб этди. Масалан, **Фридрих Ницше** “Ҳокимиятга интилиш иродаси” асарида ҳар қандай ғоянинг рӯёбга чиқиши кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлиқ, ҳаётнинг моҳияти ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш ва янги шаклларини яратишдан иборат деб таъкидлайди. Нима яхши? – деб сўрайди Ницше, - инсондаги кучга, ҳокимиятга нисбатан бўлган ирода ва қудратга нисбатан бўладиган ҳис-туйғуни ошириб борувчи ҳамма нарса. Нима ёмон? Заифликдан келиб чиқадиган ҳамма нарса. Бахт-саодат нима? – Куч ва ҳокимиятнинг ошиб боришига нисбатан бўлган туйғу ҳамда янги тўсиқнинг бартараф қилингандиги сезгиси. Ницше “Иродага эга бўлиб ҳаракат қилар эканман, демак, мен ҳаётман” ғоясини илгари суради.

Экзистенциализм фалсафасининг йирик вакили **Альбер Камю** ҳамма одамларни бирлаштирадиган ва уларнинг эркинлигини таъминлашга хизмат қиласиган янги гуманистик ғояларни ишлаб чиқишига ҳаракат қиласиди. Камю гуманизми инсонни онгли қилишга, ахлоқий ва сиёсий хурофот ҳамда сохталиклардан халос қилишга, шунингдек, инсонни турли догма ва ёлғон ғоялардан озод этишга йўналтирилганлиги билан характерланади.

Фуқаролик жамиятининг илмий концепциялари, асослари ва мезонлари борасидаги қарашлар мамлакатимизнинг йирик олимларининг асарларида акс эттирилди. Ҳукуқшунос олимлар жамоаси томонидан чоп этилган “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” дарслигида фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий белги ва хусусиятлари берилган. Унда: иқтисодий

эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатлари; инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва муҳофаза қилиш; ҳокимиятнинг қонунийлиги ва демократик табиати; қонун ва одил судлов олдида барчанинг тенглиги, шахснинг ишончли ҳуқуқий ҳимояланганлиги; ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлиқда ишлашига асосланган ҳуқуқий давлат, сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги, ошкора муҳолифатнинг мавжудлиги; сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги; давлатнинг фуқаролар ҳаётига аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбурият ва мастьулияти; синфлараро тотувлик, шерикчилик ва миллий аҳиллик; одамларнинг муносабиб ҳаёт дараҷасини таъминловчи таъсирчан ижтимоий сиёсатнинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг белгилари сифатида кўрсатилган¹.

Демак, фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонлари қуидагиларни ташкил этади:

- 1) иқтисодиётнинг либераллашуви, мулк шаклларининг ранг-баранглиги, бозор муносабатлари;
- 2) инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини сўзсиз эътироф этиш ҳамда ҳимоя қилиш;
- 3) қонун ва одил суд олдида ҳамманинг тенглиги, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли ҳимояланганлиги;
- 4) ҳокимиятнинг учга бўлиниши ва ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси принципига асосланган ҳуқуқий давлат;
- 5) сиёсий ва мафкуравий плюрализм, конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев., Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 462.

Жамиятни янгилаш, энг аввало, инсон тафаккурини янгилаш орқали амалга оширилади.

6) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;

7) диний бағрикенглик, миллий тотувлик, ижтиимоий шерикчилик, жамоатчилик назорати.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва яшаши учун сиёсий маданиятнинг фикрлар ранг-баранглиги асосидаги плюралистик турининг шаклланиши муҳим элемент ҳисобланади. Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури ўзига хос шартшароитлар асосида фуқаролик жамиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Жамият ўз ижтиимоий структураси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плюрализм ва сиёсий маданият шаклланиши учун шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади.

Фуқаролик жамияти ривожланишининг устуворлигини таъминлаш соҳасида қўйидаги мезонлар муҳим аҳамиятга эга:

– фуқаролик жамияти институтларининг шаклланганлиги;

– давлат ҳокимиятини шакллантириш асосан, сайловлар воситасида амалга ошиши, ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳнинг бу ҳокимиятни на амалда, на хуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлантиришига йўл қўймаслик;

– гуруҳлар ва уларнинг вакиллари бўлган сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатлар ўртасида ижтиимоий ривожланишнинг асосий қадриятлари, идеаллари ва мақсадларига нисбатан аниқ келишувларнинг мавжудлиги;

– ҳам хуқуқий жиҳатларда, ҳам ҳаётда шахс эркинлигининг таъминланганлиги.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириши
ўйли ўз моҳият эътиборига қўра, мамлакатимиз-
да амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг
асосий боғловчи бўғинига айланади.

И. А. Каримов

Ҳ. Одилқориев фуқаролик жамиятининг қўйидаги асосий белги ва хусусиятларини кўрсатиб ўтган:

- жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;
- жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белgilаниши;
- хусусий мулк барча мулк шакллари қатори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;
- фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хил мақомга эгалиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши;
- шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;
- шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;
- давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқининг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизmlари-нинг яратилганлиги;

- фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;
- жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги¹.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва яшаши учун сиёсий маданиятнинг фикрлар ранг-баранглиги асосидаги плюралистик турининг шаклланиши муҳим элемент ҳисобланади. Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури ўзига хос шартшароитлар асосида фуқаролик жамиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Жамият ўз ижтимоий структураси ва турли манфаатлари бўйича қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий плюрализм ва сиёсий маданият шаклланиши учун шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги уларнинг ролини ошириш, нодавлат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисининг турли табақалари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурий асосларда олиб борилмоқда.

Сиёсатшунос олим М. Қирғизбоев “Фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг

¹ Одилқориев Ҳ. Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т. , 2002. – Б. 171-175.

**Фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун
устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга
монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради.**
И. А. Каримов

институтлари тизимидағи барча – давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қиласа, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради”¹ ва “Фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юқсалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади”.²

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва миллий тараққиёт демократиянинг умумэътироф этилган таомойиллари билан шарқона демократия анъаналари уйғунлиги асосида амалга ошмоқда. Бу анъана миллий босиқлик, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалаларда томонларнинг келишувига асосланадиган фаолиятдир. Бундан ташқари, шарқона демократия анъаналари ҳар қандай сиёсий тартиб-бузарликлар, бошбошдоқлик, митингбозликларни

¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. Тошкент, 2006. - Б. 102

² Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти. “Ёшлик” журнали, 1996, №6, 3-4 бетлар.

*Фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик давлатдир.
Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қарор топиши
натижасидагина ривожланади.*

миллий манфаатларга зид деб ҳисоблайди ҳамда давлат ва жамиятнинг ички масалаларини ўзига хос сиёсий ва ҳуқуқий маданият тамойиллари асосида йўлга қўяди.

Кайси бир жамият, тузум ўз сиёсий фаолиятида демократик тамойилларни миллий қадриятлар талабларига мослаштира олмас экан, у сиёсий тарқоқлик ва иқтисодий инқирозга маҳкумдир. Зеро, Биринчи Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади”.¹

Шу боис фуқаролик жамияти асослари шаклланар экан, жамиятда ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун фуқаролараро, гурухлараро, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик сақланиши лозим.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ҳуқуқий демократик ўзгаришлар сабабли фуқароларнинг сиёсий иштироки ва фаоллиги ўсиб бормоқда. Кишилар бугунги кунда ўз ҳуқуқи, жамиятдаги мавқеи, сиёсий иродаси, ватан олди-даги масъуллиги билан боғлиқ хусусиятларни на-моён қилмоқда. Фуқаролар референдумлар, сайловлар ва жамият ҳаётининг бошқа энг муҳим

¹Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 8.

масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”.¹

Демократик жараёнлар халқимизнинг миллий қадриятлари, миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, одамларнинг тафаккури, ижтимоий савияси ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан узвий равишда ривожланиб боради. Фуқароларимиз ўз тафаккури, дунёқараши орқали ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни сақлаб қолишдек муҳим ва залворли йўлни босиб ўтмоқда.

Олимлар таъкидлаганидек, “Демократия бизга инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиласиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади ва талаб этади. Бунинг акси бўлган жойда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади. Кишилар ҳаёти таҳликада қолади. Буни ён-атрофимиздаги мамлакатларда юз берайтган нохуш воқеалар мисолида кўришимиз мумкин. Йиллар давомида онгимиз ва шууримизда ўрнашиб, вужудимизда илдиз отиб кетган сиёсий ақидапарастликдан, ҳодисаларга кўр-кўронга эргашиш ва қотиб қолган тушунчалардан воз кечиш, уйғониш ҳаётий эҳтиёждир. Ҳозирги ислоҳотлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б. 8.

Фуқаролик жамияти – ўзини-ўзи бошқариш
тизимиға эга жамиятдир.

Ушбу жамият давлатдан мустақил ҳолда ўзини ривожлантира олувчи ички салоҳият ва манбаларга эга бўлади.

даври, туб бурилишлар жараёни биздан теран мулоҳаза, ҳушёр қарашларни талаб этади".¹

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг жамиятимизда келажак мақсадларнинг муҳим дастури бўлган фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари халқимиз онги ва шуурида мустаҳкам жой олиши, ушбу йўлда муҳим чора-тадбирлар олиб борилишида чуқур фуқаролик масъулияти лозимлигини уқтиради: "Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машақкатли йўл турибди. Барчамиз жипсласиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интиласак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради"².

Фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги жараёнлар мамлакатимизда инсон ҳаётий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар бир кишининг иқтисодий ва маънавий жиҳатдан такомилга етказишга қаратилиши, унинг шаъни ва қадрқимматини улуғлаш, олий қадрият даражасига етказишга ҳаракат қилиниши ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қиласи. Ўзбекистонда давлат сиёсатида инсон манфаатлари устуворлигиги ни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида "Давлат ўз фаолиятини инсон

¹ Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 332-333.

² Мирзиёев Ш. М. . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.aza.uz.

ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адoлат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади"¹, дейилган.

Шу билан биргаликда, фуқаролик жамиятида инсоннинг ижтимоий хуқуқларининг рўёбга чиқиши тараққиёт учун зарур бўлган муҳим анъаналарни рўёбга чиқаради. Бу эса жамиятда инсон хуқуқларининг устувор аҳамиятга бўлган жараён сифатидаги ҳаётий тажрибани кундан-кунга ошиб боришига хизмат қиласди. Натижада у халқ фаровонлиги ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб келади. Демак, "Хуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири - бу хуқуқнинг устуворлигидир. Демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, фаол ҳаракатда бўлган, инсонларнинг хуқуқ ва эркинлilikларини тўла-тўқис рўёбга чиқарувчи ҳамда уларга хизмат қиласдиган хуқуқий тизимга таянади".²

Шунингдек, инсоннинг олий қадрият сифатида хуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши, жамиятда унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш билан ўзаро боғлиқ. Бу эса инсоннинг ижтимоий ҳаёт ва унинг такомилига ўзгача жозиба берадиган, куч бағишлайдиган муҳим манба эканлигини англатади. Яна бир нарсани ҳисобга олишимиз керакки, глобаллашув, илмий ва технологик тараққиёт таъсири остида инсон фаровонлиги шакллари ўзгаради, унинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларига боғлиқ равишда ижтимоий ҳаётдаги ўрни аниқланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б. 7.

² И. Турғунов. Инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришда хуқуқий ислоҳотларнинг роли // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2016 й. 1-сон. – Б. 24.

Фуқаролик жамияти очиқ ижтимоий организмдир. Унда сўз эркинлиги, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш эркинлиги, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари эътироф этилади.

Шу мазмунда олимларнинг қайд этишича, “Умуман олганда, ислоҳотлар марказида инсоннинг олий қадрият сифатида баҳоланиши мамлакатимиз стратегик вазифаларига ҳамоҳангдир. Хусусан, бу борадаги барча ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳам инсон ва унинг қадр-қиммати эканлиги билан аҳамиятлидир. Ҳолбуки, ушбу қадриятлар асосида шаклланган жамият моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларнинг миллий дараҷада намоён бўлиши учун имкон яратади”.¹

Мазкур умуминсоний ва миллий даража Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган бўлиб, унда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг ҳуқуқий ечими тизимида инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатлари, инсон турмуши учун муҳим бўлган ҳаётий манфаатлар белгиланган. Ушбу манфаатлар шартли равишда қуидагича таснифланиши мумкин:

1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинлар: яшаш ҳуқуқи; эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи; айбисизлик призумцияси; ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги; бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи; сўз ва эътиқод эркинлиги; ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқи; виждан эркинлиги.

2. Сиёсий ҳуқуқлар: давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш; ижтимоий фаолликлар

¹ Қуронов М, Мирзаев Ф. ва бошқ. Ободлик кўнгилдан бошланади. –Тошкент: Сано-стандарт, 2013. –Б. 47.

Давлат ва жамият, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг табиати ҳақидаги билимларнинг кенгайиши “фуқаровийлик” тушунчасини қайта-қайта тафаккур қилишини тақозо этади.

кафолати; жамоат ташкилотларида иштирок этиш; мурожаат қилиш ҳуқуқи.

3. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар: мулқдор бўлиш ҳуқуқи; меҳнат қилиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи; малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Миллий давлатчилик ва фуқаролик жамияти қуриш борасида ҳуқуқий давлатни қарор топтириш фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқларининг тан олиниши ва уларнинг фуқаролар томонидан ижроси таъмин этилиши билан боғлиқ жараёндир. БМТ Тараққиёт дастурида таъкидлангандек, “Миллатнинг ҳақиқий бойлиги бу унинг инсонлариидир. Тараққиёт мақсади инсонларнинг узоқ, соғлом ва ижодий ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит яратишдир. Бу оддий, аммо муҳим ҳақиқат моддий ва молиявий фаровонликка эришиш жараёнида жуда ҳам кўп ҳолларда унутиб қўйилади”.¹

Кучли фуқаролик жамияти барпо қилинар экан, жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш ишларида кишиларнинг саъй-ҳаракатлари кучаяди, масъулияти ошади. Чунки фуқароларнинг жамият ҳаётида эркин, ҳеч қандай ҳукмрон мафкура, маъмурий чеклашлардан ҳоли, ҳуқуқ ва манфа-

¹ Глобальный доклад о человеческом развитии “Концепция и измерение человеческого потенциала”. –ПРООН, 1990 г. <https://gtmarket.ru/ratings/human-development>

атлари таъминланган асосда яшashi уларга кенг имкониятларни очиб берди. Эндиликда фуқаролар давлат ва жамият ҳаётида уюшган ҳолда турли жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларда ўз хоҳиш ва иродасини на-моён қилмоқда.

Мамлакатимиз янгиланишлар даврида жамиятда ижтимоий муносабатлар мувозанати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Эндиликда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериш, ўз истеъдодлари ва қобилиятларини эркин намоён қилиш каби анъаналар мустаҳкам ривожланиб бормоқда. Инсон ҳаётидаги ўзгаришлар, унинг турмуши ва яшаш муҳитидаги муҳим томонларни ривожлантириш учун жамиятда ислоҳотлар кўлами ва унинг боришини ўрганиб бориш ҳамда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда, бу борада муҳим тузилмалар иш олиб бормоқда.

3. ИНСОН, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ БАРҚАРОР СОЦИАЛ АЛОҚАСИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инсон, давлат ва жамият ўртасидаги мувозанат ҳамда уларнинг баравар ривожланиши, бу уч унсурга оид ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг тенглиги, шунингдек, шахснинг ўзлиги ва жамоавийлик мувозанати, фуқаролик жамияти тараққиётининг шарти ҳисобланади.

Инсонда бутун борлиқнинг сифатлари, хусусиятлари ва хоссалари мавжуд, шу сабабли инсон ўз моҳиятини англаб етиши билан барча мавжудот-

нинг сир-асорини англаб етади. Бу ғоя асрлар давомида инсонни бутун оламнинг маркази сифатида кўриш учун асос бўлиб келди. Ўзини англаган киши ўз аҳволидан келиб чиқиб, ўзгаларни тушунади. Ўз-ўзини билиш ўз маънавий-руҳий оламини ўзгартириш билан кечади, шундан кейингина ҳаётни, ташқи дунёни ўзгартириши мумкин. Ўзига хос лаёқат, қобилият, истеъдод, бурч, бунёдкорлик, яратувчанлик ва барча билимлар инсон фаолиятига баҳо бериш мезонлари ҳисобланади. Бу маънавий ҳодисалар шахс, баҳт, фаровон ҳаёт, инсонпарварлик каби тушунчаларнинг ижтимоий ҳаётда қарор топишига олиб келади.

Олимларнинг фикрича, фуқаролик жамияти нинг шаклланиши объектив қонуният ҳисоблансада, бироқ унинг амал қилишида субъектив омиллар ҳам етакчи рол ўйнайди. Маънавий етук ва ижтимоий маъсулиятли шахсларсиз бундай жамиятни тасаввур эта олмаймиз. Айнан мана шундай шахслар фуқаролик жамияти қарор топишининг бош мезонларидан бирини ташкил этади. Чунки бундай жамият ҳар бир инсон учун ўз интилишларини рӯёбга чиқариш имкониятини яратиб берувчи қулай ижтимоий макон бўлиши, шу билан бирга, бошқаларнинг ҳам худди шундай ҳуқуқлари борлигини англашга бўлган зарурат туфайли юзага келган. Фақат шундагина фуқаролик жамиятида якка шахс манфаатлари билан жамият манфаатлари уйғунлиги таъминланади. Фуқаролик жамияти – комил фуқаролардан, яъни узвий боғлиқлиқда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятига таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият¹.

¹ Саидов А. Х, Таджиханов У. Т, Одилқориев Ҳ. Т. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т., 2002. – 8.

Ҳозирги даврда жамият ва инсон шиддат билан тезлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида ўзи муносабатларга киришадиган, янгиликлар ва ўзгаришларга мослашадиган фаол фуқарони тақозо этади ва унинг жамият ривожидаги ўрни белгиланмоқда. Шу ўринда “фуқаро” тушунчасига тўхталсак. Фуқаро тушунчаси юридик маънога эга. Ушбу маънода у давлат билан доимий сиёсий-хуқуқий алоқада ҳамда ўзаро хуқуқ ва бурчга эга бўлади. Фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг доимо ўзаро алоқада ва боғлиқ бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида ўз ифодасини топган¹. Демак, фуқаролик шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-хуқуқий алоқаси бўлиб, бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро хуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди.

Олимларнинг фикрича, фуқаровийлик шахснинг сиёсий жиҳатдан комилликка эришиши билан боғлиқ бўлиб, бундай даражага етган киши сиёсий жараёнлар ва ҳодисаларга қизиқиш билан қарайди, рўй берадиган воқеликни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлади. Айнан ана шундай қобилиятга эга бўлган фуқаро кези келганда, ўз ватани тақдиди учун амалий ҳаракат қилиш билан зарур бўлган қарорга келиш қобилиятига эга бўлади. Ватанпарварлик руҳига, масъулият, сиёсий маданият ва тараққий топган сиёсий онгга эга бўлган жамият аъзосини фуқаровийликка эга бўлган шахс сифатида эътироф этиш мумкин².

¹ Рахмонкулов Х. Фуқаролик хуқуқининг субъектлари. – Т. : Ўзбекистон, 2008. -Б. 6.

² Жалилов А ва б. Фуқаролик жамияти асослари. – Тошкент, 2015, Б. 90.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-
ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доираси-
ни кенгайтириш зарур.

И. А. Каримов

Фуқаронинг ўз ҳақ-хуқуқларини тушуниши ва уни амалиётда қўллаш кўнимаси, бошқа фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги, давлат ва жамият олдида ўзининг хуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш, фуқароларнинг тенглиги, юксак маънавий-ахлоқий мезонларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеликка нисбатан холисона ва танқидий ёндашув, ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти, бир мамлакат, жамият ва давлатга, шунингдек, унга тегишли хуқуқий, маданий ва тил маконига мансубликда ифодаланган фуқаровий ўзликни англаш фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар қаторига киради. Бу хусусида В. Дальнинг “Фуқаровийлик фуқаролик жамиятини тузиш учун жамиятнинг онги ва билими даражасини ифода этган ҳолатдир”¹ деган фикри асослидир.

Жамиятнинг тараққиёт билан доимий муносабатини ушлаб турувчи, инсоннинг ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини маънавий фаолиятга мувофиқлаштирувчи энг муҳим ва умумий хусусият – бу унинг фаоллигидир.

Шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаш муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларидаги иштироки ва уни уddaлаши каби бир-бири

¹ Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка (современное написание слов). Изд. Цитадель”, Москва, 1998. С. 18.

билан алоқадор сифатлари орқали баён этилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов қайд этганидек, “Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай, тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик, аслида, мана шу”¹.

Фуқаровий фаоллик инсон ва жамият ривожла-нишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади ва у инсон ҳаёти ҳамда фаолиятининг асосини таш-кил этиади. Ўзлигини англаш, ўз-ўзини бошқариш – ижтимоий фаолликнинг муҳим механизмлари ҳисобланади.

Олимларнинг қайд этишича, инсонни ихтиёрий фаолият, яъни кўнгилли ишга чорловчи истакнинг негизида ҳар бир кишига хос бўлган шахсий ва ижти-моий эҳтиёжлар ётади. Жумладан, бошқаларга наф келтириш, ўзини намоён қилиш ва мулоқот истаги кишини фаолликка етаклайди. Кишида ижтимоий жиҳатдан эътирофга бўлган эҳтиёж ҳам мавжуд. Профессионал ва ҳаётий тажрибани қўллаш истаги ҳам кишини шундай фаолиятга чорлаши мумкин. Ўз имкониятларини ишга солиш, ўз ғояларини тадбиқ этиш истаги ҳам кишини ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Ижтимоий жараёнларга таъ-сир кўрсатиш ва иштирок этиш эҳтиёжи ҳам киши-ни фаолликка етаклайди².

Фуқаролик жамиятида фаоллик ижгиомий му-носабатларнинг онгли, беғараз таҳлилига ҳамда

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008. – Б. 165.

² Жалилов А. ва б. Фуқаролик жамияти асослари. – Тошкент: 2015, Б. 92.

уларнинг у ёки бу элементларини ўзгартиришга интилиш даражасини ифодалайди. Инсон ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирон - бир жиддий муаммога дуч келган ҳамда уларни ҳал этиш учун янги қонунларни қабул қилиш ёки мавжуд қонунлар механизмини такомиллаштириш кераклигини англаған тақдирда ижтимоий фаоллик, интилиш янада кучаяди.

Шу ўринда Н. Карпованинг фикрига кўра, фаол фуқаро гуруҳига мансуб кишилар сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган кишилардан иборат бўлади. Бундан ташқари, уларда ўз ҳақ-хукуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд бўлади. Шунингдек, уларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд¹.

Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Намоён бўлиши табиатига кўра, улар конструктив ва деструктив турларга ажратилади. Конструктив ижтимоий фаоллик шундан иборатки, унда жамият аъзолари муайян зиддиятлар билан тўқнашувда ана шу зиддиятларни мавжуд ижтимоий тизим, қонуний хукуқий дастурлар ёрдамида бартараф этиш учун интилади. Унинг мезонлари қўйидагича:

1. Қаттиқ интизом.
2. Инновацияга, янгиликка интилиш.
3. Жамият, корхона манфаатини шахсий манфатдан устун қўйиш.
4. Юксак тадбиркорлик, эришилган натижа билан қаноатланиб қолмаслик.

¹ Карпова Н. В. Политическая культура в процессе становления гражданскоого общества// Вестник Московского университета. – Сер. 18: Социология и политология. – 2006. – №1. С. 22

5. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз бурчи деб билиш, ички ва ташқи бозорни ажрат-маслик.

Фуқаровий фаолликни ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятига ижодий ёндашув сифатида баҳолаш мумкин. Айнан инсоннинг фуқаровий фаоллиги шахснинг тўлақонли ривожланишига, ундағи имкониятларнинг тўлиқ намоён бўлишига хизмат қиласди. Фуқаролик позицияси ҳамда фуқаровий фаолликка эга бўлиш жамиятда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг оқибатлари ва мавжуд муаммоларнинг ечимини чуқур англашни тақозо этади. Бинобарин, “Мамлакат тараққиётида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат сиёсатини ҳалқ иродаси асосида юритиш амалиётини ўрнатиш, қабул қилинаётган қонунларда аҳолининг манфаатлари кенгроқ ифодаланишига эришиш, жамиятдаги ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатларини мутаносиблаштириш ва келиштириш, ҳокимият органларига янги ва соғлом кучларнинг кириб келиши учун зарур шартшароитлар яратиш, аҳолининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш ва ниҳоят, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш” муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда инсонпарвар фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтириш, ҳақиқий демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий мақсади бўлган жамият ва давлатишлирини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикаси “фуқаролари ўз ижти-

*Давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ, давлат халқ
манбаатларини ҳимоя қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси.

моий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга"лиги (33-модда), "... касаба уюшмаларига сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги" (34-модда) алоҳида қайд этилган.

Жамият ва давлат олиб борадиган кўплаб фаолиятларнинг жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари ихтиёрига ўтиши ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон жамияти ва давлатининг халқчиллиги ҳамда халқ манбаатини ифода этишидан дарак бермоқда.

Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак.

Бу ўринда давлат ҳокимияти бозор муносабатлари шароитида турли ижтимоий групкалар, табақалар, касб эгалари ва шахснинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манбаатларини ўзаро мувофиқлаштирувчи, уйғунлаштириб борувчи сиёсий тизимнинг асосий тизимости тузилмаси ва мавжуд сиёсий жараёнларни белгиловчи, уларни тартибга солувчи асосий во-сита, орган сифатида амал қиласди. Демократик жамият қуришда давлатнинг ўрни деганда, бу биринчидан, мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш демакдир. Чунки фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина демократик жамият қуриш учун шарт-шароитлар

яратилади. Ўз ўрнида, хуқуқий давлат ҳам ўз шаклланиш жараёнида демократик жамият сари ривожланиш натижаларидан озиқланади.

Хуқуқий давлат ва демократик жамият – бу бир медалнинг икки томонидир: бу икки томон бир бутунликни ташкил этади. *Иккинчидан*, давлатнинг бош ислоҳотчилиги – бу давлат томонидан демократик жамиятнинг шаклланиши ва яшashi учун хуқуқий асосларнинг яратиб берилишидир. *Учинчидан*, демократик жамият институтларининг шаклланиб, бўй чўзиши учун давлат томонидан уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан муҳофаза қилиш демакдир. *Тўртинчидан*, давлатнинг бош ислоҳотчилиги – бу демократик жамият шаклланиши ва ривожланиши учун давлат томонидан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминланишидир. Чунки демократик жамият фақат ва фақат ижтимоий барқарор муҳитдагина шаклланади ёки ривожланади. *Бешинчидан*, давлатнинг бош ислоҳотчилиги – бу давлат томонидан демократик жамиятнинг иқтисодий таянчи - ўрта синфи шакллантириш сиёсатини олиб боришдир. Чунки демократик жамият ғояси, уни шакллантириш ўрта синф ташаббуси билан бошланган эди. Қолаверса, ўрта синф жамиятда кўпайиб боришига мутаносиб равища фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланиб боради.

Кўриниб турибдики, давлат сиёсати ва манфатлари инсон манфаатлари ва эркидан устун ёки бир-бирига антагонистик кучлар сифатида қарама-қарши қўйилмайди. Давлат субстанционал негизига кўра, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, турли ижтимоий погоналарга хос алоқаларни таш-

килий-сиёсий, ҳуқуқий ва субординацияга мувофиқ уюштиришни ўз зиммасига олган институтдир.

Ҳуқуқий давлат демократия тамойиллари асосида шакллантирилади. Айни вақтда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва унинг моҳиятини ташкил қилувчи барча жиҳатларини жамиятда қарор топиши учун етакчи замин бўлиб хизмат қиласиди. Яъни фуқаролик жамиятининг шаклланиши босқичларида демократлашув жараёнлари, ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Демократлашув жараёнлари фуқаролик жамияти моҳиятини ташкил қилувчи шахс эркинлиги, тенглиги, озодлиги, тинчлиги, фаровонлиги, дахлизилиги каби буюк неъматларни рӯёбга чиқарса, ҳуқуқий давлат – фуқароларнинг ана шу неъматлардан кафолатли фойдаланишининг ҳуқуқий заминларини таъминлаб беради.

Давлат ўз мақсади ва суверен ҳуқуқига эга институт бўлмаганида унинг халқ ҳокимиятчилигининг бошқа тизимларидан фарқи бўлмасди. Демократия шароитида барча муаммолар ўз мақсади ва суверен ҳуқуқига эга давлат билан ранг-баранг мақсадларга эга ижтимоий институтлар, жамомат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партия ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишга, уларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга бориб тақалади. Давлатнинг суверен ҳуқуқи эга институт сифатида мавжудлиги ҳамда давлат мустақиллигининг мустаҳкамланиши ана шу уйғунликни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ўз мақсади ва унга етишнинг ўзигахос мурватларига эга эканлиги нуқтаи назаридан суверендир, аммо у умумий ижтимоий-сиёсий жараёнларда мутлоқ мустақил эмас. Ижтимоий-сиёсий жараён-

ларнинг умумийлиги, жамият танлаган йўлининг муштарақлиги, халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи ҳамда инсон эрки, ҳуқуқи ва манфаатлари ни ҳимоя қилиш умумий тараққиёт белгиси эканлиги давлатни халқ ҳокимиятчилигининг таркибий қисмига айлантиради. Умумий ижтимоий-сиёсий, демократик ва гуманитар тараққиёт мақсади давлатнинг – халқдан, халқнинг – давлатдан бегоналашувига йўл қўймайди.

Конституциянинг қўйидаги нормалари фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлади:

– халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи (7-модда);

– жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади (9-модда);

– фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдум ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (32-модда);

– сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок эта дилар (60-модда);

– сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, шунинг-

дек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси бўлиши мумкин (77-модда);

- Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камидага 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин (90-модда);

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш хукуқига эгадирлар (117-модда).

Давлат ҳокимияти халқ ва фақат халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, уни кафолатлаш учун мастьул бўлса, демократия уни ҳаётга жорий қилиш воситасидир. Бу ўринда ҳокимият ва демократия бир мақсадга, яъни фуқаролар фаровонлиги, эркинлиги ва барқарор тараққиётга хизмат қиласди.

Бинобарин, давлат умумхалқ иродасининг ва умумсоциал манфаатларнинг ифодачиси экан, у марказлашган бошқариш ваколатига, хукуқига эга бўлиши шартдир. Бу ўринда тоталитар маъмурий буйруқбозлик бошқаруви билан демократик таомойилларга асосланган давлатнинг марказлашган бошқарувини айнанлаштираслик керак.

Давлатнинг муайян функцияларини марказлаштириш зарурати доим мавжуддир. Акс ҳолда қонунчиликнинг ягоналигини таъминлаш, ягона иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қийин.

Давлат йирик сиёсий куч, ўзининг суверен хукуқларига эга институт сифатида халқ манфаатлари доирасида фаолият кўрсатади, халқ қабул қилган асосий қонунга амал қиласди ва ўз ваколатларини халқ берган хукуқ доирасидагина амалга оширади. Давлатнинг хукуқи халқ иродаси, ман-

фаатлари ва ваколатларининг инъикосидир. Халқ ҳокимиятчилигини тўла рўёбга чиқариш давлатнинг ана шу онтологик, субстанционал хусусиятидан келиб чиқади. Фуқаролик жамияти қуриш эса, энг аввало, маҳсус сиёсий-хуқуқий ваколатларга эга давлатнинг ўзини, унинг институтларини халқ иродасини ифода этувчи қонунларга, хуқуқий меъёрлар ва нормаларга қатъий амал қилишини, сиёсий гносеологик нуқтаи назардан халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришга хизмат қилишини тақозо этади.

Халқ ҳокимиятчилиги кишиларнинг ўз ҳаётини яхшилашга қаратилган ихтиёрий ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий фаолиятни рационал ташкил этувчи институтидир. Кишиларни ушбу фаолиятга ҳеч ким мажбур этмайди, уларнинг ўзлари мавжуд муаммони, давлат ҳокимияти объектив ва субъектив сабаблар боис ҳал эта олмаётган масалаларни ечишни ихтиёрий тарзда ўз зиммасига оладилар. Уюшқоқлик, рационал фикрга таяниш, олдиндан белгиланган режага қараб фаолият кўрсатиш, бир-бирининг фикрини эшлишиш ва коллегиал тарзда қилинган қарорга мувофиқ ҳаракат қилиш халқ ҳокимиятчилигининг функционал хусусиятларидир.

Халқ ҳокимиятчилиги кенг халқ оммасининг бевосита ёки билвосита иштирокига, қўллабкуватлашига таянади. Шунинг учун у тўдадан, олондан онглилиги, уюшқоқлиги, рационал ташкил этилганлиги билан фарқ қиласди.

Халқ ҳокимиятчилигини шакллантириш ва ривожлантиришда:

- озчиликнинг қўпчилик иродасига бўйсимиши;
- озчилик фикрининг қўпчилик томонидан ҳурмат қилиниши;
- ҳокимиятнинг асосий манбай халқ оммаси эканлиги;

- ҳамма одамлар, синфлар ва табақаларнинг teng ҳуқуқлилиги;
- ўзини-ўзи бошқаришнинг шаклланганлиги;
- нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар уюшмаларининг кенг тарқалганлиги;
- бозор иқтисодиёти ёки демократиясининг жорий этилганлиги;
- халқаро демократик ташкилотларнинг мавжудлиги ёки сиёсий тузумнинг халқаро демократик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга очиқлиги;
- халқаро ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар устунлигининг таъминланганлиги;
- шахс (инсон) эрки, ҳуқуқи ва манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Халқ ҳокимиятчилиги негизидаги умумсоциал манфаатлар инсон эркини, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ахлоқ қоидаларига таяниш, халқлар ва миллатлар аро тотувлик, маданий ҳамкорлик, давлат институтларининг фуқароларнинг teng равнағига хизмат қилишини таъминлаш, глобал муаммоларга умумсайёравий ёндашиш, манфаатлар плюрализмини ривожлантириш кабилар билан боғлиқдир. Ушбу вазифалар фуқароларда нафақат ўзининг, балки келгуси авлодларнинг ҳам тақдири учун масъуллик ҳиссини шакллантиради. Демак, халқ ҳокимиятчилигининг бош функцияси фуқароларда ижтимоий ва демократик тараққиёт учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиради.

Фуқаролик жамиятида давлат билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа институтлари ўртасидаги муносабатлар, алоқалар қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, нодавлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-

ўзи бошқариш органлари давлат тизимини мустаҳкамлашга, ҳаракатларида сайловчиларнинг, ўз аъзоларининг ва давлатнинг манфаатларини уйғунлаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиш керак.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар ҳокимият тизимида маълум бир мавқени эгаллашга интилади. Сиртдан қарагандагина сиёсий уюшмалар ва ҳаракатлар лидерларининг халқа хизмат қилишдан бошқа манфаати йўқдек. Аммо хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, улар давлат ҳокимиятини эгаллаш вақти келганида, курашнинг ғайриахлоқий ва нопок шаклларидан фойдаланишдан ҳам тап тортмайдилар. Демак, турли манфаатларга эга сиёсий гуруҳлар, ҳаракатлар мавжуд экан, марказлашган давлат бошқарувига тўсиқлар, ҳокимиятни эгаллаш учун ҳаракатлар бўлиши муқаррардир.

Иккинчидан, ижтимоий манфаатлар, тараққиёт нуқтаи назаридан, марказлашган бошқарув билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа субъектлари ўртасида ижтимоий муроса, аҳиллик, бирбирини қўллаб-қувватлаш бўлиши зарур. Лекин бу ҳолат умумхалқ манфаатига оид қарорлар қабул қилишгагина тааллуқлидир. Қолган барча ҳолларда, бошқарув субъектлари ўз мақсад ва иродасига мувофиқ ҳаракат қилишга ҳақлидирлар.

Учинчидан, марказлаштириш маълум бир маънода демократик тараққиётга, бозор иқтисодиёти қонунларига зиддек кўринади, бироқ у давлатнинг мавжудлик шартидир. Шунинг учун марказлашган давлат бошқаруви билан халқ ҳокимиятчилиги бошқа субъектларининг фаолияти конституциявий қоида ёки принциплар орқали мувофиқлаштирилиши лозим.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти қуриш бош мақсадга айланган, инсон манфаатлари бошқа барча, шу жумладан, давлат манфаатларидан ҳам устун қўйилаётган ҳозирги даврда давлат ва унинг марказлашган бошқаруви инсонга хизмат қилиши лозим. Ушбу гуманистик принцип халқ ҳокимиятчилиги субъектлари фаолиятининг ҳам асосини ташкил этади. Айнан ушбу нуқтада марказлашган давлат бошқаруви халқ берган ваколат, ҳуқуқ доирасидаги бошқарувдангина иборат бўлиши керак.

Бешинчидан, фуқаролар ҳаётини маъмурий буйруқбозлик билан бошқаришдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувга ўтиш амалга оширилаётган даврда давлатнинг марказлашган бошқаруви ҳамда халқ ҳокимиятчилиги бошқа субъектларининг бошқарувини бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, уларни бир-бираига қарама-қарши қўйиш эса мутлоқо хатодир. Демократик тараққиёт фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришни аста-секин кенгайтиришни тақозо этади.

Халқ ҳокимиятчилиги ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият билан бевосита боғлиқдир. Агар кишилар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга, уларни ўз манфаатлари ва ҳаётий мақсадлариiga хизмат қилдиришга интилмасалар, энг олижаноб ва мукаммал қонунлар ҳам уларни демократик муҳитда яшашга ўргата олмайди. Демак, халқ ҳокимиятчилигининг ривожланиши:

- фуқароларнинг умумий ҳуқуқий-сиёсий савод-хонлигини ошириш;
- фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаоллигини таъминлаш;
- фуқароларнинг демократик институтлар имкониятларидан етарли даражада фойдаланишига эришиш;

- сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, тарбиявий ҳаётида фаоллик кўрсатишига эришиш;
- оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;
- ҳуқуқий тарғибот ва маърифат марказларини ташкил этиш;
- ҳуқуқ институтларининг фаолиятини либераллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Маълумки, демократия, халқ иродаси, эркинлигини англатади, том маънодаги ҳақиқий эркинлик, қонунларни билиш ва унга итоат этишда ўз ифодасини топади. Буюк Рим воизи Цицероннинг ибораси билан айтганда, кишининг том маънодаги эркинлиги, унинг қонунлар қули бўлиши билан боғлиқ. Бошқача айтганда, шахс маънавияти, унинг юксак ахлоқ соҳиби эканлиги, унинг демократияга ва унинг маҳсули бўлган ҳуқуқий имкониятлардан қай даражада фойдалана олишида ҳам яққол кўзга ташланади. Демократиянинг улуғворлиги шундаки, унинг реал амал қилиши шароитида фуқароларнинг эркин ҳаракат қилиши юзага келади ва уларнинг ўз манфаатларини амалга ошириши учун имкониятлари кенгайиб боради. Демократик қадриятлар амал қилинган шароитда давлат фаолияти фуқаролар назорати остида бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида содир бўладиган турли ўзгаришлар ва жараёнларда давлатдан кўра фуқаролар масъуллиги кучаяди. Худди ана шу маънода демократия халқ ҳокимиятининг кўриниши ва амал қилиниши сифатида таъриф қилинади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири – жамият аъзоларининг қонун олдида-

ги тенглигининг, Конституция ва қонунлар устуворлигининг таъминланганлигидир. Шу билан бирга, Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади, инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари ни таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”¹.

Демократик қадриятлар амал қилинган шароитда давлат фаолияти фуқаролар назорати остида бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётида содир бўладиган турли ўзгаришлар ва жараёнларда давлатдан кўра фуқаролар масъуллиги кучайди. Худди ана шу маънода демократия халқ ҳокимиятининг кўриниши ва амал қилиши сифатида таъриф қилинади. Демократик қадриятларнинг юқоридаги хусусиятларидан келиб чиқиб, дунёдаги бир қатор мамлакатларда намоён бўлиш тажрибаларига асосланиб, жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатчилари, унинг қуйидаги мезонларини ишлаб чиққанлар:

- халқнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўйлган қонунлардан хабардорлиги;
- қонунларнинг қабул қилиниши жараёнида фуқароларнинг бевосита ёки билвосита ҳеч қандай тазийкларсиз иштирок қилиши учун шароит яратилганлиги;
- қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан халқ назорати таъминланганлиги;

¹Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-жилд, - Т. : Ўзбекистон, 1996. Б. 10

– оддий фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиети билан боғлиқ, ўзини қизиқтирган, маълумотларни бемалол олишлари учун имкониятлар яратилганлиги кабилардир.

Агар ана шу мезонларга реал амал қиласидиган бўйса, демократия – шахс, давлат, фуқаро ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминловчи омил дарражасига кўтарилади.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилининг амалдаги рўёби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев қуйидагича таъкидлайди: “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Бу борада ҳар қандай ислоҳот конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур. Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир”¹.

ТАЖРИБАВИЙ АМАЛИЙ СЎЗЛАР

Жамият, фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, халқ ҳокимиятчилиги, ижтимоий ўзгариш, иқтисодий мустақиллик, шахс ҳуқуқ ва эркинлиги, тенг ҳуқуқлилик, фуқаро эркинлиги ва фаоллиги, ижтимоий адолат, ғоявий плюрализм, қўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, ҳаракатлар, маданийлашган тартибот.

¹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза. www.prezident.uz

ҚҮШИМЧА ВА ТУШУНТИРУВЧИ МАТЛАР

Фуқаролик жамияттың вүждуга көзинеңдеги зарурый шарттары

Барча фуқароларда хусусий мулк асосида иктисолид мустақилликка эришиш имконияттанинг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти вүждуга келишининг зарурый шарти ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий давлатчилик фуқаролик жамиятининг сиёсий пойдевори бўлиб хизмат қиласди.

Синфлараро имтиёзларнинг бекор бўлиши, инсон қадрининг ўсиши ва тобе фуқародан барча билан тенг ҳуқуққа эга бўлган шахсга айланиш фуқаролик жамияти шаклланисининг мухим шарти ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг тартифлари

"Фуқаролик жамияти бу - эркин, демократик, ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда якка ҳокимлик режимига, волюнтализмга, синфий адоватга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонлик қилишга ўрин йўқ. Бундай жамиятда фақат ва фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик устуворлик қиласди.

Жамият ҳаёти фаолиятининг иктисолид, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошлангич нодавлат тизимларини ўз ичига олган инсоний бирлик

Фуқаролик жамияти -адолат ва эркинликнинг жамият томонидан тан олинган меъёрларига асосланган том маънодаги ижтимоий муносабатларнинг объектив тарзида шаклланган тартиботи

Фуқаролик жамияти - ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат мухити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вүждуга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият

Эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазииклари, аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият.

Фуқаролик жамиятиларга заламинтилири

Иқтисодий элементи	Эркин иқтисодиёт	
Ижтимоий элементи	Ижтимоий гурӯҳлар	Ижтимоий ҳимоя ва хизмат меъёrlари
Сиёсий элементи	Фуқаролик жамияти институтлари	Сиёсий ва гоявий плюрализм

Фуқаролик жамиятиларга балгинари

Иқтисодий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> Нодавлат ташкилотлар, кооператив-ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уошмалар, кооперацияларнинг мавжудлиги
Сиёсий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> Хукуқий давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, сиёсий мухолифат, инсон ҳукуқларини ҳимояловчи институтлар ва марказлар
Ижтимоий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> Оила, партиялар, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ, ижтимоий ихтиофларни куч ишлатмасдан, тазииксиз, қонунлар доирасидаги ҳам қилиш амалиётининг мавжудлиги.
Маънавий соҳада	<ul style="list-style-type: none"> Сўз, виждон ва фикр эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уошмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан таъминланганлиги


Фуқаролик жасамияти тамойиллари

Хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодиёт		
Үзини-ўзи бошқариш		Эркинлик, қонунлар олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат
Сиёсий ва мағкуравий фикрлар хилмачиллиги	Қонун ва одил судлов	Аҳоли ижтимоий фаоллиги

Демократиянинг мазмуни

Демократия – юксак мъянавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти	
Демократия – онгли фикрлаш, ақл идрокка таянган муносабат	Демократия – ҳақиқат, адолат ва тартиб-интизом
Демократия – инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиласидиган, умумхалқ ва умумдевлат манбаатларини асрайдиган қонунларга бўйсиниб яшаш	Демократия – халқнинг ўз эркинлигини ва мустақиллиги, ҳар бир шахснинг манбаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлардан ҳимоя қилиш

“Авесто”да фуқаролик жамияти барпо этиши талаблари



Фуқаро ва фуқаролик жамиятига оид қарашлар


Сүкрот	Ўзгаларни (ижтимоий борлиқни) ўзгартироқчи бўлган инсон, аввал, ўзини ўзгартириши лозим
Платон	Адолат ҳар ким ўз иши билан шуғуланишидир
Аристотель	Комил инсон мукаммал фуқаро бўлиши керак, мукаммал фуқаро бўлиши учун давлат ҳам мукаммал бўлиши керак.
Зўравонлик фуқароларда ватанпарварлик туйғуларининг заифлашувига олиб келади	Монтескье
Жамият гармонияси бу- ижтимоий системанинг қисмлари ва бўлаклари ичидаги маънавий, сиёсий, иқтисодий биологик томонларнинг үйғунлашувидир	Конт
Аввало, хусусий мулкчиликка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, ижтимоий қатламлар, оила, ахлоқ, бурч, маданият, таълим, қонунлар фуқаролик жамиятини ташкил этади	Гегел
А.Фергюссон	Оммавий фаолият юритиш инсонга хос бўлган энг улуг хусусият бўлиб, инсоният баҳти энг улуг мақсад, жамият ичida яшаш қобилияти энг улуг қобилиятидир

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:


1. Фуқаролик жамияти унсурлари “Авесто”да қандай ўз ифодасини топган?
2. Шарқ алломаларидан кимлар фуқаролик жамияти асосларини ишлаб чиққан?
3. Жамият ва фуқаролик жамияти деганда нимани тушунасиз?
4. Демократик жамият ва фуқаролик жамияти бир-бираидан нимаси билан фарқ қиласы?
5. Фуқаролик жамиятининг қандай белгилари мавжуд?
6. Фуқаролик жамияти қандай омиллар асосида шаклланади?

Фуқаролик жамияти хусусидаги қуийдаги илмий ёндашувлар моҳияти ва фарқини очиб беринг?	
Классик ёндашув Т. Гоббс, Ж. Локк ва Ш. Монтескье, Ж. Ж. Руссо, Гегел, Э. Кант, А. Фергюссон, Эдмунд Бёрк,	Замонавий ёндашув Ж. Коэн, Э. Арато, Д. Грин, М. Уолцер, Л. Якобсон, Э. Гелнер, Р. Дворкин, А. Сэлигман, М. Платтнер, Д. Белл, С. Уайт, С. Бенҳабиб, Н. Фрейзер, Ч. Тэйлор, С. Чеймберс, Г. И. Вайнштейн

Фуқаролик жамиятининг учта хусусиятини айтиб беринг!



Фуқаролик жамиятининг учта асосий тамойилини айтинг!



КЛАСТЕРни ёритинг:



Жамоат бирлашмаларининг асосий принциплари



Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. “Авесто”нинг “Ясна”, “Виспрат”, “Яшт”, “Видевдат” китобларида илгари сурилган ижтимоий ҳуқуқий таълимотлар таҳлили.

2. Абу Наср Форобийнинг “Шаҳарни бошқариш” асари бўйича эссе тақдимоти.
3. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида давлатчилик концепцияси таҳлили.
4. Амир Темурнинг “Куч-қудрат – адолатдадир” ғоясининг ҳозирги давр таҳлили.
5. Низомулмulkнинг “Сиёsatнома ёки сияр ул-мulk” асари бўйича эссе тақдимоти.
6. А. Донишнинг “Наводир ул-вақоे” асаридаги адолатли давлат ғоясининг ҳозирги давр таҳлили.
7. А. Авлонийнинг “Маданият тўлқинлари” мақолосининг таҳлили.
8. А. Фитратнинг “Оила” асари бўйича эссе тақдимоти.
9. А. Фитрат “Раҳбари нажот” асари бўйича эссе тақдимоти.
10. А. Иброҳимовнинг “Биз ким ўзбеклар” асари бўйича реферат тақдимоти.
11. Ж. Локкнинг “Фуқаролик бошқаруви ҳақидаги иккинчи рисола” асари.
12. Ш. Л. де Монтескье “Қонунлар руҳи” номли асарида “фуқаролик ва давлат” тушунчаларининг таҳлили.
13. Иммануэл Кантнинг “Бутунжаҳон фуқароликда умумий тарих ғояси” асарида ҳуқуқий фуқаролик жамиятида давлат тузилиши таҳлили.
14. “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида фуқаролик жамияти тузилиши бўйича “Гегел схемаси” нинг таҳлили.
15. А. Фергюссоннинг “Фуқаролик жамиятининг тарихий тажрибаси” асарида фуқаролик жамияти шаклланиши ҳақидаги қарашлари таҳлили.
16. Д. Гриннинг “Фуқаролик жамиятига қайтиш” асарида фуқаролик жамиятига замонавий ёндашувнинг моҳияти.

17. X. Одилқориевнинг “Конституция ва фуқаро-лик жамияти” асаридағи демократик тамойилларнинг моҳияти таҳлили.

18. М. Қирғизбоевнинг “Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мағкуралар, маданиятлар” аса-рида фуқаролик жамияти асосларининг ёритилиши таҳлили.

16. М. Шарифхўжаевнинг “Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши” асарида фуқаролик жамиятининг асосий белги ва хусусиятларининг ҳозирги кунда намоён бўлиши таҳлили.

17. З. Исломовнинг “Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага” мақоласининг таҳлили.

Билим ва қўнималарни баҳолаш материаллари

1. “Демократия” атамаси –

а) юононча сўз бўлиб, демос-халқ, кротос-ҳокимият, халқ ҳокимияти деган маънони англатади.

б) лотинча сўз бўлиб, демос-халқ, кротос-ҳокимият, халқ ҳокимияти деган маънони англатади.

с) арабча сўз бўлиб, демос-халқ, кротос-ҳокимият, халқ ҳокимияти деган маънони англатади.

д) русча сўз бўлиб, демос-халқ, кротос-ҳокимият, халқ ҳокимияти деган маънони англатади.

2. Фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришган алломани аниқланг?

а) Форобий

б) Юсуф Хос Ҳожиб

с) Алишер Навоий

д) Ҳусайн Воиз Кошифий

3. “Фуқаролик жамияти” тушунчасини илмий ва сиёсий-ҳуқуқий муомалага ким киритган?

- a) Гегель
- b) Жон Локк
- c) Томас Гоббс
- d) Аристотель

4. *Фуқаролик жамиятининг назарий асосларини мукаммал таълимот сифатида ким яратган?*

- a) Гегель
- b) Жон Локк
- c) Томас Гоббс
- d) Аристотель

5. *Фуқаролик жамиятининг либерал талқинини кимлар илк бор илгари сурган?*

- a) Т. Гоббс, Ж. Локк ва Ш. Монтескье
- b) Ж. Ж. Руссо, Гегел, И. Кант
- c) А. Фергюссон, Эдмунд Бёрк
- d) Ж. Коэн, Э. Арато, Д. Грин

6. *"Хусусий мулкчиликка асосланган эҳтиёжлар тизими, шунингдек, дин, ижтимоий қатламлар, оила, ахлоқ, бурч, маданият, таълим, қонунлар фуқаролик жамиятини ташкил этади". Ушбу фикр ким томонидан илгари сурилган?*

- a) Гегель
- b) Т. Гоббс
- c) Э. Кант
- d) Д. Грин

7. *"Фуқаролик жамиятининг тарихий тажрибаси" деб номланган, 1767 йилда ёзилган асар муаллифини аниқланг.*

- a) Ш. Монтескье
- b) А. Фергюссон
- a) Ж. Коэн
- b) Э. Арато

8. *"Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўзини-ўзи англаш, уларнинг объектив равишда масъуллик*

ҳиссини сезиш қобилиятынинг юксалишига ҳамоҳанг шаклланаб боради. Бу каби жамиятда шаклланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари дара-жасининг юқорилиги билан ажралиб туради". Ушбу фикр муаллифини аниқланг?

- a) М. Қирғизбоев
- b) А. Сайдов
- c) И. Эргашев
- d) Т. Одилқориев

II-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ- МЕТОДОЛОГИК, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

1. Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш концептуал заминларининг асосланиши.

2. Мамлакатда ислоҳотларни чўқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор вазифалар.

3. Фуқаролик жамияти институтлари ва уларни ривожлантириш механизмлари.

1. МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ҚИЛИШ КОНЦЕПТУАЛ ЗАМИНЛАРИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини – яъни бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин, очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифасини асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Бу вазифани амалга оширишнинг илмий-методологик, назарий асослари, асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов томонидан

*Жамият тарақиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан
күтқариб қоладиган ягона қуч -маърифатdir.*

И. А. Каримов

ишлаб чиқилди. “Ўзимизга хос ва мос тарақиёт йўлидан борамиз”, изчиллик асосида “ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”, бу борада “пировад мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир” ва кўзланган “барча ислоҳотларнинг - иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”, “Ўзбекистон ҳалқининг миллий тарақиёт йўлидаги асосий мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш”дир ва бу мақсадга етишишда “Онг ва тафаккур ўзгармаса ижтимоий ҳаёт ўзгармайди”, “Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадрияtlар турмоғи керак”, “жамиятни демократлаштиришининг муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир – бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир”, умумстратегик вазифаларда ҳамда ҳалқнинг туб манбаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган қуч “юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ фаравонлиги” ғоясидир каби методологик илмий мулоҳазалар, концептуал қарашлар унинг асарларида илмий асослаб берилди.

И. Каримов асарлари моҳиятан мамлакатимизда янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг бир қанча даврларини ўзида ифодалайди:

1989-1991 йиллар – Мустақиллик остонаси

1991-2000 йиллар – Ўтиш даври

2000-2007 йиллар – Мамлакатни янгилаш ва модернизациялаш

2007-2015-йиллар – Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш даври.

И. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида ўз йўлимизнинг шартшароитлари ва заминлари кўрсатилиб, унда, ўз ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш Республикализнинг қатъий позицияси эканлиги асосланди. Асарнинг “Ўзбекистон – демократия ва ижтимоий адолат жамияти” бўлимида “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, хуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”, “Миллий манфаатлар устуворлиги ва teng ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёsat” бўлимида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фарол ташқи сиёsatни амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва foят муҳим воситаси эканлиги, “Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш – мустақил Ўзбекистон ички сиёsatининг негизи” деган бўлимида халқ ман-

фаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат – Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шарти ва ички сиёсатнинг инсон манфатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмларига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларининг давлат йўли билан хизмат қиласидиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатлиги қайд этилди. Республикада сабитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифадир... Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак”¹.

Мазкур асарда Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйгани талҳил қилинди. Бундай жамиятда қонун ҳукмонлик қилиб, ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари қонун асосида яратилади. Шунингдек, асарда “Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъяян ҳукмонлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи субъект, ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас”²лиги таъкидланди.

Маълумки, ҳозирги замонда ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил моделлари яратилди. Жамият тараққиёти моделларининг хилма-хиллиги бевосита маданиятлар ранг баранглиги ва унинг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т. : Ўзбекистон, 1996. -Б. 44-45.

² Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Т. : Ўзбекистон, 1996. -Б. 321

Биз олдимизга фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини күйганимиз. Фуқаролик жамиятын қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишини кўзда тутади.

Каримов И. А.

умуминсоний хусусиятлари билан боғлиқ. Маданиятлар хилма-хиллигини эътироф этмасдан, миллий маданиятларнинг ўзига хос жиҳатларини, ривожланиш қонуниятларини тан олмаслик мумкин эмас. Бундай ёндашув жамият тараққиёти моделларининг асосларини тўғри тушунишга назарий-методологик жиҳатдан ёрдам беради. Жамият тараққиёти моделларини тушунишда “ягона моделга” даъво қилиш, унинг назарий-концептуал асослари мутлақлигига интилиш ғояси бир томонлама ёки илмий-назарий, методологик жиҳатдан хато, нохолис хulosалар чиқаришга сабаб бўлади. Жамият тараққиёти моделларини “бир чизиқда” кўриш жамият моделлари, тараққиёт хилма-хиллигига тўғри келмайди.

И. Каримовнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозасининг ўзига хос муҳим қонуниятларини илмий асослаб берди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш, фуқаролик жамияти қуриш, умуман, жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнларини бешта асосий принцип асосида амалга оширишнинг “Ўзбек модели” концепциясининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу бешта асосий принципларнинг моҳияти кўйидагича ифодаланди: “биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёsat ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин

эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур; иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретрографадлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт; учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим; тўртингчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади; бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади”¹.

Хуқуқий демократик давлатни барпо қилишда жамият ҳаёти, хусусан, сиёсий жараёнларнинг бир маромда ривожланиб боришини таъминлашда унинг иқтисодий асосларига мос равища бошқа

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 300-301.

соҳаларни ҳам ривожлантириб боришда ижтимоий бошқаришнинг функционал модели жорий қилинди. Мазкур моделни жорий қилишдан асосий мақсад – иқтисодий ва сиёсий мувозанатни сақлаш асосида ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тангликка йўл қўймаслик, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турли табақалари, касб эгалари, ижтимоий-сиёсий гурухлар ўртасида ижтимоий мувозанатга эришиш эди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан аниқки, аввало, манфаатлар тизимида ва мулкий муносабатларда туб сифатий ўзгаришларни, шунингдек, ижтимоий-иктисодий барқарорликка эришиш мулкий муносабатларнинг асосий юзага келтирувчи ишлаб чиқариш соҳасида ҳам туб таркибий ўзгаришлар ясашни тақозо этади. Бу соҳада чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш макроиктисодиётни барқарорлаштириш, миллий валютанинг харид қобилиятини ошириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот салмоғини кўпайтириш, молия интизомини мустаҳкамлаш, хусусий ва кичик бизнесни ривожлантириш каби муҳим иқтисодий тадбирларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. “Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим”¹.

Миллий тараққиёт модели асосида ҳуқуқий демократик давлатнинг институционал заминлари:

¹ Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 – ж. – Т. : Ўзбекистон. 2003, 27 –29 бетлар.

- давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши принципига асосланиши;
- демократик Конституциянинг қабул қилиниши ва қонун устуворлиги тамойилини рўёбга чиқарувчи механизмларнинг яратилиши;
- эркин демократик сайлов тизимининг кафолатланиши;
- давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг яратилиши;
- жамоат бирлашмалари ва нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилиши;
- фуқаролар ўз-ўзини бошқариш институтларининг ривожлантирилиши;
- фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини, манфатлари ва эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали заминларининг вужудга келтирилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилди.

Буларнинг натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун энг асосий куч ва манба бўлиб хизмат қиласидаган замонавий хуқуқий демократик давлат асослари ривожлантирилди:

биринчидан, эски яккапартиявий давлатга барҳам берилиб, демократик тамойиллар асосидағи миллий давлат шаклланди; *иккинчидан*, жамиятда кўппартиявийлик тизими шаклланди; *учинчидан*, партия ва давлатдан ҳоли бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди; *тўртинчидан*, ўзини-ўзи бошқариш органлари партиядан ва давлатдан ажратилди; *бешинчидан*, коммунистик мафкура ўрнига мафкуралар плюрализмига ўрин берилди; *олтинчидан*, миллий қадриятлар ва миллий маънавият мамлакат халқининг асосий дунёқарашига айланиши учун барча хуқуқий асос-

лар яратилди; *еттингиздан*, барча қонунларни демократик тамойиллар асосида қабул қилиш тажрибаси шаклланди; *саккизинчидан*, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Зеро, ҳуқуқий давлат ўз моҳиятига кўра ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглигини кафолатлайди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ тан олиниши ва ҳурмат қилинишини таъминлаб беради, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро демократик ҳамкорлик принципларига таянади, ҳуқуқ ва тартиботнинг барқарорлигини кафолатлайди.

Фуқаролик жамияти қуриш стратегиясининг шаклланишида Биринчи Президентимиз И. А. Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал тамойил муҳим аҳамият касб этади.

Кучли фуқаролик жамияти барпо қилинар экан, жамият барқарорлиги, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш ишларида кишиларнинг саъй-ҳаракатлари кучаяди, масъулияти ошади. Чунки фуқароларнинг жамият ҳаётида эркин, ҳеч қандай ҳукмрон мафкура, маъмурий чеклашлардан ҳоли, ҳуқуқ ва манфатлари таъминланган асосда яшashi уларга кенг имкониятларни очиб берди. Эндиликда фуқаролар давлат ва жамият ҳаётида уюшган ҳолда турли жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларда ўз хоҳиш ва иродасини нағоён қилмоқда.

Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-

лари” асарида фуқаролик жамиятининг энг асосий институтлари Ўзбекистон мамлакати шартшароитлари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда талқин этилади. Шунингдек, бу асарда янги жамият қуриш муаммолари “шахс-жамият-давлат” ўзаро уйғунлиги асосида таҳлил этилади. Мұхими, давлатнинг шахс ва жамият манфаатлари асосида фаолият юритадиган сиёсий институт эканлиги, бу институтнинг доимо жамият ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан фаровон бўлиши ҳамда барқарорлиги учун масъуллигини ошириб бориш зарурлиги асосланади. “Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий соҳасида демократик институтларни шакллантириш сиёсий тизими ни ислоҳ қилишга ва ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнларига жўшқинлик бахш этишга қаратилгандир”¹, “фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз берәётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим қаби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир”².

“Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечиши-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 172

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 174

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органлариға, жамоат тузилмалариға ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлариға босқичма-босқич топширишни кўзда тутади.

И. А. Каримов

миз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муваммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?” деган саволлар мамлакатимизнинг келгусидаги ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди ва бу Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида асосланди:

Биринчи устувор йўналиш-мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтириш;

Учинчи устувор йўналиш – кадрлар масаласи – фаровон қудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўймоғи лозим;

Тўртинчи устувор йўналиш-халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади;

Бешинчи устувор йўналиш – иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир;

Олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик тинчлик миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлаш.

Модернизациялаш, аслида, жамиятни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада янгилаш, ўзгартириш ва тараққий эттириш демакдир.

Мазкур вазифаларни бажариш ва, энг аввало, жамиятни янада эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш барча хуқуқий давлатлар асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлиари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур.

Жамиятда демократлаш жараёни институтлар – партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ. Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад – жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳётда хукмон қилишга ҳисса кўшишлари лозим¹.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини тўлиқ ифодалаш

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б. 20-21

ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шундай яққол намоён бўлади”. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади”.¹

Бинобарин, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни фуқароларнинг давлат олиб бораётган сиёсат, ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда кенг қатнашиши, унинг бевосита иштирокчиси, ташаббускори ва ижодкори бўлишни тақозо этади.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ҳуқуқий демократик ўзгаришлар сабабли фуқароларнинг сиёсий иштироки ва фаоллиги ўсиб борди. Кишилар бугунги кунда ўз ҳуқуқи, жамиятдаги мавқеи, сиёсий иродаси, ватан олдидаги масъуллиги билан боғлиқ хусусиятларни намоён қилмоқда. Фуқаролар референдумлар, сайловлар ва жамият ҳаётининг бошқа энг муҳим масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда – Т.: Ўзбекистон 1999. Б. 28-29

ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".¹

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятига хос бўлган белгилар шакллана бошлади. Булар жамиятнинг ижтимоий муносабатларида иштирок этадиган тузилмалар оила, сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, жойлардаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг фаолиятида намоён бўлмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва ифода этишнинг замонавий шакллари, ижтимоий низоларни куч ишлатмасдан, тазиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиёти ҳам такомиллашмоқда. Жамият соҳаларини эркинлаштириш натижасида ижтимоий ҳаётда сўз, виждон эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги, ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлари таъминланди.

И. Каримов "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойdevорини шакллантиришдан иборатдир"² деб таъкидлади.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуий тизим-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б. 8.

² Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т. : Ўзбекистон, 2000. -Б. 331.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата - Сенатнинг худудлар манфаатларини ифода этади, қуий палата – Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширади.

Каримов И. А.

га, шу жумладан, ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари га ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. *Иккинчидан* - жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало, фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор¹.

Жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепцияси ишлаб чиқилди ва унинг қуийдаги йўналишлари белгилаб берилди:

- мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш;
- нодавлат-нотижорат тузилмалар, фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

¹ Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. -Т. : Ўзбекистон, 2002. -Б. 325.

Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти ор-
ганлари ваколатларини номарказлаштириш асо-
сида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-
шароитлар яратиш мақсадларида “ҳокимият
ваколатларининг маълум бир қисмини мар-
каздан маҳаллий ҳокимият органларига ўтка-
зишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий
хужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга
қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш”¹ ва-
зифаси белгиланди.

2. МАМЛАКАТДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

И. Каримовнинг “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш олий саодатдир” аса-
рида Ватанимизнинг тараққиётини янада юксалти-
ришга қаратилган энг муҳим ва долзарб мақсад ваз-
ифалар кўрсатилди:

Биринчидан – мамлакатимизни модернизация
қилиш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимиз-
нинг жадал суръатлар билан ўсиши тадбиркор-
лик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатларини
жадаллаштириш, *иккинчидан* – юрт тинчлиги, Ва-
тан равнақи, халқимиз фаровонлигини таъмин-
лаш, барча моддий ва интеллектуал мулк эгали-
гининг манфаатларини устун қўйиш, *учинчидан*
– кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти-

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. //Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. -Т. : Ўзбекистон, 2005. -Б. 181.

га босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифа эканлиги, *тўртинчидан* – ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол давом эттириш, инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўрин тутиши, “Инсон манфати ҳар нарсадан улуғ” деган шиорни амалга ошириш, *бешинчидан* – мамлакатимизда суд ҳуқуқ тизимини, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми эканлиги “Адолат-қонун устуворлигида” деган шиоримизни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, *олтинчидан* – юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларо тотувлик, турли миллатлар ва диний конференциялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласарини ижтимоий ҳимоя қилиш ва маошлиари миқдорини кўпайтириб бориш, *еттинчидан* – иқтисодиётимизнинг юқори ривожланишини таъминлаш ҳисобидан халқимизнинг реал даромадлари ва фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, *саккизинчидан* – мамлакатни модернизация қилишда янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим соҳасидаги миллий дастуримиз ижросини якунига етказиш, *тўққизинчидан* – “Юксак маънавия – енгилмас куч” деган шиоримизни амалга оширишимизда маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, *ўнинчидан* – юқорида зикр этилган улуғвор мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш вазифасини юртимизда яшаётган милла-

ти, тили, дини ва қайси сиёсий гурухга муносиблигидан қатъи назар, бирдамликда меҳнат қилиш.

Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” асарида мамлакат тараққиётини белгилайдиган омиллар ишлаб чиқилди:

– республиканинг қишлоқлари ва шаҳарларида ижтимоий сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни, осойишталигини таъминлаш;

– аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ҳимоя қилиш;

– мулкни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳокимликка қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий заминлари ҳар томонлама асосланди ва истиқболдаги тараққиёт йўналишлари кўрсатиб берилди. Яъни фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилувчи еттита устувор стратегик вазифалар асослаб берилди. Булар:

биринчидан, сиёсий соҳани эркинлаштириш;

иккинчидан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини эркинлаштириш;

учинчидан, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш;

тўртинчидан, маънавият соҳасини эркинлаштириш;

бешинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш;

олтинчидан, ташқи сиёsat фаолият соҳаси асосларини мустаҳкамлаш;

еттинчидан, хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини қучайтириш, суд тизими ни либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди. Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ваколатларини бозор таъмийларига мувофиқлаштириш ва пировард на-тижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиҳдий камайтириш кўзда тутилган эди. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика дарражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўtkазиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи
ҳокимиятни амалга оширади.*

И. А. Каримов

Ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда “Референдум яқунлари ҳамдадавлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди. Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуий – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

И. Каримов инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиқсан демократик қадриятларни тўлаттўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлаб, “демократия” тушунчасини қуийдагича ёритади. Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия – ҳалқнинг

ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва хуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Улар қўйидагилардан иборат:

- 1) халқ қарорлар қабул қилиш жараёnlаридан қанчалик хабардорлиги;
- 2) хукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши;
- 3) оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

“Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, - деб таъкидланади мазкур асарда, – демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас”¹.

И. А. Каримовнинг 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг янги стратегик йўналишларини белгилаб берган Концепция² асослаб берилди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т. : Ўзбекистон, 1998. Б – 151.

² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т: Ўзбекистон, 2010.

№1	Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
№2	Суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш.
№3	Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
№4	Ўзбекистон сайлов ҳукуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.
№5	Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.
№6	Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чукурлаштириш.

Мазкур концептуал ғоялар асосида бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнлари ўз таркибига қўйидаги муҳим жиҳатларни қамраб олмоқда:

биринчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантириш орқали, Конституциямиз нормаларига таянган ҳолда демократик ислоҳотларни ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш эҳтиёjlари ва аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, янги қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиб бориш ишларини янада ривожлантириш;

иккинчидан, қонунларни ҳаётга жорий қилишнинг янада самаралироқ механизмларини вужудга келтириш;

учинчидан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омили ва воситаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини ривожлантириш ва шакллантириш.

Мазкур ғояларни босқичма-босқич ва изчиллик билан жамиятимиз ҳаётига татбиқ этиб борилаётганлиги боис ҳозирги вақтга келиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар ўз

Юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа.

И. А. Каримов

таркибига моҳияттан давримизнинг энг замонавий мезонларига мос келувчи янги асосларини қамраб олмоқда. Бунинг негизида юртимиз мустақил демократик тараққиётининг устувор йўналиши ва мақсади бўлган фуқаролик жамиятини чуқур қарор топтириш учун ҳуқуқий-ижтимоий замин кучли даражада мустаҳкамланди, Конституциявий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилди.

Мазкур концепция асосида Конституциянинг XVIII, XIX, XX бобларига ва жумладан, 32-, 78-, 93-, 96-, 98-, 103- ва 117-моддаларига қўшимчаларнинг киритилиши асосий Қонуннинг ҳуқуқий нормаларини янги демократик қоидалар билан тўлдирилишини таъминлади.

Концепция асосида 27 та қонун ҳамда тегишли меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги (2010 йил 22 декабрь), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги (2012 йил 26 апрель), “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012 йил 24 сентябрь), “Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида”ги (2012 йил 4 октябрь), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги (2012 йил 20 декабрь), “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги (2012 йил 25 декабрь), “Гаров реестри тўғрисида”ги (2013 йил 23 октябрь), “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013 йил 27 декабрь), “Давлат ҳокимиияти ва

бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги (2014 йил 5 май), "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги (2014 йил 28 август), "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги (2015 йил 25 август) каби янги қонунлар қабул қилинди.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинган эди: "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси хукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қиласди, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қиласди, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласиди.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишли-ча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти то-

монидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Баш вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Баш вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Баш вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қиласиди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Баш вазир билан бирга истеъфога чиқади. Янги Баш вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Олий Мажлис томонидан Баш вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Баш вазир вазифасини бажарувчини тайинлай-

ди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принциплари ни ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилади. Ва бу бош вазир номзодини кўрсатиш тартибининг демократик принциплари, сиёсий партияларнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини кучайтиради, Қонунчилик палатасида депутатлик ўрнини эгаллаш учун сайловларда сиёсий партиялар ўртасидаги қурашни кучайтиришга шароит яратади, Парламентга ҳукумат фаолиятига тъисир кўрсатиш борасида кенг ҳуқуқлар беради ҳамда мамлакатда сиёсий муҳитни соғломлаштириш ва ҳукумат сиёсатини Парламент ҳамда сиёсий партиялар электорати фикрини эътиборга олган ҳолда ўзгартиришга хизмат қиласи.

Шунингдек, Конституцияга киритилган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилди. Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. Б. 10-13.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қўйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади: мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади¹.

Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни мондернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Концепцияда қайд этилган “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатdir. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини

¹ Ўша манба. -Б. 14.

юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда, бу борада ...аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиласидиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш¹ни изчил амалга ошириш зарур. Хусусан:

- суд тизимини ижро этуви ҳокимият орғанлари назорати ва таъсиридан чиқариш, суд мустақиллигини ва одил судловни амалга ошириш; (судга қадар иш юритиш босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзида ги процессуал мажбуровлар чоралар каби ваколатлар прокурордан суд органларига ўтказилди, суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш ва ЖПҚдан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатининг чиқарилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилди, суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини берди. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлашга эътибор кучайтирилди)

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 16

Бугунги қунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 10000 дан зиёд нодалат-нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

- фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш (кассация инстанцияси), адвокатура институтини такомиллаштириш; (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келди).

- жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш;

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаб, қабул қилиш (бу маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини таъминлади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ишлаб чиқишга ҳизмат қилди, масалан, айrim қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан кейинги декриминаллаштириш амалга оширилди).

- давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган хужжатларни ишлаб чиқиш (“Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғри-

сида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди, қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қонуларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишига хизмат қилди).

Концепцияда адлия органларининг ролини кучайтириш вазифасининг қўйилиши хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилди. Адлия органларининг хуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва хуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги амалий иштирокида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг зарурлиги ҳамда аҳамияти Концепцияда кўрсатиб берилди. "Оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан

бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этишга хизмат қилади”¹.

Концепцияда Конституциянинг 78-моддасига, яъни Олий Мажлиснинг назорат ваколатларини кучайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишининг белгиланиши Парламент ваколатларини ва унинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид масалаларни ҳал этишга таъсирини кучайтиришда, Баш вазирнинг масъулиятини кучайтиришда, ҳукумат бутун таркибининг иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият қўрсатишини таъминлашда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтиришда аҳамиятга эга бўлди.

Концепция доирасида ўтган йиллар давомида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда сайлов ҳукуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияда устувор йўналиши қилиб белгиланиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни фуқароларнинг давлат олиб

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. -Б. 31

бораётган сиёсат, ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда кенг қатнашиши, унинг бевосита иштирокчиси, ташаббускори ва ижодкори бўлишига замин тайёрлади. Бугунги қунда фуқаролар давлатни бошқариш ишларида фуқаролик жамияти институтлари тузилмалари орқали иштирок этмоқдалар. Бу жараёнларда юқори органларнинг ваколатларини қуига, бевосита фуқаролар қатнашадиган институционал тузилмаларга ўтказиш масалалари ҳал этилмоқда.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ривожлантирилишида жамиятимиз тараққиёти учун дастуруламал бўлиб хизмат қилган Ислом Каримов концептуал ғоялари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Концепциянинг олтинчи стратегик йўналиши мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларни ва иқтисодиётни янада чуқурлаштиришга бевосита бағишлилангандир. Ушбу стратегик дастур қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда, юртимиз иқтисодиётини, айниқса, хусусий тадбиркорликни, кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича хуқуқий базани такомиллаштириш вазифалари қўйилди:

– “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

– “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

– бизнеснинг янги ташкилий-хуқуқий шакли сифатида оиласвий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш;

*Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ролини янада ку-
чайтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришида ҳеч
муболағасиз ҳал қилувчи омилдир.*

И. А. Каримов

- “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ка-
фолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири-
ни тайёрлаш;
- “Рақобат тўғрисида”ги янги қонунни ишлаб
чиқиш ва қабул қилиш.

Биз танлаб олган тараққиёт йўлининг улкан са-
мараларини эътироф қилар эканмиз, дунёning ну-
фузли экспорт институтларидан бири бўлган Гал-
луп Ворлд институти аҳолининг баҳтиёрик, хуш-
кайфиятлар Индекси (Поситиве Эхпериенс Инdex)
бўйича ўтказган тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон
жаҳоннинг 138 та мамлакати орасида 29-ўринни
эгаллаган. Республикамиз МДҲ мамлакатлари ора-
сида ушбу индекс бўйича биринчи ўринда туриб-
ди. Қиёслаш учун келтириб ўтиш жоизки, мазкур
индекс бўйича Франция 34-ўринда, Финляндия
36-ўринда, Италия 45-ўринда турибди¹.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар, юқори
технологияларга асосланган янги ва замонавий
корхоналарни барпо этиш, фаолият қўрсатаётган
ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда ян-
гилаш ва модернизация қилиш борасида пухта
ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг
ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1991
йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга
ўсди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги
ишлаб чиқаришнинг улуши 34 фоиздан 17 фоизга
камайди. Лекин бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
камайди, дегани эмас. Мамлакатимизда ялпи ички

¹ Ягонасан, муқаддас ватаним, севги ва садоқатим, сенга баҳшида,
гўзал Ўзбекистоним. – Т. : Маънавият, 2014. –Б. 8.

маҳсулотнинг умумий ҳажми ошиб борди. Юқорида таъкидланганидек, юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1991 йилга нисбатан 5 карра ўсди¹.

3. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳокимиятнинг алоҳида функциялари, фуқаролик жамияти институтларининг эса алоҳида функциялари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Бинобарин, Биринчи Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “Фуқаролик институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда”².

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъяят билан давом эттириш - бош мақсадимиз. -Т. : Ўзбекистон, 2015. -Б. 16-17.

² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т. , “Ўзбекистон”, 2010. -Б. 42

Нодавлат ташкилотларининг ҳаракат доираси, ёхуд белгиланган фаолиятлари тегишли меъёрлар ва қоидалар асосида узлуксиз асосда ташкил этилиб борилиши лозим. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари шахс ва жамият ўртасидаги барқарор муносабатлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки, уларнинг жамият иши учун масъулиятларининг ошиб боришлари учун асос бўладиган ижобий қадриятлар яратмоқда. Жамият ҳаётининг кўпгина жабҳаларида уларнинг ўзига хос ўрни, салмоғи ва таъсири сезилмоқда, инсон такомили ҳамда турмуш фаровонлигига ўзига хос замин яратилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг асоси - жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу нодавлат тизимидағи барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қиласа, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги жамоат бирлашмалари бозор иқтисодиётiga ўтиш, хуқуқий давлат, демократик ва фуқаролар жамиятини барпо қилишда давлат ва унинг органлари билан ҳамкорлик қилиши, ўз-ўзини бошқариш воситасида турли хил ижтимоий гурухлар манфаатларини ифода этиши ва уларни қондириши, халқ орасида

демократик ғоя ва қоидаларни тарғиб қилиши бу-
гунги даврнинг долзарб вазифасидир.

Ривожланган мамлакатлар ва миллий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамияти барпо этишга жамият институтлари, бошқача айтганда, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятисиз эришиб бўлмайди. Тўғри, бу соҳада давлат ҳокимияти органлари энг асосий институтлар сира-сига киради. Лекин давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлик соҳасидаги сиёсати ва амалий фаолияти, фуқароларнинг бу йўналишдаги фаоллиги, албатта, жамият институтлари фаолиятининг ташкилий ва бошқа шакллардаги хатти-ҳаракатлари натижасидагина таъминланади.

Адабиётларда таъкидланганидек, “Ижтимоий давлат шароитида турли ижтимоий қатламларнинг уйғунлашуви, уларнинг умуммиллий манфаатларга киришуви фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг хусусияти, давлат хизмати сиёсий-маъмурий механизми хусусияти билан ҳам таъминланади. Шу аснода бирлашув жараёни фуқаролик жамияти институтларининг туманлар, вилоятлар ва марказ даражасида қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда улар устидан назоратда фаол иштирок этишни кўзда тутади”.¹

Фуқаролик жамиятиятида сиёсий партиялар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-но-тижорат ташкилотлар ва бошқа турли оммавий ҳаракатлар ўз фаолиятларида жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг дунёқараши ҳамда манфаатларини ифодалаган ҳолда фаолият олиб бориши натижасида фуқароларнинг жамият бошқаруви ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари

¹ Ташанов А. Бошқарув ислоҳотлари ва раҳбар компонентлиги.
– Тошкент: “Маънавият”, 2011. 28-б.

учун зарурат туғилади, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасидагина уларнинг сиёсий маданияти юксалиб боради.

1991 йилнинг 15 февраляда Ўзбекистон Олий Кенгаши “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тузилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рӯёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш”¹ мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятияга хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиши, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг қонулари. 4-сон. Т.: Адолат, 1993. -Б. 155.

Фуқаролик жамиятини барпо қилиш даврида жамоат бирлашмаларининг фаолияти асосан қўйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган:

– жамоат ташкилотлари фаолиятининг Конституция ва мавжуд қонунлар доирасида бўлишини таъминлаш;

– жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини қуриш, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш, жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш ғояларини ҳаётга тадбиқ қилишда фаол иштирок этиши;

– ўз фаолиятининг устивор йўналишларини бозор муносабатларини ривожлантириш, жамиятимизда боқимандалик ва лоқайдлик каби иллатларни барҳам топтириш, халқимизда миллий ғуур ва ифтихор, ватанпарварлик, комил инсонни шакллантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатлари ва хислатларини шакллантиришга сафарбар қилиш;

– жамоат бирлашмалари аъзоларининг ўз низомларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини қондиришга имкониятлар яратиш;

– жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари қарорларини тайёрлашда кенг иштирок этиши ва ҳ.к.

Фуқаролик жамияти муҳим институтларидан бири бу нодавлат ва нотижорат ташкилотларидир. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятининг энг муҳим йўналиши - бу жамиятни демократлаштиришdir, бошқача айтганда, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда иштирок этишdir. Бу жараён ННТларни ўз фаолиятларида демократик қадриятларга тўла риоя қилишни, ўз аъзолари манфаатларини ифода этишни, мам-

лакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашишни, жамиятда плюрализм ва ошкоралик-нинг рӯёбга чиқишига кўмаклашишга ўзларининг ҳиссаларини қўшишларини тақозо этади. Муҳими, ННТ ижтимоий қатламлар, умуман олганда эса миллат манфаатлари ва уларнинг хоҳиш-иродаларининг ҳаётий ифодасини амалга ошишида иштирок этиши талаб этилади. Бу ҳолат жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлашга таъсир этади.

ННТлар мамлакат фуқароларининг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишда бевосита ва билвосита таъсир қила оладиган ташкилий тузилмалардир. Мазкур ташкилотлар муайян ҳудуд аҳолиси ва умуман жамиятга турли масалаларда кўмак беради. Жумладан, минтақавий, маҳаллий чегараларда муҳим муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, профилактик ишларда иштирок этишдан тортиб институционал миқёсдаги фаолиятларда иштирок этади. ННТлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига билвосита таъсир кўрсатишда қабул қилинган хуқуқий меъёрлар доирасида турли механизmlарни қўллайди, давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласиди, жамоатчилик эксперти сифатида фаолият юритади.

Мамлакатда жамоат бирлашмалари тизимининг қарор топиши фуқаролик жамияти учун хос бўлган инсон хуқуқлари ва эркинлигини амалда таъминлаш жараёни билан ҳамоҳанг равишда кечмоқда. Миллий мустақиллик ва мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган туб ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакатда қисқа давр ичida фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим талабларидан бири - демократик жамиятга хос бўлган жамоат бирлашмалари тизимлари қарор топди.

ННТ жамият аъзоларининг демократик асосда бирлашган уюшмалари бўлиб, улар ўз аъзоларининг сиёсий, ижтимоий ва ижодий манфаатларини ифода этади, фуқаролар фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади. Мамлакатда фаолият юритаётган ННТ тизимидағи ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, касаба уюшмалари ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш, демократик тамойилларни ривожлантириш, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш каби умуминсоний қадриятларни шакллантиришга қўмаклашмоқда, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, экологик ва бошқа долзарб масалаларни ҳал этиш улар фаолиятининг ўзагини ташкил этмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти шароитида ННТнинг фаолияти кучайиб боради, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда уларнинг фаолияти янада кенгаяди. ННТ давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинадиган дастурлар ва қарорларни муҳокама қилишда, давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади. Улар ўз вакилларини сайловлар комиссиялари таркибига киритади, ўз номзодларини депутатликка ёки фуқаролар йиғинлари оқсоқоллигига (раислигига) қўйган шахсларга ўз муносабатларини билдиради. ННТ жамиятда кечётган сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмайди. Уларнинг аъзолари сайловларда фаол қатнашишлари билан ўзларини сиёсий жараёнларда намоён этадилар.

Умуман олганда, мамлакатда ННТни фуқаролик жамияти институти сифатида янада ривожлантиришда қуйидаги тамойилларни ҳаётда тўлиқ амалга ошириш тақозо этилади:

- ўз фаолиятини давлат органларидан мустақил олиб бориши;
- ўз фаолиятини мустақил ва эркин ҳолда намоён этиши;
- ўз аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишлари учун кенг имкониятлар яратиб берниши;
- ўз аъзоларини миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва фуқаролик масъулиятини сезиш руҳида тарбиялаши;
- жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ишларида фаол иштирок этиши;
- жамиятда турли ижтимоий қатламлар ва гурухлар ўртасидаги манфаатларни келиштириши ва уларнинг ўзаро барқарор муносабатларини таъминлашга ҳаракат қилишлари.

Фуқаролик жамиятини барпо этишга доир ислоҳотлар шароитида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурати эркин бозор иқтисодиёти асосида ҳуқуқий давлат ва “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” таъмойили асосида янада чуқурлашиб бораётганлиги билан характерланади. Бу борадаги ислоҳотларни амалга оширишда, шунингдек, бу соҳада халқ сиёсий иродасини ифодалашда Ўзбекистонда ривожланиб бораётган кўп партиявийлик тизими орқали фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш энг асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (“Адолат” СДП), Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеп), Ўзбекистон халқ демократик партияси (ХДП), Ўзбекистон Экологик партияси фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири

ўзининг ўзига хос сиёсий мафкураси, турли таянч ижтимоий қатламига эга бўлса-да, уларни миллий манфаатлар, шунингдек, миллий ғоя ўзаро бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг сиёсий хоҳиш-иродаларини ифодалашига қарамай, улар жамиятни миллий манфаатлар асосида бирлаштириб туриш қобилиятига эгадир.

Шунингдек, турли даражадаги сайловларда партиялар номзодини вакиллик ва ижроия ҳокимииятига сайланиши қандайдир ҳокимият органларига эмас, балки фуқароларга – сайловчиларга боғлиқ эканлиги ҳам жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси дастурида қўйидаги вазифа белгиланган: “Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширмасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Онгли ва фаол инсонгина барча қийинчиликларни енгигиб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин”.¹

Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришнинг асосий компоненти эканлигига эътибор берсак, фуқароларни ижтимоийлаштириш ва сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партиялар асосий ўринда турадилар. Шунингдек, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро муҳолифий муносабатлар жараённида фуқаролар ўзларининг сиёсий фаоллигини оширишга зарурат сеза бошлайдилар.

¹ Қаранг: Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Минтақавий сиёсат жамғармаси. Тошкент, 2007. -Б. 116.

Аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш лозим.

И. А. Каримов

Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий омили сифатидаги ўрни ва ролини қўйидагилар асосида кўрсатиш мумкин:

– вакиллик органлари ва ижроия ҳокимииятига кўрсатилаётган номзодлар юқори давлат органлари томонидан эмас, балки партия аъзолари ва уларнинг органлари томонидан кўрсатилади; бу жараёнда оддий фуқаролардан иборат партия аъзоларининг ташабbusлари эътиборга олиниши, уларда масъулиятнинг пайдо бўлганлиги уларни фаоллаштириш омили ҳисобланади;

– сиёсий партиялар фуқаролар ва ижтимоий қатламлар сиёсий манфаатларини ифодалашлари туфайли фуқаролар унга аъзо бўлиб, партия ёрдамида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга имкон топадилар; фуқаролар ўзлари ёлғиз ўз сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифодалай олмаслиги туфайли партияга аъзо бўлиб киради ёки унга хайриҳоҳ фуқарога айланади; бу жараёнда фуқаролар сиёсий жиҳатдан фаоллашади;

– фуқаролар сиёсий партиялар тарафдорлари сифатида сайловларда ўзлари мойил бўлган вакиллик органларига сайланадиган депутатлар номзодларига овоз беришда иштирок этади; турли партиялар томонидан турли номзодларни илгари сурилиши натижасида фуқароларда номзодлардан бирини танлаш ва уларни кўпроқ овоз олишига

хайрихоҳлик истаклари шаклланади; бу уларнинг мазкур жараёнга бефарқ эмаслигини, балки уларнинг сиёсий фаоллашганлигини англатади;

– кўп партияйийлик тизими шароитида фуқаролар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида бевосита иштирок этадилар, ёки меҳнат жамоасида у ёки бу сиёсий партия таъсирига берилади; бу ҳолат уларнинг сиёсий фаоллашувига таъсир кўрсатади;

– фуқаролар сиёсий партиялар фаолиятида ёки улар мувофиқлаштираётган сайлов кампанияларида иштирок этадилар; бу жараён фуқароларни маълум даражада ижтимоийлашув даражасини оширади; бошқача айтганда, фуқаролар сиёсий жиҳатдан маълум даражада фаоллашади;

– сиёсат нафақат давлат ташкилотлари ёки сиёсий партиялар, балки айрим олинган бир шахс билан ҳам “шуғулланади”, ёки бошқача айтганда, ҳар бир шахс сиёсат билан шуғулланади. Чунки Аристотель таъбири билан айтганда, “Инсон ўз табиатига биноан сиёсий мавжудотдир”.¹ Инсон ўз табиатига биноан сиёсий моҳият касб этганлиги учун ҳам у ўзининг сиёсий фаоллашувига зарурят сезади. Янада бошқачароқ ёндашсак, ҳар қандай сиёсий субъект объектга (яъни ҳар қандай даражадаги кадрлар, гуруҳлар ва кишиларга) таъсир этган тақдирдагина сиёсий жараён рўй беради.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва таъминлаш учун сиёсий партиялар ўз сиёсий дастурлари асосида жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш жараёнига катта ҳисса қўшишлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки барча сиёсий партия-

¹ Қаранг: Аристотель. Политика. //Соч. В 4-т. Т. 4. -М. :Мысьль, 1984. с. 378

ларнинг дастурларида жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган қатор мақсадлар ва вазифалар белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурида қўйидаги вазифалар қўйилган:

– фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий воситалари сифатида сўз эркинлигини таъминлаш;

– жамият ва халқ фаровонлигини ошириш, унинг манфаатларини турли таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилишнинг асоси сифатида аҳолининг барча ижтимоий гурухлари ва қатламларининг узлуксиз маънавий юксалиши вазифаларини ҳал этиш учун бирлаштириш.¹

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП дастурида қўйидаги вазифалар белгиланган: “Ўзбекистон халқ демократик партияси Ўзбекистоннинг мустақиллигини асрар ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш, мамлакатда фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик, ҳар бир оила ва бутун халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади”.²

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишнинг асосий омили сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида, фуқаролар фаоллигининг юксалиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омили сифатида намоён бўлади. Чун-

¹ Қаранг. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устави ва дастури. -Тошкент: Шарқ, 2008. -Б. 57-58.

² Ўзбекистон халқ демократик партиясининг дастури. // Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Минтақавий сиёсат жамғармаси, - Тошкент: 2007. -Б. 200.

ки ўзининг сиёсий манфаатлари ва эҳтиросларини сиёсий партиялар воситасида қондирган фуқаролар энди сиёсий ҳокимият органларига нисбатан эътиrozлари ва улар фаолиятидан қониқмасликларидан воз кечадилар, шу тариқа, ҳокимият органлари ва жамият ўртасида ўзига хос умумманфаатлар ва умуммақсадлар шаклланиб, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик турғун бир ҳолатга айланади.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта ҳисса қўшиб келаётган жамоатчилик институтларидан бири – бу “Маънавият ва маърифат” марказидир. Мазкур марказ фаолияти мамлакатда маънавий-маърифий ислоҳотларни амалга ошириш, фуқаролар ўртасида маънавий-маърифий тарбия, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ишларини ташкил этишга қаратилган. Албатта, бу фаолият фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Илмий жиҳатдан ёндашганда, маънавият инсоннинг онги, туйғуси, ҳиссиёти, билими ва эътиқодида мужассамлашган руҳий сифат бўлиб, у шахс камолоти ва баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир. Зеро, фуқаролари маънавий баркамол бўлган жамиятдагина ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм суради. Сиёсатшунос олим Р. Жумаевнинг фикрича, “Юксак маънавиятнинг яна бир жиҳати шундаки, унда билим ва кўникмалар инсоний қадриятлар ва инсоний ахлоқ билан уйғунлашиб кетади. Афсуски, ҳозирги даврда ҳам жамиятда баъзи фуқароларда маънавий қашшоқлик ҳамон яшаб келмоқда. Агар жамиятда маънавий қашшоқлик устун турса, бундай жамият ҳалокатга маҳкумдир”.¹

¹ Жумаев Р. ва бошқ. Шахс ва жамият. -Тошкент: Ўқитувчи, 2005. -Б. 126-127.

Аҳолининг маънавий-маърифий савиасини кўтариш, жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида қуйидаги йўналишларида турли тадбирлар ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- фуқароларда, хусусан ёшларда мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга доир фаол муносабатни шакллантириш учун таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларида, ҳарбий чақириққача бўлган ёшлар ўртасида “Жамият барқарорлиги – Ўзбекистонни янада ривожлантириш кафолати” мавзуида баҳс-мунозаралар уюштириш;

- жойларда, маҳаллаларда партия ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ва ёшлар вакиллари иштирокида “Тинчлик ва барқарорлик учун курашмоқ керак” мавзуларида туркум учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш;

- мамлакатимизда демократик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ислоҳотларни амалга оширишда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг аҳамияти, бу борода фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган туркум ўқув-услубий қўлланмалар, оммабоп нашрлар, маълумотномалар тайёрлаш ва чоп этиш;

- “Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари”, “Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва унинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти” мавзуларида илмий-амалий семинарлар ўтказиш.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) ўрни ҳам катта бўлиб,

*Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликла-
рини ҳимоя қилиши таъминланганда у чинакам ҳуқуқий,
фуқаролик жамияти бўлади.*

И. А. Каримов

улар фуқароларнинг сиёсий онгини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Улар фуқароларни сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга бефарқ бўлмаслиги, уларни қузатиб ва ўрганиб бориши, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз муносабатларини билдириб боришлари каби сифатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Жамиятда фуқароларга сўз, матбуот эркинлиги, плюрализм, ўз фикрини ҳеч қандай сиёсий тўсиқларсиз (цензурасиз) билдира олиш имкониятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган. Конституцияда белгиланганидек, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”.¹

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва бу жараёнда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) билан боғлиқ қўидаги жиҳатларнинг ривожланишига муҳим аҳамият берилиши тақозо этилади:

– фуқароларнинг омилкорлик фазилатлари, уларнинг воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайд, бефарқ бўлмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишга, жамиятдаги турли иллатларга қарши курашиши

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 8.

каби узлуксиз жараёнларни ташкил этишнинг бевосита иштирокчиси бўлиши;

– фуқароларнинг тинч ва барқарор ҳаёти, фаровон турмушини таъминлашда асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида бевосита сиёсий жараёнлар иштирокчисига айланиши;

– мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Ватан яхлитлиги, дахлсизлигини сақлаш, аҳолини бу вазифаларни бажаришда ягона миллий ғоя асосида жипслаштириш ва унинг фаол иштирокчиси бўлишига кўмаклашиш;

– мустақилликни миллий қадрият сифатида эъзозлаш, унинг моҳиятини янгича мазмун билан бойитишга кенг жамоатчилик фикрини жалб этувчи асосий восита бўлиб хизмат қилиш;

– жамиятда демократик жараёнларнинг ривожланиши, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаши, ички ва ташқи хавфларга қарши курашиш зарурлигини ҳар бир фуқарога етказиб туриши кабилар.

Ўзбекистон сиёсий тизимида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги уларнинг ролини ошириш, нодавлат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисининг турли табақалари хуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурий асосларда олиб борилмоқда.

2-МАВЗУ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

1. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши кураш - фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор шарти.

1. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фуқаролик жамияти Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий асоси бўлиб, эркинлик, ошкоралик, озодлик, тенглик ва ижтимоий адолат маконидир. Инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, унинг қобилияти ва истеъдодини, ижтимоий-сиёсий салоҳиятини рӯёбга чиқариш, ниятлари, орзу-умидларини амалга ошириш, турмуш фаровонлигини таъминлаш мазкур ижтимоий маконнинг олий мақсадидир. Фуқаролик жамияти демократик, адолатли жамият қуришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамиятида қонун устуворлиги амалга ошади, инсон ҳуқуқлари, шательни, қадр-қиммати улуғланади, сиёсий плюрализм, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги таъминланади.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида қонун устуворлиги ҳам ўзига хос тенденциялар ва қонуниятлар асосида амалга ошади.

Қонун ва қонуният нима ўзи? “Қонун оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари

ва муносабатларининг намоён бўлишидир”¹. Демак, қонун муайян шарт-шароитда амал қиласиган воқеа ва ҳодисалар ҳаётийлиги, турғуналиги, ривожланиши ёки ҳалокатининг умумий тенденциясини белгилаб берадиган, қатъий натижани келтириб чиқарувчи муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланиш, ўзаро алоқа ва муносабатларнинг намоён бўлишидир. Ислом Каримов қайд этганидек, “... юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш – буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараёндир”².

Қонуният тушунчаси ўзида жамиятда маълум ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиш қонунлари, принциплари, тенденциялари ва хусусиятларини ифодалаб, ўз моҳиятига кўра мунтазамлик, асосланганлик, тушунарлилик, изчиллик, тасодифийлик каби хусусиятларни ўзида мужассам этиб, муайян нарса ва ҳодисаларнинг барқарор ва такрорланиб турувчи ўзаро алоқалар йиғиндицидир. Қонуниятлар жамият тараққиётида ўзига хос ҳаракатлантирувчи омил, мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар узвийлигини таъминловчи мезон ҳам ҳисобланади.

Фалсафий нуқтаи назардан қонун ва қонуният инсон, жамият (ижтимоий тузулмаларнинг) ва давлат фаолиятининг барча шакллари билан боғлиқ бўлган, табиат қонунларига эмас, балки жамият мавжудлиги қонуниятларига асосланиб ривожланаётган жараён ва ҳодисаларни англатади. Қонунийлик

¹ Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -Б. 384

² Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. – Т. , 2007. – Б. 246.

муҳити давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Қонун устуворлигини таъминлаш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аввало, қонунлар фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ишлаб чиқилади, уларнинг хоҳиш ва иродасини ўзида акс эттиради. Аммо кўпгина қабул қилинган қонунлар реал ҳаётга жорий қилинмасдан қоғозда қолиб кетади. Сабаби, биринчидан, қонунни қабул қилиш давридаги жамият тараққиёти даражаси билан уни амалга ошириш имконияти ўртасидаги номутаносибликтининг мавжудлиги, иккинчидан, қонунларни яратишдаги маҳорат ва салоҳиятнинг (профессионализм) этишмаслиги, учинчидан, фуқароларнинг ҳам қонунлардан тўла фойдаланишга салоҳияти етарли даражада бўлмаслиги. Аммо, нима бўлганда ҳам, қабул қилинган қонунларга амал қилиш ҳаётий зарурият ҳисобланади. Чунки у нафақат, хуқуқлар тизими билан, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқдир.

Мамлакат ва фуқаролар манфаатларининг уйғун ҳолатда амалга ошувишнинг асосий механизми қонунлар олдида оддий фуқародан тортиб энг юқори лавозимни эгаллаб турган амалдорларгача баробарлиги, уларнинг қонунларга сўзсиз итоат қилиши ҳисобланади. Бу тамойилни шакллантириш Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда.

Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қарап, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан

ғаразли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказади, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътиrozларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки риоя этилмаслиги фуқаро – давлат муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

Қонун устуворлиги қўйидаги уч ҳолатда ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар талаби барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қатъий бажарилиши шарт.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий хужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши шарт.

1948 йилда инсоннинг табиий ва ажralmas ҳуқуқ ва эркинликлари эълон этилган асосий халқаро хужжат – инсон ва фуқаро ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 1-моддасида “Жамиятнинг мақсади умум баҳт-саодатидир”, инсон ўзининг “табиий ва ажralmas ҳуқуқлари”дан фойдаланишини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси саналади, “Бу ҳуқуқларнинг моҳияти: тенглиқ, озодлик, хавфсизлик, мулк” (2-модда), “барча одамлар табиатан ва қонун олдида тенгдирлар” (3-модда), “Қонун ҳукмронлик қилувчилар томонидан бўладиган зулмга қарши жамоат ва шахс эркинлигини муҳофаза этмоғи ва қўриқламоғи лозим” (9-модда),

“Озодлик бошқаларнинг ҳуқуқларини камситмаган тарзда инсонга ҳамма ишни қилиш имкониятини беришдир...”(6-модда)¹ дейилган.

Шунингдек, 1986 йил 4 декабря БМТ Бош ассамблеясида қабул қилинган “Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Декларацияда “Ривожланиш ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён ҳисобланиб, у аҳолининг фаровонлигини муттасил равишда ошириб бориши ва унинг аъзолари тенг ҳуқуқли фаол равишда иштирок этиши, яратилган бойликларни адолатли тақсимланишини таъминлашга йўналтириши лозимдир”, дейилган ва Декларациянинг 8-моддасида белгиланганидек, “Бу жараёнда давлат миллий даражада ривожланиш ҳуқуқи учун барча зарур чора-тадбирларни қўллаши ва шарт-шаритларни таъминлаши, хусусан, асосий ресурслар, таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, туарар-жой, бандлик ва бойликларнинг адолатли тақсимланиши кабиларда барча учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаши лозим”².

Мамлакатимиз Конституцияси шу каби асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратди. Конституциямиз ўз моҳиятига кўра, фуқаролик жамиятини қарор топтириш қоидаларини ўз бағрига қамраб олган етакчи ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги учун унинг асосида фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат

¹ Декларация прав человека и гражданина. 24 июня 1793 г. //Права человека: Учебник-хрестоматия. С. 164-165.

² Узбекистан присоединился к Декларации Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30 августа 1997 года №504-1 //Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1997, № 9, ст. 260

қилувчи қонунлар базаси яратилди. Конституциямиз заминида қабул қилинган қонунлар юртимизда фуқаролик жамияти асосларининг кафолатли равишда шаклланишига хизмат қила бошлади. “Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб кўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамият таянчи ва юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси ҳисобланади. Конституциянинг X боб 43-46-моддалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлиланган бўлиб, давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Инсонларининг ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ҳуқуқий асосини:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
- ер тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги,
- тадбиркорлик тўғрисидаги,
- кооперация тўғрисидаги,
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги,
- ижара тўғрисидаги,
- аҳоли бандлиги тўғрисидаги.
- дехқон хўжалиги тўғрисидаги,
- табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. Т., Ўзбекистон, 2017.-Б. 103.

*Барчамизга аёнки, ислоҳот – бу янгиланиш, ўзгариши де-
гани. Ислоҳотлар ижобий натижса бериши учун, аввало,
раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон
ўзгарса, жамият ўзгаради.
Ш. М. Мирзиёев*

Фуқаролик жамиятида қонун устуворлиги, ав-
валамбор, демократияга хос бўлган хусусиятлар-
ни амалга оширишни таъминлайди, яъни бошқача
қилиб айтганда, қонун белгилаган ҳар бир нар-
са мажбурий ёки тақиқлов характеристига эга ва уш-
бу қоида жамиятда истиқомат қилувчи барча шахс-
ларга тааллуқлидир. Яъни барча қонун олдида ба-
робардир.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг 3- боб, 15- ва
16-моддаларида белгилаб қўйилган. 15-моддага
мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон
Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг
устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг орган-
лари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари,
фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш
кўрадилар, дейилган.

Қонуннинг устуворлиги ҳар қандай давлат ва жа-
мият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан бири-
дир.

Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина де-
мократия қарор топади ва янада мустаҳкамланади.
Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон
хукуқи ва эркинликлари қонун воситаси билан жо-
рий этилади. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва
истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифо-
дасини топади. Қонунга итоаткорлик – бу юксак ма-
даниятлилик, маънавиятлилик, маърифатлилик
белгисидир. Қонунга итоаткорликни инсоннинг

унга кўр-кўронада бўйсуниши маъносида тушунмаслик лозим. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини, маъноси-ю, инсонпарварлик аҳамиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ва унинг асосида фаолият юритишга ёрдам беради. Қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз хуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз зарур. Бошқа одамларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига хурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак¹. Чунки қонунга ҳеч шубҳасиз, муҳокамасиз ихтиёрий риоя қилиш кўнимаси натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзаро муносабатларида эркин тенглик ва юксак фазилатлар шаклланади.

Қонун устуворлиги принципини таъминлашнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳокимиятлар бўлиниши принципининг жорий этилганлиги. Бунга кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судҳокимияти бўғинлари Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритишининг таъминлаши. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суистеъмолларнинг бартараф этилиши, инсон хуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонун устуворлигининг муҳим гаровидир.

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-Ж. – Т.: 1996. – Б. 202.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг хуқуqlари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз фармонлари ва хуқуқий қарорлари билан Конституциявий тамойилларнинг қонунларда мустаҳкамланган қоидаларининг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли хуқуқий механизmlарни яратади. Президентнинг ўзи қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди шахслар учун ибрат, намуна кўрсатиб, уларни ҳам Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этишга сафарбар этади.

Учинчидан, жорий қонунлар ва барча норматив хуқуқий актлар Конституцияга тамомила мос ва унга мувофиқ яратилиши лозим. Бу эса мамлакатда қонунийлик ва хуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик хукм суришига олиб келади.

Асосий қонунимизнинг 16-моддаси иккинчи бандида “бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив хуқуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”, деб қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ана шу муҳим Конституциявий хуқуқий принципига риоя этишни таъминлашга интилиб келмоқда.

Тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситалардан бири кодекслаштиришдир. Кодекслар хуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принциплари ни ривожлантириш йўлида яратилади ва улар конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мақени эгаллайди. Кодекслар ўзининг мантиқий

мукаммаллиги, пишиқлиги, ички барқарорлиги хуқуқий қоидаларга амал қылғанлиги туфайли ҳам ижтимоий-хуқуқий ҳәётимизда мұхим ўрин тутади.

Бешинчидан, қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларини қуйидагича әътироф этиш мүмкін:

- қонун чиқарувчи жараённи муттасил демократлаштириб бориш – инсонпарвар, адолатли халқ-чил қонунлар яратилишининг гаровидир;
- қонуннинг сифатини мукаммаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нұқтаи назаридан бенуқсон бўлишига эришиш;
- қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда “қонунда таъқиқланмаган” ҳамма нарсага рухсат берилади (фуқаролар учун). “Фақат қонунда мустаҳкамланган” нарсаларгагина рухсат берилади (мансадбор шахслар ва давлат идоралари учун) деган принципга қатъий амал қилинишига эришиш;
- қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиш;
- қонунлар амал қилишининг ижтимоий механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар) ни син-чиклаб ўрганиш;
- аҳолининг хуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш.

Олтинчидан, қонун ости, идоравий норматив хужжатларга ҳаволалар, яъни иловалар (шиор ва декларациялар тарзидаги нормалар) кўп бўлишининг олдини олиш зарур. Бундай иловалар ҳаддан зиёд кўп бўлиши кейинчалик амалиётда қонун четда қолиб, унинг ўрнини идоравий хужжат

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ана шу ҳодиса яшаб турган жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади.

эгаллаб олиши билан қонун устуворлигига зиён етиши хавфини келтириб чиқаради.

Еттингчидан, қонунларнинг барқарор ва устувор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, пировард натижада қонуннинг аҳамияти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Саккизинчидан, жиноий жазоларни либераллаштириш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Жиноий жазоларни либераллаштириш борасида жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасидаги сайъ-ҳаракатлар муҳим ўрин тутади. Суд-хуқуқ тизими ни либераллаштириш жараёнида жазолаш тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланиши ушбу ҳаракатларнинг энг муҳим жиҳатидир.

Маълумки, 1995 йилгача амал қилган Жиноят Кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси қўлланилар эди. Кейинги Жиноят Кодексида эса уларнинг 13 таси сақланиб қолди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Жумладан, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖК нинг 51-моддаси).

Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб, 1998 йилда Жиноят Кодексидаги 5 та моддасидан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддага жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса бу жазо борйүғи иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари

учун татбиқ этиладиган бўлди. 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси жиноий жазо сифатида тўлиқ бекор қилинди. Булар мамлакатимизнинг халқаро хуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларга зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга интилаётганинг амалдаги исботидир. Ҳозирги кунда 100 га яқин давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган. Жумладан, Швеция ва Финландия 1972 йилда, Германия 1949 йилда, Франция 1981 йилда, 1990 йиллардан бошлаб Ирландия, Венгрия, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцария, Греция, Польша, Молдова, Италия, Испания давлатлари ўлим жазосидан воз кечган. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатнинг қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, амалиётда қўлланилмайди.

Бинобарин, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Ҳаёт ҳар бир инсонга бир ма-ротаба берилади, шунинг учун ҳам ундан маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунча инсон-парварлик моҳиятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев: “Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самара-дорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”¹ деганлар.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, қонун устувор бўлган жамиятда норозиликлар ҳам бўлмайди, чунки барча соҳа вакиллари қонун асосида фаолият юритар экан, норозилик ва тушунмовчиликнинг ўзи бўлмайди. Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги барча фуқаролар учун шу жумла-

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. . – Т. : Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.

дан, давлат хизматида ишловчи шахслар учун, шунингдек, жамиятдаги барча соҳаларга тааллуқли бўлганлиги унинг янада мукаммал тус олишига олиб келади. Қонун устуворлиги ҳақида сўз юритганда унинг устуворлигини таъминловчи давлат органлари ҳақида ҳам унутмаслигимиз лозим. Чунки қонун қабул қилинишининг ўзи бу унинг жамиятда ўз-ўзидан устувор хусусиятга эга дегани эмас, бунинг учун давлат органларининг бу борада хизматлари ва меҳнатлари талаб этилади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак. Бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хуносалар чиқарилади¹.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асослан-

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичгага кўтарамиз. 1-Ж. . – Т. : Ўзбекистон, 2017. – Б. 152-153.

ган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади. “Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Шу боис биринчи навбатда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга кўйишимиз лозим”¹.

Ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига қўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда ботартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилdir. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, ахлоқий ва бошқа мағкуравий омиллар асосида шаклланиб, ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрdir. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина ҳуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин. Унинг энг муҳим жиҳатларидан бири – қонунларга қатъий амал қилиш ва уларга сўзсиз бўйсунишидир. Қонунларга риоя этмайдиган, уни муқаддас деб билиб эъзозламайдиган одамни ҳуқуқий маданиятли, маърифатли, маънавиятли инсон деб бўлмайди. Ҳуқуқий маданият одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда унга мурожаат этиш, уни ўзи учун ҳимоячи деб билиш ва эътиқод қилишдан ҳам иборатdir.

¹ Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Ж. – Т, Ўзбекистон, 2018. -Б. 82.

Албатта, эркин ва адолатли жамият қуриш учун қонунга таянишимиз ва қонун устуворлигига эришишимиз лозимдир. Чунки ҳар қандай давлатнинг қудратли ва мустаҳкам бўлиши, халқининг тинч ва фаровон ҳаёти амалдаги қонунларнинг устуворлигига боғлиқдир.

2. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ УСТУВОР ШАРТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 9 декабрь – “Коррупцияга қарши кураш куни” деб эълон қилинган ва ҳар йили ушбу сана кенг нишонланади. 2003 йилнинг ушбу санасида БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенцияси имзоланган. Мазкур ҳужжат уни имзолаган давлатлардан пора олиш, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ва коррупция ортидан бойлик орттириш кабиларни жиноят деб белгилашни талаб этади.

Ушбу Конвенцияда коррупцияга шундай таъриф берилади: “Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради. Ушбу заарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда учрайди. Коррупция паст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, камбағаллик даражаси-

ни камайтириш ва ривожланишни таъминлаш учун энг катта тўсиқ ҳисобланади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузасида биринчи Президентимиз И. Каримов – Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборатлигини таъкидлаган эди:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Қонуннинг 5-моддасида эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари берилган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга

оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жа-
вобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъ-
минлаш.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвен-
циясига аъзо давлат сифатида мамлакатимизда
коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро маж-
буриятларини бажариш мақсадида кенг кўламли
ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Таъкид-
лаш жоизки, сўнгги йилларда бу борада миллий
қонунчилигимизда мукаммал ҳуқуқий база шакл-
лантирилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолият-
ни амалга оширувчи давлат органлари Прокурату-
ра, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия, Ички ишлар,
ИЖҚД, Давлат божхона хизмати ҳамда ОАВлари
ва фуқаролик институтлари ўртасида ҳамкорликни
таъминлаш бу борадаги асосий вазифалардан
ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга
қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни давлат орган-
лари фаолиятининг очиқлигини ва ҳисобдорлигини
таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самара-
дорлигини ошириш, давлат органлари, мансабдор
шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифалар-
ни бажариши юзасидан маъсулиятини кучайтириш-
га, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парла-
мент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш
мақсадларига хизмат қилмоқда. Қонунда корруп-
ция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, манфаатлар
тўқнашуви каби ибораларнинг мазмuni ҳуқуқий
жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг
2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши ку-
рашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ўз мазмун-моҳияти, мақсади билан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди.

2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланганлиги алоҳида қайд этилди.

Қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида юқорида кўрсатилган Президентимиз қарори билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди.

Давлат дастури 51 банддан иборат чора-тадбирларни қамраб олган. Унда коррупцияга бевосита ёки билвосита қарши қаратилган, унинг тизимли сабабларивашароитларининголдини олишгайўналтирилган 10 та қонун, қатор қонуности ҳужжатлари, чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, туркум тарғибот тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бошқармаларида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупцияга оид хуқуқбузарликларни

ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қонундан кўзланган мақсад коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ҳужжатда “коррупция”, “коррупцион ҳуқуқбузарлик”, ва “манфаатлар можароси” каби тушунчаларга изоҳ берилган.

Қонун ҳужжатида коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари сифатида:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатлари устуворлиги;
- очиқлик, шаффоффлик ва тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги;
- коррупциядан огоҳлантириш ва жавобгарликнинг муқаррарлиги бўйича чоралар устуворлиги келтириб ўтилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан “Коррупциясиз таълим” деб номланган рангли, ўқув кўргазма нашр этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларига етказилди. Жумладан, барча босқичдаги таълим муассасалари ҳам мазкур кўргазма билан таъминланди. Бундан кўзланган асосий мақсад:

- ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияяга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциядан огоҳлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;

**Кулагай инвестицион мұхит – инновацион тадбиркор-
ликни ривојжалантиришнинг мұхим омили.**

– коррупцион ҳуқуқбузарліктерни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг оқибатлари ва келтириб чиқарған шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарліктер содир этилгани учун муқаррар жазолаш тамойилини татбиқ этишдан иборатдир.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари Қонуннинг 16-, 17-, 18-моддаларида ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган, ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатидан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

2019 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши қурашиш давлат дастури ҳамда коррупцияга қарши қурашиш бўйича республика идораларро комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши қурашиш давлат дастурида қуйидаги чоралар амалга ошириш кўзда тутилди:

1. Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқиш;

2. Ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашлари таркибида коррупцияга қарши қурашиш комиссияларини ташкил этиш;

3. Давлат хизматларини танлаб олиш, тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффофтизимини шакллантириш;

4. Давлат хизматчилари учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантиришларнинг аниқ рўйхатини белгилаш.

2019 йил 1 июлдан давлат органларида юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини мажбурий баҳолаб бориш, давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, 2019 йил 1 августдан эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш, 2019 йил 1 сентябрдан ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳукуқий таълим бериш белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев ўзининг 2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида коррупциянинг олдини олиш борасида қуйидагиларни таъкидлади: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинmas экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланmas экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.¹

Бас, шундай экан, ўзимизга хулоса қилишимиз, фарзандларимизни ҳалоллик, поклик каби энг юксак ғоялар руҳида тарбиялашимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишини бартараф этиш учун биргалиқда курашишимиз бугуннинг энг долзарб вазифасидир.

¹Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 2020 йил 24 январь. www.aza.uz

З-МАВЗУ. МАМЛАКАТНИ ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ШАРТИ

1. Модернизация – фуқаролик жамияти қуриш ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришишнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси”да фуқаролик жамиятини ривожлантиришишнинг устувор йўналишлари.

1. МОДЕРНИЗАЦИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жамиятда барча соҳаларда олиб бориладиган модернизация жараёнлари фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларини модернизациялаш давлатнинг юқори самарали олиб бораётган кенг қамровли ислоҳотлари шароитида катта суръатлар билан кечади. Модернизациялашнинг мақсади жамият ва инсон фаровонлиги ва истиқболдаги тараққиётига эришиш бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг барқарорлашувига хизмат қиласди.

Модернизация жамиятнинг барча соҳаларида ўзига хос кўриниш ва миқёсга эгадир. Жамиятда модернизациялаш ва инновационлаштириш шундай жараёнки, унда анъанавий ижтимоий турмуш тарзидан замонавий босқичга ўтилади ва унинг заминида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб

ўзгаришларга эришилади. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, модернизация жараёнлари фуқаролик жамияти барпо этилишида ўзига хос ҳаракатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади, демократик институтларнинг вужудга келиши, фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирокига реал имкониятлар яратади. Америкалик социолог олим Н. Смелзер фикрича, “Модернизация ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ўзгаришларни ўз ичига оладиган мураккаб ҳолат бўлиб, жамиятда фан-техника ютуқларининг самарали ўзлаштирилиши натижасида содир бўлади”.¹

Фуқаролик жамиятининг асосий таркибий қисмлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий ҳаётнинг ядроси – моддий маданият, жамият сиёсий, ҳуқуқий ҳаётнинг ўзак қисми – сиёсий ва ҳуқуқий маданият, маънавий ҳаётнинг асоси – маънавий маданият бир-бирини тақозо этади. Улар функционал ҳолатларга кўра бир-бири билан социал асос, ҳуқуқий асос, моддий асос ва маънавий асосларга кўра амал қиласидиган қонунлар замирида ўзаро алоқада бўладилар. Жамиятнинг мазкур корреляцион-функционал қонунлари фуқаролик жамиятини барпо этишда жамият соҳаларини модернизациялаш ва инновацион ривожлантаришнинг объектив заминлари ҳисобланади.

Жамият модернизациялашган сари у цивилизациялашади, тараққиёт жараёни тезлашади, инсонлар ҳаётида дунё тамаддуни мезонлари даражасида такомил босқичи кузатилиб, бу жараён уларнинг дунёқарashi ва онгининг ривожланиши билан биргаликда кечади. Америкалик сиёsatшу-

¹Smelser N.. Sociology. New-Jersey. Prentice Hall. 1988.

нослар С. Верба ва Л. Пай¹ модернизациялашда биринчи навбатда, жамият аъзолари психологиясини ўзгартириш ва янги қадриятлар тизимини қабул қилишни, У. Мур ва Х. Экстайн² жамиятни индустрлаштиришни биринчи ўринга қўйдилар. Замонавий жамият модернизацияси жараёнида жамиятнинг барча соҳаларида инновациялар вужудга келади, бу жараён анъаналардан устунлик қиласди, ижтимоий ҳаёт дунёвий характерга эга бўлади, эркин демократик тизим ва инсонларнинг фаоллиги кузатилади.

Модернизациянинг барча босқичларини таҳлил қиласар эканмиз, унинг жамиятдаги барча жабҳаларни қамраб олуви комплекс характерга эгалигини яққол кўрамиз. Комплекслилик, тизимлилик, глобаллик, давомийлик, босқичлилик, гомогенлик ва прогрессивлик каби хусусиятлар унга хосдир. “Сиёsatшуносликка кириш” ўқув қўлланмасида модернизация “замонавийлашув”, деб кўрсатилган. Бу муаммони ўрганган россиялик файласуфлар, жумладан, В. Г. Федотованинг фикрича, “анъанавий жамиятларни замонавий жамиятга айлантириш масаласи модернизация ривожланишининг муҳим шаклидир”.⁴

Жамият трансформацияси уни модернизациялаш жараёнига катта таъсир ўтказади. Трансформация - ижтимоий тизимнинг умумий сифатий хусусияти бўлиб, тизим бир структуравий тузилмадан нисбатан ривожланган, барқарор тизимга алмашади. Унда беқарор тизим бошқа мегатизимга ўтади ёки ички структурасини ўзгартиради. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, бу жараён “универсал категория ва тизимнинг бутун мазмун-моҳиятидаги ўзгариш, ижтимоий субъектлар - инсонлар ва институтларнинг табиий ривожланиш қонуниятлари

асосида мақсадга йўналган фаолияти натижасида амалга ошишидир".¹

Модернизациялаш, аслида, жамиятни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада янгилаш, ўзгартириш ва тараққий эттириш демакдир. Жамиятни модернизациялаш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- биринчи босқич иқтисодий ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш, жамиятнинг барча соҳаларида давлат монополиясини чеклаш;

- иккинчи босқичда жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда трансформация жараёнлари юз беради, ислоҳотлар жараёни янада чуқурлашиб, уларнинг мўлжаллари инсон манфаатлари ва демократик қадриятларнинг юксалишига қаратилади;

- учинчи босқичда жамиятга глобал ўзгаришлар натижалари ва техноген цивилизация кўринишлари кириб келади, барча соҳаларга инновациялар жорий этилади, замонавий тараққиёт мезонлари устуворлик касб этади.

Шуни тарькидлаш керакки, жамиятни модернизациялаш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади. Бу, аслида, мамлакатда жамият соҳаларини замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи вазиятга нисбатан инновацион кўникмаларининг шаклланиши ва давр шароитига мослашуви ҳисобланади. Айни вақтда, модернизация давлат, жамият ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга қўтариш, демократик ислоҳотларни жадаллаштириш ва фуқаролик жамияти ривожи

¹ Каранг: Данилов А. Н. Переходное общество: проблемы системной трансформации. –Минск: **Харвест**, 1998;

учун мақбул ижтимоий механизмларни вужудга келтириш мақсадларини ҳам кўзлайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда жамият соҳалари модернизацияси натижасида қуйидаги жараёнлар юз беради:

- тараққиёт натижасида юқори даражадаги ижтимоий муносабатлар тизими пайдо бўлади;

- жамиятда фаровонлик юксалиб, кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ижтимоий келишув, муроса фалсафаси, жамиятдан розилик тенденциялари юксалади;

- инсонлар ўртасида яратувчанлик хусусиятлари, инновацион тафаккур вужудга келади, илмий технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат кучаяди, замонавий тараққиёт тенденциялари вужудга келади;

- инсон, жамият ва давлат ўртасида самарали мулоқот вужудга келади, бу жараёнда мувофиқлашган тизим ташкил этилади, инсоннинг ўз хуқуқлари ва эҳтиёжларини рӯёбга чиқариш ҳатти-ҳаракатлари кучаяди.

Модернизация фуқаролик жамияти қуриш ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида жамиятда давлат органлари, ижтимоий институтлар, социал гуруҳлар ва фуқаролар ўртасида фаол ва барқарор муносабатларни таъминлайди, ўз навбатида, бу жараён тараққиёт тамойилларига ижобий таъсир кўрсатади. Жамиятни маданийлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий эттириш, умуман олганда, модернизация қилиш биринчидан, инсон салоҳиятининг устуворлиги, иккинчидан, давлатнинг доимий ташаббускорлиги, учинчидан, жамият соҳаларининг барқарор ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Россиялик олим

Р. Мухаевнинг таъкидлашича, “Модернизацияда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти қўйидаги ўзгаришларни ўз бошидан кечиради:

- оддий социал структурадан мураккаб тизимга ўтилади;
- ижтимоий интеграциялашув иқтисодий моҳият касб этади;
- этатизмдан бозор муносабатларига ўтиш рўй беради;
- инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги ҳолатидан ижодкор - кашфиётчи ҳолатига ўтади;
- одамлар онгига плюралистик қарашлар рўй беради;
- тоталитаризм ва авторитаризмдан демократияга ўтиш рўй беради”.¹

Дарҳақиқат, модернизация категориясига фалсафий ёндошув замонавий ижтимоий фанлар ривожида муҳим ўрин тутади, чунки у жамиятдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ва ислоҳотлар ўзаги, ижтимоий тараққиётнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Модернизация замонавий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий қадриятларни амалиётга жорий этиш ва ижтимоий тараққиётга ўзига хос ижобий кўлам бағишлиш функциясини бажаради. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, модернизация инсон ва жамият, улар ўртасидаги муносабатлар ядросидаги тараққиёт қонуниятлари сифат жиҳатдан ўзгариши ва динамик ривожига катта таъсир кўрсатади.

Демак, модернизация ижтимоий борлиқда тараққиёт билан алоқадор қадриятларнинг тарқалиши, инсон дунёқарashi, фан ва маданиятнинг ривожланиши, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши,

¹Мухаев Р. Т. Политология. -Москва: Проспект, 2011, -С. 492.

маънавий ҳаётда секуляризация жараёнларининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни вужудга келтиради. Бу ғарбона талқин билан айтганда, “модернити” маданияти бўлиб, у жамиятда эркин фикрлаш, ғоявий плюрализм, инсоннинг ижтимоий тараққиёт босқичларидағи доимий ўзгаришларга мослашувини ҳам таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамият модернизацияси билан инновациялар узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга. Е. Кучконинг таъкидлашича, “Инновация ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуниятларини ҳаётга жорий этишда асосий элементлардан бири бўлиб, унинг динамик ривожланиши, яшаб қолиши шартшароити, жамиятнинг интеллектуаллигини, инсон ҳаёти сифатини, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи восита ҳисобланади”¹. Шунингдек, В. С. Степиннинг фикрича, “жамият тамаддунида инновация ва тараққиётнинг узвийлиги муҳим қадриятга айланмоқда”².

Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, миллий ривожланиш ва модернизациялаш моделининг интеграцияси модернизация жараёни учун назарий-методологик, амалий ва регулятив вазифани бажаради. Пировард натижада, тараққиётда янада юксак поғоналарга кўтарилиш учун кенг имкониятлар яратилади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимиз салоҳияти ва қудрати, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи

¹Кучко Е. Е. Социология инноваций // Белгосуниверситет. Право и экономика, – Минск, 2009. –С. 340.

²Степин В. Эпоха перемен и сценарии будущего. // <http://spkurdyumov.narod.ru/progi.htm>.

аҳамият касб этувчи навбатдаги муҳим устувор йўналиш - асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш”¹ эканлигини таъкидлайди.

Ижтимоий соҳа жамиятда ривожланиш ва модернизация самарадорлигини таъминлашда асосий макон сифатида иштирок этади. Чунки ижтимоий соҳа модернизация ва инновация жараёнларида муҳим роль ўйнайдиган инсон салоҳиятини вужудга келтириб, моддий ва ижтимоий борлиқни интеллектуал ресурслар билан таъминлайди, инсон мазкур муносабатларда социал асос қонунини бажаради. Бунинг натижасида жамиятда инсон фаровонлигини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматлар вужудга келади, жамият барқарорлиги таъминлади.

А. Клюевнинг фикрича, “Ижтимоий соҳа ўзида турли ташкилотлар ва соҳаларнинг умумлашган тизимини ташкил этади. У аҳолининг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш, тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш эвазига уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш борасидаги умумий мақсадга қаратилган вазифаларни бажаради. Ижтимоий соҳа шунингдек, давлат тузилмалари, тижорат ва ижтимоий ташкилотларни такомиллаштириш ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган вазифаларни ҳам бажаради”².

Моддий, хусусан ҳўжалик маданияти жамиятда моддий асос қонунининг бажарилишини таъминлайди. Мазкур қонун жамиятда инсонлар фаровон-

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - Б. 65

² Клюев А. Приоритеты управления в социальной сфере в условиях трансформации общественных процессов. //Управленческое консультирование. № 6. 2017. -С. 103.

лиги таъминланиши учун моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёни учун регулятив функцияни бажаради. Инсон учун моддий имкониятлар жамиятни модернизация қилиш ва инновационлаштириш жараёни натижасида яратилиб, оширилиб борилади. Бу борада жамиятда муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадгага мувофиқ. Унинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

- умуммиллий манфаатлар ва мамлакат миқёсида ижтимоий соҳани модернизациялашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда минтақавий ва тармоқлараро мафаатларни ҳисобга олиш;
- ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий соҳага оид инфратузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги аҳамияти ва келажагини таҳлил ва прогноз қилиш;
- ижтимоий соҳани модернизация қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш.

Жамиятни модернизациялаш ундаги турли соҳалар тузилмалари ва ташкилотларининг янги илмий-техника ютуқларини жорий этишдаги фабол инновацион фаолиятини кўзда тутади. У илмий-техник, технологик ва ташкилий янгиликларни ижтимоий соҳани ривожлантириш омилига айлантиради, инновацион салоҳиятининг ўсишини таъминлайди. Амалдаги ижтимоий инфратузилмаларга техник ва технологик янгиликлар, ускуналар ва хизматларни жорий этиш, аҳолига инновацион технологиялар орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш инсон фаровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардир.

Жамиятни модернизациялаш қучли ижтимоий сиёсат билан боғлиқдир. Олимларнинг фикрича, “Ижтимоий сиёсат ижтимоий соҳага оид давлат сиёсатининг асосий қисми ҳисобланади. У инсоннинг жамиятда муҳим ўрнини топишига қаратилган масалаларни рӯёбга чиқаришга қаратилган мақсадли фаолиятдир. Бунда ҳукумат томонидан аҳолининг турли гурухларига уларнинг ўзига хосликларини эътиборга олиб, кенг қамровли ижтимоий қўллаб-куватлаш орқали турли ижтимоий имтиёзлар берилади. Шунингдек, у ўзида ижтимоий тараққиётнинг мақсади, эҳтиёжларини жамиятдаги мавжуд муҳитдан келиб чиқиб жамлайди, шунга қараб йўналишлар белгилайди¹”.

Шунингдек, жамиятни модернизациялаш, ҳозирги даврдаги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновацион жараёнларни қўллаш билан боғлиқ қуйидаги бекарор вазиятларни бартараф этишга зарурат туғилмоқда:

- фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида янги инновацион ғоялар, назариялар ва амалиёт белгиларининг кириб келиши билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларга ҳали тўла мослаша олмаслик;

- ислоҳотлар даврида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тезлик билан эркинлашиб бориши натижасида ҳали анъанавий жамиятда учрамаган турли инновацион жараёнларнинг шаклланиб бориши;

- қайта тикланиб бораётган миллий қадриятлар билан бир вақтда хорижий инновацион ўзгаришларнинг кириб келиши натижасида батзи иж-

¹Осипов Г. В. Москвичев Л. Н. Чернощек О. Е. Социологический словарь. –Москва: Норма, 2008. –С 431.

тимоий-иктисодий анъаналарни тезлик билан ўзгартиришга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши;

– бозор иқтисодиёти асосидаги муносабатларда иқтисодиётни ўзини-ўзи инновацион мувофиқлаштириш қоидаларининг бирдан ишлаб кетмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар;

– инновацион ўзгаришлар шароитида инсонларнинг илмий, технологик ва инновацион тафаккурини ислоҳотларга мос равишда ривожлантиришга эҳтиёжнинг вужудга келганлиги.

Шунга кўра, жамият соҳаларини инновацион ривожлантириш ва модернизация қилишда тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, бунда инсон манфати ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим чора-тадбирлари ва конкрет вазифалари белгиланади. Бу борада ҳар бир дастурнинг ўз мақсад ва вазифалари, амалга ошириш механизмлари ва йўлйўриқлари аниқ ишлаб чиқилади. Соҳаларни ривожлантириш бўйича мазкур дастурлар асосида тегишли йўналишларда инновацияларни жорий этиш бўйича конкрет вазифалар белгиланади.

Жамият маънавий ҳаётининг ўзаги – маънавий маданият, жумладан, фан ва таълим жамиятда барча соҳаларда маънавий асос қонунини бажаради. Шундай экан, жамият ривожида, унинг муҳим тармоғи таълим соҳасини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш муҳим жараёндир. Таълимдаги модернизация ходимларга ўз устида ишлаши, янги педагогик технологиялар, инновацион жараёнларни ўзлаштириши, жаҳон стандартлари талабларига мослашиши учун муҳим талаблар қўяди. Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган экан-

миз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиасини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак".¹

Мамлакатимизда "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси"² қабул қилинган бўлиб, унда жамиятни модернизация қилиш жараёни асосан давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали таъминланиши кўрсатиб ўтилган. Унда ижтимоий сиёсат замарида аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шарт-шароитлари, даромад олиш даражасини ошириш, таълим сифатини яхшилаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асрash, уйжой ва майший шароитларни таъминлаш жараёнлари белгиланган.

Ушбу устувор чора-тадбирлар жамиятимизда инсон омили, ҳуқуқ ва манфаатларининг амалий рӯёби, ҳар бир фуқаронинг жамиятда қулай шарт-шароитларда яшашини таъминлашга қаратилган. Мазкур жараён мамлакатимизда миллий ижтимоий қадриятларнинг умумэътироф этилган даражадаги халқаро тамойиллар билан уйғунлиги, инсонпарварлик омилининг юқори даражада эканлигидан

¹ Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожатнома. 2020 йил 24 январь. www.iza.uz.

² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 24 сентябрь, 38-сон, 764-модда.

далолат беради. Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг обрўси ва нуфузи ижтимоий соҳага қаратилган эътибор билан характерланади.

Айтиш жоизки, юқоридаги хусусиятларга амал қилиш демократик асосларда ташкил этилмас экан, у кўзланган самарани бериши қийин. Улар демократияни ривожлантириш соҳасидаги қадриятлар билан муштараклашиши лозим. Бундай қадриятлардан бири кишиларнинг қонун олдида тенглиги принципидир. Кишилар ўз ҳукуқини юқори поғоналардан эмас, сиёсий ва ҳукуқий маданият ва фаоллик даражасидан изласа, улар жамиятнинг демократик тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга ўзига хос тарзда ҳисса қўшадилар. Чунки жамият ривожланиши учун омилкор, ташаббускор ва ғоявий билимга эга фуқароларга доимий эҳтиёж сезилади.

2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2017-2021 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ”ДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимиизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш ва мамлакатни модернизация қилишда муҳим вазифаларни белгилаб берди. “Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суюнган ҳолда ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни

қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу мақсадда 2017–2019 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди¹, уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар:

1. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш
3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat.

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришининг устувор вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди:

- давлат тузилмаларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши;
- виртуал қабулхона, халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши;
- халқ олдидағи ҳисобдорлик;
- “электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш;
- давлат тузилмалари фаолиятига тузимли жамоатчилик назорати;

¹Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т: Ўзбекистон. -2017, Б. 154.

- парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;
- давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш;
- давлат хизматининг ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантириш;
- давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш;
- жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш;
- фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш.

Белгиланган мазкур вазифалар ижроси бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан:

- Президентнинг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонаси ташкил этилди. Ушбу қабулхоналарга 2018 йилда 2,7 млн. мурожаатлар қабул қилинди ва уларнинг 98 фоизи ҳал этилди;
- Президент виртуал қабулхонасининг янгиланган варианти ишга туширилди. Унда давлат ташкilotлари ва идораларнинг 94 та мутахассиларни ўзида жамлаган “on – line konsultant” хизмати йўлга қўйилди. Фуқароларнинг тармоқ мутахассислари билан боғланиш ва тезкорлик билан ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имконияти яратилди;
- “Менинг фикрим” маҳсус веб-портали орқали жамоавий мурожаат қилиш тартиби жорий этилди (2018 йилда умумий мурожаатлар сони 1841 та, 2019 йилда 1383 тани ташкил қилди);
- Президентнинг Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол тизимига ўтди. Халқ қабулхоналарига давлат органларининг фаолиятини ўрганиш, уларга тақдимномалар киритиш, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий

жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар кири-тиш ваколати берилди. Аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича “Маҳалла-Сектор-Халқ қабулхонаси-Маҳалла” ҳамкорлик тизими жорий қилинди. 2019 йилда Халқ қабулхоналарига 3314692 та мурожаат келиб тушди. Шундан 3264211 та мурожаатлар кўриб чиқилди.

– Давлат хизматлари агентлигининг фаолияти ташкиллаштирилди. Туман ва шаҳарлардаги Давлат хизматлари маркази ва филиаллари сони 2018 йилда 231 тага, марказ томонидан кўрсатилган хизматлар сони 100 тага етди. Марказларга “Ягона дарча” тамойили асосида кўрсатилган 58 та хизматни ўз ичига олган рўйхат тасдиқланди. Марказлар томонидан кўрсатилган хизматлар сони 2655136 тани ташкил қилди. 2019 йилда 8, 9 млн. та хизмат кўрсатилди. Жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматларини экстерриториал тамойил бўйича, яъни фуқароларнинг яшаш ва юридик шахсларнинг почта манзилидан қатъи назар, Республика-нинг ҳар қандай ҳудудида олиш имкониятига эга бўлдилар.

– Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаси ташкил этилди;

– “Нодавлат-нотижорат уйлари” ташкил этиш белгиланди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш бўйича 2019 йил 5 марта “Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва уларнинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим хужатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қонунга кўра:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига Бош вазир ўринbosарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлаш тартиби белгиланди;
- Ҳукумат аъзолигига номзоднинг соҳани ривожлантириш бўйича яқин муддатга ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан депутатлар олдида чиқиш қилиш тартиби жорий этилди;
- Ҳукумат аъзосининг ўз ҳаракат дастури ижросини амалга оширишга оид доир масалалар юзасидан ахборотини Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмиталарида муентазам эшлишиб бориш жорий этилди;
- Вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди;
- Олий Мажлис фаолиятини молиявий, моддий-техник, ташкилий жиҳатдан таъминлаш ташкиллаштирилди;
- Олий Мажлис Сенатида Суд-ҳукуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ташкил этилди;
- Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши

курашиш бўйича республика идораларо комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди;

- Давлат бошқарув тизимини ислоҳ этиш бўйича мамлакатимиз Президентининг “Мамлакатни ижтиёмий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маъсулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди;

- Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Унга кўра, 5 та қонун ва қонун ости ҳужжатлари унификация қилиниб, яхлит тарзда Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари баён этилди. Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Экологик ҳаракат вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ор ganлari томонидан маҳаллий кенгашларга номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди. Сиёсий партияларга сайловда қатнашиши ҳуқуқини берувчи имзо йиғиш жараёнида сайловчилар томонидан бир ёки бир нечта партияларни қўллаб- қувватлаб имзо қўйишлари мумкинлиги белгиланди. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам сайловда иштирок этиши мумкинлиги белгиланди, (оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар бундан мустасно). Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг мақоми Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштирилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этишга бағишиланган масалалар, ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиши кўзда тутилган эди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд – хуқуқ тизимини такомиллаштириш устувор вазифалари этиб белгиланди:

- Қонун устиворлигини таъминлаш;
- Профилактик ёндашув;
- Томонлар тенглиги (адвокатура, прокуратура);
- Суднинг кафолатли мустақиллиги;
- Тортишув амалиёти;
- Одил судловга эришиш.

Мазкур вазифалар ижроси бўйича муҳим ислоҳотлар натижасида:

– Ўзбекистон Республикаси веб-сайтида жами 35069 та суд қарори эълон қилинди. Шундан, 11059 та иқтисодий, 5234 та фуқаролик, 15670 та маъмурӣ, 3106 та жиноят;

– 2018 йилда 1881 та жиноят иши етарли бўлмаганлиги боис тўхтатилди, 5462 нафар шахсга нисбатан терговга асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2449 нафар шахс суд залидан озод қилинди, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлиги учун ҳукм қилинган 646 нафар маҳкум ўз оиласарига қайтарилди. Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафиллиги билан 456 нафар ёшлар, 113 нафар аёллар, 3424 нафар бошқалар озод қилинди;

– Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, касб обрў-эътиборини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритадиган суд

корпусини ташкил қилиш мақсадида биринчи марта судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди. Хусусан, судьяларни дастлабки беш йиллик ва навбатдаги ўн йиллик муддатларга тайинлаш (сайлаш), келгусида эса лавозимни муддатсиз давр мобайнида эгаллаш назарда тутиладиган тартиб жорий қилинди;

- 2017 йил 1 апрелдан жиноий, жиноий-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, судда ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва жазонинг инсонпарварлиги кафолатларини кучайтириш ҳисобга олинган ҳолда одил судловни амалга ошириш самарадорлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари қўлланилиши кенгайтирилган ҳолда, қамоқقا олиш кўринишидаги жиноий жазо тугатилмоқда. Бу орқали жиноий жазолар тизимидан энг қатъий таъсир чораларидан бири чиқарилади, бу эса жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун бузувчиларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсирининг илғор шакллари ва усулларини кенг татбиқ қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади;

- жиноий ишларни кўриб чиқиша фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, жиноий ишлар тергови тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этганликда гумонланувчи шахсларни ҳибсга олиш муддати 72 соатдан 48 соатга ҳамда қамоқда сақлаш ва уй қамоғи, шунингдек, жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов

кўринишидаги жиноятнинг олдини олиш чоралари қўлланилиши энг юқори муддатлари 1 йилдан 7 ойгача қисқартирилмоқда. Мазкур чораларнинг жорий қилиниши, бир томондан, фуқароларни уларнинг эркинликлари асосиз чекланишлари ҳолатларидан ҳимояни, иккинчи томондан, дастлабки тергов ва тергов органлари масъулияти ҳамда фаолият самарадорлиги оширилишини таъминлайди;

– “Хабеас корпус” институти қўлланилишини кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва экспертиза қилиш каби тергов ҳаракатларига рухсат (санкция) бериш бўйича ваколатлари суд органлари ваколатларига ўтказилади. Ушбу ўзгартиришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари мустаҳкам эканлигини ва уларни суд қарорисиз ҳеч ким маҳрум қилиш ёки чеклашга ҳақли эмаслигини белгиловчи Конституция ва умумий эътироф қилинган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига тўлиқ жавоб беради. Бундан ташқари, судга қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи кўринишидаги жиноятнинг олдини олиш чоралари қўлланилиши рад қилинган тақдирда, жиноятнинг олдини олиш муқобил чораларини қўллаш имконияти тақдим қилинади;

– суд томонидан жиноий ишларнинг қўшимча тергов амалга оширилиши учун қайтариш институтининг бекор қилиниши каби судлов тезкорлиги ва сифатини оширишга, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларининг асосиз рашида чўзилишини истисно қилишга ва жиноий ишларни кўриб чиқишида судлар ролини кучайтиришга йўналтирилган янгиликни алоҳида қайд этиш керак.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш мумкин бўлган муддат-

нинг 3 йилдан 1 йилгача қисқартирилиши бўйича жорий қилинаётган чора фуқаролик-хуқуқий муносабатлар барқарорлигини, фуқаролик ишини кўриб чиқиш жараёни иштирокчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Суд қарорлари қонунийлиги ва асосланганлигини қайта кўриб чиқиш амалдаги тизими, шунингдек, суд жараёни муддатларига ва сифатига салбий таъсир кўрсатаётган ортиқча оралиқ босқичларни бартараф қилиш мақсадида мазкур чоралар вилюят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноий ишларнинг назорат тартибида қайта кўриб чиқиш бўйича такрорловчи босқичлари туғатилишини назарда тутади, тааллуқли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида норозилик билдириш бўйича ваколатлари бундан мустасно. Шу билан бир қаторда, Олий суд пленумининг ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиш бўйича такрорловчи ваколатлари бекор қилинади.

Ортиқча ва такрорловчи босқичларнинг бартараф қилиниши бир назорат босқичи томонидан ишларнинг бир неча марта кўриб чиқилиши ҳолатларининг олдини олиш, якуний ва барқарор суд хукмини таъминлаш ва бунинг оқибати сифатида фуқароларнинг судларга ишонч даражасини ошириш имконини беради.

Шунингдек, мазкур норма хўжалик судлари тизимида регионал апелляция судлари ташкил қилинишини назарда тутади, бу вилюят хўжалик судларининг ўз қарорларини қайта кўриб чиқиш бўйича ваколатларини бартараф қилишга қаратилган.

Адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техник ва мо-

лиявий таъминлаш бўйича функциялари ва ваколатларининг Олий судга ўтказилиши мазкур меъёрнинг суд ҳокимияти мустақиллиги асослари мустаҳкамланишини белгилайдиган алоҳида аҳамиятли қоидаси ҳисобланади. Ушбу чора судлар мустақиллиги ва улар фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратади.

Шу билан бир қаторда, Олий суд, Бosh прокуратура ва бошқа манфаатдор бошқармаларга 2017 йил 1 июлгача илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуидагилар бўйича асосланган таклифлар тайёrlаш топширилди:

- суд-прокуратура ходимлари малакаларини ошириш ва раҳбарлик кадрларини тайёrlаш тизимларини тақомиллаштириш;
- просессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек, судланганлик тугатилиши ва олиб ташланиши муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;
- жиноий ишларни кўриб чиқишида, ўзбек халқининг эзгулик ва раҳмдиллик каби асрий анъ-аналарига мувофиқлиги эътиборга олинган ҳолда, муросага келтириш институти қўлланилишини кенгайтириш. Ушбу меъёр чин юракдан тавба қилган ва зарар етказилган фуқаролар олдида ўз айини ювган қонунни бузган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради;

- катта ижтимоий хавфга эга бўлмаган айрим жиноят таркибларини декриминализация қилиш;

- жиноий иш қўзғатилиши фақат жабрланувчи аризаси бўйича амалга оширилган жиноятлар таркиби рўйхатини кенгайтириш;

– электрон суд ишларини кўриб чиқиш ва ижро-ни амалга ошириш замонавий шакллари ва усулла-рини, одил судлов амалга оширилишини таъмин-лаш воситаларини жорий қилиш ҳисобига одил судловни амалга ошириш сифатини ошириш. Ушбу ташаббуснинг реализация қилиниши суд фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек, Республика ривожланишининг замонавий босқичи талаб-ларига тўлиқ мувофиқликда, “Электрон хукумат тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш доирасида жамият учун одил судлов очиқлиги, шаффоғлиги ва жоизлиги тамойиллигини ҳаётга изчил татбиқ қилишга хизмат қиласди.

Белгиланган вазифалар асосида аҳамиятга молик катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Одил судловнинг янги тизими шакллантирилди ва судлар ихтисослаштирилди. Шулар қаторида Адвокатура институти ҳам ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ташкил этилди. Адвокатларга кўйиладиган квалификацион талаблар ва адвокатлик фаолиятига таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилди. Суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судялар корпусини шакллантириш, судяларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судя ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилди.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қуи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш масалалари ўз ечимини топмоқда¹. Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси қонун устуворлиги – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий тамоилларидан бири эканлигининг ёрқин далилидир.

Белгиланган устуворликларни ҳаётга татбиқ қилиш ва амалиётда реализация қилиш учун мазкур фармон билан суд-хукуқий тизимини ривожлантиришнинг 8 та энг устувор соҳаси бўйича 45 та муайян чора-тадбирлар реализация қилинишини назарда тутадиган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур нормаларни реализация қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноий, Жиноий-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Фуқаролар ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш мақсадида, умумий эътироф қилинган халқаро стандартлар асосида маҳсус қонунлар, шу жумладан, “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноий жараённинг бошқа иштирокчиларини ҳимоялаш тўғрисида”, “Медиация

¹“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.

тўғрисида”, “Маъмурий суд ишларини кўриб чиқиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни қабул қилиш режалаштирилди.

“Инсон тақдирини ҳал этишда судьянинг онгидা – фақат адолат, тилида – фақат ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт”¹

Ш. Мирзиёев 2018 йил 21 октябрда “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади. ЎзА томонидан келтирилган мазкур хужжатга расмий шарҳда қайд этилганидек, ушбу фармон мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги даражага ўтганлигини англатади.

Ушбу фармонда учта асосий устуворлик ажратиб кўрсатилади: суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги; фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва одил судловни амалга ошириш даражасини кучайтириш.

Фармонда суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг қўйидаги энг муҳим вазифалари белгиланган:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши ва судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига аралашганлик учун муқаррар жавобгарлик тамойили тўғрисидаги меъёрларга қатъий амал қилинишини таъминлаш;

- фуқаролар хуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш, уларга тажовузкорлик

¹Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. . – Т. : Ўзбекистон, 2017. – Б. 437.

ҳолатлари бўйича барча зарур чораларни кўриш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартибидаги сансалорликларга ва қонун бузилишларига йўл қўймаслик;

- жамоатчилик эътиборига тааллуқли ахборотни ўз вақтида етказиш орқали фаолият очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли камчиликлар ва қонун бузилишлар сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш, илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини фаолиятга татбиқ қилиш;

- маъмурий назоратни, профилактикани, ходимлар ўртасидаги суиистеъмолликлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишлари олди олинишини кучайтириш, кадрлар таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, ишга энг муносиб номзодлар қабул қилиниши таъминланадиган кадрлар танлашнинг замонавий воситаларини жорий қилиш;

- 2019 йилда судларнинг иш юкламасини камайтириш ҳамда низоларни судгача ҳал қилиш мақсадида, медиаторларни тайёрлаш тизими яратилди. Адлия вазирилиги ҳузуридаги Юристлар макласини ошириш марказида медиаторларини тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўқув курслари ташкил этилди. Нодавлат – суд экспертиза ташкилотларини ташкил этишга рухсат этилди ҳамда уларга суд экспертизаларинг 44 та турларини ўтказиш ҳуқуқи берилди. Судьялар Олий кенгаши ҳузурида Судьялар Олий мактаби ташкил этилди, унинг вазифа ва

функциялари белгилаб берилди. Давлат дастурининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналиши бўйича 2019 йилда 20 та қонун, 11 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, 44 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Жаслиғ қўргонида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияси ёпилди.

Суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни Халқаро ҳамжамиятга етказиш, ижобий хорижий тажриба билан танишиш мақсадида 2019 йил 25-27 апрель қунлари илк маротаба “Тошкент ҳуқуқ баҳори” халқаро юридик форуми ўтказилди.

Форумнинг мингга яқин иштирокчилари қаторида жаҳоннинг 37 давлатидан 250 нафарга яқин етук хорижий эксперталар, халқаро юридик компаниилар, консалтинг фирмалари вакиллари, давлат хизматчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиеёвнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рӯёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий – ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаб берди. Шунингдек,

– фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайти-

риш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва қўмақдошига айлантириш;

– жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;

– ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

– жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг баравақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;

– фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизmlарини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш вазифа қилиб белгиланди.

Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида охирги беш йил мобайнида фуқаролар

йифинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жо-
рий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан зиё-
ди реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар
асосида 216 та бино янгидан қурилиб, фойдаланиш-
га топширилди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифала-
ри этиб қуйидагилар белгиланди:

- фуқароларга жамият ва давлат ишларини
бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга ошириш-
да кўмаклашиш;

- ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, маъни-
вий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, сиёсий-мағ-
куравий, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш;

- давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Рес-
публикаси қонунларини, Президент фармонларини
ва ҳукумат ҳужжатларини, ҳалқ депутатлари кен-
гашлари ва ҳокимларнинг қарорлари бажаришда
ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлашти-
риш.

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг
назоратчилик хусусияти:

- фуқаролар йиғини раисини ва унинг мас-
лаҳатчиларининг йилнинг ҳар чорагида ҳисо-
ботларини эшитади;

- кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий ко-
миссия фаолиятининг йилнинг ҳар чорагида ҳисо-
ботларини эшитади;

- қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шу-
нингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан
жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаш-
тириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида
тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассаса-
лар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини
эшитади;

- пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади, ободончиликни назорат қиласди;
- уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишида, тегишли худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишида кўмаклашади;
- ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- тўйлар ва бошқа маросимларни тартибли ўтказиши назорат қиласди;
- тегишли худудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қиласди ва назорат қиласди;
- фуқароларни қабул қиласди, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади.

Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари бўйича макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суратларини сақлаб қолишига алоҳида эътибор берилди.

2019 йилнинг 1 январидан янги солиқ концепцияси амалиётга жорий этилди. Солиқ турлари 19 тадан 15 тагача туширилди. Дивидент ва фоиз сифа-

тидаги даромадлардан солиқлар 10 фоиздан 5 фоизга; ягона ижтимоий тұлов 15 фоиздан 12 фоизга; ишчи ходимларнинг солиқ юки 23 фоиздан 12 фоизгача камайтирилди. Солиқ турлари 19 тадан 15 тагача; мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача; 1 октябрдан ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга; юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача камайтирилди. Давлат мақсадли жамғармаларига тұланадиган 3, 2 фоизлик оборот солиғи ва 8 фоизлик мажбурий ажратмалар бекор қилинди.

Мамлакатимиз Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва стратегияси қабул қилинди ҳамда қўйидаги асосий чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди:

- солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва хуфёна иқтисодиётнинг улушкини камайтириш;
- сервисга йўналтирилган солиқ хизматини ривожлантириш;
- Давлат солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- солиқ хавфларини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий тизимини яратиш;
- давлат солиқ органларида коррупцияга қарши курашиб тизимини такомиллаштириш.

Қўйидаги соҳаларни ривожлантириш стратегиялари тасдиқланди:

1 Тўқимачилик соҳасини

2. Қимматбаҳо ва рангли метал соҳасини

3. Автомобилсозлик соҳасини

4. Кимё соҳасини.

Шунингдек, Фонд бозорини ривожлантириш учун йирик марказий халқаро депозитар клиник тизимлари ҳамда Миллий рақамловчи агентлик-

лар ассосацияси билан Ўзбекистоннинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарияси ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

2019 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш ва янада ривожлантириш учун Президентнинг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан қуидаги тартиб-тамойиллар кескин соддалаштирилди:

- қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўtkазиш ва кадастр ҳисобини юритиш;
- қўчмас мулк объектлари бўйича битим ва қўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини олиш билан боғлиқ бўлган нотариал тасдиқлаш.

Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросининг натижасига кўра “Бизнес юритиш 2020” йиллик рейтингида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллади, Ўзбекистон энг юқори натижаларга эришган 20 мамлакат қаторига кирди, “Бизнесни ташкил этиш қулайлиги бўйича” Ўзбекистон илк бор 8-ўринга кўтарилиди.

Мазкур йўналишда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан:

- Ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби ва хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш мақсадида “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш” тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

- “Кичик саноат зоналарини” ташкил этилиши учун ер майдонларининг ажратилиши, уларнинг ташкил этилиши жараёнларининг ва уларда инвес-

тиция лойиҳаларини амалга оширилиши тартиб-тамойилларини белгилаб берилди.

Юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни интэрнет орқали олиш тизими яратилди ва бунга кўра ягона интерактив давлат хизматлари порталида тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестиридаги юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни олишга имкон берувчи тизим жорий этилди.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш”, “Монополияга қарши қурашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон Республикада рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши қурашишни тартибга солиш, бозорнинг барча иштирокчиларига товарлар учун (ишлар хизматлар) кенг имкониятлар тақдим қилиш, ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар ва товарлар) сифатини ошириш нархларнинг асоссиз ошиб кетишини чеклашга хизмат қиласди.

Натижалар, 589 та давлат активлари хусусий мулкка сотилди, 14941 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳити яратилди. Натижада 234,7 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 дан 36,1 фоизга кўтарилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди, хорижий инвестицияларни жалб этиш

агентлиги ташкил этилди, “invest. go. uz” инвестиция портали ишга туширилди. “Давлат-хусусий шериклик түғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳозирги кунда жаҳоннинг 166 дан ортиқ давлати билан савдо алоқаларини амалга оширмоқда.

ТАЖРИБАВИЙ АМАЛИЙ СҮЗЛАР


Мустақил тараққиёт, миллий тикланиш, ҳуқуқий давлат, демократик жамият, ўзбек модели, ўзига хос ва мос тараққиёт, бозор иқтисодиёти, мулкдорлар синфи, давлат бош иқтисодчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликлар, ҳуқуқий онг ва маданият, ҳоқимият тармоқлари, адолат, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтлари, коррупция, жиноятычилек, жиноий жазоларни либераллаштириш, ҳалқаро ҳужжатлар, модернизация, ҳаракатлар стратегияси, ҳалқ билан мулоқот, давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, фаол инвестиция, ижтимоий ривожланиш.

ҚЎШИМЧА ВА ТУШУНТИРУВЧИ МАТНЛАР

И.А.Каримов асарлари



И.А.Каримов томонидан илгари сурилган методологик қарашлар



Ислом Каримов томонидан илгари сурилган гоялар



Ижтимоий тараққиётнинг “Ўзбек модели”

- | | |
|---|--|
| 1 | • Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш; |
| 2 | • Ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиши; |
| 3 | • Бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни конунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши; |
| 4 | • Бозор муносабатларига ўтиш билан бир каторда ахолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чоратадбирларни амалга ошириш; |
| 5 | • Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш. |

Қонун устуворлиги:

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив – ҳуқуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари:

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдидаги тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланниб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир – бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

ҚОНУН УСТУВОРИЛГИ ТАМОЙИЛЛАРИ:

Халқ манфаатларини ифодалайдиган
адолатли қонунлар

Қонунларнинг сўзсиз
ижро этилиши

Барча қонун ости
актлари қонунга мос
келиши

Қонун ва қонунга
асосланган
хужжатларга тўла
риоя этишини
таяминловчи восита
ва шароитлар

Фуқароларнинг
юксак даражадаги
сиёсий ва ҳуқукий
маданияти

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси

Давлат ва жамият курилиш тизимини
такомиллаштириш

Қонун
устуворлигини
таъминлаш ва суд-
хукуқ тизимини
янада ислоҳ килиш

Иқтисодиётни
ривожлантириш ва
эркинлаштириш

Ижтимоий соҳани
ривожлантириш

Хавфсизлик, диний
бағрикентлик ва
миллатлараро
тотувлик, ўзаро
манбаатли ва амалий
ташки сиёсат

Танқидий таҳлил, қатъий
тартиб-интизом ва шахсий
жавобгарлик – ҳар бир раҳбар
фаолиятининг кундالик қоидаси
бўлиши керак.
– Т.: Ўзбекистон.2017

Миллий тараққиёт йўлимизни
катъият билан давом эттириб,
янги босқичга кўтарамиз.

1-Ж.. – Т.: Ўзбекистон, 2017

**Ш.М.Мирзиёев
асарлари**

Халқимизнинг розилиги
бизнинг фаолиятимизга
берилган энг олий баҳодир.
2-Ж.Т, Ўзбекистон,2018

Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам
улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги
фаровон бўлади.

3-Ж. – Т.: Ўзбекистон,2019



Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ килиш

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг

Фармони

Ўзбекистон
Республикаси суд
тизими тузилмасини
тубдан
такомиллаштириш ва
фаолияти
самарадорлигини
ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида
2017 йил 21 февраль,
ПФ-4966-сон

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг



Қарори


Ўзбекистон
Республикаси Судьялар
олий кенгаши
хузуридаги одил судлов
муаммоларини ўрганиш
тадқикот маркази
фаолиятини ташкил
этиш тўғрисида
2017 йил 19 апрель,
ПҚ-2903-сон

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг

Қарори

Хуқуқбузарликлар
профилактикаси ва
жиноятчилика қарши
курашиш тизимини
янада
такомиллаштириш
чора-тадбирлари
тўғрисида
2017 йил 14 март,
2833-сон





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириклар

“Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли” асарида фуқаролик жамиятини барпо этишининг қандай вазифалари кўрсатилган?

“Ўзбекистон сиёсий-ижтимоӣ ва иқтисодий истиқболинининг асосий тамоҳиилари” асарида фуқаролик жамиятининг 3 та тамоҳиили кўнглиларни аниқланади?

“Ўзбекистонда демократик ўзғаршиларни янада чуқурлаштириши ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўнанишилари” асарида қандай йўнанишилар асослаб берилган?

“Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиши, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаёт гаровидид” асарининг мазмунини айтib беринг?

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларини янада чуқурлаштириши ва фуқаролик жамиятини барпо этиши концепцияси” сида нечта устувор йўнаниши белgilанган?

1. Фуқаролик жамияти қуришда давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни нималарда намоён бўлди?
2. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” концептуал асосларини таърифлаб беринг.
3. Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида демократик фуқаролик жамиятини ривожлантириш

вазифалари қўйилишининг сиёсий-ижтимоий, маънавий асосларини таърифланг.

4. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўналиши бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бобида жамоат бирлашмаларига доир принциплар ифодаланган?

6. Ҳаракатлар Стратегиясининг бешта устувор йўналишлари бўйича батафсил маълумот беринг?

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинди?
2. Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хукуқий механизмлари Ҳаракатлар стратегиясининг қайси бандида келтирилган?
3. Президентимиз қарори билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури неча банддан иборат?
4. Ҳаракатлар стратегиясининг мазмуни ва унинг аҳамияти бўйича реферат тақдимоти.
4. Давлат бошқаруви тизимидағи ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти бўйича эссе тақдимоти.
5. Ш. М. Мирзиёевнинг “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” асарининг мазмуни бўйича эссе тақдимоти.
6. Ш. М. Мирзиёевнинг “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” асарининг тақдимоти.
7. Ш. М. Мирзиёевнинг БМТ 72- сессиясида сўзлаган нутқи бўйича иншо тақдимоти
8. Ш. М. Мирзиёевнинг 2018 йилда Ўзбекистон халқига мурожаатномаси мазмуни бўйича мушоира
9. Коррупция тушунчасининг моҳияти. Коррупция феноменининг тарихий илдизлари мавзусида реферат тақдимоти.
10. Коррупциянинг сабаблари ва асосий шакллари мавзусда анализик таҳлил.
11. Иқтисодий коррупциянинг оқибатлари бўйича эссе тақдимоти.

12. Гоявий ва сиёсий коррупциянинг барқарорликка салбий таъсири мавзусида мақола тақдимоти.

13. Фан ва таълим тизимидағи коррупция жамият инқизорининг оқибати бўйича эссе тақдимоти.

14. Кадрлар коррупцияси юксалиш жараёнларининг иллати сифатида мавзусида мақола.

15. Коррупцияга қарши кураш механизмлари мавзусида реферат тақдимоти.

16. Ҳозирги даврда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг аҳамияти мавзусида мақола тақтимоти.

“Ижодий эссе”

1. Ҳуқуқий қадрияtlар ва хусусий мулкнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ҳақида ижодий эссе ёзиш (15 дақиқа).

Кроссвордни ечинг?

В	Й	У	Р	И	С	П	Р	У	Д	Э	Н	С	И	Й	А
А	М	О	Н	Т	Э	С	К	Й	Э	О	Р	Қ	Т	А	Ҳ
К	О	И	Қ	М	У	Қ	А	Д	Д	И	М	А	У	Р	У
О	И	К	О	Н	С	Т	И	Т	У	Т	С	И	Й	А	Ж
Л	К	О	Н	Ф	Т	Т	Э	А	Д	О	Л	А	Т	Р	Ж
А	О	О	У	О	С	И	Й	О	С	А	Т	С	Л	О	А
Т	Т	Л	Н	О	Р	М	А	Т	И	В	О	О	С	Н	Т
О	О	Б	П	И	К	Л	О	К	О	К	Н	С	И	Т	Э

1-Монтеське; **2**-Конституция; **3**-Қонун; **4**-Сиёсат; **5**-Адолат; **6**-Норматив; **7**-Ваколат; **8**-Юриспруденция; **9**-Асос; **10**-Хужжат; **11**-Муқаддима.

Билим ва қўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишининг бош устувор йўналиши - бу...

- a) Мустақиллик.
- b) Инсон омили.
- c) Суд - хуқуқ тизими ислоҳоти.
- d) Бозор муносабатларини чуқурлаштириш.

2. Ҳар қандай мустақил давлат мамлакат демократик тараққиётини...

а) Ривожланган демократик давлат ривожланиш сирларини ўрганишдан бошлайди.

б) Умуминсоний демократия тараққиёти асосида бошлайди.

с) Ўзининг тараққиёт йўлининг қонуниятларини аниқлаб олишдан бошлайди.

д) Миллий демократик тамойиллар асосида бошлайди.

3. Демократиянинг универсал, барча ҳалқлар ва эзатлар учун баробар модели бўлиши мумкинми?

а) Бўлиши мумкин, чунки демократия умуминсоний қадриятдир.

b) Демократиянинг универсал модели бўлиши мумкин эмас, чунки бу унинг табиатига зиддир.

c) Баъзи тарихий тараққиёт босқичларида бўлиши мумкин.

d) Баъзи бир давлатларда бўлиши мумкин.

4. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришининг анъанавий шакли қайси?

a) Маҳалла.

b) Касаба уюшмалари.

c) Сиёсий партиялар.

d) Жамоат бирлашмалари.

5. Фуқаролик жамияти институтларини шаклантириш ва ривожлантириш бўйича қайси қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклифи киритилмоқда?

a) "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун.

b) "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун ва "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун.

c) "Ўзбекситон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисида"ги кодекси ва "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун.

d) А ва Б

6. Концепция нима?

a) Иқтисодий қараш. b) Иқтисодий назария.

c) Назарий модел. d) Амалий тажриба.

7. Бошқарув соҳаси ва вазифаларининг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш нимага олиб келади, деб ўйлайсиз?

a) Марказий ҳокимиятнинг заифлашувига.

b) Бу нотўғри сиёсат бўларди.

c) Маълум маънода сиёсий тарқоқликка.

d) Бошқарув соҳасининг аксили марказлашувига.

8. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" нечта устувор вазифани ўз ичига олади?

a) 4 b) 5 c) 6 d) 7

9. Концепция заминида Конституциямизнинг қайси моддаларига демократик моҳиятга эга бўлган ўзгартиши ва қўшимчалар киритилди?

a) 32, 76, 78, 80, 92, 96, 98, 103.

b) 32, 78, 79, 80, 93, 96, 98, 107.

c) 32, 78, 80, 93, 96, 98, 103, 117.

d) 32, 78, 79, 80, 93, 98, 103, 107.

10. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига қайси ваколат қўшилди?

a) Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшлишиш ва муҳокама қилиш.

b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қиласади.

c) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш.

d) Марказий сайлов комиссияси Раисини лавозимига сайлаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳиятига қўйидагилардан қайси бири тааллуқли эмас?

а) Бош вазир лавозимиға номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилмоқда.

б) Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишонч-сизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда.

с) Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.

д) Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлислида раислик қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

12. Бугунги дунёниг турли минтақаларида хотинчликлар фонида Ўзбекистон тинчлик, осойишталик диёри бўлиб турибди. Хўш, нима учун?

а) Чунки истиқдолнинг илк йилларидан бошлаб республикамизнинг ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

б) Чунки Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатdir.

с) Чунки мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда –Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамлаб кўйилган.

д) Чунки ҳозирги замон ҳалқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришларни Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш устувордир.

13. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурига кўра, ҳуқуқий маданиятли инсон – бу...

а) Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; ҳуқуқий билимларни амалиётда тадбиқ эта оладиган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

b) Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

c) Ҳуқуқий билимга эга бўлган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

d) Ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқ эта оладиган киши; фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили?

a) Сенат

b) Қонунчилик палатаси

c) Омбудсман

d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

15. Ўзбекистонда ижроия ҳокимиятини амалга оширувчи асосий ҳокимият тизими қайси орган?

a) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

b) Олий Мажлис

c) Суд

d) Юқори палата

4-МАВЗУ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ ЎРНИ

1. “Ижтимоий соҳа” тушунчаси ва мазмун-моҳияти.
2. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ўзгаришлари ва ривожлантиришнинг йўналишлари.
3. Давлат дастурлари ижтимоий соҳасини ривожлантириш омили.

1. “ИЖТИМОИЙ СОҲА” ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Ижтимоий соҳа социумнинг ядроси ва ўзаги ҳисобланади. Айнан мана шу ядро жамиятнинг мавжудлигини, яшаш давомийлигини, ўзгарувчанлиги ва тараққиётини белгилаб беради. Макон ва замон, жамият ва инсон муносабатлари нуқтаи назаридан олиб қараганда, ижтимоий соҳа ҳар қандай даражада ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолади. Унинг моҳияти инсон омили, унинг манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш жараённида инсон-ижтимоий гуруҳлар-жамият тизимида ижтимоий муносабатларни қамраб олиб, жамият барқарорлигини таъминлаш асоси ҳисобланади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи мезонлар инсон маданий даражаси ва жамият фаолиятининг натижаси бўлмиш ижтимоий қадриятлар, шунингдек, ахлоқий қоидалар ҳисобланади.

Ижтимоий соҳа ўзига хос тузилиш, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларига эга. Бу масалада, аввало, “соҳа” тушунчасига тўхталиш ўринли. Маз-

кур тушунча энциклопедия ва луғатларда юончада сфера – “шар” маъносида ифодаланиб, фаолият доирасини, бирор бир нарсанинг тарқалиш чегараси, муҳит, шарт – шароит, ижтимоий муҳит ёки таъсир каби маъноларни англатади¹.

Адабиётларда “ижтимоий соҳа”нинг синонимлари сифатида “жамиятнинг ижтимоий ҳаёти”, “социал фазо”, “социал майдон” каби тушунчалар қўлланилади. Этимологик нуқтаи назардан “ижтимоий” деган сўз “жамият” атамаси билан синонимдир. У кенг маънода “жамиятнинг ижтимоий соҳаси”ни белгилайди. Шу жиҳатдан жамиятнинг ҳамма соҳалар – иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалари ижтимоий соҳалар дейилади. Бироқ шу билан бирга жамиятнинг алоҳида ижтимоий соҳаси бўлиб, у – ҳар хил ижтимоий гуруҳлар, турли даражада уюшган элатлар (ижтимоий қатлам, стратегия, этнослар, ижтимоий демографик гуруҳлар, алоҳида жамоалар ва бошқалар) ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари шундаки, улар жамиятнинг ҳамма соҳаларига кириб борган. Уларни фақат иқтисодий, сиёсий ёки маънавий муносабатлар, деб ажратиш мумкин эмас².

Ижтимоий соҳа тушунчасини таърифлашга доир бир қатор ёндашувлар мавжуд.

Биринчи ёндашув ижтимоий соҳани йирик ижтимоий гуруҳлар, яъни синклар, миллатлар ва халқларнинг мажмуаси сифатида тушунади ва бу тасаввур жамият ҳаётининг моҳиятини оддийгина локал социал тузилмаларнинг мажмуаси сифати-

¹ Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. А. М. Прохоров. 2-е изд. – М. : Большая российская энциклопедия. 2001. – С. 1168.

² Фалсафа. (М. Аҳмедова умумий муҳаррирлиги остида). – Т. , 2005. -Б. 556

да тушунишдан фарқланади¹. Хусусан, М. В. Лашиннинг таъкидлашича, ижтимоий соҳа ўзида конкрет жамиятни ташкил этувчи барча ижтимоий гурухлар орасидаги барча алоқадорликларни, ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини қамраб олади. Ижтимоий соҳани бу тарзда шарҳлаш ўз таркибига у ёки бу синфлар, социал қатламлар, интеллектуал гурухлар, миллат ва халқларни қамраб олувчи жамиятнинг социал структураси тушунчасига мос келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бир-биридан фарқли равишда шаклланган ҳолда жамият мавжудлигини таъминлаш мақсадида ўзига хос функцияларни бајаради. Хусусан, жамиятнинг социал структураси жамиятни фақат ўзаро алоқадорликка эга бўлган турли ижтимоий гурухларга ажратишни қайд этади. Шундай экан, у ёки бу инсонлар жамоаси ҳар қандай “майдон”да ва ҳар қандай соҳа доирасида ўз фаоллигини намоён эта олиши мумкин. Бироқ ҳар бир ҳолатда бу фаолиятнинг функцияси турлича намоён бўлади.

Иккинчи ёндашувни асосан, иқтисодчи олимлар қарашларида кўрамиз. Бу каби мутахассислар ўз таҳлил жараёнида “ижтимоий соҳа” категориясидан фаол тарзда фойдаланган ҳолда, уни ишлаб чиқариш эмас, балки фақат хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида кўрсатишади². Масалан, М. С. Касимова ижтимоий соҳа тушунчасига таъриф беришда асосий таянч сифатида шахсий эҳтиёжлар категориясини олади. “Ижтимоий соҳа – деб ёзади оима – у ёки бу тарзда фуқаролар, ишчиларнинг эҳтиёжларини

¹Барулин В. С. Диалектика сфер общественной жизни. – М. : Изд-во Моск. ун-та, 1982. С. 72

²Рутгайзер В. М. Социальная сфера: проблемы планирования. – М., 1989

қондиришга қаратилган мақсад асосида ҳаракатга келтирилган халқ хўжалиги соҳаларининг мажмуаси бўлиб, жамият томонидан ажратилган воситалардан ўзларининг эҳтиёжлари учун маълум бир миқдордаги даромадларни олишади”¹. Фикримизча, ижтимоий соҳани бундай изоҳлаш унинг улкан социал диапазонини торайтириб қўяди.

Учинчи ёндашув тарафдорлари ижтимоий соҳани жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалари оралиғидаги бир бўғин сифатида олиб қарашади. Бироқ бу ҳолатда социумнинг функциялари сиёсий ва иқтисодий соҳаларнинг функциялари билан қоришиб кетади. Масалан, Г. М. Кацнинг таъкидлашича, ижтимоий соҳа турли воқеа ва ҳодисалар доираси ҳисобланиб, бу доира бир гурӯҳ кишиларнинг ҳаётнинг турли кўринишлари – иқтисодиёт, сиёsat, оила, ахлоқ, маданият доирасидаги фаолияти, ўзаро алоқадорлиги ва кишиларнинг инқирозни бошдан кечиришлари кабиларни қамраб олади². Бу ёндашувда кўриниб турибдики, ижтимоий соҳа жамият ҳаётининг алоҳида соҳаси сифатида эмас, балки бошқа соҳаларнинг бир йиғиндиси сифатида олиб қаралади.

Тўртинчи ёндашув вакиллари ижтимоий соҳани социал субъектлар ўзаро алоқадорлигининг мажмуаси сифатида олиб қараган ҳолда, уни социал такрор ишлаб чиқариш жараёни билан бараварлаштирадилар. Хусусан, С. А. Шавелнинг фикрича, ижтимоий соҳа қундалик ҳаётни такрор ишлаб чиқариш, инсоннинг шахс сифатида ўзини намоён этиши ва ривожланишининг социал фазосидир³.

¹ Касымова М. С. Новые подходы к исследованию социальной сферы // Вестник Москва. ун-та. Сер. 6. Экономика. - 1993. - № 4. - С. 51

² Кац М. Г. Методологические проблемы изучения социальной сферы жизни общества: Автореф. дис. доктора филос. наук. - М., 1988. С. 39

³ Шавель С. А. Социальная сфера общества и личность. – Минск: Наука и техника, 1988. –С. 8.

Юқоридаги ёндашувларнинг барчасида бир ёқлама қарашлар бўлиб, уларга синтетик ва универсал хуносалар етишмайди. Шу ўринда кенгроқ маънодаги методологик таянч ёндашувларга назар солиш ўринлидир. Академик Т. А. Заславская юқорида келтирилган ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, уларни икки йирик изоҳ кўринишига олиб келади.

Биринчи изоҳга кўра, ижтимоий соҳа социумнинг остки тизими (подсистема) бўлиб, у кишиларнинг маънавий ва интеллектуал ривожланиши, сифатли ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Иккинчи изоҳга кўра, жамиятнинг социал структураси уни шакллантирувчи турли хил гурухлар, жамоалар ва қатламлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тизими дир¹. Бу ерда Т. А. Заславская ижтимоий соҳани жамиятнинг бошқа таркибий қисмлари, яъни сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар билан teng ҳуқуқли сифатидаги жиҳатига эмас, балки “бу соҳаларнинг ўзига хос тарзда очиқлиги, бир - бирига ўтиб туриш жиҳати”га эътиборни қаратади. Бу фикрга асосланадиган бўлсак, ижтимоий соҳа бир бутун, мустақил соҳа сифатида жамиятнинг ост тизими(подсистема) сифатида бошқа соҳаларнинг социал функцияларини бажаришга хизмат қиласди, холос.

“Ижтимоий соҳа” категориясига комплекс изоҳни Ю. Е. Волков берган бўлиб, унга кўра, ижтимоий соҳа “жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир шахснинг яшаш тарзи ва шарт-шароитини қамраб оловчи йирик социеталь тизим ҳисобланиб, бу тизимнинг вужудга келишидаги асосий омил социал

¹Заславская Т. А. Социетальная трансформация российского общества: Деятельностно-структурная концепция. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Дело, 2003. С. 148.

муносабатлардир”¹. Муаллифнинг таъкидлашича, бу соҳада кишиларнинг эҳтиёж ҳамда қизиқишлири бир бутун социумнинг қизиқиши ва эҳтиёжларига мувофиқ келади. Бундай тариф нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. О. Грачевнинг фикрича, “ижтимоий соҳа” категорияси аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш соҳалари – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданият, жисмоний маданият, спорт ва бошқа шу кабиларнинг мажмуаси сифатида изоҳланади². Бунда ижтимоий соҳа инфраструктураси, яъни ижтимоий инфраструктура обьектлари томонидан амалга ошириладиган барча хизматлар ва ишларнинг мажмууси сифатида изоҳланади.

Демак, ижтимоий соҳа ўзида мураккаб тузилмани намоён этиб, у ўзига социал структура, социал қизиқишлиар, қадриятлар ва нормалар, бу инфраструктура элементларини боғловчи муносабатларни, шунингдек, социал инфраструктура, ижтимоий бошқарув институтлари ва кишиларнинг яшаш тарзини қамраб олади. Ижтимоий соҳа сиёсий, иқтисодий ва маънавий муносабатларга таъсир кўрсатувчи фаол соҳа ҳисобланади. Бунда жамиятнинг барча ост тизимлари ижтимоий соҳа шаклланиши ва мажбурлиги учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ижтимоий соҳа тушунчаси реал воқеликдаги энг муҳим муносабатлар ва алоқадорликларни ўзида мужассамлаштиради. Унинг асосий элементлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижтимоий-меҳнат соҳаси, аҳолининг бандлигини

¹ Волков Ю. Е. Социальные отношения и социальная сфера // Социологические исследования. – 2003. – №4. – С. 34-42

² Грачева О. Место социальной поддержки населения в региональной социальной политике: методологический аспект // Человек и труд. – 2008. – №1. – С. 9-12

таъминлаш соҳаси, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш соҳаси, ижтимоий-маший соҳа, ижтимоий ва пенсия суғуртаси (таъминоти) соҳаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси, ижтимоий-маданий соҳа, ёшлар билан ишлаш соҳаси, аҳолининг миграцияси соҳаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ижтимоий соҳани таҳлил қилишда “ижтимоий соҳа сифати” тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Айнан ижтимоий соҳа сифати унинг стратегик тараққиёт кўрсаткичи ҳисобланади. Бизга маълумки, ижтимоий соҳа сифати унда амал қилувчи функцияларга қараб белгиланади. Бунда учта асосий сифатий даражалар муҳим аҳамият касб этади: 1) қуий даража, устунлик қилувчи функция – ҳаёт учун кураш; 2) ўрта даража, бунда устунлик қилувчи функция – адаптация; 3) юқори даража, устунлик қилувчи функция – ўзини-ўзи намоён қилиш. Шунингдек, асосий бўлмаган ўтиш функциялари, яъни ижтимоий соҳанинг оралиқ сифатий даражалари ҳам мавжуд: ҳаёт учун кураш даражасидан адаптацияга ўтиш ва адаптациядан ривожланишга ўтиш ва б.¹

Ижтимоий соҳанинг ўзига хос хусусияти, биринчидан, унда инсоннинг восита эмас, балки мақсад мақомида бўлишидир. Айнан инсоннинг мақсад сифатидаги мақоми ижтимоий соҳани бошقا соҳалардан – сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий соҳалардан ажратиб туради. Иккинчидан, ижтимоий соҳада инсон ўз эҳтиёжлари ва мойилликлари мажмуюи билан бирга яхлит шахс сифатида қабул қилинади. Учинчи жиҳат шуки, ижтимоий соҳа инсон индивидига уни ҳурмат ва эҳтиром қилиш қаратилганлиги билан характерланади. “Ҳамма

¹Лаврентьева И. П. Социальная политика и управление в социальной сфере: учебное пособие /. – Ульяновск:Ул ГТУ, 2009. С. 5.

нарса ишлаб чиқариш учун” – бу ишлаб чиқариш соҳасини ифодаласа, “Ҳамма нарса инсон учун” – ижтимоий соҳани ўзида акс эттиради.

Жамият ижтимоий соҳасини ривожлантириш масаласида ҳам кўплаб ғоялар илгари сурилган. Масалан, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш йўлидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари “Авесто”да, Абу Наср Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир олимлар томонидан ёзилган асарларда, жамият ижтимоий соҳаси тараққиётiga салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар хусусида XX аср бошларида яшаб ўтган А. Авлоний, М. Беҳбудий, А. Фитрат ва бошқа шу каби жадид маърифатпарварларининг асарларида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ғарб давлатларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир концепциялар М. Вебер, Р. Парк, Э. Берджесс, Л. Вирт, М. Кастельс, Д. Харви, Г. Тард, Э. Росс, У. Томас, А. Абендrot, К. Ленк, Ф. Нойманн, ижтимоий соҳа ва унинг динамикаси О. Конт, М. Вебер, Ф. Тейлор, Г. Форд, Г. Спенсер, Т. Гоббс, ижтимоий соҳани ижтимоий ҳаётнинг бош соҳаларидан бирни сифатида асослаб берган А. Тойнби, Э. Гидденс, Н. Луман, Ж. Форрестер, Ф. Фукуяма, Э. Тоффлер, П. Друкер, У. Бек, Г. Хакен, К. Поппер, А. . Богданов, Л. Гумилев, Н. Кондратьев, П. Сорокин каби олимлар томонидан илгари сурилган

Жамият, унинг ижтимоий соҳаси ривожи ҳақидаги ғоялар О. Конт номи билан боғлиқдир. Айнан О. Конт ижтимоий тараққиёт масаласида “статистика” ва “динамика” каби категорияларни фундаментал таҳлил этди.

Социал статистика асосий эътиборни бир томондан жамият структурасини бир бутун ҳолда анатомик таҳлил қилишга қаратса, иккинчи томон-

дан жамият институтлари, қатламлари ва таркибий қисмларини вужудга келтирувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлигига қаратади. Социал динамика эса жамиятнинг маълум бир эволюцион кетма-кетлик ва босқичлар асосида ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Социал статика жамиятдаги тартибни ифодаласа, социал статика тартиби динамика ривожланишини англатади. Контнинг таъкидлашича, умумий маънода тараққиёт - бу тартибнинг ривожланишидир.

Шиддат билан ривожланаётган жараёнлар жамият ҳақидаги классик ҳисобланган назарияларга ҳам муҳим ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритишни заруриятга айлантирди. Бу бевосита бугунги дунёнинг ўзгарувчанлиги унда кечеётган социал муносабат ва жараёнларнинг глобализация ҳодисаси босими остида ўзгариши, жамиятларнинг ўз локаллигини йўқотаётганлиги ва энг асосийси – биз яшаётган жамиятнинг трансформациялашуви билан боғлиқдир.

Замонавий жамиятда инсон капиталининг жамият ривожланишидаги ролининг ортиб бориши ва иқтисодий тараққиётнинг асосий мақсади бутун аҳоли ҳаёти даражасини ва сифатини оширишга қаратилишида яққол намоён бўлди. Чунки олдин иқтисодий тараққиётда моддий ишлаб чиқаришга алоҳида урғу берилган бўлса, ҳозирда инсонга муносаб ҳаёт тарзини таъминлайдиган шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айнан шу сабабли инсон капитали сифатига таъсири ва иқтисодий жараёнларнинг ижтимоий барқарорлигини таъминловчи ижтимоий соҳа роли ва аҳамиятига эътибор ортмоқда. Шу нуқтаи наzarдан қараганда, инсон капиталини қайта ишлаб

чиқиши - иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар бирлиги, иқтисод ва ижтимоий соҳа тараққиёти натижаси бўлиб қолмоқда. Бу борада ижтимоий соҳани ривожлантириш, фан ва техника соҳасидаги ютуқлар, замонавий технологияларни жорий этиш билан характерланмоқда. Жумладан, “билим капитали” таомйили асосида олимлар миллий иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан инсоннинг интеллектуал капитали билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу борада таълим, соғлиқни сақлаш, фан, экология ва даромадларнинг тақсимланиши каби омиллар муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Табиийки, мазкур соҳалар фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият кассб этади. Шунинг учун ҳам ўз пайтида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Энг кўп талаб қилинадиган ва энг кўп ўзини оқладиган сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир”¹ деб таъкидлаган эди.

Олиб борган изланишлари асосида таниқли иқтисодчи олим Э. Лукас инсон капитали иқтисодий ўсишнинг “мотор”и деган хуносага келади². БМТ томонидан ишлаб чиқилган “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”да ҳам тиббий хизмат ҳамда таълим тизимининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2015 йил сентябрь ойида БМТ Ассемблеясининг 70-сессиясида Ўзбекистон томонидан тақдим этилган маърузада инсон тараққиётини ривожлантиришга доир мақсадлар

¹Каримов И. А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти. 2014 йил 14-15 май кунларидағи ҳалқаро конференциянинг очилиши маросимидағи нутқ. <http://press-service.uz> – сайтидан олинди.

²Lucas R. E. Jr. On the mechanics of economic development//Journal of Monetary Economics, Vol. 22, 3-42, 1988.

кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, “Ўзбекистон учун олий мақсад 2030 йилга бориб, аҳоли даромади жаҳондаги ўртacha даромаддан юқори бўлган давлатлар қаторига киришдир. Асосий эътибор қишлоқ аҳолиси яшаш шароитини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни камайтиришга қаратилади”. Албатта, инсон капиталига яратилган шароитлар натижасида инсон тараққиётининг ривожлантирилиши долзарблик касб этади.

UNCTAD (БМТ Савдо ва Ривожланиш Конференцияси) маълумотларига кўра, 2030 йилгача БМТнинг Барқарор Ривожланиш мақсадларига эришишлари учун ривожланаётган мамлакатлар йилига 3, 3 – 4,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида (ижтимоий инфратузилма билан бирга таълим ва соғлиқни сақлаш) инфратузилмага инвестициялар жалб этиш зарур¹. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ижтимоий соҳани ривожлантириш омиллари қаторида таълим, соғлиқни сақлаш ва илмий тадқиқотлар учун давлат томонидан йўналтирилаётган маблағлар миқдори муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий соҳа ўзаро таъсирлашаётган турли соҳаларнинг функциялари учун ўзаро тўлдирувчанлик функциясини бажаради. Масалан, жамиятнинг моддий-ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг моддий бойликларни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш каби ижтимоий заруриятидан келиб чиқади ва мана шу мақсадларга мос бўлган ижтимоий инфраструктурани шакллантиради. Ижтимоий соҳа ўзининг хусусий инфраструктурасига (уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва б.) асосланган ҳолда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаради, у ёки бу со-

¹The World Investment Report 2016: Investor nationality: Policy challenges. United Nations Conference on Trade and Development.

циал субъектларнинг истеъмолчилик фаолиятини тартибга солади, уларнинг ижодий потенциалини амалга оширишлари, шахс сифатида намоён этишлари учун шарт-шароит яратади. Ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига олади ва ижтимоий соҳа тузилмалари, ижтимоий институтлар, ижтимоий норма ва қадрияларнинг конкрет ижтимоий-иктисодий тизим доирасида узлуксиз амал қилишида намоён бўлади. Шу маънода ижтимоий соҳа ижтимоий макон доирасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва алоқалар тизими сифатида ифодаланади.

Ижтимоий соҳа давлатнинг ижтимоий сиёсати асосида ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам ижтимоий сиёсат моҳиятан субсидар масъулият таомойилининг амалга оширилиши, яъни ижтимоий давлатнинг сиёсий имкониятлари индивиднинг ўзи ва оиласи олдидағи масъулиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲА ЎЗГАРИШЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий соҳани замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги муҳим ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон БМТнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги халқаро мақомга эга бўлган қўплаб халқаро хужжатларини тасдиқлади. 1986 йил 4 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 41/128 резолюциясига кўра, Ривожланиш хуқуқи

тўғрисида Декларацияни қабул қилиб, унда “ривожланиш ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён ҳисобланаб, у аҳолининг фаровонлигини муттасил равишда ошириб бориши ва унинг аъзолари тенг ҳуқуқли фаол равишда иштирок этиши, яратилган бойликларнинг адолатли тақсимланишини таъминлашга йўналтириши лозимдир” дейилган. Декларациянинг 8-моддасида белгиланганидек, “бу жараёнда давлат миллий даражада ривожланиш ҳуқуқи учун барча зарурӣ чора-тадбирларни қўллаши ва шарт-шароитларни таъминлаши, хусусан, асосий ресурслар, таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, турар-жой, бандлик ва бойликларнинг адолатли тақсимланиши кабиларда барча учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаши лозим”¹.

БМТнинг 2000 йил сентябрдаги Саммитида қабул қилинган “Минг йиллик ривожланиш Декларацияси”си ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш ва инсон тараққиёти масаласида муҳим халқаро Ҳужжат ҳисобланади. Бу декларация қамровига кирувчи *Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ)* да жамият ва инсоннинг ривожланиши борасида қўлга киритилаётган дунёвий ютуқларни ўлчаш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс тадбирларни ўтказиш таклиф этилган².

Инсон ривожланиши концепцияси ва унинг ҳуқуқлари бир-бирини тўлдириб турувчи жиҳатлар ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам турли восита ва механизмлар қўлланилса-да, бироқ ягона

¹Узбекистан присоединился к Декларации постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30 августа 1997 года №504-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1997 года, № 9, ст. 260

²В Узбекистане доклад по Целям развития тысячелетия был впервые опубликован в 2006 году. www.undp.uz

стратегик мақсад - кишиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга йўналтирилгандир. Шу маънода инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро битимлар тизимида 1948 йилда қабул қилинган *Инсон ҳуқуқлари умумжсаҳон Декларацияси* асосий ўринни эгаллади. Инсон ривожланиши принципи Декларациянинг 25-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, ҳар бир инсонга озиқ-овқат, кийим-кечак, тураг жой, тиббий ёрдам ва зарурий социал хизматни қамраб олувчи ҳаёт даражасини таъминланиши, бу эса ҳар бир инсон ва унинг оиласининг фаровонлигини ва соғлигини таъминлаши лозим”.

1966 йилда қабул қилинган *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт*¹ ҳам инсон ҳуқуқлари ва унинг ривожланиши учун маълум бир ҳуқуқий асосни яратади. Инсоннинг етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак, турагжой ва муттасил яхшиланиб борувчи шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган ҳаёт даражасига эга бўлиш ҳуқуқи Пактнинг 11-моддасида ўз аксини топган.

*Аёлларга нисбатан камситишнинг барча қўринишларини бартараф этиш тўғрисидаги халқаро Конвенция*² иштирокчи-давлатларнинг ҳар бирини аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этган ҳолда, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эркаклар билан teng ҳуқуқлилигини таъминлаб беришни масъул қилади. 2006 йилда қабул қилинган *Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва факультатив протокол*

¹ Узбекистан ратифицировал Пакт постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 31. 08. 1995 г. № 126-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1995 г., № 9, ст. 201

² Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 06. 05. 1995 г. № 87-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1995 г., № 6

аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ ва алоҳида эътибор талаб этувчи тоифасига кирувчи кишилар - ногиронларга бўлган муносабатларни ўзгартиришни назарда тутади.

Жамиятнинг ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва инсон тараққиёти борасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида Халқаро Меҳнат ташкилотининг (ҲМТ) ҳужжатлари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бандлик ва меҳнат қилиш соҳасидаги камситилишларга оид Конвенция (1958 йил)¹ аъзо – давлатлардан меҳнат ва бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш, бу жараёнда ирқи, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий қаравшлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ барча камситилишларни бартараф этиш бўйича миллий социал сиёsatни амалга оширишни талаб этади.

ҲМТ нинг 1951 йилдаги 100-Конвенцияси² ўзида эркак ва аёлларнинг меҳнатига тенг қийматда ҳақ тўлаш масаласини акс эттириб, барча аъзо – давлатлардан ижтимоий соҳанинг меҳнат муносабатлари жараёнида эркак ва аёлларнинг меҳнатига ҳақ тўланишида тенглик тамойилини жорий этишини мажбурий қилиб қўяди. Шунингдек, ушбу ташкилотнинг 2000 йилдаги 183- Конвенцияси оналикни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, барча аёлларнинг меҳнат қилиш жараёнида тенг ҳуқуқлилиги, оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлашни кўзда тутади.

¹Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30. 08. 1997 г. № 499-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1997 г. , № 9, ст. 255

²Узбекистан ратифицировал Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30. 08. 1997 г. № 493-I // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1997 г. , № 9, ст. 249

Ўзбекистон БМТнинг юқорида номлари келтирилган ҳужжатларини имзолаган бўлиб, уларда белгиланган социал соҳа ва инсон тараққиётига оид фундаментал индикаторлари мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, ижтимоий соҳага оид қисмида ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг Европа иттифоқи билан ҳамкорлиги чуқурлашиб бориши натижасида икки томонлама кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилди. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўз навбатида, жамиятимизнинг ижтимоий соҳасини ривожлантиришга ҳам йўналтирилгандир. 1996 йилда Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида битим имзоланиб, 1999 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан ратификация қилингач, мазкур битим кучга кирди. Бу битим ўз моҳиятига кўра, 1975 йилда қабул қилинган Хельсинки Акти ва 1990 йилда қабул қилинган Париж Хартиясини ҳам қамраб олади.

Мазкур битим 102 моддадан иборат бўлиб, унда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари, жумладан, аҳолини социал ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим каби муҳим жиҳатларни қамраб олади. Битимнинг 60 – моддаси бевосита ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик масаласига бағишлилангандир.

Демак, бугунги қунда мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган янги мазмундаги ижтимоий соҳани ривожлантириш механизmlари аввало, халқаро аҳамиятга эга бўлган нормаларга таянади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида табиий равишда бу нормаларга таянади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг дастлабки меъёрий-хуқуқий асоси бу – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституциямизнинг IX – бобида ёритиб ўтилган моддаларда бевосита кишиларнинг ижтимоий-иктисодий хуқуқлари ўз аксини топган. Жумладан, 37-моддага кўра: “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш хуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар ижтимоий хуқуқларининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳам акс этган:

39-модада “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”, деб белгиланган.

40-моддада “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқига эга”, деган норма ўз аксини топган.

41-модада “Ҳар ким билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, деб белгилаб қўйилган.

Ижтимоий соҳада аҳолининг меҳнат қилиши ва иш билан таъминланганлиги, бандлиги каби жиҳатларига катта эътибор қаратилади. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соғлиғини сақлаш”, “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунларини келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги кунга қадар ижтимоий хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”, “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солиб келинди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг 29 йил давомида ўз ижтимоий ривожида икки муҳим даврни бошиб ўтди.

Биринчи давр 1991-2000 йиллар бўлиб, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган ўтиш даври.

Иккинчи давр 2001-2016 йилларни ўз ичига олган фаол демократик янгланиш ва мамлакатни модернизация қилиш даври.

Учинчи давр 2017-ҳ. д. ижтимоий тараққиёт ва инновацион ривожланиш даври.

Биринчи даврда мамлакатимизда демократик тамойиллар тараққиёт учун асос қилиб олинди ва бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ни таъминлаш, давлат тузилишини демократлашириш, бозор ислоҳотларини чуқурлашириш, хусусий мулк, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби жиддий ўзгаришлар жамиятнинг социал структурасида ҳам тизимли силжишларга таъсир кўрсатди. Шу жараёнлар асносида ижтимоий гуруҳлар, хусусан, ўрта мулкдорлар қатлами катта салмоққа эга бўлди. Бу қатлам демократик жамиятни ривожлантириш ва унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда салмоқли кучга айланиб борди. Бу ҳолатда ўрта синф жамият тараққиётини техник, технологик ва илмий-маънавий таъминловчи сифатида намоён бўлиши кутилмоқда. Натижада фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч шаклланди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлигига чорак аср давомида барпо этилган дунёвий давлат пойдевори асносида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2018 йил бўйича давлат дастури доирасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш,

ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим йўналишларни амалга ошириш мақсад қилиб белгиланган. Унга кўра, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар ишлаб чиқилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг, 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича мамлакатимиз ҳудудлари ва тармоқларида қатор ишлар амалга оширилиб, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ахолини ишсизлиқдан ижтимоий ҳимоя қилишга кенг ёндашув ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳада узоқ муддатли натижалар беришга йўналтирилгандир. Чунки фаол ва ижтимоий йўналтирилган бандлик сиёсатини ишлаб чиқиши давлат макроиқтисодий сиёсатининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Мамлакатимиз меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни мақбуллаштириш бўйича тадбирлар мажмуасидан иборат бўлган бу сиёсат меҳнат бозорининг шундай миқдорий ва сифат кўрсаткичларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керакки, улар ҳам иқтисодиёт, ҳам бозор-

нинг асосий субъектлари манфаатларига жавоб бериши керак.

Хозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги ислоҳотларда адолатли барқарор муносабатлар шакллантириб борилмоқда. Қонун устуворлигини таъминлашга интилаётган жамиятда ҳар қандай муносабатлар адолат тамойилларига асосланиши лозим. Шу боисдан ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 700 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ижтимоий соҳани ривожлантириш учун, аввало, аҳоли фаровонлигини ошириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, таълим тизими, давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини кучайтириш, замонавий уйжойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир ривожланган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий қудрати, салоҳияти фуқароларининг турмуш даражаси, ижтимоий ҳимояланганлиги қай даражадалиги билан белгиланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари – парваришга муҳтоҷ ҳамда ёлғиз кексалар, ногиронлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик қасалликларга чалинган шахслар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга ижтимоий хизматлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга молик вазифа саналади. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 26 декабрда имзоланган “Қариялар, ногиронлар ва аҳолининг

бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун эса кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига бундай хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни ягона ҳужжатда тизимли тартибга солиш имконини берди. Мазкур қонунда қўшимча ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни аниқлаш механизмлари, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби, уларнинг сифатини баҳолаш мезонлари, мониторингини амалга ошириш масалалари, бир сўз билан айтганда, сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари яхлит қонун даражасида мустаҳкамланди. Қонунда назарда тутилган меъёр ва тартиб-қоидалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати юксак даражада бўлиши зарурлигини ифодалайди.

Давлат бюджетида йилдан-йилга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошиб бормоқда. 2016 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет харажатларининг 59, 2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59, 7 фоизгача оширилди. Хусусан, таълим харажатлари 2017 йилда олдинги йилга нисбатан 18, 0 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6, 9 фоизни ташкил этиб, давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратилаётган маблағлар таълим-тарбия масканларида билим олиш шароити ва имкониятларини яхшилаш учун кенг йўл очмоқда¹.

Ижтимоий соҳа обьектларини барпо этиш ва таъмирлаш, ўз вақтида фойдаланишга топширишга оид муаммоларни ўз вақтида молиялаштириш, соҳа ривожини таъминлаш мақсадида "манзилли рўйхатлар"

¹ <http://xdp.uz/oz/news/index.php?ID=41093>

такдим этилиши кутилган натижаларни бера бошлади. Масалан, мамлакатимизда аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, арzon уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Арzon уй-жойлар барпо этиш мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг инсонпарварлигини кўрсатиб турибди. Уй-жойлар арzon нархларда қурилса, уни сотиб олувчилар сони кўпаяди. Энг муҳими, биринчи галда аҳолининг уй-жойга ўта муҳтоҷ қатламишининг манфаатлари чуқур ўйланган ҳолда йўлга қўйилади. Бугунги кунда мамлакатимиз барча минтақаларида икки сотихли намунали қишлоқ уйларини, шунингдек, икки-уч хонали кўп қаватли уйларни қуриш жадал давом эттирилмоқда. Бу борада, айниқса, имтиёзли кредитлар жорий этилганлиги эътиборга моликдир.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, уларни шаҳар ҳаёт шароитларига тенглаштириш мақсадида кейинги йилларда қишлоқжойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур амалга оширилмоқда.

2009-2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Кўрилган чо-

ра-тадбирлар оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, қишлоқнинг қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартериш имконини берди. Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёjlари ва харид қобилиятини, шунингдек, миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди¹.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121, 5 миллиард сўм йўналтирилди, шу жумладан уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350, 0 миллиард сўм ажратилди, шунингдек, тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдоридаги кредит ресурслари жалб этилди. Умуман олганда, 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, шу жумладан, 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйларни ҳамда 0, 06 гектар майдонга эга 3, 4 ва 5 хонали 2981 та бир қаватли уй қуриш режалари амалга оширилди.

Шу билан бирга янги қурилаётган уй-жой масивларида фақат давлат ресурслари ҳисобига 415, 3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291, 5 километр электр таъминоти тармоқлари, 316, 9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260, 3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан, массивлар ичи-

¹<http://uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-ishlo-zhoylarda-yangilangan-namunaviy-loy-24-10-2016>

да кириш йўллари ва йўллар, шунингдек, 134 та ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилди¹.

Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахти улкан уйжой қурилиши майдонига айланди. Хусусан, Сергели тумани худудида катта суръатлар билан бунёд этилаётган ҳар тарфлама шинам, замонавий қулайликларга эга арzon кўп қаватли уйлар битказилганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, шу вақтгача муаммоли масалалардан ҳисобланган йўлтранспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ҳам эътиборга молик.

Сергели туманини шаҳарнинг асосий қисми билан боғлашга хизмат қилиши мўлжалланган ер усти метросининг жадаллик билан қурилаётгани ҳам фуқароларимизга катта қулайликлар яратади, албатта. Шунингдек, бу худудни бир томони шаҳар катта айланма йўлига боғладиган, иккинчи томони эса Бектемир тарафга йўналган янги магистраль йўлга улайдиган йўл қурилиши ҳам давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳрининг аксарият йўл ва кўчаларига янгидан асфальт ётқизилаётганлиги ҳам эътиборга молик. 2017 - 2020 йилларда шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 50 минг 286 та хонадондан иборат 1 минг 136 та кўп қаватли уйлар, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида қишлоқ жойларида 75 минг тураг-жойларни қуриш мўлжалланган.

Ўзбекистон дунёning 217 мамлакати орасида аҳоли сони бўйича 43-ўринни эгаллайди. Бино-

¹<http://www.uz24.uz/uz/reviews/2017-2021-yillarda-qishloq-joylarda-yangilangan-namunaviy-loyialar-buyicha-arzon-uy-joylar-qurish>

барин, ҳар йили меҳнат бозорига кириб келадиган ярим миллион йигит-қизни иш билан таъминлаш – ижтимоий соҳадаги долзарб вазифалардан биридир. Бу борада “Ёшлар келажагимиз” дастур ишлаб чиқилган ва бандлик муаммоси асосан туман, шаҳар ва вилоят кесимида ҳал этилишига, битиравчилар учун янги иш ўринлари яратишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Иқтидорли ёшлар мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим куч ва миллат зийнатидир. Жумладан, олий таълим мұассасаларига қабул квоталари босқичма-босқич кўпайтириб борилмоқда. Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар ташкил этиш давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг 30 июнь куни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари давлатнинг ёшлар сиёсатини чуқур таҳлил этиб, бу борада янгича ишлаш принципларини қайд этди. Шунинг билан бир қаторда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ёшлар иттифоқига айлантирилганлиги эътиборга молик. 30 июнь Ёшлар куни сифатида байрам қилинадиган бўлганлиги ҳам бу қатламга алоҳида эътибор берилаётганлигини билдиради.

3. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Давлат дастурларида белгиланган устувор вазифалар ўз моҳиятига кўра ижтимоий ривожланишга қаратилгандир. “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла йили”, “Мехр ва мурувват йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, “Баркамол авлод йили”, “Кичик биснес ва хусусий тадбиркорлик йили”, “Мустаҳкам оила йили”, “Обод турмуш йили”, “Соғлом бола йили”, “Кексаларни эъзозлаш йили”, “Соғлом она ва бола йили”, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили Давлат дастурлари жамиятда ижтимоий тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Масалан, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури мазмун-моҳиятан белгиланган стратегик вазифаларга ҳамоҳангдир. Бу борадаги барча ўзгаришларнинг марказида инсон ва унинг қадр-қиммати туриши ифодаланган бўлиб, унда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг ҳуқуқий ечи-ми тизимида инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатлари, инсон турмуши учун муҳим бўлган ҳаётий манфаатлар белгиланган.

Мазкур Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонун ости хұжжатлари ижрода йўналтирилди.

Мазкур йилда 2633 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, тиженрат банклари томонидан 2, 5 триллион сўм кредитлар ажратилди, 17599 та янги иш ўрни ташкил этилди, Уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари, аҳолининг бошқа начор қатламларидан 6955 нафари санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Ҳудудий ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида: 13339 та лойиҳа амалга оширилди, 10 та эркин иктисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди

Биргина аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил ошириб боришни олиб кўрайлик. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат орғанлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 14 авгуstdаги “Маданият, санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шаро-

итлар яратишига доир чора – тадбирлар түғрисида”, 2017 йил 16 августдаги “2018 - 2019 йилларда, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар түғрисида”ги ва бошқа Қарорлар ижро қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги Қарорида “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари хукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш” алоҳида кўрсатилиб, қарор иловасида эса тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ишчи хизматчилари, ходимларига иш ҳақи ҳеч қандай чекловларсиз тўлов нақд пул шаклида амалга оширилиши белгиланиши, давлатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрлигининг яққол ифодаси бўлди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартағи “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги, 2017 йил 1 июнданги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш түғрисида”, “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш түғрисида”ги, 2017 йил 1 июнданги “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизи-

мини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа Фармонлари қабул қилинди.

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимиға қаратилаётган эътибор диққатга сазовор бўлиб, бу мамлакатимизда социал соҳа вектори устувор аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 4 апрелдаги "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам қўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбири тўғрисида"ги, 2017 йил 6 июнданги "Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами қўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 20 июнданги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтинослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 17 июлдаги "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, тизимни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ва Қарорлари ҳамда 2017 йил 1 августдаги "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижрога киритилди.

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нафақаҳўрлар, ногиронлар, ёлғиз

қариялар ва аҳолининг бошқа noctor қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволаниши ташкил қилинди, бепул асосда камида 10 минг нафар ногирон ва ёлғиз қарияни протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари, “Тез тиббий ёрдам хизмати” жами 1200 та маҳсус автотранспорт воситаси билан таъминланди, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 343 номланиши бўйича қатъий нархлар белгиланди.

Қишлоқ жойларда 15 000 та арzon уй-жой қуриш, 415, 3 км ичимлик суви, 219, 5 км электр энергияси, 316, 9 км табиий газ қувурлари, 291 км ички йўллар, 134 та бозорлар қурилди, 367 та умумтаълим мактабининг моддий-техника базаси, 135 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Шаҳар ва қишлоқларда умумий тураржой майдони 3, 5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди.

2018 йилги давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига teng 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳалаларда муносиб турмуш шароитлари яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича 25 мингта инвестицияни рўёбга чиқариш ҳисобига 256, 4 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди, тадбиркорликни фаолиятини бошлаш учун таълим муассаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратилиди, 78 та туман тиббиёт бирлашмаси, 7 та шаҳар ва

2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та маҳсус автотранспорт билан таъминлаш, қишлоқ жойларида 15 мингта арzon уй-жой, 415 км сув таъминоти қувурлари, 316 км газ таъминоти қувурлари, 219 км ички йўллар қуриш ишлари амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимояга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизими такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”, “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “2017 – 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”, “2018 - 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”, “2017 - 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар ва Фармойишлар ижрога киритилди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминлашига қаратилган дастурлар доирасида катта ишлар ҳаётга тадбиқ этилганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон билан тасдиқланган Давлат дастури доирасида 876 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди ва жами бўлиб 41 миллиард доллар эквивалентлигига маблағ сарфланди. 876 та лойиҳадан қиймати 32,3 миллиард долларга тенг бўлган 354 та лойиҳа янгидан қурилди, қиймати 8,6 миллард долларга тенг бўлган 522 та амалда ишлаб турган иқтисодий субъектлар модернизация қилинди ва уларнинг қуввати кенгайтирилди. “Углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш” Дастури доирасида қиймати 34,1 млрд. долларлик 81 та инвестиция, “Мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотлари қайта ишлашни чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва экспортини кўпайтириш, хомашё базасини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Дастур доирасида қиймати 595,9 млн. долларлик 180 инвестиция, “Рангли ва камёб металларни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Дастур доирасида қиймати 543,4 млн. долларлик 27 та инвестиция, “Минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида экспортбоп тайёр кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Дастур доирасида қиймати

2, 7 млрд. долларлик 23 та инвестиция, “Курилиш саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Дастан доирасида қиймати 1, 2 млрд. долларлик 80 та инвестиция, “Чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Дастан доирасида қиймати 76, 5 млн. долларлик 59 та инвестиция, “Республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги Дастан доирасида қиймати 223, 9 млн. долларлик 67 та инвестиция, “Тұқымачилик, тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора тадбирлари түғрисида”ги Дастан доирасида қиймати 2, 2 млрд. долларлик 140 инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

“2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш” Дастан доирасида 10, 2 минг километр ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари, 1677 та сув чиқариш қудуғи, 1744 та сув минораси ва резервуари қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, 1440 дона насос ускунасини ўрнатиш назарда тутилаётган туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастанининг йиғма ва манзилли параметрлари; 20 та ичимлик суви таъминоти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, 302 километрдан иборат сув ўтказиш ва водопровод тармоқларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган 2017–2021 йилларда минтақалараро аҳамиятга молик ичимлик суви таъминоти тизимлари ва ўта муҳим объектларни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш бўйича

манзилли дастур; халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, республикамиз худудларида 36 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутадиган 2017–2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ичимлик суви тармоқлари ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастурини 2017–2021 йилларда молиялаштириш учун 4,8 триллион сўм, жумладан, давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 2,6 триллион сўм ёки 730,7 миллион доллар миқдоридаги маблағлари йўналтирилади.

2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили давлат Даствури БМТ Тараққиёт дастуридаги “Миллатнинг ҳақиқий бойлиги бу унинг инсонларидир. Тараққиёт мақсади инсонларнинг узоқ соғлом ва ижодий ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит яратишдир” тамойилига мувофиқ келади.

Бинобарин, 2019 йилда 370 минг янги иш ўринлари ташкил этилди, 139,7 минг нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. “Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастурлари доирасида 252,7 мингдан ортиқ аҳоли тадбиркорликка жалб этилди. Илк маротаба ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш ва шахсий томорқа-ерларини ривожлантириш учун субсидия ажратиш тартиби жорий этилди ҳамда Бандликка қўмаклашиш жамғармасидан 1,3 милиард сўм маблағ ажратилди, 1,5 минг фуқаро бандлиги таъминланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шунга кўра бугунги кунгача 84 та юридик шахс хусусий бандлик агентлиги сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 61 таси Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижга ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензияни олган.

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш учун тадбирларга 535, 6 миллиард сўм йўналтирилди, “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва “Ёшлар – келажагимиз” дастурлари доирасида жойларда 2600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ 53 мингдан зиёд арzon уй-жой ва квартиralар қурилди, 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди, 3374, 4 километрлик маҳаллий йўллар, 373, 7 миллиард сўмга таъмирланиб фойдаланишга топширилди, 832, 7 километрлик ичимлик суви ва канализация тармоқлари ўтказилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш учун Давлат раҳбарининг Фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини 2019-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. 2019 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига жами 12, 1 триллион сўм маблағ ажратилди, бу 2018 йилга нисбатан 1, 3 баробарга кўпdir. 2018 йилда давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмлар харидлари харажатларига жами 914, 6 мил-

лиард сүм ажратилган бўлса, бу маблағ 2019 йилда 1 триллион сўмга етказилди. 2019 йилда инвестиция дастури доирасида 231 та тиббиёт обьектида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, Республикадаги тиббиёт муассасаларига 120 турдаги 30 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди. Вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказлари 14 та стационар ва мобиљ рақамли рентген, 8 та МРТ билан жиҳозланди. Республика ва 6 та ҳудудий онкология муассасалари жами 6,5 миллион доллар қийматида 15 та икки турдаги гамма терапия ускуналари билан жиҳозланди. “Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш лойиҳаси доирасида” 17 миллион доллар ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди.

Хусусий тиббиёт муассасалари сони 2017 йилда 3140 та бўлган бўлса, 2019 йилда 5100 тага етди. 573 та янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди, 151 таси фаолиятини кенгайтирди. Уларнинг 189 таси вилоятлар марказларидан узоқда бўлган ҳудудларга тўғри келмоқда. Жами лойиҳаларнинг 19 таси чет эл инвестицияси иштирокида амалга оширилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга жами 16 миллиард сўмлик 34256 дона протез – ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари етказиб берилди. 20 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар санаторияларда соғломлаштирилди, 4 минг нафар яккаёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтоҷ пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳар ой 3567,9 миллион сўмлик 15 турдаги меъёрий озиқ-овқат ва гигиена маҳсулотлари билан бепул таъминланди. Марказий кўп тармоқли туман ва шаҳар поликлиникала-

рининг перинатал ташхис хоналари 200 та УЗИ сканерлари билан жиҳозланди.

Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш учун 9672 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 1475 та арzon уй-жойлар учун 25 миллиард 996 миллион сўм миқдорида бошланғич бадаллар ўtkазиб берилди. Хотин-қизларга З йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан ва йиллик 8% да кредит бериш учун бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хотин-қизлар қўмиталари тавсияларига асосан Халқ банки орқали 5415 нафар хотин-қизларга 135 миллиард 450 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Маданият, спорт ва туризмни янада ривожлантириш учун уюшмаган ёшлар, оилалар ўртасида жами 53 мингдан ортиқ оммавий спорт мусобақалари ўтказилди ва унда 4, 2 миллиондан зиёд фуқаролар қамраб олинди. 9 мингдан ортиқ маҳалладан 106875 нафар ёшлар иштирокида 4 босқичли “Чарм тўп” анъанавий футбол мусобақаси ўтказилди. Республика миқёсида ўтказилган 261 та спорт мусобақаларида (Ўзбекистон чемпионати 161, Ўзбекистон кубоги – 45 та, Ўзбекистон турнирлари – 56 та) 155174 нафар спортчи иштирок этди.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш учун мактабгача таълим тизими такомиллаштиришга қаратилган “Мактабгача таълим тизими ни 2030 йилгacha ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. 2030 йилга қадар мактабгача ёшдаги болаларнинг 80, 8 фоизини қамраб олиш белгиланди. Тажриба-синов тариқасида мамлакатнинг уч вилоятида болаларни бошланғич таълимга мажбурий

бепул 1 йиллик тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Тизим доираси 6 ёшли 11103 нафар боладан иборат 486 та гурух тузилди.

Республика бўйича жами 119376 нафар мактабгача ёшдаги болалар учун 4858 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилди. Олис туманлардаги мактабгача ёшдаги 19-20 та бола учун мобил гуруҳлари ташкил этилди.

Халқ таълими тизимини такомиллаштириш учун 16, 4 триллион сўм маблағ давлат бюджетидан йўналтирилди. 15, 2 триллион сўм тизим ходимларнинг иш хақини тўлашга йўналтирилди (2019). Ўқитувчиларнинг иш ҳақи 1440131 сўмдан 2037040 сўмга кўтарилди. Олий таълим тизимини такомиллаштириш соҳасида қўйидаги ишлар амалга оширилди: хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасаларининг 8 та филиали ташкил этилди, Республика ҳудудларида маҳаллий олий таълим муассасаларининг 6 та филиаллари ташкил этилди ва 28 та таълим йўналишларида 1025 нафар талаба қабул қилиш белгиланиб, 900 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Олий таълим муассасалари учун 120518 қабул квотаси белгиланиб, 2018 йилга нисбатан 20 фоизга оширилди. Замонавий соҳалар учун бакалавриатда 40 та янги таълим йўналишлари, магистратурада 41 та янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш белгиланди. Давлат грант улуши 53, 7 фоизга оширилди. Олис, чекка ва тоғли ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактаблар учун давлат гранти асосидаги қабул квоталари доирасида мақсадли қабул кўрсаткичлари белгиланди.

Ёшларнинг олий таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияларига эга бўлган ёш-

лар учун бакалавриатнинг барча таълим шакллари бўйича алоҳида 5 фоиз қабул кўрсаткичлари тасдиқланди.

“Мехрибонлик уйи” ва “Болалар шаҳарчаси”нинг битирувчилари бўлган чин етимлар учун 1 фоиз давлат гранти (1036 нафар) ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида ажратиладиган қабул параметрлари бўйича жумладан сиртқи ва кечки таълим шаклларида таълим олиш ҳуқуқи берилди. Президентнинг 5 ташаббуси доираси “Китоб ҳадяси- Book challenge” ижтимоий акцияси ишга туширилди, 5 ташаббус доирасида мактабларнинг кутубхона фонди 16, 3 миллион донадан 18, 6 миллион дона китобга бойитилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказларида олий таълим муассасаларининг профессор -ўқитувчиларининг стажировка ўташ магистратура ва доктарантурада ўқиш имкониятига эга бўлди.

2018 йил фан ва таълим соҳасини ривожлантиришда 2018 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури асосида 9 минг километр ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та қудуқ ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон,

Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3, 2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткични 67 фоиздан 84 фоизга етказиш имконини беради¹.

Мамлакатимизда кафолатланган ва барқарор электр қуввати етказиб бериш мақсадида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури ҳам ишлаб чиқилди. Беш йил мобайнида соҳа мутасаддилари томонидан электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанцияларини алмаштириш белгиланганлиги ҳам эътиборга молик (9-диаграмма)².

9 – диаграмма.



¹Қаранг: <https://sputniknews-uz.com/society/20161108/4075681/Shavkat-Mirziyoyev-qishloqlarda-ichimlik-suvি-tarmoqlarini-barpo-etadi.html>

²Қаранг: Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -Б. 25-26

Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш янги давлат дастури асосида мамлакатимиздаги умумий фойдаланишдаги 1 минг 700 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш белгилаб олинди. Шунингдек, мамлакат аҳолиси учун ўта муҳим бўлган 10 минг 400 километрлик хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, туманлар марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҷалла кўчалари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда (10 - диаграмма). Ушбу дастурни амалга ошириш учун Молия вазирлиги хузуридаги Йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” компаниясининг ташкилий тузилмаси мутлақо тубдан қайта кўриб чиқилди.

10 - диаграмма



Мазкур дастурнинг мантиқий давоми сифатида қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури ҳам ишлаб чиқилди. Бу давлат дастурига асосан 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Шунингдек, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида янги 3 мингта автобус, 5 минг 700 та

микроавтобус сотиб олиниб, 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади¹.

Ҳаво ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тошкент халқаро аэропортининг янги терминални барпо этилмоқда. Шунингдек, Бухоро – Мискин темир йўл тармоғи қурилиши якунига етказилди ва электрлаштирилди, Қарши – Термиз, Поп – Наманган – Андижон – Кўқон темир йўлларини электрлаштириш ишлари якунланмоқда.

Мамлакатимиз экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида қаттиқ маший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилишни янада яхшилаш дастури шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг тозалиги ва гўзаллигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган ва аҳоли саломатлиги учун хавф туғдирадиган чиқиндихоналарни тозалаш ва тартибга келтириш мақсадида барча вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 168 та полигон барпо этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш мақсадида яқин йиларда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам станциялари, ихтинослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилинди. Ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури такомиллаштирилмоқда.

“Нуроний” жамғармасининг мақоми ва мавқеини кўтариш, унинг туман, вилоят ва республика ту-

¹ Қаранг: <https://sputniknews-uz.com/society/20161101/4025252/shavkat-mirziyoevning-saylovold-dasturi.html>.

зилмаларининг штат бирликларини кўпайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилди.

Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ҳарбий хизматчиilar ва ҳуқуқ-тартибот посбонлари, бир сўз билан айтганда, давлат бюджетидан маош оладиган барча ходимларни қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини кенг ривожлантириш орқали, мамлакат ҳаётини модернизация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётининг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносаб ўрин эгаллаш масаласи устувор аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишига бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиёт ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Театр санъати, музейшуносликка эътибор ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгандир.

5-МАВЗУ. КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ФУНКЦИЯСИ

1. Фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик фикрнинг ўрни.
2. Давлат ва жамият бошқаруви жараёнида ижтимоий шерикликнинг роли.
3. Фуқаролик масъулияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллик - фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили.

1. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ЎРНИ

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳокимиянинг алоҳида функциялари, фуқаролик жамияти институтларининг эса алоҳида функциялари бўладики, улар бир-бирларини тўлдириб, юксак ривожланган жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, жамият аъзолари ва турли қатламлари ўртасида тотувлик, миллий ва диний бағрикенгликнинг таъминланиши, фуқаролар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, барча ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга оид институтлар ва тузилмалар ўртасида чуқур ҳамжиҳатлик, ўзаро алоқалар ва ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиб бориши, жамоатчилик назорати ва халқ билан очиқ мулоқотнинг амалий рӯёбга чиқарилиб борилиши фуқаролик жами-

ятини барпо этишнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсуниш, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғулаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қиласди. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлади ва жавобгарликка тортади¹. Бинобарин, жамоатчилик назорати ижтимоий ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. У ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш учун хулқ-атвор, инсонларро муносабатлар ва тартиб-интизомни назорат қиласди ва жамият ва фуқаролар номидан амалга оширилади.

Олимларнинг фикрича, “Жамоатчилик назорати ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида: оилавий муносабатлар, маданият, анъаналар, ахлоқий муносабатлар, шунингдек, давлат ҳокимиютини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнида амал қилиши мумкин. Жамоатчилик назоратининг бундай тури кўп жиҳатлари билан бошқаларидан фарқ қиласди. Жумладан, жамоатчилик назорати ўз функционал вазифаси, амалга оширилиш шакли, ижтимоий-хуқуқий табиати билан давлат назоратидан фарқ қиласди”².

¹ Umar Farooq. What is Social Control Meaning Definition and Characteristics. Studylecturenotes. Com. Saturday, 10 March 2012.

² Гончаров В. , Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. № 1. – С. 72

Фуқаролик жамияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг аҳамияти каттадир. Жамоачилик назорати фуқаролик жамиятида ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Жамоатчилик назорати давлат бошқарувида устивор ўрин тутади. Жамиятимизда демократик анъаналар ривожлана бориб, давлат ҳокимиятини фаолиятини амалга ошириш амалиётида фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий муносабатларни тўлақонли, эркин ва барқарор асосда таъминланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни белгилаб олиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Бу борада “ўзаро тийиб туриш”, “манфаатлар мувозанати”, ижтимоий шерикчилик”, “бошқарувда ижтимоий назорат” каби ижтимоий-сиёсий категориялар пайдо бўлдики, бу воқеликнинг амалиётини кучайтириш борасида жамиятда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати авваламбор жамоатчилик, нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бино-барин, ҳокимият органларининг жамоат ташкилотлари орқали халқ билан мулоқоти демократик қадрияларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Демократик жамиятда бутун ижтимоий-сиёсий турмуш ошкора, жамоатчилик кўз ўнгидаги ва унинг фаол иштироки ва аралашувида рўй берилади.

ши назарда тутилади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади”¹.

Шу боис қонунлар ижросини таъминлаш ва уларни ҳаётийлигини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим жараёндир. Бу эса, ўз навбатида олиб борилаётган ислоҳотларни очиқлигини таъминлайди, демократик тамойиллар амалиётига янгича мазмун беради. 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда зарурый асослардан ва муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қонуннинг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг шакллари белгиланган бўлиб, улар қуидагилардан иборат: “давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитуви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш”.²

¹Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. www.iza.uz

² Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни. 2018 йил 12 апрель. www.lex.uz

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёnlарида халқ билан мулоқот муҳим воқеликка айланиб, ижтимоий муносабатларда умумий мувозанатга олиб келмоқда, жамият барқарорлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашда ўзига хос ўрин тутмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек; “Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз”. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда”¹ – деб ўқтиради. Дарҳақиқат, жамиятда мулоқот жараёнида жамиятда ижтимоий мувозанат юзага келиб, жамият тараққиёти юксалади.

Немис сиёsatшунос олими Г. Якоб: “Фуқароларнинг жамоатчилик ишларида иштирок этиш имкониятларини амалга оширишига қаратилган ихтиёрий бирлашмалари фаол фуқаролик жамиятини мужассамлаштиради. Фаол фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз зиммаларига ижтимоий масъулликни олишлари, жамият фаровонлиги учун ихтиёрий фаолият юритишлари билан характерланади. Фуқаролар ўз зиммаларida ижтимоий масъулиятга эга бўлишлари билан ҳам жамият ишларида иштирок этиш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш ҳукуқини кўлга киритадилар”² деб таъкидлади.

Жамиятда нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш ижтимоий фаолият ва фуқаролар ҳаёти соҳаларига давлат аралашу-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Маърифат, 2017 йил, 23 декабрь.

²Якоб Г. Добровольный труд в гражданском обществе. //http://zluka.isr.Lviv.ua /Files/SCI_66/HTM. -Б. 38-39.

вии камайтириш, қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ. Ушбу йўналишда жамоатчилик назорати муҳим роль ўйнайди. Сиёсатшунос олим И. Эргашев таъкидлаганидек, “Давлат ҳокимияти органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўйласлиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчишининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади”.¹

Жамоатчилик назоратининг мазмун ва моҳиятини қўйидаги йўналишлар асосида тавсифлаш мумкин:

1. Ҳокимият органлари фаолиятининг доимий тизимли мониторингини олиб бориш.
2. Ижтимоий муҳим бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки.
3. Ҳокимият органлари ҳузурида жамоатчилик комиссиялари, жамоатчилик кенгашларининг ташкил этилиши ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Инсонлар ўзи орзу қилган жамиятни ўз меҳнати билан қуришади, барпо этишади. Ўзлари барпо этган жамиятда эса, инсон ва унинг манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда жамиятимизда барча соҳаларда ислоҳотлар ривожи халқ фаравонлигига хизмат қилмоқда. Натижада жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланиб, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Мана шу жараёнларни таъмин-

¹И. Эргашев. Кучли фуқаролик жамияти йўлида. – Тошкент, “Маънавият”, 2011. 10-б.

ланишида жамоатчилик назорати, уни ўрганиш ва шакллантириш муҳим ўрин тутадиган ижтимоий жараён ҳисобланади.

Мазкур жараён жамиятимизда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик каби тинчлик ва барқарорликка муҳим куч берадиган миллий ғоянинг асосий тамойилларини ҳаётий рўёбини юзага чиқаришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И. Каримов “Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”, деб таъкидлаган.¹

Маълумки, жамоатчилик назорати ҳозирги даврда инсоният тараққиёти, давлат ва жамият бошқаруви ҳамда ижтимоий ривожланишнинг муҳим концептуал асосларидан бири бўлиб қолмоқда. Жамоатчилик назорати устувор мавқе касб этган даврда ҳар қандай жамият ривожи юқори босқичига кўтарилади, аксинча, ҳолатларда эса давлатнинг демократик ривожланиши, ислоҳотлар амалиётида маълум муаммолар пайдо бўлади.

Мустақил Ўзбекистон шароитида жамоатчилик назоратининг шаклланиш механизми ҳали кучли ўрганилмаган. Шуни алоҳида таъкилаш жоизки, жамоат назоратининг жамият учун долзарб оммавий масала даражасигача кўтарилиб бориши уни ҳокимят ва бошқарув органлари ҳатти-ҳаракатлари устидан амалий назоратни таъминлашнинг ижтимоий принципларини вужудга келтиришни тақоза

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., “Ўзбекистон”, 2010.

этади. Сўнгги йилларда жамоатчилик назоратини фаол ҳаётга тадбиқ этила бошланганлиги жамият демократлашувининг аломатларини билдиради. Бундан ташқари, жамиятда оддий одамларнинг ҳам жамоатчилик назорати амалиётида иштирок этиши мумкинлигини ҳам инобатга олинаётганлиги бу тўғрида гувоҳлик беради.

Зеро, жамоатчилик назорати алоҳида шахс, гурӯҳ ёки муайян синф нуқтаи назаринигина эмас, балки бутун жамият ҳоҳиш-иродаси, кайфияти, мақсад ва интилишларини ўзида ифода этувчи ижтимоий ҳодисадир. Шу боис, жамоатчилик назорати умумий ижтимоий адолат мезони, фуқаролик жамиятининг асоси сифатида ижтимоий фанлар илмий тадқиқотларида долзарблик касб этади. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар мақсадларини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жамоатчилик назоратининг шаклланиши муаммоларини ўрганиш ва унинг истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаш муҳим вазифадир.

Фуқаролик жамияти фикрлар ранг-баранглиги, ижтимоий қарашлар плюрализмини тақозо этгани боис мамлакат ҳаётидаги ҳар бир масала хусусида турли-туман фикрлар, қарашлар бўлиши, уларни таққослаб, ақл тарозисидан ўtkазиш орқали бир тўхтамга келиш муҳимдир. Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати мазмунида халқ характери, менталитети ва ўзига хослиги ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекларга хос жамоавий турмуш тарзи, ҳар бир муҳим тадбирни ўзаро ижтимоийлашув орқали уюштириш, ўз манфаатидан, жамоа манфаатини устун қўйиши фазилатлари миллий менталитетимиз моҳиятини ташкил этади.

Жамоатчилик назорати ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида давлат бошқаруви тизими ва жамият қурилишида муҳим аҳамият касб этади, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Жамоатчилик назорати ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми бўлиб, жамиятнинг турли қатламларининг ҳоҳиш иродаси, фаоллиги ҳамда фикрлар хилма-хиллигининг кенг кўламли намоён бўлиши ҳисобланади. У жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларига доир қарашларнинг ўзига хос ифодаси сифатида тараққиёт замирида шаклланганлиги билан характерланади.

Жамоатчилик назорати фуқаролар, жамоат ташкilotлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг, аҳоли кўпчилик қатламиининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи ва жамиятда қонунийликни таъминлашга қаратилган хатти-ҳаракатларда иштирок этишидир. Жамоатчилик назорати ижтимоий ҳаёт таъсирида шаклланиб бориши билан биргаликда сиёсий ташкilotлар ва мағкуравий муассасаларнинг давлат ташкilotларига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ривожланиб боради. У ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос кўриниши, ифодаси сифатида, алоҳида ўзаро тажрибалар алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади.

Давлат билан фуқаролик жамияти баҳамжиҳат фаолиятининг, унинг сиёсий тизими барқарорлигини таъминловчи муҳим жараёнлардан бири жамоатчилик фикрини ўрганишдир. Давлат ҳамиша жамоатчилик фикридан боҳабар бўлиб туришга интилади. Бу эса, жамоатчилик фикрини тартибга солиш

ва уни ўрганишнинг стратегик тизимларини ишлаб чиқиши, жамиятда сиёсий, фалсафий, психологик, социологик тадқиқотларни кучайтиришни талаб қиласди. Бу соҳада жамиятимизда амалий қадамлар қўйилди, лекин тўлақонли мақсадларга эришиш учун унинг ташкилий ва методологик тизимлари тўлақонли ишлаб чиқилишига эҳтиёж мавжуд.

Шунинг учун бу борада таклиф этиладиган мақсадлар тизими жамият тараққиётининг реал шароитларига мослаштирилган, жамоатчилик фикрини аниқлашдек муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган иш билан шуғулланувчиларнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаши лозим. Чунончи, сиёсий тизимнинг ташқи шароити ва ички ҳолатининг ўзгаришларига аниқ муносабатларни аниқлаш жараёнлари чинакам барқарор, ўзини ривожлантиришга лаёқатли тизимни таъминлайди ва унинг мослашув қобилиятини оширишнинг қатъий усули ҳисобланади.

Фалсафа қомусий луғатда жамоатчилик фикри талқини қуидагича изоҳланади: “Омманинг, аҳоли кўпчилик қатламиининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муассасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ, ўзгариб бориши мумкин. У ижтимоий онгнинг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади.”¹

Жамоатчилик фикри кишиларнинг у ёки бу ҳодисага нисбатан билдирган эътиrozий ёхуд эъ-

¹Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент, “Шарқ”, 2004. –Б 124.

тирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари ийфиндисидир. Жамоатчилик фикри моҳиятини умумий тарзда ва тўғри баҳолашда америкалик социолог Уолтер Липман нуқтаи назари эътиборга лойиқдир. “Жамоатчилик фикри, деб таъкидлайди у, кишиларнинг умумий, жамоавий манфаатлари ифодасидир”.¹

Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи тамондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ, ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди.

Шунинг учун “Ижтимоий фикрнинг демократик тараққиёт ва давлат бошкаруви тизимига таъсирини ошириш - турли нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ҳаракатларни жонлантириш ҳамда хақиқий сиёсий плюрализм, фикрлар, далиллар плюрализмини шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Бу борада сиёсий гурӯҳлар, партиялар ўз издошлиарининг ижтимоий тараққиётга оид фикр, таклиф ва талабларини умумлаштириб майдонга чиқишиади. Жамиятда ижобий ва сиёсий рақобат муҳитининг қарор топиши тараққиётнинг турли йўналишларида энг афзал услуг ва воситаларни ишлаб чиқишига қулайлик яратади”.²

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам,

¹Lipman W. Publik opinion. N. Y. , etc, 1992. p 96.

²Р. Рўзиев. Демократия тараққиёт гарови. – Т. , “Фалсафа ва хуқуқ институти”, 2005. –Б. 62.

ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қиласди. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида на-моён бўлади.

Олимларнинг фикрича, “Ҳозирги ислоҳотлар даврида жамоатчилик фикри аҳамиятининг ошиб бориши кишиларнинг ислоҳотлар янада қўпроқ адолатга эришишга ёрдам беришига ишонишлари билан боғлиқ. Аслида, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикри мавжуд сиёсий институтларга таъсир кўрсатиш омили сифатида ўрин эгаллайди. Гап ундан оқилона фойдалана олишда. Шундагина жамоатчиликнинг ҳокимият механизмига кириб бориши, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишдаш иштироки тўғрисида сўз юритиш мумкин. Қолаверса, вазиятни холис баҳолаш, ислоҳотларга кенг оммани жалб қилиш ҳам жамоатчиликнинг фикрисиз юз бермайди”.¹

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш фуқароларда миллий мағкуруни шакллантириш жараёнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий соҳалардаги ислоҳотлар юзасидан ижтимоий фикрдаги ўзгариш ва унга таъсир қилувчи омилларни изчил ўрганиб боришни талаб қиласди. Ижтимоий фикр юзасидан амалга оширилган илмий ишлар таҳлили барқарорликни таъминлашда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, маънавий-маданий юксалишда, кишилар онигига мил-

¹У. Исломбеков ва бошқ. Кучли давлатдан кучли жамият сари. – Т., “Академия”, 2005. –Б. 49.

лий мафкурани сингдиришдаги роли ҳақида турли қарашлар шаклланганлигини күрсатади.

Шунингдек, сиёсий психолог А. И. Пироговнинг фикрича, “Ижтимоий фикр халқни жипслаштириши, ватанпарварлик руҳида тарбиялаши, давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларнинг узилиб кетмаслигини таъминлаши, сиёсий-иқтисодий ташаббусларни қўллаб-қувватлаши керак. У давлат ва жамият бошқарувининг субъектлари томонидан сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита роль ўйнайди”.¹

Ижтимоий фикр жамиятда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ва технологик муаммоларга кишилар фикр ва муносабатлари бўлиб, жамиятда турли қарорлар қабул қилинишида асос бўлади. Ижтимоий фикр муайян жамиятда яшовчи фуқароларининг фикрлари, ёндошувлари, қарашлари, эътиқоди йифиндиси, оммавий онгнинг ҳолати, ижтимоий воқеликнинг иқтисод, сиёсат, ўз ўзини англаш, маданият соҳаларидағи факт, воқеа-ҳодисаларига бўлган муносабатлари шакли сифатида талқин қилиш мумкин.

Бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларга реал баҳо беришда эмпирик социологик тадқиқот натижалари ўзига хос ўрин тутади. Хусусан, жамият ҳаётидаги жараёнларга, ижтимоий-иқтисодий вазиятга реал баҳо беришда социологик сўров натижаларида таяниш муҳим аҳамият касб этади. Эмпирик социологик тадқиқотлар натижалари воқеликни ўзида акс эттириб, ҳаётий жараёнларни баҳолаш ва прогнозлаштириш учун зарурий аҳамиятга эга. Зеро, эмпирик социологик тадқиқотлар асосида жамоатчилик фикри ётади. Ўз навбатида И. Каримов таърифлаганидек, “... жамоатчилик фикри-фуқаролик

¹Пирогов А. “Политическая психология”. Изд. : “Трикста” - Москва, 2005 г. 368 с.

жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу".¹

Жамоатчилик фикри:

1. Халқимиз ижтимоий-маданий тараққиёти жарайёнларида муҳим аҳамият касб этади.

2. Моҳият эътиборига ва пировард мақсадларига кўра, жамият аъзоларини шахсий ва жамоавий тақомилга, ўзаро аҳиллик, меҳр-муҳаббатга асослашувчи яқдилликка олиб бориш омили вазифасини ўтайди.

3. Жамиятнинг тараққиёт мезони ва маромий амал қилиш мувозанати ҳамда барқарорликнинг асосий омили вазифасини ўтайди.

4. Жамиятда қонун устиворлигини янада мустаҳкамлаш, жамиятда хуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш зарурлигини омма онгига сингдириша мухим вазифани ўтайди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида 2017-2021 йилларда белгиланган устивор вазифалардан бири ҳам бевосита жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилгандир². Жумладан, халқ билан мулоқотнинг самарали механизmlарини жорий этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. -Т. : Ўзбекистон. 2003. 26 б.

²"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифалари давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан аҳоли ўртасида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бу жараёнда мавжуд муаммолар ечимига муносабатини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотда “Айтингчи, яқин кунларда мамлакатимизда аҳолининг қайси долзарб масалалари ва муаммоларини ечишга эътибор қаратилиши лозим?”, деган саволга куйидаги кўринишда жавоб олинган¹


Янги иш жойларини яратиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, қишлоқ жойларида иш жойларини яратиш 31, 1 %, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш 29 %, аҳолини газ ва ичимлик суви билан ўз вақтида узликсиз таъминлаш 27, 1 %, хусусий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш учун аҳоли фаоллигини ошириш 19, 8 %, соғлиқни сақлаш муассалари иш сифатини ошириш 15, 5 %, мактабгача, ўрта ва олий таълим муассасалари иш сифати ва даражасини ошириш 15, 1 %, ёшлар муаммоларини, шунингдек, ёшлар ўртасида жинояччилик даражасини камайтириш 14, 5 %, коррупцияга қарши курашни кучайтириш 14, 5 %, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофаси 7, 2 %, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш 7, 1%.

¹ Убайдуллаева Р. Новый этап в социально-экономическом и инновационном развитии Республики Узбекистан. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2018. -Б. 27

“Сизни мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни қанчалик қизиқтиради?” - деган саволга респондентларнинг 66 фоизи “жуда қизиқтиради” деб жавоб берганлиги жамиятимизнинг бугунги жўшқин ҳаётидан дало-латdir (14-диаграмма). Демак, ҳар учта фуқародан иккитаси ўзгаришларга нисбатан фаол муносабат билдиromoқда.

Шу билан бирга ҳар тўртинчи фуқаро (26%) ҳаётимиздаги энг катта ўзгаришларга сабабчи бўлаётган воқеликка “Қайсиdir даражада” қизиқаётганлиги алоҳида фикр туғдириши табий. Албатта, ҳар қандай жамиятда ўзгаришлар ҳақида ўйлаб кўрмайдиган ёки улар билан қизиқмайдиган одамлар бўлиши табий, аммо ҳар учинчи фуқаронинг фаол ижтимоий позицияда бўлмаслиги (34%), жамоатчилик фикрида ва ижтимоий онгда мавжуд бефарқликнинг “инерцияси” кўриниши сифатида хавотир ўйғотади. Шу билан бирга бу ҳолат жамоатчилик фикрининг мислсиз тез ўзгараётган социал ҳодисаларга ноадекват ҳамда беқарор муносабати кўриниши бўлиши ҳам мумкин.

14-диаграмма



Сўровномадаги “Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари ҳақида маълумотга эгамисиз?” – деган саволга респондентларнинг ярмидан кўпи “ҳа” деб жавоб берган бўлса, ҳар учинчи сўровда иштирок этган одам (35%) “қисман маълумотга эгаман” деб жавоб берган (15-диаграмма). Бу каби жавоблар фуқароларимизнинг салмоқли қисми етарли даражада хуқуқий ахборотга эга эмаслигидан далолат беради. Фуқароларнинг социал ўзгаришларга бундай муносабати негизида ҳалигача бир қатор қўйидаги позиция мавжуд деган фикрга келса бўлади:

- социал ўзгаришларга тайёр бўлмаслик;
- юз бераётган ҳодисаларни тўлалигича тушунмаслик;
- социал жараёнларга нисбатан фаол позицияда бўлмаслик, яъни “кутиб туриш” ёки бефарқлик;
- хуқуқий нигилизм.

Ушбу саволга салбий маънода жавоб берган (7%), шунингдек, бу хусусда ўйлаб қўрмаган (4%) ёки жавоб беришга қийналган (1%) респондентларнинг муносабатини юқоридаги баён қилинган жавобларга қўшсак, биргаликда олиб қарасак, деярли ҳар иккинчи фуқаромиз ҳали зарур ижтимоий позицияга тайёр эмасликлари кўзга ташланади. Натижада бугунги кун хусусияти, яъни давлат ва жамият ўртасидаги диалогга асосланувчи фуқаролик жамияти ва унинг кучига таянган ҳолда ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишдаги қийинчиликларнинг илдизлари яққолроқ намоён бўлади.

15-диаграмма



Сўровномадаги “Сизга қайси ривожланган давлатларнинг ижтимоий соҳани ривожлантириши тажрибаси ёқади?” – деган саволга жавоблар ҳам умумий жавоблар кўламида, ҳам жинслар кесимида бир қатор диққатга сазовор жиҳатларга эга (16-диаграмма). Аввало, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг Япония тажрибасини кўпчилик респондентлар (20%) маъқул деб ҳисоблашар экан. Бу жавоблар, фикримизча, фуқароларимизнинг кўпроқ реал ҳаёт гувоҳлигидан кўра, уларнинг идеаллари акс этганини кўрсатади. Зоро, Япония ҳаёти билан фуқароларимизнинг кўпчилиги яқиндан таниш эмас. Шу билан бирга япон миллати, жамияти ҳақидаги фикри илиқ. Бу жойда жавоблар бўйича кейинги ўринда бўлган Германия мамлакати ҳақида ҳам тахминан шуни таъкидлаш мумкин (19% жавоблар).

АҚШ мамлакатига келадиган бўлсак, бу мамлакат ҳам ҳозирча кўплаб фуқароларимиз ўз қўзи билан кўрган юрт эмас, кўпроқ бошқалардан эшитилган “сехрли диёр” бўлиб қолмоқда, де-йиш мумкин, охирги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларда кўплаб ижобий тенденция-

лар юз бераётган бўлса-да, шундан бўлса керак, фуқароларимизнинг 17% ига ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг АҚШ тажрибаси ёқар экан. Аёл респондентларнинг жавобларида АҚШ ҳатто 1-ўринни эгаллаган (21%), бу яна бир бор ушбу мамлакатнинг ривожланган салоҳияти, ижтимоий соҳадаги фаровон ҳаёти ва “Америка орзуси”нинг интенсив ташвиқоти билан боғлиқ, деса бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон ва Корея мамлакатлари ўртасида меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида шартнома имзоланган. Жанубий Корея тажрибаси респондентларнинг 16 фоизига (эркакларнинг 17 %, аёлларнинг 18%) ёқаётганлиги шундан бўлса керак.

“Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, дейилади ўзбек халқ мақолида. Шу маънода жавоблар рўйхатида Жанубий Кореяning 4-ўринни эгаллагани қизиқарлидир. Лекин бу респондентлар умумий жавобидаги ҳолат. Эркак респондентлар жавобларида Жанубий Корея учинчи ўринда қайд этилган (16%) ҳамда аёл респондентлар жавобларида ҳам 3-ўрин (16%). Бу ҳолат кўплаб юртдошларимизнинг ушбу мамлакатга бориб келиши интенсивлигининг ошганлигидан далолатdir.

Жавобларда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Аввало, “Бунинг менга аҳамияти йўқ” деган жавобни ҳар ўнинчি респондент (10%) айтганлиги – бу ниманинг ифодаси?

Биринчидан, ушбу жавоб фуқароларимизнинг бир қисмида ҳали ҳам социопатия, шунингдек, боқимандалик кайфияти сақланаётганини билдириди.. Айниқса, эркак респондентларнинг жавобларида бу кўрсаткич 13% гача етганлиги (17-диаграмма) ташвишли ҳолатdir. Халқимиизда эркак зоти

азалдан оила боқувчиси бўлиб келганлиги боис, бу ҳолат социолог нуқтаи назаридан хавотирлидир.

Иккинчидан, ушбу саволга аёл респондентлар берган жавобларидағи салбий “оҳанг” икки баравар кам фақатгина 6% аёллар “Бунинг менга аҳамияти йўқ” деб жавоб берган. Шу билан бирга аёл респондентларнинг 18% и “Жавоб беришга қийналаман” деб жавоб берганлиги (18-диаграмма) ҳам алоҳида эътиборга молик. Шу ҳолатнинг ўзи жамиятимиз ижтимоий соҳасида кўплаб муаммолар, яъни аёллар ўртасида бандликнинг бирмунча паст даражаси, болалар учун мактабгача таълим муассасалари қамровининг етарли эмаслиги ва бошқа омиллар билан боғлиқдир.

Умуман олганда, ижтимоий соҳа андозаси масаласига фуқароларимиз ўз ташвиш ва умидлари орқали билдирган муносабатини юқоридаги жавоблардан кўрса бўлади.

16-диаграмма



17-диаграмма



18-диаграмма



Фикримизча, ижтимоий ҳимоя фақатгина ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг реал даромадларини ошириб боришдангина иборат бўлмай, балки бозорда маҳсулотлар нархи, шунингдек, фуқароларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар нархларининг ўсиб бориши тартибга солиниб, фуқароларнинг реал даромадларига мутаносиб равишда боришини оптималлаштиришни ҳам қамраб олиши лозим. Шу тариқа фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш мумкин.

Умуман олганда, ижтимоий ҳимоя сиёсати – моддий ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ аҳоли турли гуруҳларининг умумий ҳолатлари, эҳтиёжлари, муаммоларидан келиб чиқиб, ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасидаги давлат фаолиятидир. Шу маънода ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мақсади ижтимоий-иктисодий ларзаларидан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати икки хил усулда олиб борилмоқда: *биринчиси*-мехнатлаёқатиний йўқотган, кам таъминланган, иқтисодий фаолият юритиш имконияти бўлмаган аҳолини моддий жиҳатдан таъминлаш. Инсонпарвар жамият қуриш мақсадимиз бўлганлиги учун ҳам, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қуидагича ўз ифодасини топган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”.¹

Иккинчиси - бепул таълим бериш, бепул тиббий хизматнинг барқарор бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитларида нархларнинг ўсишига қараб давлат томонидан маошларни ошириш, республика халқ истеъмол товарлари бозорини ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини барпо қилиш ва бошқа кўринишдаги ижтимоий ҳимоя турлари билан аҳолини ҳимоялаш усулидир.

Бу усулларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон амалиётида бир-бирини ўзаро тўлдирмоқда ва аҳоли қашшоқлашувининг олдини олишдаги аҳамияти сезиларлидир. Шундан келиб чиқиб, сўровномага “Аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида қанчалик

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 39-модда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б. 9.

даражада маълумотга эгасиз?” – деган савол кири-тилди. Жавоблар ижобий структурага эга эмаслиги 19-диаграммадан кўриниб турибди.

19-диаграмма




Мамлакатимизда жамият ҳаётини ахборотлаштириш соҳасида тезкор чоралар кўрилиши, хусусан, медиахизматлар, интернет тизими, давлат интерактив хизматларининг сезиларли жонланганлигига қарамай, фуқароларнинг фақатгина ярмидан кўпроғи (52%) аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор (19-диаграмма). Аммо респондентларнинг 30 фоизи бу жараёнлардан тўлиқ хабардор эмаслиги аҳолининг маълум қатламларида, айниқса, қишлоқ жойларда фаол юз берадиган ўзгаришларга адекват ахборотнинг, у орқали эса аниқ муносабатнинг шаклланишида қийинчиликлар мавжудлигидан далолат беради. 6% респондентларнинг “Йўқ” жавобини берганлиги, 7% респондентларнинг “Бу хусусида уйлаб кўрмаганман” деб ҳисоблаши, 5% респондентларнинг жавоб беришга қийналганлиги бўйича жавобларни умумлаштиrsак, деярли ҳар бешинчи фуқароларимиз (18%) ўзгаришлар жа-

раёнидан, маълум маънода ҳаёт оқимидан четда қолмоқда. Бу ўринда фуқароларнинг мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга бефарқлиги хавотирлидир.

20-диаграмма


“Аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида қанчалик даражада маълумотга эгасиз?” (эркаклар)



Энди аёл респондентлар жавобларига эътибор қаратадиган бўлсак (20-диаграмма), юқорида баён қилинган фикрларимиз янада ўзининг исботини топади. Мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар ҳеч қачон аёлларни бефарқ қолдирмайди. Аммо, уларнинг бу ҳақда маълумотга эга эмаслиги учун кўпчилик айбдор. Ушбу саволга аёлларнинг берган жавобида кўпчилик хотин-қизларнинг фаол ижтимоий ҳаётдан четдалиги уларнинг кўпчилигининг айниқса қишлоқ жойларида фойдали ижтимоий фаолият билан банд қилинмаганлиги билан изоҳланади, деб ўйлаймиз.

21-диаграмма

“Ахоли түрмүш даражасини ошириш мақсадыда амалга оширилаётган истрохотлар хакида қанчалик даражада маълумотга эгасиз?” (аёллар)



Сўровномадаги “Шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштириш мақсадыда янгидан бунёд этилаётган замонавий уй-жой, инфраструктура, маданий масканларининг ўрнини қайдарежада баҳолайсиз?”- деган саволга фуқароларнинг мутлақ қўпчилиги, яъни юқори даражада 51%, ўрта даражада 31%, жами 82% янгидан бунёд бўлаётган инфраструктура, маданий масканлар аввало, қишлоқ жойларида кўплаб бунёд этилаётганлигини ижобий баҳолаб, бу шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштиради, яъни ўзаро яқинлаштиради деб ҳисоблашар экан (22-расм), фақатгина 2% респондентларнинг жавобларида “Бунинг менга аҳамияти йўқ” деб, яна 2% респондентнинг “Умуман алоқаси йўқ” деб берган жавоби вазиятни ўзгартирмайди. “Бу ҳақда уйлаб кўрмаганман” деган 11% жавоблар эса, фикримизча, аҳолининг юз берадиган ўзгаришларга кўнишиб улгурмаганлигидан далолат беради, яъни бу конформистик кўринишдаги жавобдир (22-диаграмма).

22-диаграмма


“ШАҲАР ВА КИШЛОҚ ХАЁТИНИ ЎЙГУНЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЯНГИДАН БУНДЭТТИЛАГТГАН ЗАМОҢДАВИЙ УЙ-ЖОЙ, ИНФРАСТРУКТУРА ВА МАДАНИЙ МАСКАНЛАРНИНГ ЎРНИНИ КАЙДАРАЖАДА БАҲОЛАЙСИЗ?”



“Жамият ижтимоий соҳасини ривожлантиришда давлат дастурларининг аҳамияти ҳақида нима деб жавоб берган бўлардингиз?”- деган саволга жавобларда ҳам фуқароларимизнинг ўзгаришлардан ижобий натижалар кутаётганлиги маълум бўлди (23-диаграмма). Фуқароларнинг 80 фоизи ушбу дастурларнинг аҳамиятини умумий маънода ижобий баҳолаган. Давлат дастурлари аҳамиятини 5% фуқаролар паст даражада деб баҳолаган. Бунинг боиси ислоҳотларнинг аҳоли кенг қатламига бир хилда етиб бормаётганлигидадир. Фақатгина 7% респондентлар жавобларида “Бу хусусда ўйлаб кўрмаганман” деган жавоб мавжуд.

23-диаграмма

“ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?”



2. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ РОЛИ

Дунёда фуқаролик жамияти қуриш борасида жараёнлар такомиллашиб борган сари ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари вужудга кела бошлади. Хусусан, Биринчи жаҳон урушидан кейин Европадаги бир қатор давлатларда фуқаролик жамияти тамойилларига хос бўлган ислоҳотлар ўтказилиши муносабати билан ижтимоий шериклик феномени пайдо бўлди. Жумладан, ижтимоий шериклик муносабатлари Германия Федератив Республикаси, Швеция, Италия, Франция каби давлатларнинг конституция ва қонунларида ўз ифодасини топди. Ижтимоий шериклик муносабатлари дастлаб, иқтисодий соҳадаги иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой ва майший муаммоларини ҳал этишда ўз аксини топган. Ижтимоий шериклик назарияси асосчилари германиялик Л. Эрхард ва швециялик Г. Мюрдалъ ҳисобланади¹.

Ижтимоий шериклик борасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари Европа мамлакатларида меҳнатга тааллуқли меъёрларга оид ҳужжатлар Европа Иттифоқининг Парламенти томонидан қабул қилинган "Ишчи кенгашлари тўғрисидаги Европа директиваси"да (The European Works Councils Directive (EWCD, 1994 & 1997) ҳамда "Ходимларни хабардор қилиш ва улар билан маслаҳатлашувлар тўғрисида"ги низомда (The Transnational Information and Consultation of Employees Regulations 1999 (TI&CE Regs 1999) ўз ифодасини топган.

¹ Социальное партнерство – М. : "Экономика", 1999. – С. 22.

Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларида ижтимоий шериклик ўзига хос ўрин тутади ва бирмунча мураккаб жараёнларни ўзида мужассам этади. Ижтимоий шерикликни турлича асосларда, ҳар нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда ифодалаш мумкин. Тор доирада ижтимоий шериклик фақат меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Кенг маънода эса у ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро маҳсус ҳамкорлиги бўлиб, турли соҳаларда, жумладан, меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий дастурларни амалга ошириш, ўзаро манфаатдор ҳамкорликка асосланган ижтимоий-хуқуқий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда жамоат ташкилотлари иштирокининг кенг таъминланишидир.

Ижтимоий шериклик давлат билан фуқаролик жамияти баҳамжиҳат фаолиятининг, унинг сиёсий тизими барқарорлигини таъминловчи муҳим жараёнлардан биридир. У жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг таркибий жиҳатларидан ҳисобланиб, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий алоқаларни ифодаловчи муҳим воситадир. Ижтимоий шериклик ижтимоий жараёнларда давлат билан жамоат ташкилотларининг аниқ шериклик муносабатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий ва хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга асосланган замонавий жараёндир. Россиялик олим В. Михеевнинг фикрича, “Ижтимоий шериклик, умумий маънода ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг ишчилар, иш берувчилар, тадбиркорлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органларининг манфаатларини шартномалар, келишувлар, жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг долзарб

муаммолари бўйича муросага келиш асосида ҳимоя қилишга асосланган цивилизацион тизимдир”¹.

Ижтимоий шериклик тизимида қуидаги тамоиллар асосида ижтимоий муносабатлар юз беради:

- давлат ва жамият институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

- томонларнинг шартнома муносабатларида ўзаро манфаатдорлик асосида иштирок этиши борасидаги ўзига хос уйғун демократик тамойилларни рўёбга чиқаради;

- ижтимоий шериклик ва унда иштирок этадиган субъектларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини таъминлаш баробарида қонунлар ва меъёрий хужжатларга қатъий амал қилишлари таъминланади;

- ижтимоий шериклик билан боғлиқ масалалар ва муаммолар юзасидан доимий равишда ўзаро маслаҳатлар, фикр ва тажриба алмашишлар бўйича музокаралар ўтказилиб, ҳуқуқий маданият самародорлиги ошади;

- ижтимоий шериклар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши амалда таъминланиб, ижтимоий масъулият ошиб боради;

- ижтимоий шериклик борасида қабул қилинган аҳдлар, битимлар, шартномалар ва қарорлар ижро-си устидан доимий назорат таъминланади.

Жамиятимизда бугунги кунда катта ижобий ўзгаришлар, ривожланиш ва барқарор тараққиёт жараёни кетмоқда, инсон манфаатлари учун ўта муҳим бўлган дастурлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин шундай шароитда ҳам жойларда бирмунча мураккабликлар, ислоҳотларни

¹ Михеев В. А. Основы социального партнерства: теория и политика.
- М. : Экзамен, 2001. – С. 7.

олиб боришга турли тўсиқлар ва ҳар хил муаммолар учрайди. Барқарор тараққиётга, ислоҳотлар йўлига тўғаноқ бўладиган иллатларни енгиб ўтиш, уларни бартараф этиш ва олдини олиб бориш жамиятда турли муҳим ижтимоий муносабатларни рўёбга чиқариш, давлат ва жамоатчилик институтларини ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлаш муҳим бўлиб, бу жараёнда ижтимоий шериклик феномени алоҳида ўрин тутади.

Ижтимоий шериклик жамиятда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, давлат миқёсида ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган турли ижтимоий лойиҳалар, дастурлар ва чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши, инсон ҳаёт фаровонлигини таъминланиши, жамият ҳаётида мавжуд бўлган муаммоларни ҳам ҳал этиб борилишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада социолог олим Н. Барановнинг фикрича, “Ижтимоий моҳиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этилиши замонавий шароитда жамият ривожи учун долзарб аҳамият касб этади. Миллий ижтимоий лойиҳаларни рўёбга чиқариш демократияни ривожланишида муҳим сиёсий роль ўйнайди, шунингдек, ҳар бир инсонни ҳаётий истиқболини белгилаш ва имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.”¹

Ижтимоий шериклик жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, мағкуравий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий таркибий қисмларининг ўзига хослиги, ўзаро муносабатлари, уларнинг узвий боғланганлик ва алоқадорлик ҳолатларини ифодалайди. Ижтимо-

¹Баранов Н. Политика развития и социальные проблемы политического режима // Политика развития и политико-административные отношения: сб. науч. ст. Краснодар: Кубанский гос. ун-т, 2009. -С. 58-77.

ий шериклик шунингдек, ижтимоий муносабатларда ўзига хос мақсад ва вазифаларини, истиқболини аниқлаш, жамият тизимидағи элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий шериклик фаолияти жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнлар, аҳолининг маданият даражаси, ижтимоий онг ҳолати, маънавий-маърифий ҳолатини юксалтиришга хизмат қиласидиган ижтимоий муносабатлар барқарорлигини таъминлайдиган ўзига хос фаолият бўлиб, фуқаролик жамияти барпо этишда изчиллик ва тадрижийликни таъминлайди.

Ижтимоий шериклик демократик жамият тадрижий ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи механизмларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, у жамиятда ижтимоий муносабатларда барқарорлик шартларидан саналади. Сиёсатшунос олим А. Мўминовнинг таъкидлашича “Ижтимоий шериклик ўзининг тарихий ривожи давомида кўплаб босқичларни босиб ўтди. Жамият манбаатларидағи мувозанатни саклаш, давлат ва фуқаролик институтлари мақсад ва вазифаларини уйғунлаштиришнинг муҳим омили сифатида ижтимоий шериклик бир қатор шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий шериклик жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаши билан муҳим роль ўйнайди”¹.

Фуқаролик жамияти институтларининг яна-да ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-

¹ Мўминов А. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг замонавий моделларини шакллантириш ҳолати ва истиқболлари. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2019 й. №1. -Б. 15.

ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 30 та қонуни ва юздан ортиқ бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари билан мустаҳкамланган. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши эса фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада оширишда, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада кучайтиришда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунга асосан давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг меъёрий-хуқуқий ва моддий-ташкилий механизмлари такомиллаштирилди ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга асосланган дастурлари, истиқболга мўлжалланган меъёрий хужжатларини тузиш ва ҳаётий амалиётини таъминлаш жараёнидаги ўрни мустаҳкамланди.

Ушбу Қонунни қабул қилиш асослари ва тамойиллари “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган бўлиб, асосий мақсад фуқаролик жамияти тузишмалари ва институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият бошқаруви жараёнида уларнинг муносиб иштирокини янада такомиллаштиришдан иборатdir.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун фуқаролик жамиятида кенг қўламли ижтимоий-сиёсий чора-тадбирларни ташкил этиш, ижтимо-

ий муносабатларни кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқароларни ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги барча жараёнларда адолат таомилларини жорий этишда, ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, унда ошкоралик ва самарадорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун 2014 йилнинг 25 сентябрь куни имзоланиб, 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Қонун 5 та боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-боб умумий қоидаларга бағишиланган. Ўз ичига 1-5-моддаларни олган ушбу бобда қонуннинг мақсади, ижтимоий шерикликнинг тушунчаси, субъектлари, асосий принциплари ва соҳалари очиб берилган.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликка қўйидагича таъриф келтирилган: “Ижтимоий шериклик – давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”.¹

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида, бир томондан давлат органлари, иккинчи томондан эса – нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар.

¹“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2014 йил, 25 сентябрь. www.lex.uz

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби ни белгилаб, ўз ичига 6-11-моддаларни олади. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида:

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки;
- нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргалиқда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргалиқдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

Қонуннинг 3-боби 12-22-моддаларни ўз ичига олган бўлиб, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига бағишлиланган. Унда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турлари кўрсатилиб, улар орасида нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот,

маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари акс эттирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига ўхшаш тузилмаларни жойларда ҳам тузиш назарда тутилган. Таъкидлаш лозимки, қонуннинг мазкур бобида давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва уларни бериш тартиби қонун билан мустаҳкамланди.

Грант танловлари жойларда, маҳаллий ҳоқимликлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларда ташкил қилиниши маҳаллий давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатиш борасидаги жараёнларни ташкил этади. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан қўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришлирага ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради.

Қонуннинг 4-боби 23-26-моддалардан иборат бўлиб, унда ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Ижтимоий шерикликда иштирок этадиган ҳар иккала субъектларнинг ушбу қонунда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро солиштирилганда, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳуқуқлари давлат органларига нисбатан қарийб икки баравар кўп, мажбуриятлари эса аксинча, икки баравар кам қилиб белгиланган.

Қонуннинг охирги 5-боби яқунловчи қоидалар деб номланиб, 27-30-моддалардан иборат. Ушбу боб асосан низоларни ҳал этиш, ижтимоий шериклик тұғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлық, қонун хужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш ҳамда қонуннинг күчга кириши масалаларини тартибга солади.

“Ижтимоий шериклик тұғрисида”ги қонун фуқаролик жамияти институтлари фаолият күрсатадиган ижтимоий, сиёсий вахуқүй мұхитни янада кенгайтиришга катта имконият яратди. Ушбу қонун халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва миллий таж-риба үйғунлиги асосида ишлаб чиқылған. Мазкур қонуннинг ишлаб чиқилишида халқаро миқёсда тан олинган йирик эксперtlар, маҳаллий мутахас-сислар иштирок этди. Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этилишида ижтимоий институтларнинг мазкур соҳада йиғилған таж-рибаси мұхим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий жараёнларда иштироки учун катта имкониятлар берилди. Уларнинг фаолиятини са-марадорлигини ошириш учун давлат томонидан катта имкониятлар берилмоқда. Жумладан, субси-диялар, грантлар ва бошқа маблағлар шулар жум-ласидандир. Бу жамоат ташкилотларининг ижти-моий, сиёсий ва иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қылмоқда. 2008-йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси хузурида Нодавлат-нотижорат ташкилотла-рини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-ларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комис-сияси ташкил этилди.

Жиззах давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокида “Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот маркази” томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Жамоат фонди гранти асосида “Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилишга, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб этиш” мавзусидаги танлов бўйича “Экологик муаммолар ва уларни ечишда ёшлар фаоллигини кучайтириш” номли лойиҳа;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Жамоат фондининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танловига “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” номли лойиҳа;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Жамоат фондининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари – олий қадрият”

мавзусида давлат гранти ажратиш учун қўшимча танловига “Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ижтимоий шерикликни кучайтиришнинг инновацияцион йўлларини жорий этиш” номли лойиҳалар амалга оширилган.

Юқоридаги Давлат грантлари доирасида марказ томонидан З та Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ташкил этилган. “Экологик барқарорлик ва ёшлар тарбияси” Республика илмий-амалий конференцияси (2016 й.), “Жамоатчилик назорати – жамият барқарорлиги омили” Республика илмий-амалий конференцияси (2018 й.), “Ижтимоий шериклик - жамият тараққиёти омили” Республика илмий-амалий конференцияси (2019 й.) ташкил этилиб, ҳар бири бўйича мақолалар тўплами нашр этилган.

Демократик жамият шароитида ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда тармоқ ва худудий дастурларни, шунингдек, норматив-хукуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини таъминланлаш, миintaқалар асосида, худудлар қўламида ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш, фуқароларнинг манбаатларини, хусусан уларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва бошқа бир қатор ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ҳокимиёт билан ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган.

3. ФУҚАРОЛИК МАСЬУЛИЯТИ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИК - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнлари тадрижий асосда, демократия ва плюрализм тамойилларига таянган ҳолда ривожланиб бормоқда. Демократик жамиятда кучли сиёсий қадриятларни вужудга келтириш, бу жараёнга фуқароларни кенг қамровли равишда жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда иштирокини кенгайтириш, ташаббускорлик руҳини вужудга келтириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Фуқаролик жамиятини қуриш жараёни фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий маданияти ва сиёсий масъулияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Фуқаролар сиёсий фаоллигининг юксалиши жамият тараққиётининг муҳим элементларидан биридир. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва жамият олдидаги сиёсий масъулияти мамлакат тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Ижтимоий-сиёсий фаоллик мавжуд экан, жамият сиёсий тизимида барча жараёнлар мутаносиб равишида ишлайди, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолияти самарали кечади. Мукаммал жамият эса, онгли фуқароларнинг сиёсий ва хуқуқий маданияти эвазига бунёд этилади.

Сиёсатшунос Р. Жумаевнинг таъкидлашича, “Мамлакатимизда демократлаштириш, жамиятни янада барқарорлаштириш билан боғлиқ вазифалар одамлардан зарур сиёсий билимлар ва юқори сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қиласиди. Сиёсий билимларнинг саёзлиги ва сиёсий маданиятнинг паст бўлиши ислоҳотлар жараёнига салбий таъсир

кўрсатиши, ҳатто ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Буни атрофимиздаги баъзи давлатлар мисолида кўриш мумкин".¹ Бугунги тезкор, жаҳон сиёсий анъаналари глобаллашаётган мураккаб жараёнда жамиятда яшаётган ҳар бир шахс уйғоқ сиёсий тафаккурга эга бўлиши даркор. Акс ҳолда жамият ва шахснинг ғайрисиёсий қадриятларга бардош бериши қийинлашади.

Инсон ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли у фақат жамиятда ривожланади. Унинг бутун ҳаёти бошқа кишилар билан турли муносабатлар асосида кечади. Ҳар бир шахс жамиятдан ажralган ҳолда фаолият юритмайди. Бу эса жамият аъзоси бўлган шахсни тарбиялайди, уни маънавий жиҳатдан боийтади ва сиёсий онгини оширади.

Шахснинг сиёсий муносабатлар субъектига айланишининг асосий мезонларидан бири унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўлиб, бу шахс сиёсий ижтимоийлашувининг кўрсаткичи ҳисобланади. Шахс сиёсатнинг субъекти сифатида жамиятдаги сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмайди, балки уни англаб олишга ҳаракат килади ва жамият сиёсий ҳаётида маълум вазифани бажаради. У сайловларда сайловчи сифатида овоз беради, сайлаб қўйиладиган турли вакиллик органлари, жамоат ташкилотларининг ишларида қатнашади ва уларга ўз муносабатини билдиради. Буларнинг барчаси шахснинг сиёсатнинг субъекти сифатидаги роли ва аҳамиятини оширади. Шахснинг сиёсий мақоми унинг сиёсий фаолиятга қанчалик жалб этилганлиги билан ўлчанади.

Ҳар бир фуқаро сиёсий амалиётнинг бевосита субъекти ҳисобланади. "Сиёсий субъект" атамаси

¹Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. - Ташкент: Шарқ, 1998. -Б. 63.

сиёсатда ким фаол, онгли ва мақсадли қатнашиши, ўз ҳаракатлари билан маълум натижаларга эришиши, ушбу натижаларни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ўзгаришига таъсир қилишини англатади. Фуқаронинг сиёсий субъектлиги маълум шартларни бажариш чоғида амалий аҳамият касб этади. У сиёсий ҳаётнинг айрим масалаларини, яъни ҳозирги даврда жамиятни ташвишга solaётган муаммолар моҳиятини тушунтира билиши, сиёсий ҳаётда қатнашиш ва ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатишнинг фаоллик шаклларини эгаллаши лозим. Шахс сиёсий муносабатларда қанчалик эркин қатнашса, бу унинг сиёсий фаоллигини ўсишига шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва уларнинг жамият жараёнларига иштироки даражасини кенгайтиришга алоҳида устувор вазифа сифатида қарала бошланди. Демократик ва фуқаролик жамияти қурилиши шароитида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурати юзага келди. Бу ўринда қўйидаги иқтибосни келтириш жоиз: “Бугунги кунда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш жараёнида муайян ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ижтимоий ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳақиқий сиёсий фаоллик демократик сиёсий институтлар тизими мавжуд, сиёсий партиялар хилма-хиллиги, сиёсий қарашлар ва ҳаракатлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда жамоатчиликнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан назорати ўрнатилган жамиятда юқори бўлади”.¹

¹Кучерский В. Социальная философия: общество и сферы его жизнедеятельности. -М.: “Издательский дом ИНФРА-М”, 2003. -С. 143.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишида уларнинг сиёсий ижтимоийлашуви жараённи ҳам муҳим ўрин тутади. Сиёсий жараёнларнинг мураккаблашуви шароитида инсоннинг сиёсатга кириб келиши, сиёсий тизимда ўз ўрни, сиёсий онгини шакллантириши бирмунча қийинчиликлар билан юз беради. Сиёсий ижтимоийлашув индивид томонидан ўзининг сиёсатга қўшилувани таъминловчи сиёсий билимлар, қадриятлар, меъёрлар, қоидалар ва хатти-ҳаракатларни ўзлаштиришдан иборатдир. Сиёсатшунос Р. Жумаевнинг таъкидлашича, “Хуқуқий, демократик, ривожланган фуқаролик жамияти қураётган мустақил Ўзбекистон олдида турган ғоявий ва сиёсий вазифалардан бири сиёсий жараёнларда фуқароларнинг сиёсий иштирокини стратегик жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, демократик жамиятнинг муҳим мезонларидан бири фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлашидир. Бунда уларнинг у ёки бу сиёсий ролларни бажаришга хоҳиши ва қобилиятини ҳисобга олиш муҳимдир”.¹

Жамиятдаги жараёнлар ҳар доим ҳам бир текисда амалга ошмайди. Ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар бир мунча мashaққат, қийинчиликлар ва қарамақаршиликлар эвазига амалга ошади. Бунда фуқаролардан ўзига хос масъулият, яъни улардан мавжуд мураккаб жараёнлар олдида эсанкираб қолмаслик, саросимага тушмаслик талаб этилади. Шу боис уларни мустаҳкам ишонч ва қатъий иродада билан енгид ўтиш ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айланиб бориши лозим. Ушбу масалаларнинг ҳал этилишида фуқароларнинг жамият олдидаги ижтимоий-сиёсий масъулияти муҳим ўрин тутади. Ижти-

¹Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Ташкент: Фан, 1996. -С. 130.

моий масъулият фуқароларнинг Ватан ва халқ манфаати, мамлакат тақдири ҳамда иши учун фидойилик билан хизмат қилиши, жамият тараққиёти учун камарбаста бўлиши, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда фаол қатнашиши, давлат ва жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда муносиб иштироки, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмак беришидир.

Ижтимоий масъулият деганда аҳолининг жамиятда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида масъулият, фидойилик, жонбозлик кўрсатиши ва кўтаринки руҳда иштирок этиши тушунилади. Бу фуқароларнинг давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ва уларни амалиётга жорий этишда чуқур масъулият билан қатнашишида яққол кўзга ташланади.

Аҳоли кенг қатламлари ижтимоий масъулиятини шакллантириш учун тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш лозимdir. Чунки бугунги кунда аҳоли ўртасида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини, қабул қилинаётган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар мазмунини, ижтимоий-сиёсий жараёнлар кўламини тарғибот қилиш ишларининг самараси етарли эмас. Шу билан биргаликда, фуқароларнинг жамият ижтимоий-сиёсий институтлари фаолиятида иштироки талабга жавоб бермайди. Ваҳоланки, фуқаролар жамиятдаги сиёсий жараёнларда фаол иштирокчи бўлиб, унинг моҳиятини теран англаб етса, сиёсий масъулияти кенгайиб, сиёсий фаоллиги ошади.

Жамиятнинг турли соҳаларида фуқаролик масъулияти ўзига хос тарзда, ўша соҳага оид бўлган жараёнлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Сиёсий соҳада – фуқароларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур англаб этиши, бу жараёнларда уларнинг онгли равишда иштирок этиши, ўзларининг вазифалари, бурчлари ва масъулиятларини ҳис этиб яшаши жамиятда сиёсий соҳадаги масъулиятнинг намоён бўлишига асосий замин бўлиб хизмат қиласи.

Иқтисодий соҳада – жамият иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида ўз имкониятларини ишга солиш, иқтисодий сиёсат, ислоҳотлар, моддий неъматлар ишлаб чиқаришда ўз салоҳияти билан қатнашишидир.

Ижтимоий соҳада – фуқароларни ижтимоий соҳага оид давлат сиёсатида, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирларида фаол иштирокчи бўлишга рағбатлантириш масалалари ҳал этилиши лозим.

Маънавий-маърифий, маданий соҳада – фуқароларнинг маънавий-маърифий салоҳияти, сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамият маънавиятини юксалтириш ишларида фаол иштирокчи бўлиши катта аҳамият касб этади.

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш жараёнида сиёсий масъулият ўзига хос равишда намоён бўлади. Фуқароларнинг сиёсий масъулияти қанчалик юкори бўлса, жамият иши учун уларнинг фидойилиги ва ташаббускорлиги ошади. Фуқароларнинг сиёсий ташаббуслари, жамиятни асраб қолиш ва ривожлантириш юзасидан саъй-ҳаракатлари, Ватан равнақи, юрт тинчлиги учун жон куйдиришлари охир-оқибатда сиёсий масъулиятга айланиб, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлиги учун қаратилади ва унга салмоқли ҳисса қўшади. Мазкур жараённинг бевосита амал

лий натижаси ўлароқ, фуқароларнинг мамлакат тинчлиги ва аҳоли осойишталиги учун масъуллиги ошиб боради.

Бу жараён қуидаги масалалар билан бевосита боғлиқликда намоён бўлади:

– сиёсий маданиятга эга ва жамият сиёсий жараёнларида ўзига хос масъулият билан иштирок этадиган фуқаро мамлакатга нисбатан ички ва ташқи таҳдидлар ва хавфлар, жаҳон сиёсати, геосиёсий мақсадларни теран англаб етади, уларга қарши курашиш учун тегишли салоҳиятга эга бўлади;

– юқори сиёсий билим ва қўникмалар соҳиби ўз сиёсий масъулияти орқали жамият ичидағи турли сиёсий кучлар ва гурухлар манфаатларини ягона мақсад йўлига мувофиқлаштириш, улар ўртасида мувозанат, консенсус, сиёсий бағрикенгликни вужудга келтириш ва бу орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ишларига кўмаклашади;

– ижтимоий-сиёсий фаол ва сиёсий масъулияти юксак фуқаролар аҳоли ўртасида турли мағкуравий хуружларга нисбатан мустаҳкам иммунитетни шакллантириб, сиёсий профилактика ишларини ташкил этади;

– ижтимоий-сиёсий масъулиятга эга бўлган шахс ўз имкониятлари, жамиятда тутган ўрни ва эгаллаган мавқеи орқали фуқаролар жипслиги, уларнинг ягона мақсад йўлидаги сафарбарлиги, миллий кўтаринкилик ва жамият ривожланиши жараёнларида кенг иштирок этади;

– ижтимоий-сиёсий масъулиятли шахс жамиятдағи ижтимоий-сиёсий институтлар ёрдамида миллий ва диний бағрикенглик, конфессиялараро мулоқот ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Демократик сиёсатни воқеликка айлантирадиган фуқаровийлик фақатгина фуқаролик жамиятнинг ижтимоий тармоқларида тарбияланиши мумкин. Бундай тармоқлар ихтиёрий бўлганлиги учун, унинг таркибидағи аъзолар шу тармоқ ёки уюшма доирасида қабул қилинган қоидаларига бўйсуниб яшашни истамасликлари жамоа аъзолари томонидан қандайдир қонуний жазо билан эмас, балки оддийгина эътиroz билан қарши олинади. Ифода этилган ана шу эътиroz уюшма ичидан, яъни оила аъзолари, дўстлар, ҳамкаслар ва маслақдошлар томонидан ифода этилганлиги учун давлат берадиган жазога нисбатан таъсирироқдир. Айнан ана шу ерда инсоннинг шахсияти, иродаси ва том маънода фуқаро бўлишга қодирлиги шаклланади.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг бугунги шароитида фуқаролар фаол бўлиши, ҳаётни онгли қабул қилиши, жамиятдаги ўрнини аниқ белгилаб олиши, шу тариқа мамлакат тараққиёти, ҳаётий ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилиши зарур. Ана шунда аҳоли ўз фаолиятини онгли равишда бошқара олади, жамиятнинг ривожланиш жараёнида фаол қатнашади.

Хорижий адабиётларда таъкидланишича, “Фуқаролар фаоллиги алоҳида ҳудудларда, мінтақавий ёки умуммиллий масштабда намоён бўлади. У жамиятда сиёсий муносабатларнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади, сиёсат субъектлари ўртасида алоқаларни яхшилайди. Фуқаролар фаоллиги фуқаролик бурчи билан узвий алоқадорликда ошиб боради. Бу эса ҳар бир фуқаронинг ўз масъулиятини ҳис қилиши ва вазифаларини бажариб бориши, атрофдаги кишилар, жамоатчилик, жамият олдида ўз фаолияти учун ахлоқий жиҳатдан жавобгар эканлигини билиши, қонунсиз хатти-ҳаракатлари ёмон

оқибатларга олиб келишини англаши лозимлигини билдиради".¹

Фуқаролик масъулияти жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисмидир. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик ва биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, улардан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қиласди. Шу сабабли жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти шунчалик кенг қамровли шаклланади. Ҳақиқий демократик жамиятда фуқаро мавжуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки уларга суюниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашувчи шахс бўлиши керак.

Фуқаролик масъулияти масаласи энг жиддий диққатни жалб қиласдиган ижтимоий вазифалардан биридир. Унинг моҳияти мустақиллик шароитида тубдан ўзгармоқда. Аввалги истибодд давридаги фуқаролик масъулияти тушунчаси биринчи ўринда социалистик жамият, марксча-ленинча мафкура, жаҳон социалистик тизими, ҳукмрон партияга садоқат, хусусий мулкчиликни инкор этиш, мустабид тузумнинг ижрочи солдати бўлишни тақозо қиласди. Мустамлакачилик тузумида деярли йўқقا чиқарилган мустақиллик ҳисси, кишиларимиз ижтимоий фикри ва тадбиркорлик фаолиятидан узоқлаштириб ташланди.

Мустақиллик шароитида ҳам фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини тушунмаслик, эъти-

¹Огнева В. Активность гражданская. <http://www.orags.orl.ru/do/manuals/polit/1.htm>

бор бермаслик, бефарқлик ва боқимандалик кайфи-
яти ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Ҳозирги даврда
фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оши-
риш, ўрта ва кичик бизнес субъектларини, тадбир-
корликни ҳар томонлама рағбатлантириш ишлари,
биринчи навбатда, ўтмишдан қолган ўша нуқсон ва
сарқитларни бартараф этиш, фуқароларимизда жа-
мият, мустақилликка нисбатан масъулият ҳиссини
шакллантиришга йўналтирилган. Чунки, эндиғи
мақсадимиз жаҳон сиёсий саҳнасида ўз мавқеини
мустаҳкамлаётган мустақил мамлакатимиз учун
хизмат қиласиган фидойи, жонқуяр инсонларни
тарбиялаш лозимлиги кундай равшандир.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларда Ўзбекистон
фуқароларининг конституциявий масъулияти ик-
ки гуруҳга бўлиниши кўрсатилган:

1. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат
тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулият-
лар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ри-
оя этиш;
- қонунларни билиш ва унга қатъий амал қилиш;
- меҳнат интизомини сақлаш;
- жамоа бурчига вижданан қараш;
- мулкнинг бозор шаклларини мустаҳкамлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш;
- турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш;
- бошқа мамлакат фуқароларининг миллий қадр-
қиммати, ҳуқуқлари, шаъни ва ўзлигини ҳурмат
қилиш;
- ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш;
- Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муно-
сиб бўлиш.

2. Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар:

- Ватан қудратини ошириш ва уни ҳимоя қилиш;
- Ватанни кўз қорачиғидай асраш;
- умумий ҳарбий мажбуриятни қонун асосида ба-
жариш.¹

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар шахснинг фаолиятига, унинг хатти-ҳаракатлари ва фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шахснинг бутун фаолияти жамиятнинг мавжудлигидир. Шахснинг жамиятни ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги унинг меҳнати ва ижтимоий ҳаракатлари билан белгиланади. Инсон мавжуд қонунларни билиб, улардан тўғри ва мақсадли фойдаланса, у жамиятни ўзгартирувчи кучга айланади. Шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш жамиятни демократиялашнинг асосий шартидир. Бу жараёнда шахс юксак масъулият, ишчанлик, интизом ва омилкорлик фазилатларини намоён қилиши лозим.

Афсуски, бугунги кунда ахолининг кўпгина тоифалари ичida жамият жараёнларига бефарқлик кайфиятлари учрайди. Ушбу ҳолат фуқароларни жамиятдаги иллатларга қарши кураш қобилиятини сусайтиради. Бу “менинг ишим эмас”, “менга барibir” каби салбий туйғуларнинг мавжудлиги ҳам жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигига хавф туғдиради. Бундай ҳолатлар аҳоли қатламларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турганлари орасида кўпроқ учрайди. Демак, фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳаётга кўпроқ жалб этилса, уларда янгича сиёсий дунёқараш орқали фаол хатти-ҳаракатлари шаклланиб боради.

¹ Қаранг: Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Тошкент: Шарқ, 1998. -Б. 229

Сиёсатшунос И. Эргашевнинг фикрича, “Жамият ҳаётига демократик қадриятларнинг чуқур сингиб бориши халқнинг сиёсий онги билан биргаликда демократия ва бугунги бозорнинг асосий талаблари, принципларини қабул қилиш ҳамда тадбиқ этишга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бошқача айтганда ҳар бир халқ унга, яъни сиёсий ўз-ўзини ташкил этиш шакллари, механизмларига тайёр бўлиши ҳам зарур. Бу узоқ давом этадиган узлуксиз жараён ҳисобланиб, муайян тарихий тажрибани тақозо этади”.¹

Мамлакат тараққиётининг асосий шарти ҳисобланган сиёсий барқарорлик индивидларнинг ўсиб бораётган ижтимоий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириб бориш билан таъминланиб боради. Айниқса, демократия йўлини тутган жамият тараққиёти юксак даражадаги сиёсий фаолликни талаб этади. Демократик тараққиёт эвазига таъминланадиган сиёсий фаоллик қуидаги муносабатларни ташкил этишда наамоён бўлади:

– фуқароларда сиёсий фаолият, тарихий изчилликни таъминлаш, тажрибаларни жамлаш, уларни авлоддан-авлодга ўтказишида зарур бўладиган билимлар билан қуроллантириш;

– ғоялар, ҳуқуқий, сиёсий меъёрлар воситасида ижтимоий бирликлар, фуқаролар ва давлат ўртасида муайян муносабатларни тартибга солиш;

– шахсларни глобал дунёда рўй беряётган ҳодисалар, жараёнларни ёритувчи сиёсий маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ахборотлар билан доимий равишида таъминлаб бориш;

¹ Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. -Тошкент: Академия, 2004. -Б. 121-122.

- шахснинг сиёсий меъёрлар, қадриятларни ўзлаштириш, сиёсий ҳаётга қизиқишини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий фаолияти йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган тарбиявий жараённи ташкил этиш;

- шахсни давлат ва жамият ҳаётининг муҳим сиёсий масалаларидағи фаол иштирокини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши. Мазкур омиллар жамиятда ҳар бир шахснинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан камол топишига катта таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунмоҳиятини теран тушуниб етадиган, жамиятнинг бугуни ва истиқболи учун жон куйдирадиган, элим ва юртим деб ёниб яшайдиган фидойи, ватанпарвар фуқароларни тарбиялаш, аҳолининг сиёсий билимлар даражасини юқорига кўтариш бугунги кундаги долзарб вазифадир.

Миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш давр талаби. Бу бир зумда, бирпасда амалга ошадиган жараён эмас. Бунда ҳар бир кишининг, фаоллиги, омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширилиши эса Ўзбекистоннинг салоҳиятини юксалтиради, келажаги буюк давлат барпо этишга ёрдам беради, одамларимиз эътиқодини мустаҳкамлайди.¹

Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласи ҳам долзарбдир. Ёшлар онгига турли хил ақидапарастлик ғояларининг кириб қолиши осон кечади. Чунки баъзи ёшлар руҳий-

¹ Эргашев И. ва бошқ. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. - Т., Ijod dunyosi, 2002. -Б. 28.

эмоционал жиҳатдан мурakkab характерга эга, ишонувчанлик юқори бўлганлиги сабабли заарали оқимларга ҳам эргашиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, ёшлар кучли салоҳият, ғайрат-шижоатга эга бўладилар. Ана шу салоҳиятни фақат Ватан равнақи, жамият манфаати, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун йўналтириб бориш қўйилган мақсадларга эришишга замин яратади.

Ёшларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги фаоллигини ошириш учун қуидаги мезонлар шакллантирилиши лозим:

- ёшлар юрт тинчлиги, Ватан озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги жараёнларда фаол қатнашишни ўзларининг виждан амри деб билиши лозим;

- ёшлар онгода байналминалчилик, бағрикенглик, ўзаро ишонч, миллий ва диний тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари чуқур жой олиши зарур;

- ёшларда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, унинг ички ва ташқи душманларига қарши курашиш, маънавий ва маърифий салоҳияти билан диний экстремизм ва терроризм элементларига муносаб жавоб бериш, “жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” кўникмаларини шакллантириш даркор;

- маҳалла, оила, жамоат жойларида одамларни, ёши улуғларни ҳурмат қилиш, миллий қадриятларни эъзозлаш, ўзбекона ахлоққа зид бўлган турли хатти-ҳаракатлар ва кўринишларни намоён қилмаслигига эришиш зарур;

- жамиятда учрайдиган коррупция, маҳалийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатларга қарши курашиш, экологик вазиятни

соғломлаштириш, табиатни асраб-авайлашга оид тарбиявий ишларни амалга ошириш;

Ана шу қадриятларни ёшлар онгида шакллантириш давлат ва жамоат, таълим-тарбия, маънавий-маърифий муассасалар орқали олиб борилса, уларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ҳиссалари кўлами ошиб боради.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фуқаролар масъулияти ижтимоий-сиёсий фаолликни юксалтириш масаласида қуйидаги хулосаларни келтирамиз:

- фуқароларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий институтларда, айниқса, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялардаги иштирокини кенгайтириш;

- фуқароларнинг сиёсий иштироки орқали жамият жараёнларига онгли равишда ижтимоийлашуви жараёнини ташкил этиш;

- фуқароларни жамиятда “демократия дарсхоналари” ҳисобланган ўзини-ўзи бошқариш органларидаги иштироки орқали жамиятда жамоатчилик назоратини ташкиллаштиришнинг самарали механизmlарини яратиш, бу жараёнда оқсоқоллар, кек-са авлод тажрибаларига суюниш;

- аҳолининг бевосита демократия жараёнларида, яъни “жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари”¹ ҳисобланган сайловлар ва референдумларда фаол ва онгли равишда иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- жамиятда плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий ҳаётнинг ранг-баранглиги, мафкуравий жараёнларда илгор ғояларнинг мавжуд бўлиши каби жараёнларни ташкил этиш ва бу воқеликда аҳоли

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б. 5.

жамият жараёнларини ташкил этувчи сиёсий куч сифатида намоён бўлишига эришиш;

– жамиятда фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий ташаббускорлигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият ишига вижданан муносабати, масъуллиги, миллий хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик учун курашиш қобилияtlари ва кўникмаларини юксалтириш;

– аҳоли онгидаги демократик қадриятларни вужудга келтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, ОАВни тарғиботнинг энг самарали ва жиддий механизми сифатида фуқаролар орасида демократик қадриятларни тарқатувчи, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини кенгайтириш функциясини амалга оширувчи тузилма сифатидаги ролини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

ТАЖРИБАВИЙ АМАЛИЙ СЎЗЛАР

Жамоатчилик назорати, ижтимоий фикр, ижтимоий шериклик, фуқаровийлик, фуқаровий фаоллик, фуқаровий онг, ўз-ўзини англаш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, фуқаролик масъулияти.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ваколат бўлиб, унинг асосий институтларидан бири хисобланади

Жамоатчилик назорати ижтимоий меъёрларнинг бажарилишини кафолатлайди, конунбузарликларни аниклаб, уларни коралашдан, то мажбурий чоралар кўллашни таъминлашгача бўлган фаолиятни амалга оширади

Жамоатчилик назорати турли ижтимоий гурухлар манфаатини мувозанатлаш ва бу манфаатларнинг ўзаро тўқнашувига йўл қўймасликнинг асосий воситаси хисобланади

Жамоатчилик назорати жамият аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини умумий ижтимоий иродага жипслаштирган ҳолда жамият ёки унинг алоҳида институтларига таъсир кўрсатиш шакли сифатида намоён бўлади

Энг долзарб масалаларни ҳал этишда жамиятнинг истак ва интилишларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришнинг усули хисобланади

Жамоатчилик назорати ҳокимијат томонидан жорий этилмайди

Жамоатчилик назорати ҳукукий кўринишда ёки мажбурий хусусиятга эга эмас

Жамоатчилик назорати давлат бошкаруви органлари жамоатчилик назорати субъекти бўла олмайди

Фуқаровий онгнинг таркибий элементлари

Демократик меъёрлар

Демократик қадриялар

Ижтимоий-сиёсий, диний, ахлокий меъёрлар, талаблар, тамойиллар, коидалар

Фуқаровийликни ифода этүвчи мұхым жиындар



Фаоллик дәражалари



Умумий фаоллик

Гурӯхий фаоллик

Шахсий фаоллик

Фаоллик шакилари



Сиёсий фаоллик

Хуқуқий фаоллик

Иқтисодий фаоллик

Иқтисодий фаоллик

Ижтимоий фаоллик

Жамоатчилик назоратининг субъектлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Сиёсий партиялар

Нодавлат нотижорат ташкилотлари

Жамоатчилик назоратининг шакллари

Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар

Давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиши

Жамоатчилик муҳокамаси

Жамоатчилик эшитуви

Жамоатчилик мониторинги

Жамоатчилик экспертизаси

Жамоатчилик фикрини ўрганиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшлиши

Масъулият адолатли бўлишнинг мезони сифатига намойен бўлади. Чунки масъулият маънавий хатти-харакат асосида шахсада уч сифатни ҳосил қиласди: вужуд поклониги, мустаҳкам иродада, мақбул фельдшер.

Фуқаролик масъулияти

Сиёсий масъулиятга эга бўлган шахс ўз сиёсий имкониятлари, жамиятда тутган ўрни ва егаллиган мавқеи орқали фуқаролар жиислиги, уларнинг ягона мақсад йўлидаги сафарбарлиги, миллӣй кўтаринкилик ва жамият ривожланиши жараёнларида кенг иштирок этади

Жамият фуқароларга тенглик, озодликни ҳайётин воқеликка айлантирувчи турли хуқуqlарни бериси билан чекланмайди, балки шу хукуqlарга риоя қилинши, улардан жамият манбаатларини кўзлаб фойдаланишини талаб қиласди.

Конунларни билиш ва унга қатъий амал қилиш; меҳнат интизомини сақлаш; жамоа бурчига вижданан қараш; мулкнинг бозор шаклларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш; ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш; Ватанини кўз корачигидай асрар

Нодавлат нотижорат ташкілтлари ва фұқаролик жамияти бошқа институтлари вакылларининг давлат органлари хузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоатчылық-маслахат органлари фасилитида иштирок этиши

Ижтимоий шеріктер субъектлари томонидан биргалиқта тәдбирлар, маслағатлашувлар ва музокаралар үтказыш

Ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқып ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкілтларининг ва фұқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки

Ижтимоий шеріктер субъектлари томонидан битімлар ва шартномалар түзіш, биргаликдеги лойхадар ва режаларни ишлаб чиқып ҳамда амалга ошириш


Ижтимоий шеріктер шеккелері

Мұстакшы ишшаш үткін үшін сабакта тоғызырылған

Неге фұқаровий ғаоллук даражасы кишиларда ұзар ?



Фуқароликда фаолликка таъсир кўрсатувчи омилларни кластер усули орқали очиб беринг:



Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фуқаровийликнинг ҳусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- a) Ўз ҳақ-хуқуқларини тушуниш ва амалиётда кўллай билиш.
- b) Бошқаларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳурмат қилиш.
- c) Масъулиятилилк, тенглик.
- d) Барчаси тўғри.

2. Фаол фуқаролик даражаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- a) Масъулиятили, онгли ва вижданли.
- b) Воқеа-ходисаларга нисбатан муносабати шакланган.

- c) Ўз ҳақ-хуқуқларини чуқур тушунади.
- d) Ўз хуқуқини амалий жиҳатдан ҳимоя қила олади.

3. Фаол фуқароликнинг хусусиятлари қайси қаторда түғри кўрсатилган?

- a) Сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр.

b) Ўз ҳақ-хуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд.

c) Билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд.

d) Барчаси тўғри.

Фуқаролик жамиятида пассив фуқаро қандай намоён бўлади?

a) Ижтимоий муносабатлар ва жараёнларга бефарқ.

b) Жамоавий ишларда фаоллик кўрсатади.

c) Фақат давлатга ишонади.

d) Имкони даражасида фаолият юритади.

4. Фуқаровий фаоллик дастлаб қандай кўринишда намоён бўлади?

a) Кўнгиллилар жамиятлари воситасида.

b) Сиёсий партиялар орқали.

c) Тадбиркорлик орқали.

d) Маҳалла фаолияти орқали.

5. Фуқаровий фаоллик қандай институтлар орқали намоён бўлади?

a) Фуқаровий ташаббуслар.

b) Сиёсий партиялар.

c) Нодавлат-нотижорат ташкилотлар.

d) Барчаси тўғри.

6. Фуқаровий фаолликка тўсқинлик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

a) Фуқаролик жамияти шаклланмай қолади.

б) Фуқаролик институтлари фаолияти намоён бўлмайди.

с) Фуқароларда норозилик кайфияти пайдо бўлади .

д) Фуқароларда сиёсий билимлар пасаяди.

7. Масъулият деганда нимани тушунасиз?

а) Давлат ва жамият иши учун фаол хатти-ҳаракатлар.

б) Ҳар хил ижтимоий-сиёсий можароларга арала-шиш.

с) Маҳаллада тўй-маъракада фаол иштирок.

д) Ўз иқтисодий манфаатини кўзлаш.

8. Ўзбекистон фуқароларининг конституция-вий масъулиятини икки гуруҳга бўлинади. Тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

а) Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар ҳамда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар

б) Ўзбекистон Республикаси иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар ҳамда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар

с) Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар ҳамда ўз шахсий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар

д) Ўзбекистон Республикасида маънавий тарифиботни ривожлантиришга қаратилган масъулиятлар ҳамда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган масъулиятлар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Фуқаролик жамияти” деганда нимани тушунасиз?
2. Фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар қачон шакллана бошлаган?
3. “Фуқаролик жамияти” ғояси бўйича қандай концепцияларни биласиз?
4. Фуқаролик жамиятининг классик назариясини ким ишлаб ишлаб чиқсан?
5. Фуқаролик жамиятига берилган классик ёндашув таърифлари билан бугунги таърифларни солиштирадиган бўлсак, улар орасида қандай фарқ бор?
6. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва тамойиллари.
7. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини нима ташкил этади?
8. Фуқаролик жамиятининг сиёсий асосини нима ташкил этади?
9. Фуқаролик жамиятининг маънавий асослари деганда нимани тушунасиз?
10. Фуқаролик жамиятида индивид эркинлиги, ихтиёрийлик ва кўнгиллилик деганда нимани тушунасиз?
11. Фуқаролик жамиятининг асосий функциясига нималар киради?
12. Фуқаролик жамиятини тўлақонли англаш учун унинг иқтисодий асосларини атрофлича тушуниш керак. Нима учун?
13. Фуқаролик жамияти аҳоли ижтимоий фаоллигининг давлат органлари фаолиятига боғлиқ бўлмаган турли шаклларини ўзи ичига олган мажмумани ифодалайди, деганда нимани тушунасиз?
14. Демократия, хукуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти тушенчалари ўртасида қандай боғлиқлик бор?
15. Жамиятни модернизациялаш деганда нимани тушунасиз?
16. Нима учун инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, сиёсий жиҳатдан эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги, шахснинг шаъни ва қадркиммати фуқаролик жамиятининг энг олий қадрияти ҳисобланади?
17. Ислом Каримов “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” асарида қандай омилларни мамлакат тараққиётини белгилайди, деб кўрсатган?
18. Ислом Каримовнинг “Куч билим ва тафаккурдадир” шиорий фикри қандай мазмун-моҳиятга эга?
19. Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари қандай тарихий аҳамиятга эга?
20. Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да нечта устувор йўналиш белгилаган?
21. Қонун устуворлиги деганда нимани тушунасиз?
22. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-

тиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлиги масаласи ифодаланганми?

23. “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” деган дастурининг моҳияти нимада?

24. Ўзбекистон Республикаси марказий ҳокимият идораларининг қайси ваколатлари маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари зиммасига юклатилди?

25. Ўзбекистон Республикаси марказий ҳокимият идораларининг қайси ваколатлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари зиммасига ўтказилди?

26. Давлатнинг қайси ваколатлари Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритувчи нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари зиммасига ўтказилди?

27. Давлат ва фуқаролик жамиятия ўртасидаги ўзаро муносабатлар жамиятнинг комиллигига боғлиқ, деганда нимани тушунасиз?

28. “Юксак маънавият – енгилмас куч” ғоясининг моҳияти қандай?

29. Бепарво одамнинг белгиларини айтинг?

30. Замонавий қаҳрамон керакми?

31. Замонавий қаҳрамон маънавий қиёфаси қанақа бўлади?

32. Ислом Каримовнинг Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаширишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари нималардан иборат?

33. Ислом Каримовнинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари нималардан иборат?

34. Ислом Каримовнинг “Сайлов – бу демократия, демократия – бу сайлов демақдир” шиорий ғоясининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

35. Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигни таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада демократлаширишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари нималардан иборат?

36. Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясидаги нутқида қандай асосли таклифларни ўртага ташлаган?

37. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи қандай ташкилотлар мавжуд?

38. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳақида нималарни биласиз?

39. Демократик ахлоқий муносабатларнинг асосий белгилари нималардан иборат?

40. Адолат тушунчалини нима маънони англаради?

41. Даҳлдорлик туйғуси деганда нимани тушунасиз?

42. Даҳлдорлик хислатлари қандай намоён бўлади?

43. Фуқаролик онги деганда нимани тушунасиз?

44. Эркин фуқаро маънавияти деганда нимани тушунасиз?

45. Фуқаро масъулияти деганда нимани тушунасиз?

46. Фаол фуқарони қандай тасаввур қиласиз?

47. Фуқарода фуқаровий хусусиятларни қандай шакллантиришумкин?

48. Фуқарода фаол фуқаролик позицияси юзага келиши нималарга боғлиқ?

49. Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги қандай шаклларда намоён бўлади?

50. Жамият тафаккурини янгилаш деганда нимани тушунасиз?

51. Фуқаролик онги ижтимоий тизимнинг ўзгариши билан янгиланадиган қадриятларга мослашиб боришига мисоллар келтиринг?

52. Демократия нима?

53. Демократик тизим тушунчаси нимани англатади?

54. Эркинлик деганда нимани тушунасиз?

55. Ҳукуқий давлат шаклланиши ва ривожланиши учун ўзига хос реал омиллар нималардан иборат?

56. Эркин бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятнинг асосини нима ташкил этади?

57. Инсон эркинлиги унинг моддий фаровонлиги билан узвий боғланган деганда нимани тушунасиз?

58. Давлат нима?

59. Давлат фуқаролик жамиятисиз ҳам мавжуд бўла оладими?

60. Ҳукуқий давлатчилик тушунчаси қандай тизимни англатади?

61. Фуқаролик жамияти шароитида давлат қандай кўриниш ва усулларда эга бўлган институт намоён бўлади?

62. Фуқаролик жамияти куришда давлатнинг бош ислоҳотчилик ўрни нималарда намоён бўлади?

63. Инсонда давлатта нисбатан ҳурмат ҳиссини нималар оширади?

64. Қонун устуворлиги деганда нимани тушунасиз?

65. Қонунга итоаткорлик деганда нимани тушунасиз?

66. Конституциянинг қайси моддаларида фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиши белгиланган?

67. Қонун устуворлигининг таркибий қисмлари бўлмиш жамият ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатда қандай принципларга амал қилиш керак?

68. “Ўзбек модели”да қонун устуворлиги принципи ифодаланганми?

69. Қонун – халқнинг хоҳиш-иродаси деганда нимани тушунасиз?

70. Қонун устуворлигини таъминлаш, судларнинг мустақиллигини амалда рўёба чиқариш, “Хабеас корпус” институтининг қўйланилиши қандай аҳамиятга эга?

71. 2008 йил 1 январдан бошлаб прокуратуранинг фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилганинг моҳияти нима?

72. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (2017 йил 3 январь) қандай аҳамиятга эга?

73. 2017 йилнинг 21 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони судлар тузилмасида қандай ўзгаришларни юзага келтирди?

74. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қонунлар орқали тартибга солинади, деганда нимани тушнасиз?

75. Фуқаролик жамияти асосларини ташкил этиш борасидаги қандай замонавий тадқиқотларни биласиз?

76. Сиёсий партиялар фракциялари деганда нимани тушнасиз?

77. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси модасига мувофик, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?

78. Олий Мажлис юқори палатаси депутатлари фаолияти нималарда намоён бўлади?

79. Муайян депутат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳокама учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонун лойиҳасини киритиши мумкинми?

80. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim модаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаоллигининг ошишида қандай аҳамиятга эга?

81. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг ҳозиргача чоп этилган асарлари қандай номланади ва қайси йилларда чоп этилган?

82. 2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясига биноан Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш нечта фаолият турини қамраб олган?

83. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили давлат дастури асосида қандай ишлар амалга оширилди?

84. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ижтимоий соҳага оид қандай устувор масалалар кўтарилган?

85. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид қандай вазифалар белгиланди?

86. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасининг аҳамияти?

87. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармон қачон қабул қилинди?

88. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг "Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус" и қандай мазмунга эга?

89. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамлеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидаги асосий масалалар?

90. 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ийли”да замонавий, оқилюна бошқарув тизимини жорий этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

91. 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ийли”да қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ соҳасини тақомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

92. 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ийли”да қандай ижтимоий масалалар ҳал этилди?

93. “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари ижроси қандай на-моён бўлди?

94. Судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида белгилаб кўйилган?

95. “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон (2016 йил 21 октябр) қандай устувор йўналишларни қамраб олди?

96. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) жумласидаги “но-тижорат” атамаси ўзида қандай мазмунни ифодалайди?

97. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва уларнинг хукуқий асослари нималардан иборат?

98. Фуқаролик жамияти амалиёти таълим, соғлиқни сақлаш, экология, ижтимоий таъминот, меҳнат муносабатлари, бандлик, маданият, диний ҳамда этник муносабатлар, сайловлар, оммавий ахборот воситалари ва ҳоказо соҳаларда сон-саноқсиз ННТларнинг соф амалий характердаги фаолиятини ифода этмоқда. Нега?

99. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар нима учун керак?

100. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар вазифалари нималардан иборат?

101. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар ва жамоат тузилмалари ваколатларига нималар киради?

102. “Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қачон қабул қилинган?

103. Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида нечта нодавлат-нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда?

104. Бугунги кунда республикамида нечта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд, улардан нечтаси маҳалла, нечтаси шаҳарча, нечтаси қишлоқ, нечтаси овул фуқаролар йигинини ташкил этади?

105. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш юзасидан қандай фармон ва қарорлар қабул қилинган?

106. Фуқаролик жамиятида фуқаролар ва уларнинг турли ташкилотлари уюшмалари, бирлашмалари ўртасидаги муносабат горизонтал характерга эгами ёки вертикал?

107. Ўзбекистонда нечта партия фаолият кўрсатмоқда? Улар қачон ташкил топган ва асосий шиорлари?

108. Нима учун қўппартиявийликка асосланган ижтимоий-сиёсий муносабатлар фуқаролик жамиятини куриш учун шарт-шароитлар яратади?

109. Бугунги кунда мамлакатимиизда рўй бергаётган ислоҳотларга назар ташланса, фуқаролик жамияти қандай манзарада кўзга ташланади?

110. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2017-2020 йилларни ўз ичига олган даврда нечта қонун қабул қилинди ва амалдаги қонунларга нечта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди?

111. “Рақамли Ўзбекистон-2030” тушунчаси мазмунни нималарни ўзида ифодалайди?

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"нинг мақсади.
2. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"нинг асосий йўналишлари.
3. Давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари.
4. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тушунтириш.
5. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ килишнинг устувор йўналишлари.
6. Ёшлар муаммоларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли.
7. Шарқ ва Фарбда ўрта асрлар ҳамда Уйғониш босқичларида сиёсий таълимотлар.
8. XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ижтимоий сиёсий қарашлар.
9. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.
10. Жадидларнинг одил жамият тўғрисидаги қарашлари.
11. Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг "Ўзбек модели".
12. Демократик жамият қурилишининг турли хил миллий моделлари мавжудлиги.
13. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва "Ўзбек модели".
14. Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"да демократик жамият қуриш тамойиллари: иқтисодётнинг сиёсатдан устуворлиги.
15. Давлат бош ислоҳотчи.
16. Қонун устуворлиги.
17. Кучли ижтимоий ҳимоя ва босқичма-босқич ривожланиш.

18. “Ўзбек модели”нинг жамият ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларида намоён бўлиши.
19. “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
20. Демократик жамият қуришда “Ўзбек модели”нинг ўрни.
21. “Ўзбек модели”нинг дунё давлатлари томонидан эътироф этилиши.
- 22 “Дунёвий давлат” ва “миллий давлатчилик” тушунчалари.
23. Ўтиш даври тушунчаси. Унинг мустақилликни кўлга киритган барча мамлакатлар учун зарурлиги ва моҳияти ҳамда умумий қонуниятлари.
24. Ўтиш даврининг “классик”, “инқилобий”, “эволюцион” йўллари.
25. Ўзбекистонда “ўтиш даври”га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари.
26. Эволюцион, тадрижий ривожланиш йўлининг моҳияти.
27. И. Каримов томонидан Ўзбекистоннинг “эволюцион тадрижийлик” асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий, концептуал методологиясининг ишлаб чиқилиши.
28. Ўзбекистонда “эволюцион-тадрижий ривожланиш”нинг реал ҳаётга татбиқ қилиниши.
29. “Ўтиш даври”нинг аҳамияти.
30. Ўзбекистон Республикасида “Ўтиш даври”нинг ўзига хос хусусиятларининг дунё давлатлари томонидан ўрганилиши.
31. Демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойиллар тушунчаси.
32. И. Каримов Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларга таяниш тўғрисида.
33. Миллий қадриятларнинг демократик жамият қуришда акс этиши. Демократик жамият барпо этишда умумбашарий тамойилларга бўлган зарурат.

34. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари унинг ўзига хослиги.

35. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг уйғунлашуви.

36. Демократик тамойилларга амал қилиш шартшароитлари.

37. Ўзбекистонда адолатли, демократик жамият барпо этишда миллий қадриятларнинг умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштирилишининг аҳамияти.

38. Демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг ўрни.

39. И. А. Каримов асарларида демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойиллар түғрисидаги назариялар.

40. Демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг аҳамияти.

41. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши.

42. Кодекс, қонун ва норматив-хуқуқий хужжатлар асосида адолат ва инсон манфаатлари устуворлиги.

43. Президентлик институти.

44. Вазирлар Маҳкамаси.

45. Суд мустақиллиги.

46. Давлат органларининг ваколатлари.

47. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти.

48. Ўзбекистон Республикасида марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари деганда нимани тушинасиз?

49. Давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви тушунчаларини таърифлаб беринг.

50. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш қачон бошланди, бу соҳада нималарга эришилди?

51. Ўзбекистонда қандай жамият ва давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинган?

52. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни.

53. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислоҳотларининг янада чуқурлашуви.

54. Ўзбекистонда давлат бошқаруви - ижрочилик фаолияти юритиш хусусиятига эга бўлган давлат ҳокимияти фаолиятини амалга оширишнинг ягона кўриниши.

55. Қонунлар, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларининг ҳаётга жорий этишга қаратилганлиги.

56. Давлат бошқаруви хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилиши.

57. “Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги” тушунчаси, унинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги талқинлари.

58. Абу Наср Фаробийнинг комил инсон ва фозил жамият тўғрисидаги қарашлари.

59. Ҳозирги давр демократиясида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.

60. И. А. Каримов демократик жамият қуришда инсон ва шахс эркинлиги, фаоллигини юксалтириш тўғрисида.

61. Ўзбекистонда инсон фаоллигини ошириш демократик жамият қуришнинг асосий омили эканлиги.

62. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш - демократик жамият қуришнинг бош мақсади.

63. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришда фуқароларнинг қонун ва қарорлар қабул қилишдаги фаоллиги.

64. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги демократик жамият қуришнинг зарурый шарти.

65. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва унинг моҳияти.

66. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий тамойиллари.

67. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

68. Ташқи иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштириш.

69. Иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизациялаш.

70. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш.

71. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “кучли ижтимоий ҳимоя” ва “ижтимоий адолат тамойиллари” тушунчалари.

72. “Адолат” ҳамда “тенглик” тушунчалари.

73. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ҳақидаги ғоялари.

74. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя - жамиятда тартиб, интизом, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш омили сифатида.

75. Президент Ш. М. Мирзиёевнинг мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш тўғрисидаги ғоялари.

76. Демократик жамият турли қатламлар, гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштиришда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимоянинг барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.

77. Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.

78. Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни.

ГЛОССАРИЙ

АДОЛАТ (араб. – одиллик, тўғрилик) – у ёки бу қадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида аниқ тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажралмас ҳуқуқларини ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

АМНИСТИЯ – жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарлиқдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан 499 белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

АРТИКУЛЯЦИЯ – (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоий- руҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълум сиёсий мақсадлар ҳамда талабларга айлантириш жараёнини англатади.

АХБОРОТ – (–информатио|| лотинчадан маълумотлар, тушунтиришлар, баёнларни англатади) – бу маъмурий, ташкилий тадбирлар ўtkазиш ҳақида қарорларни қабул қилиш учун, шунингдек, таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим фактлар (шахслар, ҳаракатлар, ташкилотлар, воқеалар) тўғрисидаги маълумотдир. Фалсафий нуқтаи назардан ахборот бизнинг маълумот (белги) олиш натижасида ўрганилаётган ҳодисалар (жараёнлар) ҳақида тасаввурларимизнинг ноаниқлигини камайтириш ёки олиб ташлашни таъминлайди. Нимадир ҳақида тушунча тузиш; кимнидир фаолияти, нимадир фаолияти ёқишининг аҳволи ҳақида хабар, хабардорлик.

АХБОРОТ МАДАНИЯТИ – жамиятнинг ахборот ресурслар ва ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, бу мақсадларда ахборотлаштириш воситалари ва ахборот технологияларни ривожлантириш соҳасида илғор ютуқларни қўллаш қобилияти. Ахборот маданияти кишида ахборот муҳити билан ўзаро муносабатда билим, маҳорат, кўникма ва рефлексли кўрсатмалар мавжуд бўлиши орқали ифодаланади. Кишининг ахборот маданиятининг энг муҳим элементларидан бири – ахборот ресурсларини билиш (улардан эркин фойдаланиш имконияти).

АХБОРОТ МАКОНИ – (Ахборот муҳити) ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш бўйича техниковий ҳамда дастурий воситалар, шунингдек, ахборотлаштириш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шартшароитлари мажмуаси.

АХБОРОТ СОҲАСИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ – (либера-лис. лотинчадан эркинликка тааллуқли) ОАВ ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайиш жараёни, шунингдек, уларнинг фаолиятидаги чекловларни олиб ташлаш ва давлат назоратини сусайтириш.

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошقا оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуки ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз. Рес. Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркин-дир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ахборот фойдаланувчилари манфаатида уни йиғиш, ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс этиш ва фойдаланиш 500 мақсадида интеграллашган методлар, ишлаб

чиқариш жараёнлар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуюи.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ – информация, ижодиёт ва интеллектуал технологиянинг аҳамияти ортиб борган жамият назарда тутилади. Бу жамият компьютерлар, лазер техникаси, биотехнология, ген инженерияси, информатика, электроника, телевидеокоммуникация ривожи билан боғлиқ равишда мавжуд бўла олади. Бу жамиятда асосий эътибор машиналарни ўзгартиришга эмас, балки кишилар онги ва маданиятини ўзгартиришга қаратилади.

БАРҚАРОРЛИК – нарса ва ҳодисаларга хос муайянлик, уйғунлик.

БЕҚАРОРЛИК (ўзгарувчанлик) - нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиши.

БИЛЛ – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси. Бипартизм-ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув.

БОЗОР – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотовчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлиш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндисидир.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – товар ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишини ва иқтисодий жараёнларни уйғулаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

БУРЧ - инсоннинг жамият олдидаги вазифаси.

ВАЙРОНКОР (БУЗГУНЧИ) ФОЯ – ёвузылик ва жаҳолатга, айрим жинояткор кучларнинг хукмронлигини ўрнатишга хизмат қиласидиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкор-

лигига зид бўлган ғоялар мажмuinи ифодаловчи тушунча.

ВАТАН (АРАБЧА –ВАТАН|| – ОНА ЮРТ) – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой,

ВАТАН РАВНАҚИ – миллий истиқлол мафкурасининг ғояларидан бири. Ватан равнақи ғояси, унинг мазмуни ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни ҳалқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

ВАТАНПАРВАРЛИК – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик қўрсатиб яшаш, она ҳалқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик - она-юртнинг, ҳалқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини қўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қиласлик ҳуқуқи.

ГЕНЕЗИС - юонон. генесис- келиб чиқиш; пайдо бўлиш, ташкил топиш жараёни.

ГЛОБАЛ - фран. глобал-умумий; умуман олганда, бутун Ер юзи бўйлаб.

ГУМАНИЗМ (ИНСОНПАРВАРЛИК) – тенглик, адолат, ўзаро хурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш.

ГУРУХ - манфаатлар, қарашлар, касбий, фаолият тарзи бўйича бирлик ва умумийлик касб этган шахслар йифиндиси, бирлашмаси.

ДАВЛАТ – муайян ҳудудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир ҳудуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади. Жамиятни бошқарув тизими сифатида Давлат ички тизимга ўз ваколатларини амалга ошириш учун маҳсус органларга эга. Давлат одамлар ва жамоат гуруҳларининг фаолияти ҳамда муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қиласиди. Давлат тасарруфидан чиқариш - давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ – фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асррабавайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуи.

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ – парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш мақсадида ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик партиясидан сайланган депутатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР – бу, давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчи демократик

тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади. Демократик институтлар - жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топишига хизмат қиласидиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси.

ДЕМОКРАТИЯ (юонча, –демос|| – халқ, –кратос|| – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимнинг шакли. Демократия инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши тамоили расмий эълон қилинди ҳамда фуқароларнинг эркинлиги, тенг ҳукуқлиги эътироф этилди.

ЖАМИЯТ – инсонлар муносабати ва ижтимоий алоқалар мажмуаси. Жамият тарихий, моддий-маънавий ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда умумий орзу-мақсадлари билан бирлашган инсонлар уюшмасининг алоҳида шакли. Жамият доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлиб, унинг асосини инсонлар ташкил этади.

ЖАМОА МАНФААТИ – кишилар гуруҳи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуидир. Жамоат бирлашмалари – фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ - фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳукуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш мақсадларида тузилади.

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ – қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси, ҳокимият қарорлари қандай

қабул қилиниши ва ижро этилиши, қонун ва бошқа қонун хужжатларининг тайёрланиш жараёни, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик вакиллари ва жамоат ташкилотларининг назорати

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ни таъминловчи қонун хужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолият

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ – барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро teng хукуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

ИЖТИМОЙ МАНФААТ – бу барча жамият аъзоларининг биргаликда рўёбга чиқадиган манфаатлариdir.

ИЖТИМОЙ МУВОЗАНАТ – кишилар хатти-ҳаракатининг мослашуви, улар манфаатларининг гуйғунлашуви, ижтимоий груп ва институтлар ҳаракатида муроса-созлик, ўзаро келишувлар бўлиши. Ижтимоий мувозанат кишилар ва ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқаларининг тенглиги шароитида амал қиласи. Бу омил ижтимоий барқарорликни вужудга келтиради.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР – кишилар, ижтимоий гурухлар, миллатлар, ташқи табақалар ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ички иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мафқуравий ва маданий соҳалардаги фаолиятини ташкил қиласи.

ИЖТИМОЙ СОҲА – аҳолининг муносабатларни турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси.

ИЖТИМОЙ ҮЮШМАЛАР - фуқаролар манфаатлари умумийлиги ва ихтиёрийлик асосида вужудга келувчи, лекин ўз фаолияти натижасида даромад олишни кўзламайдиган ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба үюшмалари, аёллар, кексалар, ногиронлар, ёшлар, болалар ташкилотлари, илмий-техник, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, жамғармалар, ассоциациялар, бошқа тузилмалар). Демак, фуқароларнинг ҳар қандай кўнгилли үюшмаси – ижтимоий үюшмадир.

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК - ижтимоий субъектларнинг хатти-ҳаракати, бу хатти-ҳаракатлар уларнинг ҳаётий фаолият шароитларини яратади ёки ўзгартиради ҳамда уларнинг ўзликларини ҳам ривожлантиради.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

ИЖТИМОЙ ШАРТ-ШАРОИТ – ижтимоий борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг вужудга келиши, мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган обьектив ва субъектив омиллар мажмуи.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК - давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК – муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яра-

тилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ёлғиз ўзи эгалик қилиши.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ - унга тор маънода фақат давлат ҳимоя қиладиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини хурмат қилиш, виждан ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуклари киради.

ИНСТИТУТ - лот. институтум-маҳкама, идора, муассаса; тизимлаштирилган, ҳаммага танилган, амалда қўлланилаётган ва эътироф этилган (ҳар қачон ҳам ўз расмий тасдифини топавермайдиган), у ёки бу тарзда мустаҳкамланган қоидалар ва меъёrlарга мувофиқ ўзаро хатти-ҳаракат қилиш учун қўллаб-қувватланаётган кўрсатмаларга эга бўлган ижтимоий агентларнинг ўзаро хатти-ҳаракатларининг шакллари киради.

ИНТЕГРАЦИЯ - лот. интегратио-тикланиш, бажариш; интегер-бир бутун; қандайдир қисмларнинг бир бутунликка бирлашиши.

ИНТЕРФАОЛ МУЛОҚОТ – реал вақт режимида турли ОАВ (асосан Интернет) воситасида –жонли|| мулоқот қилиш. Шартли равишда бундай мулоқотнинг бир неча шаклини белгилаш мумкин:

ИНФОРМАЦИЯ – лот. информатио – хабардор қилиш, тушунтириш, баён қилиш маъноларини беради.

КАСАБА ЎШМАЛАРИ – корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоларида ишлаётган ишчи ва ходимларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат-нотижорат ташкилоти.

КОНСТИТУЦИЯ – лотинча сўз бўлиб, тузилиш, ўрнатиш деган маъноларни билдиради.

КОНФЕССИЯ - лот. сõнфессио динлар ва унинг шахобчалари, тармоқлари, мазҳаб, оқим ва йўналишларини ифодаловчи умумий тушунча.

КОНЦЕПЦИЯ - лот. сонсептио-идрок қилиш, идрок, ўзлаштириш; у ёки бу ҳодисаларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ҳодисаларни кўриб чиқиш, ниманидир англаш усули.

КООПЕРАЦИЯ - лот. сооператио-ҳамкорлик; кўпчилик кишиларнинг биргаликда битта ёки ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлган бир неча фаолиятлардаги иштироки, меҳнатни ташкил этиш шаклларидан бири; ишлаб чиқариш ва маҳсулот айирбошлиш соҳасидаги жамоавий бирлашма.

КОРРУПЦИЯ - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равищда фойдаланиши.

КОСМОПОЛИТИЗМ - (юон. космополитес – дунё фуқароси) – дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш фоясини илгари сурадиган қараш.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК - мамлакат парламентида кўпчилик ўринни олиш учун teng имкониятга эга бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлган сиёсий тизим

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН-КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ - ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир.

ҚОНУН – қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муносабатларда му-

аяян тартиб жорий этиш борасидаги иродасининг намоён бўлиши.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши.

ҚОНУНИЙЛИК – қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органдари, мансабдор ва бошقا шахсларнинг оғишмай амал қилиши.

ЛЕГИТИМЛИК – (лот. қонуний) муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлигини а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини англатувчи тушунча. Тарихан анъанавий, харизматик, оқилона-қонуний шаклларда намоён бўлади.

ЛИБЕРАЛИЗМ – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлоқлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И. Бентам, Ж. Милл, А. Смит, Г. Спенсер).

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт.

МАДАНИЯТ – кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

МАНФААТ - субъектнинг шарт-шароитга, яъни ўзининг турли хил эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муносабати ва фаолиятининг мажмуидир. Ижтимоий манфаат шахс ёки ижтимоий уюшманинг муайян

жамиятдаги объектив, реал ахволидан келиб чиққан ҳолда бир бутун ижтимоий тизимга бўлган муносабатлари мажмуини билдиради

МАНФААТЛАР ГУРУҲЛАРИ - унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичидаги ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлар.

МАҲАЛЛА – халқимизда тарихан таркиб топган кишилар бирлиги. “Маҳалла” арабча сўздан келиб чиқиб, “шаҳар ичидаги шаҳар” маъносини англатади. Ўзбек халқи тарихида маҳалланинг тарихи минг йиллар олдин бошланган. Ўнлаб, юзлаб хонадонлар ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини, хўжалик тарзини ушбу бирлик доирасида амалга оширган.

МАҲАЛЛИЙ (ЁКИ МУНИЦИПАЛ) БОШҚАРУВ - маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш.

МАЪНАВИЯТ – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

МАЪРИФАТ – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усуларининг мажмуи.

МЕНТАЛИТЕТ - фран. менталите; лот менталис-ақлий, руҳий, маънавий, ақл йўналиши, ақл бичими, ақлий етуклик, заковат; маълум шахс, ижтимоий гуруҳ (кичик, катта, миллий) учун характерли бўлган

дунёқараш, дунёни англаш, воқеликни қабул қилиш усул; фикрлаш тарзи.

МИЛЛАТ – тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян худудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир.

МИЛЛИЙ ҒОЯ – аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун ҳалқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу интилиш ва умид-мақсадлари йиғиндиси.

МОДЕЛЬ - фран. модель-намуна, тарх, тасвири тавсиф.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ - фран. модернизер-замонавий; замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВлари - давлат бошқарувидан ҳоли бўлган, ўзининг фикр ва сўз эркинлигини рўёбга чиқарувчи, лекин бунда ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасидагина олиб борувчи оммавий ахборот воситаларидир.

НИЗОМ - муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив хужжат ҳисобланади.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ (ННТ) - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзола-

ри) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

ОДИЛ СУДЛОВ – қонун ва у билан белгиланган тартиб-тамойилга қатъий риоя қилган ҳолда судлар томонидан жиноят, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурӣ ҳуқуқбузарлик тӯғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг тури.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ – кенг кўламда ахборотни йиғиш, ишлаш ва тарқатишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва каналлар (матбуот, китоб нашриётлари, матбуот агентликлари, радио, телевидение ва ҳ. к.).

ОНГЛИЛИК – ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий шаклда акс эттириш.

ПАРЛАМЕНТ - ингл. парламент, франц. парлер-гапирмоқ ва сўзламоқ; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХОЛИФАТ-янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар груҳи.

ПАРТИЯ - лот. парс (партиис)-қисм, груҳ; қандайдир ижтимоий қатлам ёки груҳ манфаатларини ифодаловчи, қандайдир сиёсий мақсадларни кўзловчи ташкилот.

ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ - фуқароларнинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи.

ПЛЮРАЛИЗМ - лот. плуралис-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифо-

даловчи турли-туман ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

ПРЕЗИДЕНТ – лот. праесиденс (праесидентис) – олдинда ўтирувчи, раислик қилувчи, бошда турувчи сўзларидан олинган бўлиб, кўпчилик Президентлик ва парламент республикалари жорий этилган мамлакатларда маълум бир муддатга сайланган давлат бошлиғи.

САЙЛОВ – аҳолининг расмий мансабни эгаллаш учун бирор шахсни танлаши жараёни.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – давлат бошлиғи, вакиллик орғанлари ва бошқани сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йифиндиси. Сайлов ҳуқуқи, одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги маҳсус қонунлар билан белгиланади.

СЕНАТ - лот. сенатус-эски, қария; кўпчилик мамлакатлар парламентининг юқори палатаси.

СИЁСАТ СУБЪЕКТИ – сиёсий муносабатларда иштирок этётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР – ижтимоий гуруҳлар манфатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.

СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ - инсоннинг сиёсий ҳодисаларга доир қадриятларга оид тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқи кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолият услуби.

СИЁСИЙ ОНГ – турли ижтимоий гурухларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабатига оид қарашларнинг бир тизимга солинган назарий ифодаси.

СИЁСИЙ ТИЗИМ – жамиятда сиёсат, ҳокимият ва бошқарувни шакллантириш ҳамда амалда руёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар йиғиндиси.

СОЦИАЛ – лот. социалис – ижтимоий, жамоатчилик; жамият ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган.

СОЦИУМ - лот. социум-умумий, биргалиқдаги; инсонлар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини бирлигини характерловчи ижтимоий умумийлик, бирлик.

СТРАТА – (лот. stratum)-қатлам.

СТРУКТУРА (лотинча –струстура|| --тузилма||, –тузилиш||) – объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанигини, яъни турли ички ва ташқи ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисидир.

СУБОРДИНАЦИЯ – (лот.) тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даражалари бўйича кичик мансабдорларни катта мансабдорларга бўйсунишига қатъий амал қилиш.

СУВЕРЕН – фран. соувераим-олий сўзидан олинган бўлиб, олий, суверенитетга эга бўлиш, мустақил, қарам бўлмаган маъноларини беради.

СУВЕРЕНИТЕТ – (фран. –соуверэнитэт||) давлатнинг ички ишлар ва ташқи муносабатларда хорижий арала-

шувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва мухторияти.

СУД ҲОКИМИЯТИ - суд томонидан процессуал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда процессуал ва моддий ҳуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган ҳокимият ваколати.

ТАРАҚҚИЁТ - жамият ривожланишининг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган, бир сифат босқичидан янги сифат босқичига ўтиши жараёни.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ - истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегия бўлиб, тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган беш тамойили вужудга келди.

ТАРТИБ - белгиланган, меъёрларга асослаган, мақсадга мувофиқ фаолият, ҳаракат ва йўналишлар

ТАРТИБСИЗЛИК (хаос) - маълум қонун-қоида талабарига жавоб бермайдиган ҳолат ва ҳодисалар, интизомга зид хатти-ҳаракатлар.

ТОЛЕРАНТЛИК - (лат. Толерानс-толерантис) ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилганда чидамлилик, сабрлилик, бардошлилик, тоқатлилик маъноларини англатади. Бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.

ТОТАЛИТАР - (лот. тоталис-бутун, тўла, бир бутун); давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини назорат қиласиган давлат шакли, амалда конституцион ҳуқуқ ва эркинликларнинг тугатилиши; бу режимда давлат ҳокимияти бирон-бир гурух (сиёсий партия) қўлида тўпланиб, мамлакатда

демократик эркинликлар ва сиёсий муҳолифатни амал қилиши учун имкониятлар бўлмайди.

ТРАНСФОРМАЦИЯ - лот. трансформатио – ўзгариш; тузилмаларни, шаклларни ва усулларни ўзгартириш, фаролиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

ТРЕД-юнионистик назария- ижтимоий шерикликнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиши тўғрисидаги назария.

ТРИПАРТИЗМ-ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат-нотижорат ташкilotлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

ЎЗ – ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ – инсоннинг ўз хатти ҳаракатларини, эмоцияларини бошқара олиш қобилияти.

ЎЗ – ЎЗИНИ ТАНҚИД ҚИЛИШ – инсоннинг ўз ҳаракатларидаги хатоларни топа олиши, ўз-ўзидан қониқмаслик асосида ўз фаолиятини танқидий баҳолаши.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ (ингл. munisipal ўзини ўзи бошқариш) – у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари киради.

ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ – инсоннинг ўз мавжудлик мөҳиятини англаши, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши.

УКЛАД - тартиб, тарз; маълум ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асосий хўжалик шакли.

УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТ – дунё ҳалқарининг кўпчилиги томонидан тан олинган, хуқуқий меъёрлар таркибига киритилган ёки қадрият, анъана ва масъули-

ятига айланган, воқеълик ва ёхуд муносабатлар тизими-га нисбатан қўлланиладиган тушунча.

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ – шахснинг у мансуб бўлган жамият ёки ижтимоий гуруҳ ҳаётидан келиб чиққан ҳолда ҳосил қилинган қатъий фикри, ўзини шу жамиятнинг бир бўлаги деб ҳис этиш ҳамда ўз иштирокида дахлдорлик, фидойилик ва ижтимоий фаоллик каби хусусиятларни мужассамлаштириши.

ФАОЛЛИК (*арабча, тез, шиддатли ҳаракат*) – шахснинг ҳаётда маълум бир мақсад йўлидаги илфор ва интилувчан хатти-ҳаракатларни намоён этишини англатувчи тушунча.

ФЕМИНИЗМ - лот. фемина-аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

ФИКР ЭРКИНЛИГИ – бу жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазииклардан муҳофаза қиласидиган ижтимоий муҳит.

ФОРУМ - лот. форум; вакиллар мажлиси, қурултойи, конгресси; қадимги Римда халқ мажлиси ўтказилган майдон.

ФРАКЦИЯ - лот. фрастио-бузиш, синиш, дарз кетиш; парламент аъзолигига ёки бошқа вакиллик органларига сайланган депутатлар бирлашмаси.

ФУҚАРО - муайян давлат Конститутцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана оладиган, қонунларда кўрсатилиб ўтилган бурчларни бажариши шарт бўлган шахс.

ФУҚАРОВИЙ ОНГ – фуқаронинг давлат билан сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари ва кишининг бирор-

бир давлатга мансублиги, шу давлатнинг қонунларига бўйсуниши.

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ – фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш тизимида бевосита демократия институти сифатида ижтимоий жамоа ҳаракатларининг узвий бирлигини ташкил этиб, у ёки бу масалани муҳокама қилиш, аҳоли ва алоҳида шахснинг фаол иштироки орқали биргаликда қарорлар қабул қилиш кабиларда ўз ифодасини топади.

ФУҚАРОЛИК – ҳуқуқий ўрни қонун билан мустаҳкамланган шахснинг давлат ичкариси ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, маълум бир давлатга қарашлилиги.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ - эркин уюшмаларнинг кўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиш ва бажариш, жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамият.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛARI - фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиласидаган ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар.

ФУҚАРОЛИК МАСЬУЛИЯТИ – қонун устуворлигини тан олиш ва ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётни тақомиллаштириш жараёнида иштирок этиш вазифасини теран ҳис қилиш.

ХАЛҚ - (араб. яратилган жонзор, одамлар) – кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли

шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва бошқаларни ифода этувчи тушунчадир.

ХАРТИЯ – (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий-сиёсий характердаги ҳужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ - мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – давлатнинг маълум муддатга ёки узоқ йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури.

ҲУҚУҚ – давлат томонидан ўрнатиладиган ва бажарилиши таъминланадиган, ўзида тенглиқ, эркинлик, адолат ва хавфсизлик тамойилларини ифодалайдиган умуммажбурий характерга эга бўлган хатти-ҳаракат, юриш-туриш қоидалари мажмуидир.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ - бу ҳуқуқ ҳукмонлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этиладиган ва кафолатланадиган, ҳокимиятни ташкил этиш ҳокимиятлар бўлинишига асосланадиган демократик давлатdir.

ЭЛАТ - бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум ҳудудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади.

ЭЛЕКТОРАТ – сайловларда маълум сиёсий партияга (сиёсий лидер)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ – (англ. э-Говернмент) – бу фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимиятининг бошқа

тармоқлари ва давлат хизматчилариға ахборотни тақдим қилиш ва шаклланиб бўлган давлат хизматла-рининг тўпламини кўрсатиш усулидир, бунда давлат ва аризачи ўртасидаги ўзаро шахсий алоқа минималлашти-рилган ва имкон борича максимал равищда ахборот тех-нологиялардан фойдаланилади.

ЭМПИРИЗМ - юон. эмпериа-тажриба; тажрибани билишнинг бирдан-бир воситаси деб тан олувчи таъли-мот.

ЭРКИНЛАШТИРИШ - мамлакатнинг демократик жа-миятга ўтиш ва ислоҳотлар ўтказиш жараёнида мав-жуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ён бериш-га мажбур этадиган омиллардан қутулишга қаратилган амалий фаолиятдир.

ЭРКИНЛИК - инсоннинг жамият олдидаги вазифани бажаришни эркин, ихтиёрий танлаш, бажариш учун эр-кин муҳитга эга бўлиш. Э. инсонни сиёсий, иқтисодий, маънавий зўриқишидан ҳимоя қилиш. Э. жамият томо-нидан инсонни очлиқдан ва қашшоқлиқдан, кўрқувдан, жаҳолатдан, яккаланиб қолишидан ҳимоя қилишнинг ка-фолатидир.

ЭТНОС – юн. этхнос - халқ, қабила, тўда, кишилар гурӯҳи, ирқ маъноларини англатади.

ЭҲТИЁЖ – муайян ижтимоий тизим қонунлари асо-сида келиб чиқадиган заруриятнинг кўриниши, намо-ён бўлишини, организм, инсон шахси, ижтимоий гурух, миллат, халқ ва умуман, жамиятнинг мавжудлиги ва ри-вожланиши учун объектив равищда зарур бўлган фао-лиятни юзага чиқарувчи ички сабабdir.

ЮҚСАК МАЪНЯВИЯТ – инсон маънавиятининг энг юқори даражаси бўлиб, у инсонларни энг эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга хизмат қиласидиган она Ватан баҳти-иқболи йўлида буюк жасоратга чорлайдиган ен-гилмас кучдир.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ – миллий истиқлол мафкураси-
нинг асосий гояларидан бири, мамлакат барқарор
тараққиётининг асосий шарти.

“ХАБЕАС КОРПУС” – бу атама судьянинг озодликдан
маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги
буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб,
“habeas corpus ad subjiciendum” (“сен шахсни судга олиб
келишга мажбурсан”) деган маънони англатади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., “Ўзбекистон”, 2018.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. № 4. -Т. : Адолат, 1993.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250), 1997.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил, 25 сентябрь. www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни. 2018 йил 12 апрел. www.lex.uz

6. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль. www.lex.uz

7. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. – Т. : Ўзбекистон, 2017.

8. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон. 2017.

9. Мирзиёев Ш. М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Ж. Т.: Ўзбекистон, 2018.

10. Мирзиёев Ш. М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улугъ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. З-Ж. Т.: Ўзбекистон, 2019.

11. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. www.prezident.uz

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь. www.uza.uz

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил, 28 декабрь www.uza.uz

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь www.uza.uz

15. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

16. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.

17. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

18. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7т. – Т. : Ўзбекистон, 1999.

19. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т. Ўзбекистон, 2000.

20. Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т. , 2003.

21. Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепсияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.

22. Каримов И. А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиз. – Т. : Ўзбекистон, 2015.

Фанга доир адабиётлар:

1. Бобоев X., Одилқориев X. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик . – Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
2. Гоббс Т. Избранные произведения. В 2-х томах. Т. 2. М. 1956.
3. Данилов А. Н. Переходное общество: проблемы системной трансформации. – Минск: Харвест, 1998.
4. Жалолов А. Фуқаролик жамияти асослари -Т.: Бактрия пресс, 2015.
5. Жумаев Р. ва бошқ. Шахс ва жамият. -Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
6. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1998.
7. Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. – Ташкент: Фан, 1996.
8. Заславская Т. А. Социальная трансформация российского общества: Деятельностно-структурная концепция. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Дело, 2003.
9. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
10. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/ Масъул муҳаррир А. Х. Сайдов. – Т. : “Адолат”, 2004.
11. Исломбеков У. ва бошқ. Кучли давлатдан кучли жамият сари. – Т. , “Академия”, 2005.
12. Кучерский В. Социальная философия: общество и сферы его жизнедеятельности. – М. : “Издательский дом ИНФРА-М”, 2003.
13. Қирғизбоев М. Демократик кўп партиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш

масалалари // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. – Т., 2003.

14. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

15. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998.

16. Монтескье Ш. Л. Избранные произведения. О законах в их отношениях к различным существам. – М., 1955.

17. Морозова Л. А. Основы государства и права. – М., 2004.

18. Мухаев Р. Т. Политология. -Москва: Проспект, 2011.

19. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: “Адолат”, 1997.

20. Общая теория государства и права: Учебник / А. Ф. Вишневский, Н. А. Горбаток, В. А. Кучинский. – М., 2004.

21. Одилқориев Ҳ. Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002.

22. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда, мерос, қадриятлар ва ворисийлик. – Т.: “Истиқлол”. 2009.

23. Очилова Б. Фуқаролик жамияти асослари. Т.: “Тафаккур қаноти”. 2014.

24. Очилова Б. Ҳозирги давр: геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёsat. – Т.: “Фан”, 2009.

25. Очилова Б., Аҳмедов Т. Жамият ва инсон: дахлдорлик ва юксалиш омиллари. – Т.: “Ижод-Принт”, 2020.

26. Пирогов А. “Политическая психология”. Изд.: “Трикста” - Москва, 2005.

27. Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.

28. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Т.: Ўзбекистон, 2008

29. Рўзиев Р. Демократия тараққиёт гарови. Т., “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2005.

30. Руссо Ж. Ж. Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. - М. : "Канон-пресс", "Кучково поле", 1998.
31. Сайдов А. Х, Таджиханов У. Т, Одилқориев Ҳ. Т. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т. , 2002.
32. Сайдов А. Х. Международное право и избирательное законодательство – Т. : ТГЮИ, 2004.
33. Сайтқосимов А. Жамият барқарорлиги ва шахс масъулияти. -Т: Тафаккур, 2013.
34. Сайтқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. -Т: Тафаккур, 2019.
35. Социальное партнерство- М. : "Экономика", 1999.
36. Фозилов У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари Т.: Ўз. Р. ИИВ Академияси, 2016.
37. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993.
38. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т. , 2003.
39. Шермухамедова Н. Фалсафа. Т. , НОШИР, 2012.
40. Эргашев И. ва бошқ. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мағкуравий жараёнлар. -Т. , Ijod dunyosi, 2002.
41. Эргашев И. Кучли фуқаролик жамияти йўлида. Тошкент, "Маънавият", 2011.
42. Эргашев И. Сиёsat фалсафаси. – Тошкент: Академия, 2004.
43. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т. , 1971.

Қўшимча адабиётлар:

1. Гончаров В., Ковалева Л. Об институтах общественного контроля органов исполнительной власти в Российской Федерации // Власть. 2009. №1
2. Грачева О. Место социальной поддержки населения в региональной социальной политике: методологический аспект // Человек и труд. – 2008. – №1.

3. Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Сайдов А.Х. Межпарламентские организатсии мира: Справочник, - М. : Международные отношения, 2004.
4. Диоген Л. “О жизни учениях и изречениях знаменитых философов”. ВИИИ. 16/Разум сердца. М., 1989.
5. Дониш А. Наводир ул-вақое. – Т. , 1964.
6. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993.
7. Касымова М. С. Новые подходы к исследованию социальной сферы // Вестник Москва. ун-та. Сер. 6. Экономика. - 1993. – № 4.
8. Кац М. Г. Методологические проблемы изучения социальной сферы жизни общества: Автореф. дис. доктора филос. наук. – М. , 1988.
9. Лаврентьева, И. П. Социальная политика и управление в социальной сфере: учебноепособие /. – Ульяновск:Ул ГТУ, 2009. С. 5.
10. Мўминов А. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг замонавий моделларини шакллантириш ҳолати ва истиқболлари. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2019 й. №1.
11. Мусаев. Ф. Шарқона демократия тажриба ва анъаналар тажассуми. Тафаккур. №4/ 2006.
12. Огнева В. Активность гражданская. <http://www.orags.orl.ru/do/manuals/polit/1.Htm>
13. Рутгайзер В. М. Социальная сфера: проблемы планирования. – М. , 1989.
14. Ташанов А. Бошқарув ислоҳотлари ва раҳбар компанентлиги. – Тошкент.: “Маънавият”, 2011.
15. Турғунов И. Инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий ислоҳотларнинг роли // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2016 й.
16. Тўхлиев Б. Юсуф Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1991.
17. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т, “Ўқитувчи”, 1995.

18. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устави ва дастури. -Тошкент: Шарқ, 2008.
19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: ЎМЕ давлат илмий нашриёти. № 9, 2003.
20. Ўзбекистон халқ демократик партиясининг дастури. // Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Минтақавий сиёсат жамғармаси, Тошкент, 2007.
21. Қуронов М., Мирзаев Ф. ва бошқ. Ободлик кўнгилдан бошланади. -Тошкент: Сано-стандарт, 2013.
22. Қуръони Карим. / Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли таржимаси. – Т. : Чўлпон, 1992.
23. Ўзбекистонда сиёсий партиялар. Минтақавий сиёсат жамғармаси. Тошкент, 2007.
24. Федотова В. Г. Типология модернизаций и способов их изучения // Вопросы философии, 2001, №4.
25. Хантингтон С. Будущее демократического процесса: от экспансии к консолидации // МЕиМО, 1995. № 6.
26. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Пер. с англ. -М.: АСТ, 2011.
27. Шавель С. А. Социальная сфера общества и личность. – Минск: Наука и техника, 1988.
28. Эйсенstadt С. Н. Модернизация: Протест анд Чанге. -Энглевуд Слиффс. – Н. Й. , 1966.

Интернет материаллари

1. [http://uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-is...
hlo-zhoylarda-yangilangan-namunaviy-loy-24-10-2016](http://uza.uz/oz/documents/2017-2021-yillarda-ishlo-zhoylarda-yangilangan-namunaviy-loy-24-10-2016)
2. [http://www.uz24.uz/uz/reviews/2017-2021-yillarda-qishloq-joylarda-yangilangan-namunaviy-loyialar...
buyicha-arzon-uy-joylar-qurish](http://www.uz24.uz/uz/reviews/2017-2021-yillarda-qishloq-joylarda-yangilangan-namunaviy-loyialar-buyicha-arzon-uy-joylar-qurish)
3. <http://xdp.uz/oz/news/index.php.ID=41093>
4. <https://sputniknews-uz.com/society/20161101/4025252/shavkat-mirziyoevning-saylovold-dasturi.html>.
5. Lipman W. Publik opinion. N. Y. , etc, 1992.

6. Lucas R. E. Jr. On the mechanics of economic development//Journal of Monetary Economics, Vol. 22, 3-42, 1988.
7. Moore J. Colonialism: The case of Mexican-Americans. in Social Problems, 1970, Nr. 17. -P. 463-472; Capitalism over the Longue Duree: A Review Essay. In: CriticalSociology, 1997, Nr. 23 (3). - P. 103-116. Eckstein H. The Idea of Political Development: From Dignity to Efficiency, in: World Politics, 1982, NY. 34.
8. Pye L. W. , Verba S. Political Culture and Political Development. -Princeton, N. J. , 1965.
9. Smelser N.. Sociology. New-Jersey. Prentice Hall. 1988.
10. The World Investment Report 2016: Investor nationality: Policy challenges. United Nations Conference on Trade and Development.

Мундарижа

Кириш 3

I-БҮЛİM.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ДЕМОКРАТИК, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

1-Мавзу. Фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётнинг феномени	8
1. Фуқаролик жамияти жамиятда юз берувчи социал ҳодиса	8
2. Фуқаролик жамияти ва уни ўрганишнинг назарий- методологик масалалари	20
3. Инсон, давлат ва жамиятнинг барқарор социал алоқаси фуқаролик жамиятининг муҳим омили.....	61

II-БҮЛİM.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК, НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси	90
1. Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш концептуал заминларининг асосланиши	90
2. Мамлакатда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор вазифалар	105
3. Фуқаролик жамияти институтлари ва уларни ривожлантириш механизмлари.....	124
2-мавзу. Қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат – фуқаролик жамиятининг асосий омили.....	140
1. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари.....	140
2. Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор шарти.....	154
3-мавзу. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти.....	161
1. Модернизация фуқаролик жамияти қуриш ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили	161

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	173
4-мавзу. Фуқаролик жамияти барқарор ривожланишида ижтимоий соҳанинг ўрни	211
1. “Ижтимоий соҳа” тушунчаси ва мазмун-моҳияти	211
2. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ўзгаришлари ва ривожлантиришнинг йўналишлари	222
3. Давлат дастурлари ижтимоий соҳани ривожлантириш омили	237
5-мавзу. Кучли фуқаролик жамияти барпо қилишда жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик функцияси	255
1. Фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик фикрининг ўрни	255
2. Давлат ва жамият бошқаруви жараёнида ижтимоий шерикликнинг роли	281
3. Фуқаролик масъулияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллик - фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омили	293
Назорат саволлари	316
Оралиқ назорат саволлари	322
Глоссарий	327
Фойдаланилган адабиётлар	350

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ СОЦИАЛ МЕХАНИЗМИ ВА АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

Оригинал макет «Tafakkur»
нашриётида тайёрланди.

Нашриёт лицензияси A1 № 231. 16.11.12.

Муҳаррир: О. Жумабоев
Мусаҳҳиҳ: Ю. Исоқова
Саҳифаловчи: Ҳ. Сафаралиев
Дизайнер: А. Фармонов

Босишига руҳсат этилди 05. 01. 2021. «Cambrìa» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Шартли
босма табоги 22,5. Адади 300 та.

«Tafakkur» нашриёти
Тошкент тумани, Қизғалдок, Бунёдкор МФЙ,
Кўл 17-тор кўча, 9-үй.

Email: tafakkurmaktub@mail.ru

Tel: (71) 244-75-88, (94) 664-40-03.

Оригинал макет
«Tafakkur» нашриётида тайёрланди.
«Tafakkur» нашриёти МЧЖ босмахонасида чоп этилди.